

**МУРОД КАЛОНХОНОВ,  
МУКАМБАРХОН КАЛОНХОНОВА**

# **ҚАДРИЯТНОМА**

Ёхуд юз ўғитга юз ривоят



**«Ниҳол»  
нашриёти**

**84(5У)6  
К18**

Калонхонов Мурод,  
Калонхонова Мукамбархон.

Қадриятнома. Рисола. Мурод Калонхонов, Мукамбархон Калонхонова. Сўзбоши муаллифи Б. Каримов.  
-Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2006. 304-б.

Мурод Калонхонов ва Мукамбархон Калонхоноваларнинг “Қадриятнома” рисолаларида юз ўнгитга юз ривоят келтириш асносида ахлоқий панд-насиҳатлар баён қилинган.

Китоб ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи мураббийларга, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**ББК 84(5У)6**

ISBN 978-9943-334-00-7

© “Ниҳол” нашриёти. 2006й.

## Сўзбоши ўрнида

Хурматли китобхон! Халқимиз истиқлолни қўлга киритиб, ўз миллий мафкурасини яратиш, манфур мустабид тузум даврида топталган қадриятларини тиклаш учун бор имкониятларини ишга солаётган, ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бераётган шу кунларда ахлоқ-тарбияга оид адабиётларнинг ғоят зарурлиги табиийдир. Шарқ оламида ахлоқий-тарбиявий адабиётлар сероб. Улар орасида Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билик», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб», Юсуф Товаслийнинг «Ҳикматлар хазинаси», Сайф уз-Зафар Навбаҳорийнинг «Дурр ул мажолис», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарлари аҳамиятини йўқотган эмас. Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний таъкидлаганидек ҳозир «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир».

Ватанимизнинг келажаги бўлган ёшлар миллий қадриятимиз руҳида қанчалик тарбия топсалар, халқимиз келажаги ҳам шунча порлоқ бўлади. Оддий ўзбек оилаларидан бири – Калонхоновлар оиласида ота-онанинг фарзандларига қилган ўғитларини бошқалар учун ҳам тавсия этмоқ фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз.

Ота-она- Муродхон ака ва Мукамбархон опалар ҳар кун кечки овқатдан сўнг фарзандлари учун тарбиявий машғулотларга вақт ажратадилар. Бу пайтда оила аъзолари қаерда бўлишмасин хонадонга етиб келишлари шарт. Оила жам бўлгач, кунлик фароиятлари ҳақида ҳамма бир-бир ҳисоб беради. Қилинган ишлар, хатти-ҳаракатлар биргалиқда таҳлил этилади. Эртанги

кун вазифалари ўзаро тақсимланилади. Шундан кейин ота-она ўз фарзандларига у ёки бу мавзуда қисқача панд-насихат этадилар. Насихатларида илгари сурилган ғоялар ибратли ривоятларга асосланади. Суҳбат отанинг мавзуга қараб ёзган бирон бир шеъри билан якун топади. Натижада ўғитлар шунчаки қуруқ насихат бўлиб қолмай, фарзандлар қалб туйғуларига таъсир этиб, улар онгида муҳрланиб қолади.

Оила бошлиқлари Муродхон ака ва Мукамбархон опалар ўз фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялаш, улар қалбида ватанпарварлик, халқпарварлик, садоқат, дўстлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳақиқатпарварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, ота-онага ҳурмат, қардошлик, меҳнатсеварлик каби муқаддас фазилатларни шакллантиришга алоҳида аҳамият берадилар.



Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган ўғитлар содда, тушунарли, оммабоп тилда ёзилган бўлиб, ундан **одобнома китоби** сифатида фойдаланиш мумкин. Китобда ўзбекона қадриятларимиз улуғланади ва тарғиб этилади.

**Бахтиёр Карим**

# ОТА-ОНА СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ

**Эй фарзандим!** Ота-онанг сўзига кулоқ тут, маънисини чақ. Улар узоқ йиллик умрлари давомида нечача неча синовлардан ўтган, вақтлар оша ҳикматга айланган, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Халқдан, ҳаётдан олинган ибратли ва ҳикматли сўзлар, доно фикрлар, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни ўзида мужассам этиб, кишилиқ жамиятида ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадар қимматли эканини донишмандлар қадим-қадимдан эътироф этиб келганлар. Юнон файласуфи Арасту «ақл кучи – ҳикматдадир» дегани бежиз эмас.

Бизнинг қадимий ва бой маънавий хазинага эга бўлган халқимиз кексаларнинг донишмандлиги ҳақида ибратли ва ҳайратомуз мақолларни яратган. «Катта-нинг нақли — кичикнинг ақли», «Чол, чолнинг сўзи — бол», «Отангнинг соқолига қарама, айтган мақолига қара», «Отадан ақл, онадан нақл», «Силаб, тараб соқолни, қарилар айтар мақолни», «Ота-она сўзи — болалар хазинаси» каби мақоллар шулар жумласидандир.

Халқимиз тарбиятида ота-оналар айтган гаплари бу фоний дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам фарзандлари учун ҳамма нарсадан устун, азиз ва муқаддас бўлади. Турмушда «менинг ота-онам айтардилар», «ота-онам бунақа ишнинг охири бахайр бўлмайди, дердилар» каби ибораларни эшитиб турамыз. Ота-оналардан қолган ҳикматлар фарзандлар учун бебаҳо мерос, ундан ўринли ва самарали фойдаланиш эса фарзанд учун битмас-туганмас хазина ва бахт-саодат манбаидир. Бу ҳақда ҳам халқимиз жуда топиб айтган ҳикматлар мавжуд.

«Ўтган бўлса ҳам чиндан, сабоқ ола бил ундан», «Ўтганлардан сабоқ ол, келажакка сабоқ бер», «Ўтган-

лардан ибрат ол, келажакка ибрат бўл», «Ўтгандан улгу ол, келажакка улгу сол» каби ҳикматлар шулар жумласидандир.

**Ривоят.** Бир донишманд ота ўғлига:

— Эй кўзимнинг нури, қалбимнинг қўри бўлган фарзандим! Мен вафот этгач, ҳовлимиздаги ерни яхшилаб қазиб кўрсанг, олтин топасан!, – деб васият қилибди.

Ота вафот этгач, фарзанд ҳовлисидаги ерни бир бошдан чуқур қилиб қавлабди. Бироқ олтинни тополмай ҳафсаласи пир бўлибди. Кейин олтиндан умидини узиб ариқ олиб, экин экибди. Буни қарангки, кузга бориб ҳосил шундай мўл бўлибдики, асти қўяверасиз.

Дехқон фарзанд хирмон кўтаргач ҳосилни бозорга олиб чиқиб сотган экан, пули бир олам олтин бўлибди. Шундан кейингина у отасининг васиятида «эй фарзандим, ерни чуқур чопсанг, тупроқни яхши юмшатсанг ҳосил яхши бўлади, уни сотиб, кўп олтинли бўласан!» деган маъно борлигини англаб етибди.

**Кўрдингми, фарзандим!** Ота-онанинг ҳар бир гапида ҳикмат яширинган бўлади. Агар бу ривоятдаги ота фарзандига ўша васиятни қилмаганида у ерни бу қадар чуқур чопмас, тупроқни ҳам шунчалик юмшатмас, мўл ҳосил олиб, бойиб кетмас эди. Худди шунинг учун ҳам ота-она сўзи — ақлнинг кўзи, дейдилар. Бас, шундай экан, унга риоя қилмоқ ҳам фарз, ҳам қарзdir.

Жавоҳир сандиғи ота-она сўзи,  
Сандиқни очгину жавоҳирлар тер.  
Ҳар бири бебаҳо, ақлнинг кўзи,  
Ҳар бири ҳикматдир, ўқи, зеҳн бер.

## **ЎГИТ**

*Оқил бўлсанг оқилона сўз дегин,  
Райҳонман деб райҳон сочар хуш бўйлар.  
Ҳалол бўлсанг ҳалол топиб нон егин,  
Ҳаромхўрлар ҳаром топмоқни ўйлар.*

*Ориф бўлсанг яхшилик қил, неклик қил,  
Жисмин ёқиб, зиё сочар офтоб ҳам.  
Садоқатни ҳар нарсадан азиз бил,  
Фазилатинг умринг учун бокарам.*

*Ваъда қилсанг, бўл ваъдангга вафодор,  
Ваъдабозлик эл ичинда хор этар.  
Жаҳолатга юзинг бурма, жаҳлдор  
Ўз оламинг, ўз кўзингга тор этар.*

*Севиб-севил, ҳаёт гўзал ишқ билан,  
Вафоли бўл, вафодорга йўқ завол.  
Амал қилиб бу ўғитга, болам, сан,  
Жўмард бўлиб, яшайвергин бемалол.*

## **МЕН — ВАТАН, ВАТАН — МЕН**

**Фарзандларим!** Инсон зоти ҳамиша улуғлаб, жондан зиёд севиб, бир ҳовуч тупроғини ҳам кўзларига тўтиё айлайдиган муқаддас Ватан асли нима? У қаердан бошланиб, қаерда тугайди? Унинг сарҳадлари борми? Бундай саволларга ҳар ким ҳар хил жавоб берса не ажаб. Лекин каминанинг фикрича, Ватан — мен, мен — Ватан. Бу тушунча бир қараганда, эриш туюлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам менинг Ватан ҳақидаги бу тушунчам ўзгармас, боқийдир.

Ватан — маълум бир ҳудудда яшаётган, ўша тупроқ неъматлари ҳисобига озикланиб, умри тугагач эса яна ўша тупроққа қоришиб ва авлодлари шу заминда кетаётган халқдир. Худди шу маънода Ватан — халқ, халқ — Ватандир.

Ўз жисмимизни қандай парвариш қилсак, унинг озода, гўзал бўлиши учун нечоғли қайғурсак, Ватанга ҳам худди шундай муносабатда бўлмоғимиз, уни ёвуз кучлар тажовузидан асрашимиз, истиқлолини ҳимоя қилмоғимиз, мустаҳкамлашимиз лозим.

Бу азиз Ватанга ҳар биримизнинг ота-боболаримиз, она-момоларимизнинг жисми қорилган. Биз ҳам шу тупроқдан ҳосил бўлган неъматларни истеъмол қилиш ҳисобига улғайдик. Эртами, кеч (ўлим ҳақ!) яна шу заминга кўмилиб, қоришиб кетамиз. Демак, мантиқан қараганимизда

Мен Ватандан пайдо бўлдим,  
Демак, мен ҳам Ватанман.  
Охир Ватан тупроғига  
Кўшилгувчи бир танман.

дейишга тўла асос бор. Шундай экан:

Ватанимни севганлигим,  
Ўз-ўзимни севганим.  
Ватанимни деганлигим,  
Ўз-ўзимни деганим.

Хулоса шуки:

Ватанимни ёт кимсадан  
Сақлаш мақсадим маним.  
Ағёримнинг шамширидан  
Сақлаганимдек таним!

Биз учун Ватан жонажон Ўзбекистондир.

Нега шундай? Сабаби, бизнинг киндик қонимиз тўкилган юрт бўлгани учунми? Йўқ, кишининг киндик қони тўкилган ер унинг Ватанидир, деган гапни ҳақиқат сифатида қабул қилмоқ ножоиздир. Негаки, кишининг киндик қони тўкилган ер доимо ҳам Ватан бўлавермайди. Ватан у ёки бу миллатнинг ўтмиш авлодлари яшаган, жисми тупроғига қоришиб кетган макондир.

Агар мен — бир ўзбек фарзанди тақдир тақозоси билан Японияда туғилган бўлсам, яъни киндик қоним Японияга тўкилган бўлса, шунга асосланиб «Япония —



менинг Ватаним» дейишим асоссиз ва мантиқсиздир. Япония ўша мамлакатда қадим-қадимдан яшаб келаётган японларнинг Ватани, бошқа ҳеч кимнинг эмас! Шунингдек, Россия русларнинг, Франция французларнинг, Польша полякларнинг Ватанидир. Шунинг учун ҳам у юртлар ўша миллатларнинг номи билан аталади. Биз ўзбеклар ҳам Ватанимизнинг Ўзбекистон деб аталишидан фахрланамиз. Уни «ўхшаши йўқ бир бўстон», деб қадрлаймиз. Айниқса, юртимиз истиқлолни қўлга киритгач Ватан туйғусию миллий ғуруримиз янада ошди. Ватанга муҳаббат, она халққа хурмату фидойилик ҳар бир инсон учун олижаноб фазилат. Бусиз инсон ҳеч қачон ҳақиқий одам бўла олмайди. Буни ҳар бир киши, айниқса, ота-оналар яхши тушунишлари ва фарзандлари тарбиясида шу жиҳатни бош мезон деб билмоқлари шарт.

**Эй, азиз фарзандларим!** «Мен — Ватан, Ватан — мен» деган азиз тушунчани чуқур идрок этинг ва умрингиз давомида унга содиқ қолинг. Она юртимиздаги «ҳар бир гиёҳ, ҳар бир иморат, оқар сувлару тоғу тошлар — ҳамма-ҳаммаси меники» деб билинг, ўзингизнинг ҳам уларнинг бир қисми, жонли бўлаги эканлигингизни унутманг.

**Ривоят.** Бир ошиқ йигит бўлган экан. У маъшуқасининг васлини интиқ бўлиб кутару, лекин етолмас экан. Шу боис ҳам ёр васлини куйлайвериб, ажойиб шоир бўлибди. Маъшуқаси ҳам ошиғига етолмас, унинг ишқида тинмай ўртанар, бағри тўла қон бўлар, бироқ улар бир-бирларига етишолмай доғда эканлар. Оқибатда ҳижрон азобига дош беролмай вафот этишибди. Орадан вақт ўтиб бағри қон маъшуқанинг тупроққа айланган жисмидан қизил гул униб чиқибди. Ошиқ шоирнинг тупроғи эса булбулга айланибди-ю, учиб келиб қизил гул шохига қўнибди.

Шундан кейин ошиқ йигит ва унинг маъшуқаси ўртасидаги муҳаббат гул ва булбул сиймосида давом этибди.

Бу ривоятда Ватаннинг бир жонли бўлаги бўлмиш

ошиқ йигит ва маъшуқа қизнинг вафот этгани, жисмлари тупроққа айлангани, кейин эса бири гул, иккинчиси булбул қиёфасида намоён бўлгани ҳикоя қилинган.

Ривоятдаги йигит ҳам, қиз ҳам, уларнинг тупроққа айланган жисмлари ҳам, кейин ундан пайдо бўлган гул ва булбул ҳам Ватаннинг турли кўринишларидан биридир. Агар халқимиз миллионлаб одамлардан иборат эканини, уларнинг барчаси ҳам вақти келиб қазо қилишлари, жисмлари чириб Ватан тупроғига айланиши, кейин бу тупроқ яна жонли ва жонсиз мавжудотларга айланиши шубҳасиздир.

Ватандан юзага келади халқ ҳам,  
Вақти келиб яна бўлади Ватан.  
Одам ўтар, Ватан мангудир ҳар дам,  
Халқ гўё жон эрур, Ватан эса тан.

### **ВАТАН**

*Эй Ватаним, осмон бўлсанг,  
Мен бир юлдуз эрурман.  
Ёки улкан уммон бўлсанг,  
Мен бир томчи сувдирман.*

*Куюш бўлсанг бир заррангман,  
Дарахт бўлсанг бир меванг.  
Она бўлсанг мен болангман,  
Бажаргум сен не десанг.*

### **ЮРТИМ**

*Жондан ортиқ севаман юртим,  
Хижронингга йўқ эрур тоқат.  
Тупроғингни кўзимга суртдим,  
Толе сўраб қилдим ибодат.*

*Шоирона менгзов истасам,  
Қиёсингни тополмам асло.  
Хас-хазонинг ҳатто сизласам,  
Тошларингга бўлсам маҳлиё.*

Садоқатим айласам ошкор,  
Ҳурматингни жойига қўйсам.  
Ошигингман, сеvimли диёр,  
Армоним йўқ васлингга тўйсам.

Гар ўхшаса васлинг куёшга,  
Сенга томон учгим келади.  
Айланиб бир содиқ йўлдошга,  
Учиб бориб қучгим келади.

Бўлсанг агар гул юзли дилдор,  
Қучоғимга олиб суярдим.  
Бўлар эдим беадад хуштор,  
Муҳаббатинг дилда туярдим.

Сен несанки, шунчалар буюк,  
Сенга томон елгим келади.  
Сен несанки шунчалар суюк,  
Сенга томон меҳрим елади.

Хис бўлсанг гар қалбимга синги,  
Туйғу бўлсанг юрагимда жўш.  
Қўшиқ бўлсанг, майин оҳанги  
Сеҳрлайди қалбим, жигаргўш.

Не бўлсанг ҳам юрагимдасан,  
Кўз қорамдай асрайман сени.  
Эй мўътабар, муқаддас Ватан,  
Улуғдирсан онамдек мени.

## **СИЗ ЎЗБЕКСИЗ**

**Шундай, фарзандларим.** Сиз ўзбексиз. Мустақилсиз, эркинсиз, ҳурсиз. Хур Ўзбекистон сизнинг Ватанингиз. Хур ўзбек, озод Ўзбекистон деган жарангдор сўзлар нақадар серфайз, сермаъно, серхислату

фусункор! Бу сўзлар жозибасини кўриш, ҳис қилиш сизга насиб этмишдирким, уни ҳеч муболағасиз чексиз бахт, чексиз саодат демак жоиздир.

Ҳа, сиз бахтли, саодатли ўзбексиз, юртингиз истиқлол қуёшининг сержилва нурларидан чароғон, келажак эса бундан-да порлоқ, бундан-да гўзал, бундан-да жозибадор!

Келинг, XXI асрнинг дастлабки пиллапояларидан туриб келажакка тафаккур дурбинлари билан бир боқиб кўринг. Шунда сиз шонли Ўзбекистоннинг дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторида кўриб, қувончдан энтикиб кетасиз. Халқингизнинг фаровонлиги, дастурхонининг тўкинлиги шундоқ кўз олдингизда намоён бўлади-ю, қалбингиз яйраб-яшнаб кетади.

Бошларига чустдўппи кийган йигитлар ва атлас либосларида товус каби ял-ял товланадиган жонон қизларнинг ҳазил-мутоибалари, қаҳ-қаҳалари дилингизда завқ-шавқ уйғотади, тўлқинлантиради. Худди шу тенгқурларингиз ҳар қатра тупроғи зарга менгзалган Ватанингиз келажagini яратувчи бунёдкорлардир. Сиз ҳам улар сафида борлигингиздан фахрланинг. Сиз ўз тенгдошларингиз билан Ватан тақдирини яратмоқдасиз. Илоҳим, эътиқодингиз бақувват, билимларингиз юксак, маънавиятингиз юқори бўлсин, болаларим.

Сиз энг аввало ким эканингизни, кимларнинг зурриёди эканингизни англаб олинг. Ўз даҳолари-ю салоҳиятлари билан бутун оламни ҳайратга солган Мир Алишер Навоий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Форобийлар сизнинг бобокалонларингиз, Нодира, Увайсий, Анбар отин, Маҳзуна, Зебунисолар момоларингиз бўлади. Эй жигаргўшаларим, сиз ана шу буюк зотларнинг авлодсиз, билиб қўйинг!

Ана шу бобокалонларингиз каби ўзбеклигингизни оламга намоён этинг, Халқингизни улуғланг. Унинг номини кўкларга кўтаринг. Зеро, сизнинг томирингизда ватанпарвар Муқанна, Мангубердиларнинг қоңлари оқиб юрибди.

Агар халқингизга муносиб фарзанд бўлсангиз, сизни гоят тақводор Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Мотурудий, Сўфи Оллоёр каби шоир, олиму фузалоларнинг руҳи қўллайди.

Ўзбек деган номга муносиб бўлинг. Унинг шаънига асло доғ туширманг. Сизни жаҳон майдонида кўрган ҳар бир киши «кошки мен ҳам мана шу ўзбекка ўхшасам» деб орзу қилсин.

**Шундоқ, фарзандларим!** Ҳеч қачон ўзлигингизни унутманг, қалбингизда миллий ғурур, миллий ифтихорингиз жўш уриб турсин. Эл бошига иш тушганда эса бобонгиз Широқ каби мард бўлинг, жасур бўлинг.

Юртимизга ёв босиб келиб, халқимиз ҳурлиги хавф остида қолган чоғда унинг бир ўзи душманнинг лаклак кўшинини тор-мор этади.

**Ривоят** қилишларича, даҳшатли ёв битмас-туганмас куч-қудрати билан юртимизга бостириб киради. Шоҳ саркардаларни йиғиб маслаҳат қилади:

— Хўш, нима қиламиз? Душман кучли, очик жангда уни енгишимиз душвор!

— Агар рухсат берсангиз уни бир ўзим енгаман, — дебди саркардалар анжуманига кириб келган оддий чўпон Широқ. — Қулоқ ва бурунларимни кесиб ташланглар-да, уёғини менга қўйиб беринглар.

Унинг айтганини бажо келтиришди. Қулоқ-бурунлари кесилган Широқ душман подшоҳи ҳузурига етиб бориб дебди:

— Эй қудратли шоҳ! Юртимиз шоҳи жоҳил, бағри тош. Мана менинг аҳволимни кўр. Мен ундан кўп жабр кўрганман. Агар рози бўлсанг сени қўшинларинг билан энг яқин ва улар кутмаётган йўлдан бошлаб бо-раман.

Босқинчи Широққа ишонибди. Бир ҳафталик озиқ-овқат ва сув олиб йўлга тушишибди. Бироқ жазирама саҳрода роппа-роса етти кун юришибди. Шоҳ Широқдан:

— Эй ношуд! Етти кунлик йўл деб эдинг. Бир том-

чи ҳам сув, бир ушоқ ҳам егулигимиз қолмади. Аммо манзилдан дарак йўқ. Айт, қачон бу жазирама саҳро азобидан халос бўламиз? — деб сўрабди.

— Ҳеч қачон!? — дебди Широқ дангал. — Энди тўрт томонинг ҳам етти кунлик йўл. Хоҳлаган тарафинга қараб юравер. Барибир ҳамма аскарларинг билан қирилиб ўласан. Ҳа, мен бир ўзим ҳаммангни енгдим! Билиб қўй, бизнинг юртимизга кимки уруш очса, унинг бошига албатта сенинг кунинг тушади!

Дарғазаб бўлган шоҳ Широқнинг бошини танасидан жудо қилибди. Лекин ўзи ҳам барча аскарлари билан жазирама саҳрода очлик ва ташналиқдан нобуд бўлибди.

Широқнинг бу жасорати асрлардан асрларга ўтиб ҳамон тилларда дoston бўлиб келмоқда.

Сиз ўзбексиз, ўзига бексиз,  
Арзигаёй этсангиз минг бор ифтихор.  
Шу улуғ шуҳратга муносиб бўлиб  
Ғам-алам нелигин кўрмангиз зинҳор.

## РУҲИМ

*Дейдилар: одамзод ўлгандан сўнг ҳам,  
Жисми чириса-да, руҳи қолади.  
У яшаб юради беқайғу, беғам,  
Ўзганинг жисмига кириб олади.*

*Мен ҳам бир кун ажал етса ўламан,  
Жисмимни гўристон муқаррар ютар.  
Ундан кейин, айтинг, мен ким бўламан,  
Руҳим қай инсоннинг жисмига ўтар?*

*Ўшанда ҳам руҳим қоларми шундоқ,  
Ўзгариб кетмасми жисмига қараб.  
У инсон юраги бўлармикан оқ,  
Яшарми эзгулик корига яраб.*

*Феълү-атвори ҳам ўзгармасмикан,  
Шундоқ қолармикан дид, фаросат, таъб.  
Доғсиз қолармикан ҳозиргидек шаън,  
Ёнидан кишилар ўтмасми қарғаб.*

*Садоқат, вафони муқаддас билиб  
Меҳр кўярмикан ёрига мендек.  
Ва ё хиёнатни бўйнига илиб,  
Имоннинг йўлига кўярмикан чек.*

*Бўла олармикан мен каби ўзбек,  
Сева олармикан Ўзбекистонни.  
Яшай олармикан бекудрат, бекек,  
Сотивормасмикан пулга виждонни.*

*Шеърият мулкига ихлосин кўйиб,  
Тунлар мижжа қоқмай битарми ашъор.  
У кишида шаъним кетмасми куйиб,  
Сақланиб қоларми қалбимда не бор?*

*Агар ўзлигимдан айрилар бўлсам,  
Агар ўзбеклигим кўйсам йўқотиб,  
Рухим ҳам даф бўлсин мен қачон ўлсам,  
Жисмимдек ҳок бўлсин, майли, тош қотиб.*

## **ХУРЛИГИНГ — НУРЛИГИНГ**

**Шундоқ фарзандим!** Хурлик инсоннинг нурлиги. Усиз ҳаёт бамисоли зулмат. Озод киши бу ҳақда ўйлаб кўрмайди. Гўё хурлик деб номланган буюк неъмат инсон ҳаётининг ажралмас қисмидек туюлади унга. Йўқ, аслида бундай эмас. Оллоҳ таоло бахш этган бу буюк неъматни асраш, қадрлаш керак.

Хурликдан жудо бўлишни шунчаки инсонни қамаб қўйиш, ташқи дунёдан ажратиб ташлашдан иборат деб тор тушунмаслик керак Тўғри, инсонни у ёки бу қилмиши учун қамаб, жамиятдан ажратиб ташлаш ҳам уни хурлигидан жудо этиш ҳисобланади. Дунёнинг барча мамлакатларида бу хилдаги озодликдан маҳрум этиш инсонга жазо сифатида берилади. Бундай жазога мубтало бўлишдан инсон зотини Яратганнинг ўзи ас-расин.

Тарихга назар ташласак, ўтмишда қуллар эрксиз бўлган. Оллоҳга беҳисоб шукурлар бўлсинки, эндиликда инсон зоти бунақа эрксизликдан халос бўлган. Бу қуллик албатта ўз- ўзидан барҳам топмаган. Бу жараён осон кечмаган. Аввало, шу қулларнинг ўзлари узоқ муддат жон олиб-жон беришган. Улар қулликдан кўра ўлимни афзал кўрганлар.

**Ривоят** қилишларича, жаҳон адабиётида машҳур масалчи сифатида тан олинган юнонистонлик Эзоп нақадар ақл-фаросатли бўлса-да у қул эди. Кунларнинг бирида тилшунос Афрос билан денгиз бўйига борганида уларни қароқчилар тутиб олишади. Ҳар икковларини қул бозорига сотгани олиб боришади. Қароқчилар тилшуносга юз, Эзопга ўн тилла нарх қўядилар. Шунда уларга харидор бўлган бойвачча Ксандр тилшуносдан сўрайди:

— Агар сени сотиб олсам, қўлингдан нима иш келади?

— Бу дунёда менинг қўлимдан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Нима иш буюрсангиз қилавераман. Мени сотиб олиб, шу қароқчилардан халос этсангиз бас.

Бойвачча хурсанд бўлиб уни сотиб олибди. Кейин Эзопга юзланиб:

— Сенинг қўлингдан нима иш келади?- деб сўраган экан, у:

— Жаноби олийлари, сиз ҳозир сотиб олган шеригимнинг қўлидан дунёдаги барча иш келар экан, мени со-



тиб олишингизга ҳожат қолмайди-ку? Нима қиласиз мени ўзингизга ортиқча юк қилиб, — деб жавоб берибди.

Бойваччага Эзопнинг жавоби маъқул келиб, уни ҳам сотиб олибди. Шу кундан бошлаб Эзоп ақл-идроки юксаклигидан хўжайинининг энг яқин маслаҳатгўйи, ёрдамчисига айланибди. Ҳатто ўз хотини билан ҳам бирга овқатланмайдиган Ксандр у билан бирга овқатланарди. Бироқ Эзоп бу хонадонда нақадар кучли иззат-эътибор қозонса ҳам шу қуллигидан эзиларди.

Узоқ йил хўжайинига садоқат билан хизмат қилган Эзоп қилган яхшиликлари, келтирган беҳисоб фойдалари эвазига озод этишни сўраганида, хўжайини илтимосини қондиради. Қўлига эркин ва ҳур инсонлигини тасдиқловчи ҳужжат тутқазади.

Озодлик нашидасини суриб кўчада кетаётган Эзопни миршаблар тўхтатишибди, тезда хўжайинининг уйига қайтишини талаб қилишибди. Эзоп озод этилгани ҳақидаги ҳужжатни кўрсатибди. Миршаблар ишонмай кўлидаги халтасини титкилаб кўришса лаш-лушлари ичидан хўжайинининг қимматбаҳо кумуш қадаҳи чиқибди. Бу қадаҳни Эзопнинг озод этилганини кўролмаган бошқа бир қул билдирмай халтасига солиб кўйган экан.

Миршаблар Эзопни судраб хўжайинининг олдига олиб боришибди. Ксандр унинг озод этилганини тасдиқлабди. Лекин миршаблар Эзопнинг халтасидан чиққан қадаҳни кўрсатишганида у ҳангу-манг бўлиб қолибди. Шунда унга эндиликда ё яна хўжайинига қайтиб қул бўлишни, ёки ўғрилиги учун ўлим жазосини танлашини таклиф қилишибди. Шунда Эзоп ҳеч иккиланмай, қуликдан кўра озод инсон сифатида ўлишни афзал кўрибди.

Мазкур ривоятдан, инсон боласи учун озодликдан буюк бахт йўқ эканлиги англашилади. Ҳурлик инсон учун ҳатто жондан ҳам азиз неъмат бўлиб, ундан жудо бўлмоқдан кўра жондан жудо бўлмоқ афзалдир.

Инсон чидар экан ҳар қандай ғамга,  
Енгиб ўтар экан дуч келса офат.  
Иродасин қарши қўйиб аламга,  
Қалбида туярган жасорат, қудрат.

Юриб турмаса ҳам икки оёғи,  
Ишламай қолса ҳам ҳатто қўллари.  
Минг азоб берса ҳам қалбининг доғи,  
Давом этар экан ҳаёт йўллари.

Аммо озодликдан бўлса у жудо,  
Буткул адо бўлар экан нурлиги.  
Мурувват айлагин, эй қодир Худо,  
Ҳар кимнинг йўлдоши бўлсин хурлиги.

Эзоп яшаган қулдорлик даври тугаганидан кейин ҳам инсонни қул қилишга уринишлар барҳам топмади. Энди мустамлакачилик авж олди. Ривожланган кучли давлатлар кучсиз мамлакатларни забт этиб, халқларининг хурлигини оёқ ости қилишди. Минг афсуски, ўзбек халқи ҳам бу мусибатга дучор бўлди. Озодлик учун бўлган қўзғолонлар чор қўшинлари томонидан бостирилиб, қўзғолончилар аёвсиз қатл этилди. Шўро тузуми даврида Усмон Носир, Чўлпон, Қодирий, Авлоний, Боту каби минглаб истиқлол фидойилари машъум қатағон қурбонлари бўлдилар.

Ниҳоят, 1991 йилнинг 1 сентябр куни халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди. Ўзбекистон оламга ўз мустақиллигини эълон қилди. Инон-ихтиёри ўз қўлига ўтди. Бу кун — жонажон Ўзбекистонимиз халқи озод бўлган шарафли кун. Шу боисдан ҳам бу кунни байрам қиламиз. Хуррият байрамингиз муборак бўлсин, азиз фарзандларим! Илоҳим шонли хуррият боқий бўлсин!

Хуррият мисоли чароғон офтоб,  
Офтобсиз бу олам тўларми нурга.  
Тобелик, қарамлик беадад азоб,  
Эрксиз киши етмас ҳаргиз хузурга.

## **ҲУРЛИК КУНИ**

*Хуш келибдир, мухтарам хурлик куни,  
Энг улуг айёму энг нурлик куни.*

*Чиқ, фалакнинг тоmidан оламга боқ,  
Бул куни ўзбекнинг машхурлик куни.*

*Қадни фоз тут, қувна, яйраб яшнагин,  
Бор экан тақдирда мағрурлик куни.*

*Завқ билан дунё овозига қўшил,  
Эрк деган даъват учун жўрлик куни.*

*Мангу озодсан, унинг қадрига ет,  
Барча миллат тенгу тенгқурлик куни.*

*Шодмондир кекса-ёш, ўйнаб кулар,  
Дилрабо, зебою масрурлик куни.*

*Яхшилаб байрам паловин дамлагил,  
Жонажон халқимга ошхўрлик куни.*

*Эй Калон, илҳом билан ёзгил ғазал,  
Шеъриятнинг элга манзурлик куни.*

## **ХАЛҚИНГ — БАХТИНГ, ЮРТИНГ — ТАХТИНГ**

Халқинг — бахтинг, юртинг — тахтинг, дейдилар.  
Бахтингдан айрилсанг тахтинг йўқ, тахтингдан айрил-

санг бахтинг сендан юз ўгиради. Бу дунёда бахтинг билан тахтингда яшашни яратган зот сизларга раво кўрсин, болаларим.

Инсон зоти ўз бахтию, тахтидан юз ўгирмайди. Уни авайлаб-асрайди, эъозлайди. Аммо ҳеч қачон топтамайди, нобуд қилмайди. Бироқ минг бир таассуфлар бўлсинки, бошига келиб қўнган бахт қушини ҳайдаб учириб юборадиганлар ҳам учраб туради.

**Ривоят** қилишларича, қадим замонда бир подшоҳ ўтган экан. У ниҳоятда баднафс ва шуҳратпараст бўлгани етмагандек, калтафаҳм ва нодон ҳам экан. Мамлакатни ҳам худди ана шу баднафси йўлида нодонлик билан бошқарар, юртни ўчоқ, халқини эса пўчоқ дер экан.

Шоҳнинг Ҳасан-Ҳусан исмли эгизак ўғиллари бўлиб, улар ҳам отасига ўхшаб калтафаҳм эканлар. Шоҳ фарзандларига тариқча заҳматни раво кўрмас экан.

— Мен сизларга роҳат-фароғат, айш-ишратни раво кўрдим, завқ-шавқ, қувонч ҳамроҳингиз бўлсин. Фамташвиш, изтиробдан бегона бўлинг. Улар авом халққа тегишли, меҳнат улус зиммасида, роҳат сизларники. Сизлар ҳунар ўрганаман деб заҳмат, илм оламан деб азият чекманг. Нечунким мамлакатнинг ҳунармандлари ҳам, олимлари ҳам бисёр. Улар сизга тобе, хизматингизда. Хоҳлаган пайтдаги хоҳлаган хоҳишингизни бажо келтираверадилар, — дер экан шоҳ ўғилларига.

Сиз эл деб заҳмат чекманг. Эл сиз учун азият чекмоққа маҳкум. Юрт неъматларини истаганча енг, халқ мулкани хоҳлаганча талаб, кўнгилхушлик этинг, улар сизга шодлик бағишласа бас. Нечунким сиз емасангиз ҳам, сиз совурмасангиз ҳам қора халқ еб битиради. Шундоқ экан, ўғилларим, дунё ўткинчи, унда бахтиёр бўлиб яшаб қолинг. Сизларнинг лаҳзалик роҳатингиз учун минглаб фуқаро қурбон бўлса, билингки, улар шунга маҳкум. Билиб қўйинг, сиз талаган билан юрт тугамайди, халқ қирилиб битмайди.

Шаҳзодалар нодон ота насихатиға риоя қилиб, дард нима, ғам нима билмай ўсибдилар. Қўлларида хунар, бошларида ақл бўлмаса ҳам истаклари муҳайё бўлгач, маишату айш-ишратга ружу қўйибдилар.

Аммо жаҳолат ботқоғига бутган шоҳ айтганидек, халқ пўчоқ эмас экан. Аксинча буюк шоир айтганидек:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.  
Халқ қўзғалса, куч йўқдирки, тўхтатсин,  
Қувват йўқким халқ истагин йўқ этсин.

Вақтики етиб халқ қўзғалибди. Золиму нодон шоҳни тахтдан улоқтириб, бошини танасидан жудо этибди. Шаҳзодалар узоқ юртларга бадарға бўлишибди. Бегона юртларда Ҳасан ва Ҳусанларга бахт кулиб боқмабди. Энди улар шаҳзода эмас, мусофир фуқаро сифатида ризқ излай бошлашибди. Аммо на хунар, на билимлари бўлган қовоққаллаларидан бирорта ҳам тўғри фикр чиқмабди. Оқибатда хорлигу зорликка мубтало бўлибдилар, уларнинг телбанамо ҳатти-ҳаракатларини кўрган халқ «булар телба» деган хулосага келишибди. Шаҳзодалар эл аро шарманда бўлиб, гадоилик қилишга мажбур бўлибдилар.

**Фарзандларим!** Мен шоҳ эмасман, сизлар ҳам шаҳзода эмассизлар. Аммо бахтли-тахтли инсонлармиз. Бахтимиз — халқимиз, тахтимиз — юртимиз. Оллоҳ бизларни ана шулардан жудо қилмасин. Сизлар ҳам элу юртимизни севинг, унинг истиқлоли боқий бўлмоғи учун бор имкониятингизни сарф этинг. Элу юрт хизматида бўлиб, муқаддас Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши учун курашинг. Шундагина бахтимиз боқий, тахтимиз мустаҳкам бўлади.

Халқинг бахтинг эрур, диёринг–тахтинг,  
Уларсиз ғарибсан, жондан жудо сан.  
Элу юртинг эрур қўша қанотинг,  
Шарафдир улар-чун бўлсанг фидо сан.

## ЭЛГА ЗИЁН БЕРМАС

*Чин инсон улки, ҳаргиз элга зиён бермас,  
Халқини рози қилмай, ҳаттоки жон бермас.*

*Юртининг гардини ҳам кўзига суртгай, аммо  
Ағёр, ватанфурушга бир лаҳза ён бермас.*

*Хоин кишидан асло кутмайди эзгуликни,  
Хуштаъм, шифо асални ҳеч вақт илон бермас.*

*Халқига содиқ ўлғон касларни дўст тутарким,  
Эл суймаган бировга ҳеч ошиён бермас.*

*Хар дам улуғлагайдир қутлуқ, азиз Ватанни,  
Юрт ишқидан бўлакка дилда макон бермас.*

*Меҳру муҳаббатимдир юртимга армуғоним,  
Шеър аҳли, эй Калоний, элга зиён бермас.*

## ХАЛҚИНГГА ЁҚҚАН ИШНИ ҚИЛ

**Эй фарзандим!** Инсон зоти борки, у ёки бу халққа мансуб бўлади, унинг фарзанди ҳисобланади. Бас, шундай экан, фарзандлик бурчини бажармоғи шарт. Агар бурчини адо этмаса, она халқига содиқ бўлмаса, билгилки, у оқпадардир.

Сен ўз халқинг билан умрбод бирга бўл, ҳеч қачон ундан ажрама. Бордию, узоқ кетар бўлсанг ҳам, қалбинг, ўй хаёлинг доимо унда бўлсин. Ғойибона бўлсада халқинг билан ҳамкор, ҳамнафас бўл. У ёқтирган ишни ёқтир, ёқтирмаганини ёқтирма.

Шундай **ривоят** бор. Бир йигит бақлажонни жуда шуш кўрар экан. Ундан таом пишириб, энди ейман деб турса, сафарга кетган онаси келиб қолибди. У жуда очиққан экан. Бошқа тайёр таоми йўқлиги учунми,

фарзанди унинг олдига бақлажондан тайёрланган таомни кўйибди. Она ниҳоятда оч бўлгани учун бу камтарона овқатни еб туриб, беихтиёр:

— Бақлажон ҳам жуда хушхўр таом бўлар экан,- деб юборибди.

Бу сўзни эшитиб қолган ўғли дарҳол бақлажонни мақтай кетибди. Бироқ онанинг қорни бир оз тўйгач, меъдасига тегибди: «Шу ҳам овқат бўлдими, ҳали тўймасингдан меъдангга тегади», деган экан, ўғил ўша заҳотиёқ бақлажонни ёмонлай бошлабди. Буни эшитган онаси:

— Ҳой ўғлим, ҳозиргина бақлажонни мақтаётган эдинг, энди эса уни ёмонлай бошладинг, бу қанақаси? — дебди.

Шунда ўғли:

— Эй онажоним, мен бақлажоннинг эмас, сизнинг ўғлингизман. Шунинг учун сизга хуш ёқадиган нарсани гапиришим керак,- деб жавоб берибди.

**Сен ҳам, эй фарзандим,** онасига содиқ бўлган шу ўғил каби она халқингга содиқ бўл, унинг раъйига қараб ҳаракат қил. Қадриятларию анъаналарини доимо улуғла. Агар бордию шоир ёки ёзувчи бўлсанг, унинг мадҳини куйла, хоҳиш-иродасини тараннум эт. Негаки сен шу она халқингнинг фарзандисан. Фарзанд эса ҳеч қачон онасининг хоҳиш-иродасига қарши иш қилмайди.

Фарзандим, халқингнинг, бир заррасисан,  
Ундан айру тушсанг ҳаётинг абас.  
Кўнглини овлагил, токи тириксан,  
Ҳамкор бўл, ҳамдам бўл, бўлгил ҳамнафас.

## **ХАЛҚИМ УЧУН**

*Бахш этарман борлигимни аввало халқим учун,  
Сарф этарман қувватимни доимо халқим учун,  
Неки хуш бўлса мудом кўргум раво халқим учун,  
Дилдаги ҳар мақсаду ҳар муддао халқим учун,  
Бир умр хизматдадирман раҳнамо халқим учун.*

Она халқим бор экан, оламда мен ҳам борман,  
Омади чопса унинг, мен толеимга ёрман,  
Ранжиса ранжийди қалбим, кулса кулгудорман,  
Бўлмаса халқим харобман, хорману ҳам зорман,  
Жон берай лозим эса бу бебаҳо халқим учун.

Халқини севмоқ иши инсон бўлишлиқдан дарак,  
Чунки инсон наслига энг аввало халқи керак,  
Халқ юракдир, халқи йўқ одам мисоли беюрак,  
Меҳрибонроқ борму, айт, инсонга халқидан бўлак,  
Меҳриму севгимни ҳеч қилмам адо халқим учун.

Мир Алишердек буюк зотлар унинг фарзандидир,  
Нодира, Маҳзуналар севган қизи — дилбандидир,  
Термизий, Нақшбаңдий, Бухорийлар улуғ монандидир,  
Бобиру Темур боболар асил жигарбандидир,  
Бош эгиб таъзим қилурман сердаҳо халқим учун.

Ўзбекистон деб аталмиш юрт эрур унга макон,  
Шу макон деб Қодирий, Чўлпону, Усмон берди жон,  
Мен уни чиндан севиб доим дегайман жонажон,  
Эл-улус бағрида яйраб топдилар, иқбол ва шон,  
Баъзилар бўлмиш жаҳон ичра гадо халқим учун.

Таърифин битмоққа етмас кенг замин у осмон,  
Тинмайин ёзган билан бўлмас адо ул ҳеч қачон,  
Арзигай сарф айласам унга, Калон, минг хонумон,  
Бахти кулгандир, ёронлар, бу замон, хурлик замон,  
Яйрагум булбул мисол қилсам наво халқим учун.

## ЭЛ ИШОНЧИ — ОЛИЙ СИФАТ

**Азиз фарзандим!** Ўқи, излан. Комил инсон бўлиб,  
камол топ. Улғайгач, илминг ва қобилиятингга яраша  
бирор иш бошини тут. Шуни эсда тутгилки, мабодо



халқ осойишталигини ҳимоя қилувчи идорада иш-лаш бахтига мушарраф бўлсанг, касбингга муносиб хизмат қил. Маошингни ҳалол қилиб ол. Доимо хушёр, зийрак, халқ осойишталигининг ҳақиқий посбони бўл. Акс ҳолда сенга эл-улуснинг ишончи қолмайди. Олган маошинг ҳам ҳалол бўлмайди.

**Ривоят.** Бир бева кампирнинг бисотида бор-йўғи биттагина эчкиси бор экан. Бир куни уни ўғри тунаб кетибди. Бечора кампир фарёд қилиб шаҳар миршабларининг бошлиғи хузурига борибди. Бошлиқ ундан:

— Ҳа, кампир, наmunча кўз ёши қиласиз? Ўзингизни бироз босиб олинг-да, арзингизни айтинг. Қулогим сизда, — дебди.

— Ўғлим, бисотимда биттагина эчким бор эди. Шуни соғиб, кун кўрардим. Фарёдким, уни шу бугун тунда ўғирлаб кетишди. Энди мен нима қиламан, қандай қилиб кун кечираман?

— Одам деган бундоқ хушёрроқ бўлади, — деб таъна қилибди миршаблар бошлиғи кампирнинг гапини эшитиб. — Тун бўлди деб ухлайвермайди-да киши, сал эҳтиёт бўлади. Ўзингиз ҳам, онахон, роса хотиржам ухлаган экансизда-а?

— Худди шунақа, ўғлим, — дебди кампир. — Мен жуда хотиржам ухлагандим. Сабаби, шахримиз миршаблари уйғоқ деб ўйлаган эдим-да!

Кампирнинг бу гапи миршаблар бошлиғини лол қолдирибди.

— Бўлди, онахон, — депти у. — Мен баҳсда енгилдим. Бопладингиз, эчкингизни қидириб топамиз. Ўғрини ушлаб, жазосини берамиз.

Миршаблар бошлиғи сўзининг устидан чиқибди. Ўғрини топиб, уни қилмишига яраша жазолабди. Кампирнинг эчкисини топдирибди.

**Ўғлим,** агар сен қайси бир лавозимда ишламагин, доимо хушёр ва зийрак бўл. Токи одамлар сенга ишониб хотиржам яшасин. Сен эса уларнинг ишончини оқла. Шунда халқ орасидан ҳеч ким эчкисини ўғир-

латган бечора кампирнинг ҳолига тушмайди. Сенинг бошингга ҳам кампир олдида мулзам бўлган миршаблар бошлигининг куни тушмайди.

Фарзандим, халқ учун бир посбондирсан,  
Ўрнингда ҳушёр тур, зийрак бўл, уйғоқ.  
Халқинг нафратидан бағри қондирсан  
Мабодо бўлсанг гар лоқайду мудроқ.

## **ЭЛИМ**

*Мен отамдек сенга чин шайдо элим,  
Меҳру ёдинг дилгинамга жо элим.*

*Айру тушсам бу танам жонсиз қолур,  
Мен балиқман мисли, бир дарё элим.*

*Буйруғингни тез бажо этгувчиман,  
Ихтиёрим сендадир, доно элим.*

*Минг тасанно айтса арзир кенг жаҳон,  
Минг Беруний, минг Ибн Сино элим.*

*Мен нечун мадҳинг учун тутмай қалам,  
Яхшиликка кўрку ҳам маъво элим.*

*Ёзганим манзур эса шавкатлиман,  
Элга ёққан шеърият аъло элим.*

## **ЭЛ ҚАРФИШИ– ЎҚ**

**Эй фарзандим,** оламда эл ғазабига дучор бўлмоқдан даҳшатли офат йўқ. Сени бу офатга рўбару келмоқдан Оллоҳнинг ўзи асрасин! Тарихга бир назар ташласак, золим ҳукмдорлар доимо ўзларини эл назаридан панага олишга уриниб яшаганлар. Улар саройга яшириниб олиб, фақат яқин хешу ақраболари,

аъёнлари билан мулоқотда бўлганлар. Халқ орасига кириш, улар билан мулоқотда бўлишдан ўзларини олиб қочганлар. Чунки эл ғазабидан қўрққанлар-да!

Лекин шунга қарамай, халқнинг қаҳр-ғазаб тўфонидан қочиб қутулолмаганлар. Халқ исён кўтариб уларга муносиб жазо берган. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтирса бўлади. Масалан, Англияда ҳукмдор Карл XII нинг боши исёнчилар томонидан жудо қилинган. Яқин ўтмишда Руминия ҳукмдори Николае Чаушеску хотини билан бирга деворга тираб отиб ташланди. Унинг ўзи-ку золим эди, лекин хотини-чи, у нега отиб ташланди, деган савол миянгда чарх уриб турганини сезиб турибман, ўғлим. Бунга сабаб шуки, Чаушеску ҳукуматининг зулмидан халқ фарёд чекиб турган бир шароитда давлат раҳбарининг хоними бошдан-оёқ халқ мулкининг ҳисобига жавоҳирларга безаниб, ўзини кўз-кўз этарди. Табиийки, бу халқнинг ғазабини қўзғарди...

Бир китобда мана шундай **ҳикоят** бор: “Бир сайёҳ космик кемада юлдузлараро сайр этиб юриб нотаниш сайёрага бориб қолади. Бу сайёрада унга подшоҳликни таклиф этишади. Шунда сайёҳ:

— Мен бир юлдузкезар сайёҳман. Сизларнинг бепоён сайёрангизга ҳукмдорлик қилишни менга ким қўйибди?

— Сен шундай қилишинг керак. Бизнинг хоҳишимиз шу.

Нотаниш сайёра кишилари шундай деб унинг бўйнига нишонли занжир илиб қўйишибди.

— Бу нима? — сўрабди сайёҳ.

— Ҳукмдорлик нишони. Уни ҳатто ухлаётган пайтингда ҳам, чўмилаётган пайтингда ҳам ечиб қўйишга ҳақнинг йўқ. Токи ҳукмдор экансан, бу нишон кечаю кундуз бўйнингда туради.

— Нега?

— Сен бугундан бошлаб бутун бир сайёранинг раҳбари бўлдинг. Бу тамғада эса кучли портловчи мод-

далар бор. Мамлакат фуқароларидан қай бири сенинг ишингдан норози бўлиб, бу фикрни дилидан ўтказса нишон шу заҳотиёқ портлаб, сени парча-парча қилиб юборади.

Ўзга сайёраликлар хусусидаги бу ҳикоят биз ерликларга ҳам тааллуқли. Аслида нишонли занжир бир мажоз, холос. Ерликларда ўша номаълум сайёраликларнинг портловчи тамғасидан минг бор даҳшатлироқ эл ғазаби, қарғиши бор.

Золим ҳукмдор эҳтимол эл ғазабидан ўзини ҳимоя қилиш чорасини топиши мумкин дир. Қудратли армияси, қўриқчилари уни ҳимоя қилишга эришди ҳам дейлик. Аммо барибир халқнинг дуои бадидан қочиб қутулолмайди.

Халқ қарғишига учраш шундай хавфлики, ундан қочиб қутулмоқнинг асло иложи йўқ.

Халқни хонавайрон қилган, одамларнинг мол-мулкани талаган, жабр-зулм ўтказган ҳукмдорларнинг жазосини Яратганнинг ўзи беради.

Фикримизга ҳиндулар сардори Темеш Тумешнинг ҳиндуларга ҳад-ҳудудсиз зуғум ўтказиб, уларни қириб ташлаган Америка ҳукмдорига нисбатан (тарихда Тумеш қарғиши деб ном олган) қарғишини мисол қилиб келтириш мумкин. У ўлими олдидан, «Гарристон ўлади, ундан кейин ҳар йигирма йил ўтиб сайланган буюк йўлбошчи ҳукмдор сифатида ўлади. Ҳар сафар йўлбошчи ўлганида одамлар бизнинг халқимиз йўқ қилинганини эсласин», деб қарғаган эди.

Буни қараки, ўғлим, Тумеш қарғиши АҚШ ҳукмдорларига тегмай қолмади. 1840 йилда президентликка сайланган Гарристон вазифасини бажариб туриб, зотилжам касалига дучор бўлиб ўлади. 1860 йилда президент этиб сайланган Авраам Линкольн, 1880 йилда сайланган Жейм Абраам Гарфильд, 1900 йилда президентликка сайланган Вильям Маккинли, 1920 йилда сайланган Уоррен Хардинг, 1940 йилда сайланган Франклин Рузвельт, 1960 йилда сайланган Жон Кен-

недилар АҚШ ҳукмдори вазифасини бажара туриб ўлдилар. Тарихда халқ қарғиши ижобат бўлишига оид бундай мисоллар тўлиб ётибди.

Эй ўғлим, мабодо сенга Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан у ёки бу даражада раҳбарлик лавозими насиб этса, ўз қўл остингдагиларга меҳр-мурувватли бўл. Бу борада қадриятларимизни ёдда тут. Оламда халқ меҳрини қозонишдан олий бахт йўқ. Ҳукмдор доимо эл назарида бўлишини ҳеч қачон унутма. Халқ ҳар бир ҳаракатингни худди кўзгудаги каби кўриб туришини ҳисобга ол.

**Эй ўғлим!** Ҳар қандай ҳукмдор халқининг ўзи ҳақидаги тасаввури билан ҳисоблашишга мажбур. Агар халқнинг тасаввури ижобий бўлса, демак, у ҳукмдорнинг ҳар икки дунёси обод. Аксинча, эл ундан норози бўлиб, дуоибад қилса, ундан қочиб қутулмоқнинг иложи йўқ.

Илоҳим, сени Тангрининг ўзи халқ қарғишидан асраб, меҳру муҳаббатига мушарраф этсин ўғлим!

Эл меҳрини қозон, эй ўғлим,  
Эл дуоси — олий саодат.  
Ўз халқига қайишса ҳар ким  
Чекинади офат, қабоҳат.

Амалдорга эл айтса раҳмат,  
Бахт, шодликка тўлиб кетади.  
Эл қарғаса бир куни, албат,  
Минг азобда ўлиб кетади.

## **САВОБ ИШ ҚИЛ**

*Агар минг йил яшарсан, ёр, савоб иш қил, савоб иш қил,  
Ки қадринг ортадир бисёр, савоб иш қил, савоб иш қил.*

*Савобга ким мушарраф чехрасидан нур ёғилгайдир,  
Анга ҳар лаҳза дил хуштор, савоб иш қил, савоб иш қил.*

*Савоб олган кишининг шуҳрати дунёга сифмайдир,  
Эсанг номдору ҳам саркор, савоб иш қил, савоб иш қил.*

*Ҳаёт кенгларга кенг доим, вале торларга тор доим,  
Кўнгилни айламасдан тор, савоб иш қил, савоб иш қил.*

*Бировнинг раҳматин олмоқ учун жон кетса арзийдир,  
Бўлиб тун-кечалар бедор, савоб иш қил, савоб иш қил.*

*Жаҳонда яхшилиқдан ҳам буюкроқ бахт бўлурми ҳеч,  
Савобсизлар эрурлар хор, савоб иш қил, савоб иш қил.*

*Бу дунё кўз очиб юмгунча ўтгувчи омонатдир,  
Умр ҳеч ўтмасин бекор, савоб иш қил, савоб иш қил.*

*Қалам аҳли қилиб иймонга даъват эътибор топгай,  
Калоний, соз ёзиб ашъор, савоб иш қил, савоб иш қил.*

## **ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР**

**Фарзандларим!** Инсон ҳеч қачон жамиятдан бутунлай айру ҳолда яшай олмайди. Инсон умри мобайнида жамиятдан оладиган моддий ва маънавий бойликлари беҳисоб бўлиб, турлари хилма-хилдир. Одам боласи туғилиши билан онасидан оқ сут эмиб улғаяди. Кейин катта бўлади, тил ўрганади, тарбия олади. Кейинроқ худди шу ота-онадан олаётганларини жамиятдан олишни давом эттиради. Бу фикрни соддароқ қилиб тушунтирсак, ҳар қандай одам деҳқон етиштирган буғдой нонини, сабзавот, полиз маҳсулотларини ейди. Боғбонлар етиштирган меваларни тановул қилади. Худди шунингдек, дастлаб оила аъзоларидан олган таълим – тарбияни кейин боғча, мактаб каби ўқув масканларидан олади. Инсон бошқа бойликлардан ҳам ҳар дақиқада баҳраманд бўлади. Те-

левизор кўради, газета ўқийди, радио тинглайди, китоб ўқийди, ҳикматлар чашмасидан ичади, йўллардан юради, кўприклардан ўтади, кийим-кечаклар кияди ва ҳоказо. Хуллас, инсон жамиятсиз, унинг меҳр-муруватисиз ҳаёт кечири олмайди. Бу — ҳақиқат.

Бас, шундай экан, жамиятнинг ўзи ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Муайян одамлар жамоаси жамиятни ташкил этади. Унинг дастлабки кичик кўриниши оила деб тушунилади. Бу тушунча тобора кенгая боради. Маҳалладошлар, ҳамқишлоқлар, ватандошлар ва ниҳоят бутун кишилик жамияти. Демак, жамият деганда инсоният тушунилади. Мавжуд барча моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси ҳам шу кишилик жамияти аъзолари, сиз билан биз каби инсонлардир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари тўфайли инсон эҳтиёжи учун зарур нарсалар муҳайё ва табиийки, ундан ҳамма баҳраманд бўлади.

Бироқ инсон фақат жамият яратган бойликлар ҳисобига яшамаслиги, балки ўзи ҳам худди шу жамият аъзоси сифатида у ёки бу бойликларнинг яратилишига ҳисса қўшиши, ундан олганлари ҳисобига бериши ҳам керак. Худди шу маънода ҳар бир киши ўз-ўзига **«Мен жамиятдан нималар олдим» эвазига нима бердим»,** деб савол бериб кўриши керак бўлади.

Халқимизнинг «кўпчилик бир бурдадан берса тўйдиради, бир муштдан урса ўлдиради», «тома-тома кўл бўлур, томмай қолса, чўл бўлур» деган ҳикматлари ғоят пурмаънодир. Агар инсон жамият бойликларини талаб олаверса-ю, ўзи унга ҳеч нарса бермаса, бунинг оқибати фожиа билан тугайди. Шундай бўлмаслиги учун эса инсоният аҳли доимо яратиши, бунёд этиши лозим бўлади. Бу табиий зарурат бўлиб, мазкур шарафли ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Жамиятдан олишда устасифарангу, унга беришга қолганда кўзни чирт юмиб тураверадиган зикна одам қипқизил текинхўрдир. Текинхўрлик эса жиноятдир. Бизга қолса жамиятдан олишни ҳуқуқ ва унга беришни эса

бурч деган бўлур эдик. Хуқуқ ва бурч эса бир-биридан ҳаргиз ажралмайдиган тушунча. Хуқуқини билган одам бурчини ҳам чуқур англамоғи ва сидқидилдан бажармоғи шарт.

Билиб қўйинглар, фарзандларим, «мен ҳисса қўшмасам ҳам жамият қозони тўлаверади», дегувчилар манқуртлардир. Бундайлар кишилик жамиятининг шўри, жисмига тушган зараркунандалардир.

**Ривоят.** Қадим замонда бир подшоҳ мармар ҳовуз барпо эттириб, аҳолига қарата: «Ҳар бир киши эрталаб бир косадан сут олиб келиб, шу ҳовузга тўксин», деб фармойиш берибди. Бу фармойишдан хабар топган бир киши: «Шунча одамнинг ичида биргина мен ҳовузга сут ўрнига сув олиб бориб тўксам сезилмайди», дебди-да, ўйлаганидай иш қилибди. Эрталаб бир косада сув кўтариб бориб қарасаки, бошқалар ҳам худди унга ўхшаб фикр юритиб, сут ўрнига сув кўтариб бориб ҳовузга тўкаётганмиш. Натижада ҳовузга бир коса ҳам сут тушмасдан, қуруқ сув билан тўлибди.

Худди шунга ўхшаб, агар инсон кишилик жамиятига ўзидан ҳеч нарса бермасдан фақат олаверса, унинг ҳамма баҳраманд бўлаётган қозони ҳам бўшаб қолади.

Олмоқнинг бермоғи ҳам бор, дейдилар. Биз авлодларимиз яратган боғ-роғлар мевасини еймиз, улар бунёд этган шаҳарлару қишлоқларда яшаяпмизми, бой маънавий-маърифий хазинадан баҳраманд бўляпмизми, демак, ўзимиз ҳам келажак авлодлар учун бойликлар яратиб қолдирмоғимиз даркор.

**Азиз фарзандларим,** кишилик жамияти сизлар учун битмас-туганмас бойликлар бунёд этган. Ундан эҳтиёжингизга яраша фойдаланишга ҳақлисиз. Аммо шу билан бирга ўзингиз ҳам яратувчи, бунёдкор бўлинг. Сизларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказган жамият равнақи учун қўлингиздан келганича ҳисса қўшинг. Бунёдкор, яратувчи бўлинг, жамият олдидаги қарзингизни узинг. Шундай қилсангиз, юзингиз ёруғ бўлади. Сиздан яхши ном қолади. Бинобарин, ҳар икки дунёингиз обод бўлади.



Жамият олдида бўлмагин қарздор,  
Бас, ундан олдингми, қайтаришни бил.  
Ахир, олмоқликнинг бермоқлиги бор,  
Сендан эл манфаат кўрсин муттасил.

## **АЙНИ ФУРСАТДИР**

*Ватан учун хизмат этмоққа шу кунлар айна фурсатдир,  
Кўзинг оч, эй дилим, билсанг бу кунлар ҳам ғаниматдир.*

*Белингда бор экан қувват, қилар ишни билиб қилгин,  
Ахир, ғафлатда қолмоқлик кечиб бўлмас жиноятдир.*

*Ўзингдан ўпкала сўнгра, ёшлигинг ўтса бефойда,  
Азобин ҳам ўзинг тортгин, ўзинг қилган жароҳатдир.*

*Қариган чоғда ўргайсан азиз ёшлиқда экканни,  
Мудом келгусини ўйлаш ажойиб яхши одатдир.*

*Кўлингдан келса эзгулик ишин доим бажо айла,  
Ки халқинг қалбидан жой ол, бу энг олий саодатдир.*

*Улуғ халқ юртидир юртинг, бу ҳам ғоят буюк бахтдир,  
Элингга чин ўфил бўлсанг, Калоний, сенга раҳматдир.*

## **СОТҚИНГА — ЎЛИМ**

**Болаларим,** дунёда жиноятлар ичида энг оғири, гуноҳлар ичида энг азими сотқинликдир. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам, бўйингиз баробар олтин ваъда қилинганида ҳам, ҳатто жаннат инъом этмоқчи бўлсалар ҳам бу улкан жинояту гуноҳи азим ишга қўл урманг. Йўқса, ҳар икки дунёингиз барбод бўлгай.

Сотқинлик одатда оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, дўстларга ва Ватанга қилинади. Сотқинлик

кимга қилинса ҳам турган-битгани қабоҳат саналади ва бунинг учун шу дунёнинг ўзидаёқ энг даҳшатли жазо берилур.

Сотқинликнинг ҳамма турига бир йўла дучор бўлган маликанинг қилмишлари-ю, унга берилган жазо ҳақидаги **ривоятни** сизларга айтиб бераман. Дикқат билан қулоқ тутинг ва ундан ўзингиз учун хулоса чиқаринг.

Қадим замонда бир юртга ўзга бир юрт подшоҳи лашкар тортибди. Орада шиддатли жанглар бошланибди ва узоқ давом этибди. Бироқ вақт ўтиши билан босқинчиларнинг қўли баланд келибди. Ҳимоячилар ноилож шаҳарларига чекиниб, қалъа дарвозаларини беркитиб олишибди. Босқинчилар эса уларни камал қилишибди. Сувсизликдан, очликдан қийналишса ҳам ватанпарвар халқ ўз подшоҳи атрофига жипслашиб, курашни давом эттирибди. Ёвга таслим бўлишни хаёлларига ҳам келтирмабди.

Кунларнинг бирида шоҳнинг баланд минорадан туриб дурбинда жангларни кузатиб турган қизи босқинчи шоҳни севиб қолиб унга хуфёна хат жўнатибди. Душман шоҳ хатни очиб ўқиса, унда: «Эй, баҳодир шоҳ! Мен сенинг хусну жамолингни кўриб севиб қолдим. Тунда дарвозани очдириб бераман. Бемалол лашкарларинг билан кириб келавер», деб ёзилган экан.

Бу хат Ҳимоячиларнинг жасоратига қойил қолиб, ғалабадан умидини узган ва юртига қайтиш тараддудида бўлган босқинчиларга қўл келибди. Улар ўз режаларини ўзгартириб, тунда хатда айтилган дарвозадан шаҳарга кириб келишибди. Кейин бир бошдан Ҳимоячиларни дорга осаверишибди. Подшоҳни, унинг ўғилларини, қариндош-уруғларини, барча аъёнларини қатл қилишгач, навбат шоҳга хат ёзган қизга келибди. Шунда қиз:

— Мен азбаройи сенга бўлган севгим туфайли шаҳар дарвозасини очдириб бердим, — дебди.

Шоҳ:

— Сен ўз ота-онанг, халқингни сотган сотқинсан!

Бир куни келиб мени ҳам сотмаслигинга ким кафолат беради? Бас шундай экан, сотқинга ўлим, — деб уни ҳам дорга осдириб ўлдирибди. Мурдасини эса бир ҳафтача дордан олмабди. Халқ унинг кўксига осиб қўйилган тахтадаги «сотқинга — ўлим», деган сўзларни ўқишсин, деб шундай қилибди.

**Кўрдингизми, болаларим.** Сотқинга ҳеч ким раҳм-шафқат қилмайди, ҳатто ана шу сотқинликдан манфаат кўрган одамлар ҳам! Буни бир умр ёдингизда тутинг ва абадул – абад сотқин деган шармандаликка қўл уришдан ўзингизни тийинг. Илоҳим, ҳаммангизни бу шармандали ишдан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Ватанни сев, ўғлим, минг жондан зиёд,  
Эл-юртга садоқат гўзалдир, сўлим!  
Хиёнат бу ғамдир, кулфатдир, фарёд,  
Сотқиннинг жазоси ҳамиша ўлим.

## **СОТҚИН**

*Ул кимсанинг кўнгли қаро,  
Ниятлари шум, бебажо.  
Ҳар соф одамдан доимо  
Излайди нуқсонун хато,  
Шайтонга хосдир бу иши.*

*Ўзни санар кучли даҳо,  
Ҳар кимсага бергай баҳо,  
Донони дейдир норасо,  
Аслин десам ул беҳаё  
Виждони йўқ, даҳрий киши.*

*Чўлпонни «элга ёт», деди,  
Қодир бобони «от», деди,  
Усмонга «музлаб қот», деди,  
«Эл, бир-бирингни сот», деди,  
Жаллодга ўхшар қилмиши.*

*Ул нусха сафда бор ҳамон,  
Ҳар лаҳзада кумсайди қон,  
«Бошла!» деса бир кас ниҳон,  
Мардларни олгай у нишон,  
Ночор фалакнинг гардиши.*

*Феъли бузук, касби чаток,  
Қоп-қора, дер бўлсанг-да оқ.  
Илғаб олу афтига боқ,  
Иблисга монанд қизталоқ,  
Фоже бўлодир «миш-миши».*

*Бошланса ногоҳ қатағон,  
Ул кимса итдек қопағон,  
Бир тишласа тишлар ёмон,  
Соғу-омон қолмоқ гумон,  
Заққумга тўлгандир тиши.*

*Эй сен, Калон, бошинг кўтар,  
Ит хурса ҳам карвон ўтар,  
Ўт кетса ёнгай қуруқ-тар,  
Давр даъватига бўлма кар,  
Елкангда юртнинг ташвиши.*

## **ОНА ҚАЛБИ ОФРИНМАСИН**

Бир кўшиқда «онажон, Каъбам ўзинг», дейилиши бежиз эмас. Зеро, она дунёда энг улуғ, энг табарруқ, энг мўътабар зот. Буюкликда ҳам, суюкликда ҳам унга тенг келадиган инсон йўқ. У инсон ҳаётининг дебочаси, фазлу камолининг сарчашмаси. Дунёда нимаики пок ва оқ бўлса она сутидан андоза олган. Яна билингким, оламда нимаики энг жўшқин ва энг қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри, она севгиси, нимаики сабр-тоқатли, бардошли бўлса, унга ҳам она иродаси тимсол. Шунинг

учун ҳам оламда ниманики энг улуг, энг азиз деб бил-  
сак, уни онага менгзаймиз. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳатто  
бир ҳадиси муборакларида «жаннат оналарнинг оёқла-  
ри остидадир» деганлар.

Шундай экан, фарзанд учун она бебаҳо, тенги йўқ  
муқаддас сиймо. Унга қўл кўтариш у ёқда турсин, тик  
боқиш ҳам гуноҳи азим.

Она фарзандидан меҳр-муҳаббат, муруввату эъзоз  
кўришга ҳақдор. Борди-ю, фарзанд томонидан унга  
заррача бўлса-да, эътиборсизлик, бемеҳрлик сезил-  
са, она қалби унга бардош беролмайди.

Онага тик боқсанг киприкларинг унинг кўксига хан-  
жар бўлиб ботади. Онага ёмон сўз қотсанг, у ўқ бўлиб  
нақ юрагини тешиб ўтади. Шу боис онага эҳтиётлик  
билан муомала қил. Уни эъзозла, ардоқла. Она фақат  
меҳр-муҳаббатга лойиқ.

**Ривоят.** Қадим замонда подшоҳ бир аёлни ўлим  
жазосига маҳкум этаркан, дебди:

— Бу аёлнинг қўл-оёқларини боғлаб, шаҳар мар-  
казига олиб бориб қўйинглар. Шаҳар аҳли унинг ёни-  
дан ўтганда қўлига бирор нарсани отиб ўтсин. Ким-  
да-ким бу аёлга ҳеч нима отмай ўтса, унинг ўзи ҳам  
шу аёл ёнига ўтқазилади ва худди шундай жазога  
мубтало этилади.

Подшоҳнинг амри вожиб. Шаҳар аҳли тизилишиб,  
аёл ёнидан ўтаркан, унга қўлига илинган нарсани отиб-  
ди. Биров тош, биров ғишт, бошқа биров синган коса,  
тағин бошқаси таёқ... Бечора аёлнинг бутун бадани  
моматалоқ бўлиб, қонга беланибди. Аммо чурқ этмаб-  
ди. Барча азобларга сукут сақлаб жавоб берибди.

Аёлга тош отиб ўтувчиларнинг охири кўринмасмиш.  
Ҳамма ҳамон қўлига илинган нарсани унга отиб ўтар-  
миш. Ногоҳ кутилмаган воқеа содир бўлибди. Бир йи-  
гит аёлнинг қаршисига келиб тўхтаб қолибди. Аёлга отай  
деса қўлида ҳеч нарса олиб келмаган, отмай ўтиб ке-  
тай деса уни минорадан кузатиб турган шоҳ қаҳридан  
кўрқармиш. У қонга беланган аёлга яна бир қарабди-

да, тагин бир қадам юрибди. Лекин нигоҳи уни кузатиб турган шоҳга тушгач тўхтабди. Бироз ўйланиб турибди-да, кейин шартта чопонининг этагини сўкиб, ичидан бир сиқим пахта олиб, уни юмалоқлаб аёлга отибди. Шунда мўъжиза рўй берибди. Шунча тошу гишту темирлар зарбига чидаган аёл бирданига фарёд кўтарибди. Унинг оху ноласи бутун оламни тутиб, ҳатто шоҳнинг ҳам юраги бунда бардош беролмабди.

— Йигитни тўхтатинглар! — деб фармойиш берибди шоҳ.

Йигитни аёлнинг қаршисида тўхтатишиб қарашса йигит аёлдан, аёл эса йигитдан кўз узолмасмиш. Ожизанинг чекаётган оху ноласидан эса ҳамон олам ларзага келаётганмиш. Шунда шоҳ:

— Эй аёл, сенга нима бўлди? Одамлар темир отди, чурқ этмадинг. Тош отди, бошинг ёрилди, лом-мим демадинг. Барчасига чидадинг. Аммо мана бу йигит чопонидан бир чимдим пахта олиб отса, чеккан оху ноланг, фарёдинг менинг—да юрак-бағримни ларзага келтирди. Бунинг сабаби нимада? — деб сўрабди.

— Эй шоҳ, — дебди аёл. Ўша йигит менинг ўғлим бўлади. Ўғлим отган пахта менга ўзгалар отган тошу темирлардан юз чандон қаттиқ тегишини наҳотки тушунмасанг? Ўғлим берган азобга мен қандай чидай, қаердан тоқат топай?!

Алқисса, она учун ўзгалар отган тошнинг зарбидан кўра фарзанди отган пахтанинг зарби минг чандон кучли. Бу оддий ҳақиқатни ҳар бир фарзанд чуқур англаб етиши ва буни ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги керак. Бас, шундай экан, онага нисбатан доимо эҳтиёт бўлишимиз, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришимиз, «етти ўлчаб бир кес» нақлига амал қилишимиз шарт. Зеро, она қалби заррача бўлса-да, оғриб қолмасин.

Онангни ҳурмат қил, азиз бил шундоқ,

У лойиқ эъзозу ардоққа ҳар чоқ.

Дунёда онадек суюк зот йўқдир,

Унингдек буюк ҳам йўқ эрур мутлоқ.

## ОНАНГ ЎЛМАСИН

«Жаннат оналар оёғи остидадир» (Ҳадисдан).

Она–мўътабар зот, она муқаддас,  
Онасиз бу дунё абасдир, қафас.  
Онангга мурувват айла ҳар нафас,  
Ўзинг ўлмай десанг, онанг ўлмасин.

Сенга оқ сут бериб боққан онадир,  
Бахтинг чирогини ёққан онадир.  
Қалбингга ишқ бўлиб оққан онадир,  
Ўзинг ўлмай десанг, онанг ўлмасин.

Эрта-кеч бошингда парвона–она,  
Дард чексанг қошингда гирёна–она.  
Ҳимматин аямас шоҳона она,  
Ўзинг ўлмай десанг, онанг ўлмасин.

Она – бу дунёнинг порлоқ куёши,  
Меҳри беқиёсдир, чексиздир доши.  
Ҳаргиз тўкилмасин томчи кўз ёши,  
Ўзинг ўлмай десанг, онанг ўлмасин.

Онанг пойларига ғубор кўндирма,  
Ҳаёт бўстонида тикон ундирма,  
Оллоҳ муҳаббатин асло сўндирма,  
Ўзинг ўлмай десанг, онанг ўлмасин.

Бўйлари жаннатнинг бўйи – онанинг,  
Битмас эзгуликдир ўйи – онанинг,  
Соғлиги жаҳоннинг тўйи – онанинг,  
Ўзинг ўлмай десанг, онанг ўлмасин.

Онадан айрилиб адо бўлмагин,  
Меҳру муҳаббатга гадо бўлмагин.  
Қайғули, фарёдли садо бўлмагин,  
Ўзинг ўлмай десанг, онанг ўлмасин.

# ОНА МЕХРИ

**Ривоят.** Бир она чумчуқ дарё ёқасидаги жарликка ин қўйиб, учта бола очибди. Бироқ дарё суви кўтарилиб полапонлар хавф остида қолибди. Шунда она чумчуқ уларни қутқариш ҳаракатига тушибди. Бир боласини оғзида тишлаганча дарёнинг у юзига олиб ўтмоқчи бўлибди. Дарёнинг қоқ ўртасига келганда чарчабди. Шу пайт полапон:

— Ойижон, сиз қандай меҳрибонсиз? Бир куни борди-ю, сизнинг ҳам ҳаётингиз шунақа хавф остида қолса, мен ҳам сизни худди шунақа қилиб қутқараман, — дебди.

Аммо она чумчуқ ҳар қанча уринмасин қуввати етмабди. Боласи оғзидан тушиб, нобуд бўлибди.

Она чумчуқ чириллаганича қайтиб бориб, иккинчи боласини тишлаб парвоз қилибди. Яна дарёнинг қоқ ўртасига келганда полапон дебди:

— Ойижон, сиз қандай меҳрибонсиз. Бир кун сизнинг ҳам ҳаётингиз хавфда қолса, мен ҳам худди шунақа қилиб қутқараман!

Она чумчуқ қанча уринмасин, тагин ожизлик қилибди. Бу боласи ҳам оғзидан тушиб, нобуд бўлибди. Она чумчуқ ортига қайтиб сўнгги умиди — учинчи боласини оғзида тишлаб парвоз қилибди. Дарёнинг қоқ ўртасига етганида бу боласи ҳам тилга кирибди:

— Ойижон, сиз қандай меҳрибонсиз! Бир куни мен ҳам улғайсаму болали бўлсам, боламнинг ҳаёти хавф остида қолса, уни худди сиздақа қилиб қутқараман!

Полапоннинг бу гапини эшитган она чумчуқнинг кўз ўнгида боласини ўлимдан қутқариш учун уни оғзида тишлаб учиб кетаётган боласи намоён бўлибди.

— Йўқ, — дебди у, — болам боласини қутқариши керак!

Шу туйғу унга ғойибдан куч ато қилиб, она чумчуқ бу боласини эсон-омон дарёдан ўтказиб олибди.

**Буни қарангларки, болаларим,** она чумчуққа онам деган болалар эмас, болам деган боласи куч



бағишлабди. Худди шундай, сизлар ҳам болаларингизга қанчалик меҳрибон бўлсаларингиз, мен ҳам шунча шодмонман. Негаки, шундай қилсангиз бир куни сизлар менга меҳрибон бўлганингиз каби сизларга ҳам фарзандларингиз ғоят ғамхўр бўлади.

Онанинг меҳри бу — мисоли булок,  
Фарзандига тинмай оқаверади!  
Фарзанд ҳам улғайиб фарзанд кўрган чок,  
Унга меҳри билан боқаверади!

### **ФАРЗАНДИН АСРАНГ**

*Онани эзмасин фарзандин доғи,  
Ўчмасин нур сочган умрин чироғи,  
Бевақт хазон бўлиб қолмасин боғи,  
Онанинг фарзандин асранг, одамлар!*

*Фарзанд оналарнинг йўғи-боридир,  
Толеи, омади, оху зоридир,  
Кўзининг нурию кўнглин торидир,  
Онанинг фарзандин асранг, одамлар!*

*Фарзанд — оналарнинг қалби, дилбанди,  
Фарзанд асалидир, фарзанддир қанди,  
Фарзанд умидидир, дил орзуманди,  
Онанинг фарзандин асранг, одамлар!*

*Фарзандин доғидан букилиб қолар,  
Кўнгли чок-чокидан сўкилиб қолар,  
Дув этиб борлиғи тўкилиб қолар,  
Онанинг фарзандин асранг, одамлар!*

*Улуғлар ичра ул энг ягонадир,  
Фарзанддан айрилса буткул ёнадир.  
Ахир, у онадир, буюк онадир,  
Онанинг фарзандин асранг, одамлар!*

# ОНА ФАРЗАНД УЧУН ЯГОНА

## **Эй зукколик сари одимлаётган фарзандим!**

Оллоҳ битта бўлгани каби она ҳам фарзанд учун ягонадир. Инсон бир марта туғилади. Уни битта она туғади. У шу она жисмининг бир қисми. Шундай экан, фарзанд она умрининг давомчиси ҳисобланади.

Ҳа, она — ягона ва улуғ инсон.

**Ривоят.** Узоқ ўтган замонда бир шаҳаншоҳ аъёнларига масхарабозини кўрсатиб дебди:

— Мен шаҳаншоҳман. Ҳамма менга бўйсунди. Не-не паҳлавонлар измимда. Неки истасам муҳайё. Бироқ ташвишларим ҳам бисёр. Гоҳ шод, гоҳ ношодман. Баъзан бошимга тушган қайгуларим туфайли кўз ёшларим сел бўлади. Аммо мана бу масхарабоз тинмай кулади. Наҳотки унинг қалбида бирор ғам-ташвиш йўқ? Наҳотки, у шу қадар беташвиш, беғам бўлса?

— Эй шоҳаншоҳи азиз, — деб жавоб берибди унга аъёнлари. — Масхарабознинг бурчи-сизни кулдириш. У ҳар қандай шароитда ўз бурчига содиқ қолади. Қалбини ғам-алам ўртаб, адои тамом қилса ҳамки, лабидан кулги аримайди.

— Йўқ, — дебди шаҳаншоҳ, — бу мумкин эмас!

Шаҳаншоҳ шундай дея қизиқчилик қилиб, ҳаммани кулдириб турган масхарабознинг хотинини унинг кўз олдида бошини танидан жудо эттирибди. Бу ҳолни кўрган масхарабоз бир зум ақлу ҳушини йўқотибди. Танмаҳрамининг бошсиз танасига энгашиб, уни силаб-сийпабди. Аммо кўз ёш тўкмай шоҳаншоҳга қараб қаҳқаҳа отибди. Қизиқчилигини келган жойидан давом эттираверибди.

Бироқ шунда ҳам шаҳаншоҳ унга тан бермабди. Масхарабозни барибир ҳамманинг кўзи олдида йиғлатмоқчи бўлибди-ю, унинг уч нафар паҳлавон ўғлини келтириб, бошларини танларидан жудо қилдирибди. Бечора масхарабоз не қиларини билмай бир лаҳ-

за донг қотиб қолибди. Аммо қалбини ғам-алам қуюн-лари забт этса ҳам, шаҳаншоҳга қараб яна қаҳқаҳасини баттар авж олдирибди. Жигарпораларининг жасадлари атрофида айланиб, ҳазил-мутоибасини давом эттираверибди.

Буни кўрган шоҳаншоҳ масҳарабознинг мазкур қилмишига лол қолса ҳам барибир фикридан қайтмабди. Бу гал масҳарабознинг кекса онасини келтириб, уни ҳам шартта сўйдириб ташлабди. Шунда бечора масҳарабоз дод деганча ўзини онасининг жасади ёнига отибди. У шу қадар фарёд чекибдики, асти қўяверасан. Бир зумда жабрдийда масҳарабознинг қаҳқаҳасини тиниб, унинг ўрнини оҳу-нола эгаллабди. Кўз ёши бамисоли дарё бўлиб оқибди. Шунда шаҳаншоҳ:

— Эй масҳарабоз, хотинингнинг бошини олдиридим, қаҳқаҳангни давом эттирдинг. Уч паҳлавон ўғлингни қатл эттирдим, шунда ҳам бир томчи бўлсада кўз ёш тўкмай, қаҳқаҳангни баттар авж олдиридинг. Аммо бир оёғи ерда, иккинчи оёғи гўрда бўлган қари онангни сўйдирсам, шу қадар фарёд чекмоқдасанки, азбаройи Худо, унга менинг ўзим ҳам тоқат қилолмай қолдим. Бунинг сабаби нимада? — деб сўраган экан, масҳарабоз:

— Эй бағритош шаҳаншоҳ, хотинимни ўлдиртирдинг. Майли, кўча тўла хотин, бошқасига уйланиб оларман, дедим. Уч паҳлавон ўғлимнинг олтин бошларини танларидан жудо этдинг. Майли, ўнта хотин олсам, яна ўнта ўғил туғиб беради, дедим. Аммо биттагина онамни нечун қатл эттирдинг, эй золим? Ахир, она ягона бўлади-ку! Энди мен онани қаердан топаман? — деб жавоб берибди баттар нола қилиб. Унинг чеккан оҳу ноласидан бутун сарой ларзага келибди.

**Шундоқ ўғлим!** Онангни асра, онангни авайла! У ягонадир. Агар бу мўътабар зотни йўқотсанг, қайтиб тополмайсан.

Она – фарзанд учун ягона, ўғлим,  
Ҳаттоки жаннат ҳам унинг пойида.

Онасиз қалбида ғам-алам лим-лим,  
Оналикнинг бахти доим жойида.

## **ЎЛМАСАНГ БАС, ОНАЖОНГИНАМ**

*Майли, осмон узилиб кетсин,  
Хонумоним бузилиб кетсин,  
Ғам-андухлар тизилиб кетсин,  
Ўлмасанг бас, онажонгинам.*

*Порлаб турган қуёш сўнса ҳам,  
Ой-юлдузлар қулаб тушса ҳам,  
Бўлса бўлсин дунё бекарам,  
Ўлмасанг бас, онажонгинам.*

*Керак эмас, менга тожу тахт,  
Тарк этса ҳам мангу толе, бахт,  
Бўлсам ҳамки телбаваш, қарахт,  
Ўлмасанг бас, онажонгинам.*

*Майли, ёрим ташлаб кетса ҳам,  
Кўзларимни ёшлаб кетса ҳам,  
Юрак-бағрим эзса ҳам алам,  
Ўлмасанг бас, онажонгинам.*

*Сароб бўлса бўлсин орзулар,  
Унут бўлса бўлсин кулгулар,  
Тугаб битса битсин туйғулар,  
Ўлмасанг бас, онажонгинам.*

## **ОНА ҚАРФИШИ**

**Эй фарзандларим.** Она муқаддас инсон. У Оллоҳ иродаси ва қудрати билан фарзанд ҳосил қилади. Бас, шундай экан, фарзанд онадан бир умр қарздор. Онани норози қилмоқ Яратган эгамни норози қилмоқ билан баробар. Билиб қўйингларким, она ҳеч қачон

фарзандига ёмонлик раво кўрмайди. Фарзанд билиб-билмай у ёки бу ноқобилликни қилган чоғида ҳам уни урушади, нари борса тил учида қарғайди. Аммо қарғиши тилида бўлади, чин юракдан бўлмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз «ота қарғиши ўқ, она қарғиши йўқ», дейди. Лекин бу дегани, фарзанд онанинг кўнглини оғритаверса, унга жин ҳам урмайди, деган гап эмас. Она ҳам инсон, унда ҳам юрак бор. Агар фарзанд унга ҳадеб озор етказаверса, кўнглини оғритса, қалби ларзага келади. Жигарбандини ўзи вайрон қилади. Бунинг учун онанинг чин юракдан қилган қарғиши етарли. Она қарғиши тегмайди, деган гап бекор. Агар нодонлигинг, ношудлигинг билан жонидан тўйдирсанг она ҳам қарғайди ва қарғиши албатта ижобат бўлади.

**Ривоят.** Қадимда бир она кексайганида кўзи кўр бўлиб қолибди. У ёруғ оламни бутунлай кўрмас, ўзганинг кўмагига муҳтож экан. Ожизанинг мўмингина бир ўғли бўлиб, у муштипар онасини парваришлаб мушкулени осон қилар экан. Кунларнинг бирида у шундай дебди:

— Онажон, менинг ҳам ёшим бир жойга бориб қолди. Ижозатингиз билан ҳаж сафарига бориб келсам.

— Кошки бунинг иложи бўлса, менинг ҳам бошим осмонга етарди. Аммо кўзларим кўр, сенинг меҳру мурувватингга муҳтожман. Сенсиз бу оламда қандай яшайман? Ниятингдан қайтмасанг бўлмайди, болагинам.

— Мен Оллоҳим учун ҳаж сафарини ихтиёр этмоқдаман. Шундай экан, сизни ҳам Оллоҳ асрайди. Ихтиёрингизни яратган Зотга топшираман-да, ҳажга жўнайвераман.

— Йўқ, йўқ! Бундай қила кўрма, болагинам. Менинг ҳолим не кечади? Ахир, сенсиз қандай яшайман?!

Аммо онаизор қанча ёлворса ҳам фарзанд она илтимосидан кўра ҳаж сафарини афзал билибди. Бундан норози бўлган муштипар онанинг фиғону нолаши кўкка ўрлабди. У бағритош фарзандини:

— Илоё, йўлда балоларга гирифтор бўл, – деб чин юракдан қарғабди.

Ҳаж сафарига йўл олган фарзанд юра-юра бир ша-  
харга кириб бориб ибодат қилмоқни ихтиёр этибди. Жой-  
намозни ерга солиб, намоз ўқий бошлабди. Кўчада бир  
ўғри оломондан қочиб келаётган экан, худди шу жойга  
етганида ибодат қилиб турган бу кимсанинг ёнига ўғир-  
лаган ўлжасини қўйибди-да, ўзи кўздан ғойиб бўлиб-  
ди. Ўғри қувиб келаётган оломон етиб келиб қараса,  
ўғирланган буюмларни ёнига қўйганча бир нотаниш киши  
ибодат қилиб ўтирибди. Атрофида бошқа одам йўқ. Та-  
биийки, ҳамма бир овоздан уни ўғри деб ҳисоблаб, жа-  
зога мубтало этиш лозим, деган қарорга келибди ва  
одатга кўра, унинг қўл-оёқларини кесишибди, кўзлари-  
ни ўйиб олишибди. Кейин уни бир аравага ўтказиб ша-  
хар бўйлаб сазойи қилишибди. Жабрдийда эса:

— Эй одамлар, мен ўғри эмас, она қарғишига қол-  
ган бир бадбахтман. Онамни норози қилиб, шу кўйга  
тушдим, — деб нола қилармиш.

Бироқ унинг нолаларидан энди не наф? Онанинг  
қарғиши тегиб, балога мубтало бўлди.

**Кўрдингизми, фарзандларим,** онани норози  
қилиб, ҳатто ҳаж сафарига бормоқ ножоиз. Шундай  
бўлгач, сизлар ҳамиша онаизорингиз розилигини олиб,  
иш кўринг. Зинҳор уни норози этманг ва қарғишини  
олманг. Она дуосини олинг. Она қарғишидан Оллоҳ  
асрасин!

Онанинг дуоси – беҳисоб олтин,  
Олтин териш билан ўтказ ҳаётинг.  
Қарғишин олсанг гар, оҳ, она зотин,  
Куйиб кетгусидир жону бисотинг.

## **ОНАЛАР**

*Оналар бепоён меҳристондир,  
Унда саховат кўп, мурувват бисёр.  
Ҳар бир нигоҳлари оромижондир,  
Ҳар бир сўзларида садоқат изҳор.*

*Алар қалби сернур порлоқ кۈёшдан,  
Алар бор, демакки, олам чарогон.  
Фазилатларин гар айтсам бир бошдан  
Миллионлаб, миллиардлаб бўлади достон.*

*Аларда феъл кенгдир, чексиздир сабр,  
Фарзанд деб тунларни кунга улайди.  
Алар ҳеч бир зотга этмаслар қаҳр,  
Гар қаҳр этсалар осмон қулайди.*

## ОТА РОЗИ — ХУДО РОЗИ

**Эй азиз фарзандларим!** Ота рози — Худо рози, деган ҳикматнинг маънисини уқиб, дилга жо қилиб олинг. Ҳеч қачон падари бузрукворингизнинг кўнглини оғритманг, дуосини олинг. Отанинг, айниқса қариган ёки беморлик чоғларидаги дуоси сўзсиз қабул бўлгай.

Ота фарзандини тарбиялайди, ўстириб улғайтиради. Дунёнинг энг яхши неъматларини ўзига эмас, фарзандига раво кўради. Унинг бундан қувонганини кўриб завқланади. Ота, таъбир жоиз бўлса, ўзи учун эмас, кўзларининг нури, белининг қуввати бўлмиш фарзандлари учун яшайди. Уларни бахтли-саодатли қилишга бутун умрини бағишлайди.

Модомики шундай экан, отани қадрлаш, унинг олдидаги фарзандлик бурчини бажариш ҳам қарз, ҳам фарз. Қолаверса, кимки отасини улуғласа, уни Оллоҳ ҳам улуғлайди. Аксинча, ким хор қилса уни ҳам Яратганнинг ўзи хор қилади.

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Отага кўрсатган ҳиммати ҳам, жаҳолату зулм. ҳам бир куни унинг фарзандидан қайтади. Аммо ҳеч қайси ота фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Мен сизларга айтиб берадиган **ривоят** ҳам худди ана шу хусусдадир.

Қадим замонда бир йигит бўлиб, унинг қарамоғида юз ёшдан ошган отаси ҳам бор экан. Бечора қариянинг на белида қуввати, на оёғида мадори қолган,

оғзида лоақал бирорта тиши ҳам йўқ экан. У ҳолсизликдан тўшакка миҳланиб қолган экан. Бироқ жоҳил келин уни ёқтирмас, эрига нукул ёмонлайверар экан. Бир куни эри ишдан қайтганида шундай дебди:

— Шу отангизнинг очофатлиги, еб тўймаслиги жонимга тегди. Тинмай кавшанади, бир дақиқа бўлса ҳам чакаги тинмайди. Бунақада ҳеч қачон биримиз икки бўлмайди. Ҳаммасини отангизнинг ўзи еб тугатаверади.

Ўғил қараса чиндан ҳам отаси кавшанаётганмиш.

— Энди, — дебди хотинига қараб, — бўш қоп тик турмайди. Кекса одамни овқат тутиб туради-да!

— Э... э... э... — деб жаврай кетибди хотин. — Бунақаси кетмайди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди.

Ўғил ўша кундан бошлаб отасини кузата бошлабди. Эрта тонгда қараса, кавшанармиш, ётар пайтда қараса, ҳамон кавшанармиш... Хотини эса жаврашини бас қилмасмиш.

Ниҳоят сабр косаси тўлган ўғил хотинига дебди:

— Хўш, нима қил, дейсан, хотин?

— Еб тўймас отангизни йўқотинг, гап тамом — вассалом!

Хотинининг жаврайверишидан тинчлигини йўқотган ландовур эр унга бўйсунибди. Эрта тонгда отасини бир қопга солибди-да, ортмоқлаб дарё томон жўнабди. Нияти уни дарёга чўктириб хотинининг хархашасидан қутулиш экан. Ярим йўлга етгач, ортидаги қопдан овоз чиқибди:

— Эй нодон ўғлим, мени қаёққа ва нима мақсадда олиб кетаётганингни биламан!

Отасининг бу гапини эшитган йигит бир сакраб тушибди.

Ота эса сўзини давом эттирибди.

— Қасоскор дунё экан. Бир пайтлар мен худди сенга ўхшаб кекса отамни қопга солиб дарёга чўктириб келган эдим. Энди ўша мудҳиш қилмишим ўзимга қайтмоқда. Мен-ку, экканимни ўряпман. Қолаверса умримни яшаб, ошимни ошаб бўлдим. Хотининг мени тинмай кавшанади, дегани ҳам тўғри. Мен бечора бир



дона туршакни уч кунлаб сўриб юрсаму, чайнаб ютол-масам нима қилай? Буёғига сен хотининг билан тинч яшасанг, бас.

Энди, болам, режангни бошқа кунга қолдир. Мени қопдан чиқариб бироз очиқ ҳавода сайр қилдиру, ортингга қайт! Негаки, «Отам бобомни қопга солиб олиб кетди. Кўрай-чи, нима қиларкин», деб ортингдан ўғлинг кузатиб келяпти. У бобомни очиқ ҳавода сайр қилдиришга олиб чиққан экан, деб ўйласин. Шунда бир куни сен ҳам қариб менинг ҳолимга тушганинда, сени худди мана шунақа очиқ ҳавода сайр қилдиради.

Шум ниятингни эса зинҳор-базинҳор сезмасин. Аксинча, у бир куни сени ҳам шу кўйга солади. Қопга солиб дарёга ташлайди. Мен бунга қандай чидайман, болам?

Отанинг бу гапларини эшитган нодон фарзанд «дод» деб фарёд чекибди. Зор-зор йиғлаб отасини қопдан чиқарибди. Узоқдан уларни кузатиб турган ўғлини ҳам чақириб учовлон сайр қилишибди ва шум ниятидан воз кечиб, хотинига лаънатлар айта-айта уйига қайтибди.

Отангни эъзозла, бошингга кўтар,  
Асраб авайлаю, шаънин улуғ тут.  
Хайё хуйт, дегунча ёшлигинг ўтар,  
Отангга қилганинг ўз ўғлингдан кут.

## **ТО ОТАНГ РОЗИ ЭМАС**

✓ *То отанг рози эмас, Оллоҳ сени ёр айламас,  
Гар отанг рози эса, Парвардигор хор айламас.*

*Бас, отанг рози эрур, рози бўлур ҳар дам Эгам,  
Ҳақ экан рози, демак, қарғиш сенга кор айламас.*

✓ *Отадан олган дуо офтоб каби нурли эрур,  
Ул сени умринг бўйи нур аҳлига зор айламас.*

*Ул гўзал олам каби хонангни ҳам ёруғ қилур,  
Кенг қилур ҳам мухташам, ҳаргиз тангу тор айламас.*

*Отасин асраб-авайлаб парвариш қилган ўғил,  
Хуш фазилат, хуш одоб, ҳеч кимга бад кор айламас.*

*Лекигин ҳар бир ўғилни оқпадардан асрасин,  
Оқпадарнинг икки дунёсини ҳам бор айламас.*

*Эй Калоний, яхши фарзандлар сабаб олам яшар,  
Гар отанг рози эса, Парвардигор хор айламас.*

## ТИРИКЛИГИДА СИЙЛА

**Азиз фарзандим!** Халқимизда инсон вафот этса «йигирма», «қирқ» каби маъракалар ўтказиб туриш одати бор. Бироқ бу маъракаларни ўз манфаати йўлида, ўзини олижаноб, саховатли қилиб кўрсатиш учун ўтказиш мақбул эмас. Бундай қилмоқни савоб эмас, риё, яъни гуноҳи азим, дейдилар.

Баъзи ноқобил фарзандлар ота-онанинг тириклигида қадрига етмайдилар, уларни моддий ва маънавий эҳсонлари билан сийлашни жойига қўймайдилар. Ҳатто тузукроқ кийинтириб-едиришни ҳам лозим кўрмайдилар. Қариб бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлиб қолган ота-оналари учун маблағларини харжлашни ножоиз деб биладилар. Аммо улар оламдан ўтиб кетгач, юз килолаб ош дамлаб, элга эҳсон қиладилар. Бундан марҳум ота-онага не наф? Шу эҳсоннинг лоақал пича қисмини улар тирикликларида ўзларига харж қилсалар, дуоларини олиб, савобнинг остида қоладилар-ку!

**Шундай ривоят бор.** Ўтмишда яшаб ўтган подшоҳлардан бири қариб қолгач тахтни ўғлига топшириб дебди:

— Эй фарзанди асилим, кўзларим нури. Энди мен кексайиб қолдим. Тахтни сенга топшираман. Уни ақл-

идрок билан бошқар. Мамлакат хазинасидан ташқари ўзимнинг ҳам жамғармам бор. Уни ҳам сенга топшираман. Токи мен тирик эканман, унга тегма. Бироқ бандаликни бажо келтирганимдан кейин барчасини қашшоқ-камбағалларга улашиб бер, шояд уларнинг дуоларидан Оллоҳ мени бахраманд этса.

Отанинг бу ўғитини кўнглига тугиб олган ўғил мамлакатни идора эта бошлабди. Аммо ҳар куни тунда шаҳарга чиққанида чироқни олдинда эмас, орқа томонда олиб юришларини амр этибди. Унинг бу қилиғига аҳли мамлакат ҳайрон қолар, бироқ боисини сўрамоққа журъат этолмас экан.

Вақт ўтиши билан подшоҳнинг бу одати ҳақидаги хабар отасига ҳам етиб борибди. Шунда ота:

— Ўғлим, бу қилиғингнинг боиси не, — деб сўраган экан, ўғил:

— Отажоним, сиз менга шахсий хазинангизни вафот этганингиздан кейин муҳтожларга улашиб беришимни васият қилган эдингиз. Мен бу васиятингизни бажармоққа бурчлиман. Лекин вафотдан кейин эҳсон тарқатмоқлик қоронғи тунда чироқни орқа томондан ёритиб бормоқлик билан баробар эмасми? Кишининг орқа томонидаги чироқ ёруғидан унинг ўзига не наф, — деб жавоб берибди.

Ота ўғлининг бу ўринли мулоҳазасидан мамнун бўлибди ва атаган хазинасини ўз қўли билан халққа тарқатибди.

Бу ривоят, ота-онасига тириклигида меҳр-муруват кўрсатмай, вафотидан сўнг ном чиқарарга эҳсон қилувчиларга ҳам тегишли. Сизлар ҳам мазкур ривоятдан хулоса чиқариб, келажақда фарзандларингизга ҳам сабоқ берасизлар, деган умиддаман. Илоҳим, топган-тутганларингизга барака берсин.

Тириклигида сийла ота-онангни,  
Ўлгандан кейин не наф эҳсондан.

Ота-онанг файзи нурли хонангни,  
Уларни сийлагин, азиз бил жондан.

## **ОТАНГНИ АСРА**

Отанг бор — кўнглинг бут, баланд гуруринг,  
Отанг бор — дилингда ўчмас суруринг.  
Отанг паноҳингдир, отанг — кўз нуруинг,  
Нима бўлса бўлсин, отанг ўлмасин.

Отанг — халоскоринг, отанг — жонажон,  
Отанг толеингдир, отанг — шараф-шон,  
Агар замин бўлсанг отангдир осмон,  
Нима бўлса бўлсин, отанг ўлмасин.

Отанг рози бўлса, розидир Худо,  
Отанг рози бўлса, жаннат муҳайё,  
Отанг рози бўлса ишинг жо-бажо,  
Нима бўлса бўлсин, отанг ўлмасин.

Отанг омонлиги сенга лутф, карам,  
Отанг омон бўлса, қалбингда йўқ ғам,  
Отанг омон бўлса, қочар жаҳаннам,  
Нима бўлса бўлсин, отанг ўлмасин.

Отанг ўлса, бошинг ҳам бўлиб қолар,  
Меҳру мурувватлар кам бўлиб қолар,  
Фурсатинг қайғули дам бўлиб қолар,  
Нима бўлса бўлсин, отанг ўлмасин.

Отангни асрагин, унга хизмат қил,  
Пойида бош эгиб, ҳар дам ҳурмат қил,  
Севиб саховат қил, ҳам мурувват қил,  
Нима бўлса бўлсин, отанг ўлмасин.

## БУ ДУНЁ — ҚАЙТАР ДУНЁ

Бу кўхна дунё чиндан ҳам қайтар дунё. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бир кунмас бир кун, албатта, қайтади. Ҳар бир қилган яхшилигинг, агар ўша кишидан қайтмаса, бошқа бировдан қайтади. Шундай экан, кўлингдан келганича яхшилик қилавер. Зеро, нима эксанг, шуни ўрасан, деб бежиз айтмайдилар. Фикримнинг тасдиғи учун бир ривоят келтираман. Бу **ривоят** юқорида келтирилганига ўхшаш бўлса-да, барибир ибратли.

Бир йигит хотинининг хархашалари жонига теккач, кекса отасини сахрога олиб бориб, адаштириб келмоқчи бўлибди. Шу мақсадда эрта тонгда туриб, қари отасини опичлаб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ниҳоят бир кекса дарахтнинг остида тўхтаб дам олмоқчи бўлибди. Шунда ота кутилмаганда хохолаб кула бошлабди. Отасининг сабабсиз хохолаб кулаётганини кўрган фарзанд ундан сўрабди:

— Ҳа, отагинам, нима сабаб бундай қажжақа отиб куляпсиз?

— Тақдир, болам, тақдир. Мен худди шу тақдиримдан, бу дунёнинг қайтар дунё эканидан куляпман.

— Барибир тушунолмадим, ота. Бундоқ батафсилроқ қилиб тушунтиринг-чи.

— Эҳ, ўғлим, мана шу қари дарахт менга яхши таниш. Бундан узоқ йиллар бурун мен ҳам сенга ўхшаб сахрога элтиб ташлаш учун отамни опичлаб кетаётиб худди шу дарахт соясида дам олган эдим. Мана, бугун сен ҳам худди шу дарахт остида дам оляпсан. Қайтар дунё экан. Мен отамнинг бошига солган савдо мана бугун ўз бошимга тушиб турибди. Шундоқ, ўғлим, сенда гуноҳ йўқ. Мен ўз отамга нимани лойиқ кўрган бўлсам, вақти етиб фарзандим уни менга қайтаряпти...

Отанинг бу гапи фарзандни лол қолдирибди. У бир куни отасига раво кўрган савдо охир-оқибат ўз бошига ҳам тушажагини ўйлаб, зор-зор йиғлабди...

**Азиз фарзандим,** хор-зор бўлмайдесанг, бу ривоятнинг пур маъносини яхшилаб уқиб, ўзинг учун хулоса чиқариб ол. Шундай қилсанг, кам бўлмайсан. Қариган чоғингда ҳам ҳеч кимга, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайсан. Иззат-икромда яшаб беқиёс қадр топасан. Бунинг учун эса ҳар босган қадамингда ота-онанг учун эзгулик уруғин экавер.

Бу дунё, азизим, қайтар дунёдир,  
Не эксанг, албатта, шуни ўрасан.  
Мош экиб, ловия кутмоқ рўёдир,  
Неклик қил, неклик-чун неклик кўрасан.

## **ОТАМ**

*Эй улуғлардан улуғ зукко отам,  
Аҳли донишлар аро якто отам.*

*Оқ соқолу оқ сочу оппоқ юрак,  
Сўзларингиз мунча пурмаъно отам.*

*Юзларингиз нуридан тонглар отар,  
Сиз туфайли умримиз рўшно, отам.*

*Тўй қилар бўлсак эрурсиз тўйбоши,  
Маслаҳатгўй, оқилу доно отам.*

*Бошга бир иш тушса доим бўлдингиз,  
Ўргилиб, қошимда тез пайдо отам.*

*Бахтимизга доимо бардам бўлинг,  
Айрилиқни кўрмайин асло, отам.*

*Жонажоним, кенг жаҳоним, бузругим,  
Меҳрингиз сермавж оқар дарё, отам.*

*Пойингизга тиз чўкиб, хизмат қилай,  
Сиз билан ҳолим бўлур аъло, отам.*

*Эй Калоний, ёз ғазал илҳом билан,  
Не учунким шеърга ҳам шайдо отам.*

## **ҚАРЗИНГНИ УЗ, ҚАРЗГА БЕР, СЎНГ ЎЗИНГ ЕГИН**

**Эй суюкли болажонларим!** Инсон зоти борки, боласини боқади. Қариб, қувватдан қолганида эса уни болалари боқади. Агар шундай бўлмаганида инсоният қирилиб кетган, бинобарин, оламда бирорта ҳам одам боласи қолмаган бўлур эди. Афсуски, бу ҳаёт қонунини билмаган ёки уни тан олмаган одамлар ҳам борки, уларни инсон сирасига қўшиб бўлмайди. Ўзи туққан, ўз пушти камаридан бўлган болаларини боқиб тарбияламай, етимхоналарга ёки кўча-кўйларга ташлаб кетган ота-оналар (бундайлар ота-она деган улуг номга ҳаргиз арзимамайди), қариб қувватдан қолган ота-оналарини боқишдан бош тортиб, уларни ғариблар уйига олиб бориб ташлаган ноқобил, нонкўр фарзандлар инсоний қиёфасини бутунлай йўқотган маҳлуқлардир. Бундайларга инсон номи ҳайф.

Сиз атрофингизга қараб яхши одамларни кузатиб, улардан ибрат олинг. Ота-оналар, болаларим яхши кийиб, яхши есин, деб тинмай меҳнат қиладилар. Худди асалариларга ўхшаб топган-тутганларини болаларига ташийдилар, уларни оқ ювиб, оқ тараб ҳақиқий инсонлар этиб тарбиялайдилар. Ўз навбатида мўмин-қобил фарзандлар ҳам кекса ота-оналарини эъзозлайдилар, яхши едириб-ичириб, кийинтириб, дуоларини оладилар. Энди шу хусусда бир **ривоят** айтиб бераман.

Бир киши ҳар куни бозордан учта нон харид қилар экан. Бундан кўп ҳам, кам ҳам олмас экан. Уни кузатиб юрган нонфуруш бир кун сўрабди:

— Эй харидорим, сизни анчадан бери кузатаман. Кунига учтадан нон харид қиласиз. Кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас. Бунинг сабаби нимада?

— Тўғри,— дебди харидор. Ҳар куни учта нон оламан. Унинг биттасини қарзимга бераман, яна биттасини қарзга бераман. Қолган биттасини ўзим ейман!

Нонфуруш харидорнинг битта нонни ўзим ейман, деган гапини тушунибди-ю, қолганини қарзига ва қарзга беришини тушунолмай таажжубланибди. Шунда харидор гапини изоҳлаб депти:

— Қарзимга деганимни ота-онамга бераман. Негаки, улар мени болалигимда худди шундай нон бериб боқишган. Қарзга деганимни эса, болаларимга бераман. Бир куни келиб қувватдан қолганимда улар мени боқишади...

Бу ривоятдаги харидор оддий инсоний бурчини бажараётган одамдир. Унинг бу ишини кенг маънода тушунмоқ, ҳар бир одам ўз ҳаётини ҳам ана шу тарзда яшаб ўтказмоғи зарур. Сизлар ҳам ҳаётнинг мазкур қонунини яхши англаб олинг ва унга умрингизда риоя қилинг.

Ота-онанг тўйдиргил, қарзинг узасан,  
Болангни тўйдиргил, қарзга берасан.  
Қарзингни узмоқдан яйраб ўзасан,  
Берган қарзларингни бир кун терасан.

## ОТА-ОНАМГА

*Таъзимдаман эгиб бош ҳар он ота-онамга,  
Мезбон бўлай умрбод меҳмон ота-онамга.*

*Хонамга кирсалар гар жисмим этай пойандоз,  
Мен ер мудом, тун-кун осмон ота-онамга.*

*Ҳар битта сўзлари минг шоҳ амрига баробар,  
Содиқ гулом бўлурман султон ота-онамга.*



*Панду ўғитларидир ҳикматга тенг, баробар,  
Жонимни этсам арзир қурбон ота-онамга.*

*Не муддао этурлар ижроси-чун чекиб жон,  
Мангу топиб берай мен имкон ота-онамга.*

*Хеч қолмайин қувватдан сафларда яйрасинлар,  
Қудрат топай, бағишлай дармон ота-онамга.*

*Киприкларимда тортай хор кирса пойларига,  
Бўлгум бало-қазодан қалқон ота-онамга.*

*Раҳмат олай элимдан, хизмат этиб чиройлик,  
Доим бўлай муносиб ўғлон ота-онамга.*

*Минг-минг ғазал битишлик камлик қилур, Калоний,  
Сон минг этиб ёзай хўб дoston ота-онамга.*

## **ТҲЙДАН КЕЙИН НОҒОРА**

**Эй азиз фарзандларим!** Халқимизда темирни қизигида бос, деган нақл бор. Унинг маъноси шуки, ҳар бир ишни ўз вақтида қилган маъқул. Вақти ўтгандан кейин қилган ишингнинг нафи йўқ. Бу ҳол эса «тўйдан кейин ноғора» деган мақолни эслатади. Шунинг учун ҳам сизлар доимо ҳар бир ишни ўз вақтида бажаринг. «Бугунги ишни эртага қўйма» деган ҳикматга амал қилинг. Айниқса, яқин одамларингизни тириклигида қадрланг. Нечунким умр деганлари омонат. Киши оламдан ўтиб кетгандан кейин унга меҳр кўрсата олмаганликдан, яхшилиги, эзгу амаллари учун муруват қайтармаганликдан пушаймон қилмоқ нодонликдир.

**Ривоят.** Бир кекса кампирнинг яккаю ягона ўғли бўлиб, у уйланганидан кейин нобоп хотинининг гапига

кириб, ўз туққанини ҳам унутибди. Онасининг ҳолидан хабар олмоқ у ёқда турсин, ҳатто емоқ-ичмоқдан ҳам қисиб қўйибди. Ноинсоф аёлининг гапига кириб, онажонини бўлмағур таънаю маломатлар билан кўнглини оғритар экан.

Кунлар ўтиб онаизор вафот этибди. Шундан кейингина нодон фарзанднинг басир кўзлари мошдек очилибди. Онаизорига ўтказган зуғумларини эслаб зор-зор йиғлабди. Онасининг маъракаларида дошқозонларда ош дамлаб элга тарқатса, кунларнинг бирида онаизори тушига кирибди.

— Эй, нодон болам, ўлгандан кейин катта дошқозонларда ош дамлаб элга тарқатганингдан кўра тириклигимда менинг ўзимга бир пиёла чой тутганинг афзал эмасмиди? Эндиликда қилаётган бу эҳсонларингдан кўра ўшанинг савоби бисёр бўларди-ку! Агар бу саховатингни мен учун қилаётган бўлсанг, энди мен унга муҳтож эмасман. Сен тириклигимда сийламаган бўлсанг ҳам, ўлганимдан кейин мени Оллоҳ сийлади. Мен жаннатдаман, — дебди.

Онанинг бу гапларини фарзанд тушида эшитган бўлса ҳам худди ўнгидаги каби тушунибди ва ўтмишда онаизорига ўтказган зуғумларидан пушаймон қилиб ич-ичини ебди.

Сизлар ҳеч қачон мазкур ривоятдаги ноқобил фарзанд хатосини такрорламанг. Аксинча, ундан ўзингизга тегишли хулоса чиқариб, яқин кишиларингизни тириклигида қадрланг.

Тириклик чоғимда этмадинг дилшод,  
Ўтинчу ишончим айладинг барбод.  
Қуёш ботгандан сўнг соябон нечун?  
Ўлсам кейин хоҳ эт ёд, хоҳ этма ёд.

## ОТАМНИ СОФИНИБ

Оҳ ураман, оҳ ураман, оҳ ураман,  
Мен отамни софингандан оҳ ураман.  
Эрта тонгдан хоналари бўшдир бутун,  
Кеч бўлганда йўл пойлайман, кўз тутаман.

Ховлимиздан изларини қидираман,  
Келганми деб уйларига ҳам кираман.  
Гўё ўғлим дейди боқиб суратлари,  
Кўз ёшларим юзларимдан сидираман.

Эсга солиб қошларини, кўзларини,  
Қулоғимга шивирлаган сўзларини,  
Дўппилари, чопонлари уй тўрида,  
Наҳот энди тополмайман ўзларини.

Кўчамиздан чоллар ўтар қатор-қатор,  
Қўлда асо, юзларида нурлари бор,  
Ҳазас билан боқиб менга қилар алам,  
Отагинам жойи қабр, — танг ила тор.

Нуронийлар чойхонага жам бўлади,  
Кўшниларим дадалари ҳам бўлади.  
Фариб бошим қайга урай, ёронларим,  
Нега битта менинг отам кам бўлади.

Кексаларга тўқсону юз ёш беради,  
Олтмиш учда ўғли элга ош беради.  
Юрак-бағрим темир экан, метин экан,  
Шундай оғир айрилиққа дош беради.

Тўшларимда чой ила нон – ош қўяман,  
Ўркаланиб пойларига бош қўяман.  
Бу қандайин мусибатдир, фарёдким,  
Бугун отам гўрларига тош қўяман.

Оҳ ураман, оҳ ураман, оҳ ураман,  
Мен отамни софингандан оҳ ураман.

*Эрта тонгдан хоналари бўшдир мудом,  
Кеч бўлганда йўл пойлайман, кўз тутаман.*

## **ҚОНДОШЛИК — ЖОНДОШЛИК**

Туғишганларингга меҳрибон бўл. Уларга шундай муносабатда бўлгинки, сени қадрлайдиган, эъзозлайдиган бўлишсин. Ўзаро меҳр ришталарини мустаҳкам қил, оқибатли бўл.

Ака-ука, опа-сингиллар бир ота-онанинг фарзандлари бўлганларидан кейин доимо аҳил, тотув яшашлари, бир-бирлари билан ҳамкор, ҳамнафас бўлишлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари лозим. Билиб қўй, ўз туғишганларини қадрламайдиган одам ўзгаларнинг ҳам қадрига етмайди. Демакки, унга инсонпарварлик туйғулари бегона. Бундай одамлардан ҳеч қачон яхшилик кутиб бўлмайди.

Эй фарзандим, агар сен ака-укангни зиёрат қилсанг, отангни зиёрат қилгандек, опа-синглингни зиёрат қилсанг, онангни зиёрат қилгандек савоб топасан. Амаки, тоға, амма ва холаларингдан ҳам меҳрингни дариг тутма. Улар билан қардошлик алоқаларини ҳеч қачон узма.

**Ривоят.** Бир подшоҳнинг ўғли урушда вафот этибди. Подшоҳ жуда қайғурибди. Кўп ўтмай иккинчи ўғли ҳам вафот этибди. Подшоҳнинг яна боши эгилибди. Аммо подшоҳнинг кулфати шу билан тугамабди. Унинг учинчи ўғли ҳам вафот этибди. Лекин подшоҳ бош эгиб, қайғурса-да, тоқат қилибди, чидабди.

Аммо чопарлар унга укасининг ҳам вафот этгани ҳақидаги хабарни келтиришганида ўзини тута олмай, беихтиёр оҳ тортибди. • Дод деб фарёд чекиб кўз ёш тўкибди. Шунда унинг аъёнлари:

— Эй мухтарам олампаноҳ! Бош ўғлингиз ўлди, йигламадингиз, ўртанча ўғлингиз ўлди додламадингиз, учинчи ўғлингиз ўлди оҳ чекмадингиз, лекин укангиз

Ўлса шунчалик фарёд чекиб йигладингизки, бизнинг ҳам юрак-бағримиз қон бўлди. Бунга сабаб нимада?

— Эҳ, аъёнларим, — депти подшоҳ, — ўғилларим ўлган бўлса, хотин яна туғиб бераверади. Аммо укам ўлди. Энди менга ука туғиб берадиган онам йўқ!

Худди шунга ўхшаш **яна бир ривоятда** айтилишича, подшоҳ бир аёлнинг эри, ўғли ва акасини зиндонга солибди. Аёл бечора бу мусибатга чидай олмай подшоҳ хузурига бориб, уларни озод қилишини сўрабди. Подшоҳ унга:

— Майли, шунча олис масофадан нажот излаб келибсан, ноумид бўлма. Учовидан биттасини озод этаман. Қай бирини эканини ўзинг танла, — дебди.

Аёл акасини танлабди. Шунда подшоҳ:

— Эй аёл, сен нега ўғлингни ҳам эмас, эрингни ҳам эмас, айнан акангни озод қилишимни сўрадинг, — деб сўрабди.

— Бунинг сабаби шундаки, — дебди аёл, — юртда эркак кўп, насиб этса бирортасига турмушга чиқарман. Кейин худо берса ўғил туғиб олишим ҳам мумкин. Бироқ менинг онам йўқ. Шундай экан, энди менга ҳеч ким ака туғиб беролмайди!

Аёлнинг бу жавоби подшоҳни лол қолдирибди. Унинг меҳри товланиб, аёлнинг эри ва ўғлини ҳам озод этибди.

Қиссадан ҳисса шуки:

Туғишган яқиндир, у ёт бўлолмас,  
Қондошлик — бир умр жондошлик демак.  
Туғишган инсоннинг кўнгли ҳеч қолмас,  
Туғишган азиздир, мисоли юрак!

## **ЎТМАЙ ТУРИБ**

*Найлайн, мен билмадим қадрин отам ўтмай туриб,  
Ҳикматини олмадим мушфиқ онам ўтмай туриб,  
Ёнида тиргак бўлай энди акам ўтмай туриб,  
Эркалаб эъзозлайн эрка укам ўтмай туриб,*

*Хохарим ардоқлайин бирдан у ҳам ўтмай туриб,  
Ақрабо-хеш хизматин айлаб бу дам ўтмай туриб.*

*Нурнинг қадрига етаркан кас қуёш ботган маҳал,  
Зўр бедовнинг қадрини билгай одам сотган маҳал,  
Соғлигин қадрин билур бемор бўлиб ётган маҳал,  
Босқонни босганинг нафсиз маъдан қотган маҳал,  
Фойдасиз чекмоқ надомат ёй-ўқин отган маҳал,  
Ақрабо-хеш хизматин айлай бу дам ўтмай туриб.*

*Сен экин экмай туриб тупроқни айла парвариш,  
Зўр таом ҳам матрасиз оғзингда бор тушганда тиш,  
Турналар қочгай эканлар келганида юртга қиш,  
Дўст деганнинг қанчаси жуфтакни ростлар тушса иш,  
Яккаю-ёлғиз киши душман учун ҳар лаҳза «жиш»,  
Ақрабо-хеш хизматин айлай бу дам ўтмай туриб.*

*Тилда чин дўст, аслида ағёр одамдан қоч, бекин,  
Доимо содиқ қадрдонлар азиз, бўлгин яқин,  
Яшнатур қалбинг улар чакнаб мисоли бир чақин,  
Айлабон бўлмас адо узган билан дўстлар ҳақин,  
Ўз танинга ботмагай шамширда гар бор бўлса қин,  
Ақрабо-хеш хизматин айлай бу дам ўтмай туриб.*

*Бу жаҳонда қанча одам ўтди тирноқларга зор,  
Хешсизу дўстсиз эса дунё кўзига тангу тор,  
Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, гарчи унда донғи бор,  
Эй Худойим, дўстга зор, душманга асло этма хор,  
Сўнгги армон фойдасиздир, дер Калон беихтиёр,  
Ақрабо-хеш хизматин айлай бу дам ўтмай туриб.*

## **КЕНГА КЕНГ ДУНЁ, ТОРГА ТОР...**

**Азиз болаларим!** Инсон бой ёки қашшоқ яшайди, бу аввало, унинг ўзига боғлиқ. Бой бўламан, деган одам ҳалол, меҳнаткаш бўлиши, хасислигу қизганчиқ-

лик қилмаслиги керак. Фикримнинг далили учун сизларга бир **ривоят** айтиб бераман.

Бир кишининг умри қашшоқликда ўтибди. Қариб, умри поёнига етай деб қолса ҳам бирор кун рўшнолик кўрмабди. Хар қанча урингани билан ёлғиз кампирини ҳам тўйғазолмай хуноб бўлиб кўча эшиги олдида ўтирган экан, қаршисида бир нуроний пайдо бўлибди.

— Ассалому алайкум, — деб салом бериб гап бошлабди нуроний қария, — нега бунчалик хомуш кўринасиз?

— Э, нимасини айтасиз. Қашшоқликка ёшлиқда чидадим. Аммо энди оғирлик қияпти. Қариган чоғим очлик, юпунлик азобини чекмоқдаман. Ичкарида кампирим ҳам оч. Дарвоқе, ўзингизга йўл бўлсин?

— Оллоҳнинг ҳузурига кетяпман.

— Ие, бу гапингиз қизиқ бўлди-ку. Сиз ўзингиз кимсизу, Оллоҳ сизни қабул қилади?

— Мен Хизрман.

— Ростданми? Мени кечирасиз, тақсир. Танимасни сийламас, дерлар. Сиздан бир илтимос. Оллоҳнинг ҳузурига борганингизда сўраб кўринг-чи, мен фақиру бечорага ҳам бирор кун рўшнолик насиб қилармикан? Пешонамда қорним тўйиб, устим бут бўладиган кун ҳам борми, ёки шундоқ хор-зор бўлиб ўтиб кетавераманми?

Хизр бува рози бўлибдилар. Орадан кўп ўтмай қайтиб келиб қарияга:

— Сизга яқин кунларда Оллоҳ олти ойга етадиган бойлик ато қилармиш, —дебди.

— Хўш, ундан кейин-чи, — сўрабди қария. — Яна шу ҳолимга тушарканманми? Йўқ, унақаси кетмайди. Мен умр бўйи қашшоқликка кўниккан одамман. Олти ой бой яшаб, кейин яна қашшоқлик ружу қилса унга ўрганолмай қийналаман. Яхшиси, унақа ўткинчи тўқликка ўрганмай кўя қолай.

Шу пайт эшик ортида уларнинг гапини эшитиб турган кампири тирқишдан қўлини чиқариб чолини чимчилапти:

— Ҳой, хўжайин. Оллоҳнинг эҳсонига ношуқурлик

қилиб бўлмайди. Рад этмай қабул қилинг. Олти ойдан кейин у ёғи бир гап бўлар...

Чол рози бўлибди. Орадан кўп ўтмай чиндан ҳам уларга каттагина бойлик насиб қилибди. Умр бўйи бунақа бойликни кўрмаган чол:

— Оҳ-ҳа, шунча бойликни тежаб-тергаб, исроф қилмай фақат ўзимиз учун сарфласак, у олти ойга эмас, умримиз охиригача етади-ку, — дебди.

Шунда кампири:

— Э, эсини еган чол, нима деб валдираяпсиз. Ахир уни, Оллоҳ олти ойга берган-ку. Тежасангиз ҳам, тежамасангиз ҳам шу муддат ўтгач тугайди.

— Тўғри, унда нима қиламиз?

— Нима қилардик, ҳамма мўмин-мусулмонлар бойликларини қандай сарфлашса, биз ҳам ўшандай харжлайверамиз-да!

Чол-кампир шундай қилишибди. Ўзларига яхши устбош, егулик олишибди. Кўшнилари бемор ва оч экан, унга саховат кўрсатишибди. Маҳаллаларида бир етим бор экан, уни ҳам кийдириб, едиришибди. Уйларига меҳмон келса сахийлик билан дастурхон ёзишибди. Бироқ зинҳор-базинҳор исрофгарчиликка йўл қўйишмабди, бойликни беҳуда совуришмабди.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, бундоқ қарашса, айтилган олти ой ҳам ўтиб кетибди. Шунда улар тун бўйи ухламай бойликларининг ғойиб бўлишини кутишибди. Аммо у ғойиб бўлмабди. Аксинча, ҳисобкитоб қилишса, дастлабкисидан анча зиёда бўлиб қолганмиш.

Чол-кампир барибир ишонмай бойликларининг тўсатдан тугаб қолишини кутишса у орадан яна тўрт ой ўтса ҳамки тугамабди. Аксинча, кундан-кунга ошиб, уч-тўрт хисса кўпайиб кетибди. Шунда чол кампирига:

— Мен сенга айтсам, кампир, ўша кунги нуроний ё Хизр эмас, У Оллоҳнинг ҳузурига ҳам бормаган. Шунчаки бизнинг кўнглимизни кўтариш учун ўша гапни айтгану, бу ёғига тасодифан шу мулк бизга ато бўлган.



Чолнинг бу гапи кампирини ҳам ўйлантириб қўйибди. Негаки, бойликлари тугаш у ёқда турсин, кундан-кунга кўпайиб кетаётганмиш-да! Кунларнинг бирида чол-кампирнинг бахтига яна ўша нуруний дуч келибди. Шунда улар:

— Эй нуруний, нечун ўшанда бизни алдадинг? Мана, орадан олти ой эмас, ўн ой ўтса ҳам бойлигимиз ошса ошаяптики, тугамаяпти-ку. Бу қанақаси бўлди? — деб сўрашибди.

— Мен ўшанда сизларга Оллоҳнинг гапини етказганман. Буёғига нима бўлаётганини яна Яратган билди, — депти Хизрбува ва бунинг сабабини Оллоҳдан сўраб келиш учун унинг ҳузурига йўл олибди.

Чол-кампир яна боягидек еб-ичиб, муҳтожларга савоат кўрсатиб юраверибди. Бир куни қарашса, қаршиларида Хизрбува турганмишлар.

— Эй чол-кампир, — дебдилар улар, — мен Оллоҳдан ҳаммасини сўраб кўрдим. У шундай деди:

— Мен чол-кампирга чиндан ҳам олти ойга етадиган бойлик ато қилгандим. Агар уни фақат ўзлари учун сарфласалар, у олти ойга етарди, холос. Лекин чол-кампир бундай қилишмади. Мен берган бойликнинг бир қисмини етим-есир, бемор, муҳтожлар орқали, яна бир қисмини меҳмонлари орқали ўзимга қайтарди. Табиийки, мен ким бирни берса, икки қилиб қайтараман. Чол-кампирнинг бойлиги шу тарзда кўпайиб кетмоқда.

**Кўрдингизми, болаларим,** сизлар ҳам топганларингизни ана шу чол-кампирга ўхшаб, сахийлик билан, лекин исроф қилмай сарфласангиз, доимо бирларингиз икки, иккиларингиз тўрт бўлаверади. Аксинча, хасису қизғанчиқ бўлсаларингиз, топганларингиздан барака кўтарилади. Кенгга кенг дунё, торга тор, деб шунга айтадилар-да!

Феълингни кенг қилгин, бўлма хасис, паст,  
Очиққўл касларни Оллоҳ суяди.  
Сахийлик шароби ила этиб маст,  
Бир умр сени бой қилиб қўяди!

## **ФЕЪЛИНГНИ КЕНГ ҚИЛ**

*Феъли кенгга кенгдир дунё,  
Феъли торга тор гўр гўё.  
Ўзинг асра, эй Худоё,  
Феъли тордан–мисли мордан.*

*Очкўз одам ҳеч тўймайди,  
Фофиллигин ҳеч қўймайди.  
Меҳмон учун қўй сўймайди,  
Турқи совуқ муздан, қордан.*

*Жоҳиллардан кутма меҳр,  
Меҳр сўрсанг этар қаҳр.  
Нажот сўрма, айла сабр,  
Садо чикмас тошдевордан.*

*Эй Калоний, феълни кенг қил,  
Бадфеълларни ғаним деб бил,  
Дўст деб билиб, чўктирма дил,  
Изламагин ор беордан... .*

## **ДЎСТНИ ДУШМАН ҚИЛМА**

**Эй азиз фарзандим!** Дўстларингга дўстларча муносабатда бўлгин, ҳеч қачон улар кўнглини оғритмагил, токи сендан ихлослари қайтмасин. Агар шундай ҳол рўй берса, душманларингга қўл келади. Улар сендан кўнгли совиган дўстингни ўз томонларига оғдириб олишади. Бу сенинг ўша дўстинг ҳам душманга айланди, деган гап.

Бир **ривоятда** таъкидланишича, бир-бирига душман бўлган ит билан бўри жуда иноқлашиб кетишибди. Ит чўпон ва унинг қўрасини ташлаб бўри билан ўрмонга кетиб қолибди. Икки муҳолифнинг бу қадар

иноқлашиб кетишганини кўрган ўрмон ҳайвонлари ҳайратдан ёқа ушлаб, бунинг сабабини сўрашибди. Уларга жавобан ит шундай дебди:

— Тўғри, мен чўпонга дўстлигим туфайли бўрига ёв эдим. Лекин дўстимнинг менга нисбатан асоссиз нафрати туфайли бўри билан дўстлашдим.

— Қандай қилиб?

— Кунларнинг бирида ағерим бўлмиш бўри кўрага хужум қилиб, бир кўзичоққа ташланди. Мен ўша куни бетоб бўлиб, оёғимда зўрға турардим. Шунга қарамай, азбаройи дўстимга садоқатим туфайли ўз ҳаётимни хавф остида қолдириб бўрига ташландим. Аммо, минг афсуски, мадорсизлигим панд берди. Бўри кўзичоқни олиб қочди. Мен уни қувиб етолмай ортимга қуруқ қайтдим. Буни кўрган чўпон дарғазаб бўлди ва мени таёғи билан беаёв савалай кетди. Умрим бўйи кўрсатган садоқатимни инобатга олмади. Бағритошлик билан худди душмани — бўрини савалагандек савалайверди. Азбаройи оғриққа чидолмаганимдан бетоблигим ҳам ёдимдан чиқиб, ўрмонга қочиб келдим ва баджаҳл чўпонга қасдма-қасд бўри билан дўстлашдим. Энди чўпоннинг қўй-қўзиларига икковлашиб хужум қилсак, бунинг таажжубли жойи йўқ.

Шундай қилиб, чўпонга бир умр садоқатли дўст бўлган ит жаҳолат сабаб, душманга айланибди. Оламда бундан ҳам хунук, бундан ҳам бехосият иш бўлмаса керак.

**Эй фарзандим!** Сен ҳеч қачон бу ривоятдаги чўпон каби калтабин бўлмагин. Садоқатли дўстингга доимо эҳтиёткорлик билан муносабатда бўл. У билан етти ўлчаб, бир кесиб муомала қил. Шундай иш тутки, бирорта ҳам дўстинг сендан узоқлашмасин. Билиб қўй, дўстинг мингта бўлса ҳам оз, душманинг битта бўлса ҳам кўп. Дўстлик-муқаддас туйғу, уни асраб-авайла, ардоқла. Дўстларингнинг сендан ҳеч қачон кўнгли қолмасин, аксинча, кундан-кун меҳру муҳаббати, садоқати бисёр бўлаверсин.

Дўстликка садоқат — бу марднинг иши,  
Дўстликка хиёнат — номард қилмиши.  
Дўстликни эъзозла, ардоқла, пок тут,  
Дўстни душман этмас эс-хушли киши.

## **ДЎСТ ТАНЛАСАНГ**

*Чин дўстинг кўнглини оғритма зинҳор,  
Билиб-билмай отма таъна тошини.  
Ўзингга ҳеч берма ортиқча баҳо,  
Ранжитиб оқизма кўздан ёшини.*

*Чин дўстлар дўстига садоқат қилиб,  
Ёмонин яшириб, яхшисин очар.  
Яхши дўст дўстини шараф деб билиб,  
Ёмон дўстдан ёвдан қочгандек қочар.*

*Мунофиқ дўст золим душмандан ёмон,  
Садоқат деб туриб, қилур хиёнат.  
Сирғалиб кўйнингга кириб ул илон,  
Чақиб захарлайди қалбинг касофат.*

*Эй Калоний, очгин кўзингни мошдек,  
Дўст танлаган чоғда адашма зинҳор.  
Номард дўстнинг қалби қаттиқдир тошдек,  
Бошингга кулфатлар ёғдирур бисёр.*

## **САДОҚАТЛИ ДЎСТДАН АЙРИЛМА**

«Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, дўст юз минг бўлса оз.  
Кўп эрур, бисёр душман, бўлса у бир дона ҳам», – деб  
шоир жуда тўғри айтган. Дўст – инсон ҳаётининг гул-  
тожи, безаги. Уни асраш, авайлаш, ундан айрилиб  
қолмаслик чораларини кўрмоқ лозим. Зеро, садоқат-  
ли дўстдан айрилмоқ чинакам фожиадир.

**Ривоят.** Подшоҳнинг кайфияти ёмонлигини фаҳм-  
лаган вазир унинг кўнглини кўтармоқ ниятида ҳазил

гап айтибди. Подшоҳ эса қошларини чимириб қўйибди-ю, лом-лим демабди. Бу ҳол яна такрорлангач, у дарғазаб бўлиб дебди:

— Менинг кўнглим хуфтон бўлиб турган бир пайтда бунақа тутуриқсиз гапларни айтмоққа қандай журъат этдинг? Йўқол, кўзимга кўринма. Акс ҳолда каллангни танангдан жудо қиламан, – деб саройдан ҳайдаб юборибди.

Доно вазир подшоҳга садоқатли дўст экан. «Бошқа гап айтмай, тинчгина кетганим маъқул, дўстим жаҳл устида шундай қилди. Соғинса ўзи қидириб топар», – деб уйига ҳам кирмай қариндошининг уйига бориб яшай бошлабди.

Жаҳл отига минган подшоҳ ўзига келгач афсусланиб, янги вазир тайинлабди. Аммо ундан кўнгли заррача бўлса-да тўлмабди. Шундан кейин бир неча вазирни алмаштирибди, бироқ ҳеч бири ўзи ҳайдаб юборган дўстининг ўрнини боса олмабди.

Подшоҳ собиқ вазирини эсдан чиқаролмай қийналибди. Аммо уни излаб тополмабди. Ноилож қолгач, ўйлаб-ўйлаб «кимки бош вазир лавозимига ўзини лойиқ кўрса саройга келсин. Агар саволларимга мукамал жавоб берса, вазирлик лавозимига тайинлайман. Бордию жавоб беролмаса сазойи қиламан», – деб фармойиш қилибди. Жарчилар жар солибди. Бу хабарни эшитганлар юрак бетлаб саройга кела олмабдилар. Келганлари эса сазойи қилинибди.

Кунларнинг бирида юпун кийинган, соқоллари ўсган, чўлоқ ва букри бир одам кириб келибди. Подшоҳ уни сўроққа тутибди.

— Дунёдаги барча денгизлар остида жойлашган марваридларнинг сони қанча?

— Оламдаги одамларнинг кўзлари нечта бўлса, шунча.

— Инсон танаси учун энг зарур нарса нима?

— Саломатлик.

— Қандай қурол мўлжалга аниқ уради?

— Ақлли инсон онги.

— Қум билан шакар аралашиб кетса, уни сувсиз қандай ажратса бўлади?

— Бу аралашмани чумолининг уяси олдига тўкилса чумоли шакарни ташиб кетади, кум жойида қолади.

— Денгиз сувини ичиб адо қила оласанми?

— Ҳа, лекин аввал сиз денгизга қуйиладиган ҳамма дарё ва ирмоқларни тўхташиб берасиз.

— Ўлик гулханда ёнади, тирикни нима қуйдиради?

— Тирикчилик ташвишлари.

— Дунёда энг паст иш нима?

— Тиланчилик.

Саволлар ёмғири тингач, букри подшоҳга мурожаат этибди:

— Вазирларингизга мен ҳам битта савол берсам бўладими?

— Розиман.

— Эшикнинг гичирлаши нимани англатади?

Вазирлар ўйлаб-ўйлаб тайинли жавоб беришолмагач, букрининг ўзи:

— Эшикнинг гичирлаши унинг очилиб-ёпилганидан дарак беради, — дебди.

Подшоҳ қувониб кетибди ва бу букри олдинги доно вазиридан ҳам ақлли экан, деган хулосага келибди.

— Бу букри гоят доно экан. Унга вазирлик сарполарини кийдилинг, — деб фармон берибди. Шунда букри:

—Подшоҳим, мен Оллоҳнинг бир ожиз бандасиман. Бир пайтлар сизнинг бир доно вазирингиз бўларди. Мен унинг ўрнини эгаллашга лойиқ эмасман, — дебди.

— Ҳа, бор эди, — дебди подшоҳ афсусланиб. — Мен нодонлик қилиб, уни ҳайдаб юборгандим. Энди эса изини ҳам тополмаяпман.

— Афсусланманг, подшоҳим, чин юракдан қидирган бўлсангиз, унинг ўзи ҳузурингизга келади. Мен унинг қаерда эканини биламан.

— Агар қаердалигини чиндан ҳам билсанг, тилаган тилагингни бажо этаман, — деб шодланиб кетибди подшоҳ.

— Ундай бўлса бир қошиқ қонимдан кечинг.

Вазир шундай дея ясама соқолини олиб ташлаб,

қаддини ростлабди. Подшоҳ ўрнидан туриб вазири-ни бағрига босибди.

**Кўрдингизми, фарзандларим,** подшоҳнинг хатоси унга қанчалик қимматга тушганини! У жаҳл устида садоқатли дўсти–вазиридан айрилиб, то уни қайта топгунича шунча азият чекибди. Сизлар унинг хатосини такорраманг, дўстларингизни асранг. Дўстлик ришталари узилса, уни тиклаш қийин. Бир амаллаб уланса ҳам тугун ҳосил бўлади ва у тугун абадий қолиши мумкин.

Йўқотган бойликнинг ўрни тўлади,  
Кам-кўстнинг амаллаб ўрнин ёпасан.  
Дўстингни йўқотсанг нима бўлади,  
Уни излаб кейин қайдан топасан?

### **ДЎСТИМ**

*Мен содиқ дўстдирман, дўстим бўлиб қол,  
Қўлим узатганим он узат қўлингни.  
Дўстона гапларим олмагин малол,  
Оллоҳ ойдин этсин юрар йўлингни.*

*Таъма ниятида узатмадим қўл,  
Фақат меҳрим бериб, меҳрингни олай.  
Садоқатим кўру, садоқатли бўл,  
Қалбингга чин дўстлик туйғусин солай.*

*Ортиқ ҳеч бир вақо менга керакмас,  
Фақат меҳринг беру қаҳр этмагин.  
Меҳр-муҳаббатсиз юрак юракмас,  
Жон дўстим, меҳримни ташлаб кетмагин.*

## **ДЎСТГА ҲИММАТ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ**

**Азиз фарзандларим,** дўстларингнинг дўсти ҳам сенга дўст ва аксинча уларнинг душманлари ҳам душ-

ман. Дўстларинг ҳам дўстларингга дўст, душманларингга душман бўлсин. Фақат ўз манфаатларини кўзлаб дўст бўлувчилардан узоқ юринг. Билиб қўйинг, сохта дўстлар бамисли айб изловчи жосусларга ўхшайди. Уларнинг ниятлари душманликдан иборат.

Дунёда содиқ дўст топиш осонмас. Чунки уларнинг ўзи оз. Бир донишманддан:

— Эй мухтарам зот, сизнинг қанча дўстингиз бор, — деб сўрашганда, у:

— Ҳозир бахт қуши бошимга қўнган. Мол-дунём етарли. Шунга яраша дўстларим ҳам кўп. Улар атрофимда гирдикапалак. Аммо менга чин дўстми, ё сохталигини айтолмайман. Ҳақиқий дўстларим мендан бахт-иқбол юз ўгирган чоғимда аён бўлади. Ўшандагина мен дўстларим қанча эканини айтиб бера оламан, — деган экан.

Сизлар ҳам ён-атрофингиздаги дўстларингиз қалбига қулоқ тутинг. Уларнинг содиқларини аниқлаб билинг. Тўғри, ҳақиқий дўст топиш қийин. Аммо ҳақиқий дўст, албатта, топилади. Дўст қанча кўп бўлса шунча яхши.

Бир фозил киши айтади:

— Мен кунлардан бирида дўстимни кўргани бордим. У бир тортимча палос устида ўтирган экан. Мени ҳам шу палос устига ўтиришга таклиф этди.

Мен:

— Эй дўстим, палосинг ўзингга етмай турибди-ку. Мен унга қандай ўтираман?, — деб кулдим. Шунда у:

— Икки душман кенг дунёга ҳам сигмайди. Бироқ икки дўст кўнгил кенг бўлса, бир қарич ерга ҳам сиға олади, — деб жавоб берди.

Дарҳақиқат, шундай. Дўст дўстдан ҳуда-беҳуда ранжимаслиги, қадрдонлик алоқаларини узмаслиги лозим. Айбсиз парвардигор. Нуқсонсиз дўст топмоқ мушкул. Аммо кўнглинг кенг бўлсин. Дўстларингнинг айбини яшириб, фазилатларини ошир. Шоир айтганидек, меҳр уйин кенг очсанг, дўст бўлур бегона ҳам.

Дўстларингнинг дўсти ҳам сенинг дўстинг. Бас



шундай экан, сенинг дўстларинг, яқин кишиларинг ҳам дўстларингга дўст бўлмоғи лозим.

**Ривоят.** Исҳоқ Мусилий деган бир дўстпарвар киши пулга муҳтож бўлиб қолиб, яқин дўстларидан бирининг уйига қарз сўраб борибди. Аммо дўсти уйида йўқ экан. Унга дўстининг канизаги пешвоз чиқибди. Мусилий унга:

— Менга озроқ пул керак бўлиб қолди, хожангизнинг ҳамёнини олиб чиқинг, — дебди.

Канизак ҳеч иккиланмай, хожасининг ҳамёнини олиб чиқиб, Мусилийга тутқазибди. Мусилий дўстининг ҳамёнидан ўн тангани олиб чиқиб кетибди. Хожаси уйга келгач, канизак:

— Эй хожам, дўстингиз келиб бироз пул қарз сўради. Мен ҳамёнингизни олиб чиқиб бердим. У ўн танга олиб қолганини қайтариб берди. Мен у киши ҳақиқий дўстингиз эканлигини билганим учун ҳам шундай қилдим. Ҳамёнингизни сиздан берухсат олиб чиқиб берганим учун айбиман. Кечиринг, — деб узр сўрабди. Хожаси севиhib:

— Раҳмат сенга. Менинг уйда йўқлигимни билдирмай, дўстим хожатини чиқарганинг учун сени озод қилдим, — дебди.

Ҳақиқий дўстлар шу ривоятдаги каби ўз яқинларини ҳам дўстларига содиқ ва меҳрибон қилиб тарбиялайдилар. Сизлар ҳам шундай иш тутинглар, азизларим. Шунда дўстларингиз ҳам Сизга садоқатли бўладилар.

Дўстликка садоқат олий фазилат,  
Садоқатсиз дўстлик мисли пуч ёнғоқ,  
Дўстингга садоқат қилсанг беминнат,  
Дил уйинг ёришиб кетади мутлоқ.

## **ДЎСТ БЎЛСАНГ**

*Дўст бўлсанг гар юрагингни оч,  
Қўлларингни ташла қўлимга.*

*Душман бўлсанг атрофимдан қоч,  
Гов бўлмагин юрар йўлимга.*

*Дўстим бўлсанг қилай садоқат,  
Дилга дилни этайлик пайванд  
Душман бўлсанг агар касофат,  
Йўламагин бераман деб панд.*

*Йўлларимда не учун пайдо  
Бўлмоқликни айладинг одат.  
Агар бўлса қалбинг мусаффо,  
Ниятингда бўлса ҳидоят.*

*Йўлларингга сочайин зиё,  
Ҳатто жоним этай пойандоз.  
Сукут нечун, бера қол садо,  
Дўст тутинмоқ нақадар ҳам соз.*

*Дўст-дўстига бўлур елкадош,  
Чиқ елкамга, кўтариб юрай.  
Сенинг учун бўлсин фидо бош,  
Жўмард бўлиб, қандимни урай.*

## **ДЎСТГА САДОҚАТ — ОЛИЙ БАХТ**

**Эй фарзандим!** Инсоннинг энг олийжаноб фази-латларидан бири дўстга садоқат ҳисобланади. Садоқатсиз дўст бамисли пуч ёнғоқ. Пуч ёнғоқ ташқи кўри-нишидан хуштаъм ва тўйимли неъмат бўлиб кўринса-да, аслида унинг ичида мағзи йўқ, қуруқ пўчоқдан иборат. Садоқатсиз дўст ҳам тилда дўстман деб турсада, қалбида меҳр ҳам, муҳаббат ҳам, бўлмайди.

Аммо билиб кўй, садоқатли дўст дўстининг бошига мусибат тушса дарддош, маслаҳат керак бўлса мас-лакдош, хавф-хатарли йўлда ҳамроҳ бўлади. Шугина эмас, у дўсти учун ишончли қалқон, керак бўлса жо-нини ҳам аямайди.

**Ривоят.** Қадим замонда яшаган бир тоғлик йигит қишлоғидаги бир дилбар қизни севиб қолибди. Аммо ишқини унга изҳор этолмай узоқ вақт қийналибди. Охири уни ишқ олови ўртаб адои тамом қилгач, маъшуқанинг ҳузурига бориб тиз чўкиб дебди:

— Эй гўзаллар гўзали бўлмиш сарвиноз! Мен сенга ошиғи мубталоман, шайдойингман. Севгимни қабул эт. Акс ҳолда муҳаббатинг оловида ёниб кул бўламан!

— Агар менга чиндан ошиқ бўлсанг, буни исботлашинг керак, — дебди жавобан сарвиноз.

— Бош устига, — дебди ошиқ йигит, — не синовинг бўлса мен тайёрман. Фақат севгимни рад этма!

— Унда бир шартим бор, шуни бажаролсанг иқбол кўёшинг порлайди.

— Буюр! Нима экан ўша шартинг!

— Анов кўриниб турган чўққига чиқиб беш кунгача гулхан ёқасан. Ёққан гулханингнинг алангасини бутун қишлоқ аҳли кўриб турсин. Борди-ю, гулхан бир дақиқа ўчиб қолса, демак, менга бўлган севгинг олови ҳам мангу ўчади. Васлимдан умидингни узавер.

Йигит рози бўлибди. Чўққига чиқиб ўтин тўплабди. Шундай каттакон гулхан ёқибдики, унинг алангасини бутун қишлоқ аҳли кўрибди. Нега бундай гулхан ёқиш сабабини ошиқ йигиту, сарвиноз қиздан бошқа ҳеч ким билмабди. Орадан тўрт кеча-кундуз ўтибди, аммо йигит ёққан гулхан алангаси сўнмабди.

Чўққидаги йигит шу зайлда гулханни ёқиб турсин, энди гапни ўша сарвиноз қиздан эшитайлик. Бу қиз шу қадар гўзал эканки, унга ошиқ бўлмаган йигитни топиш амри маҳол экан. Шуниси ажабланарлики, беҳисоб ошиқлари орасида чўққида ўт ёқаётган йигитнинг энг яқин дўсти ҳам бор экан. Аммо худди дўсти каби у ҳам ишқини пинҳон сақлар экан. Ниҳоят ишқ азобига дош беролмай, гўзалнинг ҳузурига бориб, бош эгибди:

— Эй гўзаллар гўзали! Мен сенинг ишқинг оловида юрак-бағри кабоб бўлган ошиқман, севгимни қабул

эт. Йўқса, адои-тамом бўламан!

Қиз унга ҳам ўша чўққига чиқиб, беш кунгача гулхан ёқишини, гулханнинг алангаси бутун қишлоқ аҳлига кўриниб туришини, агар бирор дақиқа бўлса ҳам аланга ўчиб қолса, демак, унинг ишқ олови ҳам албатта ўчажагини айтибди.

— Йўқ, — дебди йигит. Гулханим ҳам, қалбимдаги ишқим алангаси ҳам ўчмайди.

Ошиқ йигит гулхан ёқмоқ учун чўққига кўтарилибди. Қараса, у ерда атиги бир соат кам беш кундан бери ёнаётган гулхан ўчай-ўчай, деб турганмиш. Унинг ёнида эса садоқатли дўсти ўтирган ҳолатда ухлаб қолибди.

Шунда у воқеанинг моҳиятини англаб етибди. Салкам беш кундан бери мижжа қоқмай гулхан ёқаётган дўстининг кўзини уйқу элитганини англабди. Бир зум не қиларини билмай боши қотибди. Аммо қалбидаги муҳаббат туйғуси нақадар кучли бўлмасин, дўстига бўлган садоқати ундан устун келибди. Қалби дўстинга садоқат қил, деб амр этибди. Йигит дарҳол бир кучоқ ўтинни олиб, сўна бошлаган оловга ташлабди. Гулхан яна авж олиб гурриллаб ёнибди. Унинг алангасидан гўё бутун олам чароғон бўлибди.

**Кўрдингми, азиз фарзандим!** Сен ҳам худди шу йигит каби дўстинга садоқатли бўл ва худди шунга ўхшаш дўст ортир.

Дўстликка садоқат қалб амри бўлсин,  
Гўё офтоб каби сочаверсин нур.  
Дўстлар қалби мудом зиёга тўлсин,  
Садоқат кўрсатмоқ олий бахт эрур.

## **ДЎСТИМГА**

*Чин дўст оғир кунда билинар эмиш,  
Ёнингда турармиш бўлиб дарддошинг.  
Бу гапни қачондир қайси кас демиш,  
Чин дўст бўлар эмиш содиқ ғамдошинг.*

*Мен яхши ниятда дўст тутдим сени,  
Оғир кун бошимга тушмасин асло.  
Бир умр кулгумга жўр бўлгин мени,  
Сенга ғам, андуҳни кўрмайман раво.*

*Азият чекмагин мен учун дўстим,  
Мени деб қалбингни босмасин алам,  
Доим ўзгаларга наф бериб ўсдим,  
Зарарим тегмасин бундан кейин ҳам.*

*Ўзимнинг аробам ўзим тортайин,  
Эй дўстим, мен учун чекмагин озор.  
Не учун елкангга ташвиш ортайин,  
Сенинг ғам чекканинг кўрмайин зинҳор.*

## **ДЎСТИНГНИ ИМТИҲОН ҚИЛ**

Ҳақиқий дўст бошингга кулфат тушганда билинади. Лекин сенинг бошингга ҳаргиз ташвиш тушмасин, болам. Биз ота-онанг Яратгандан туну-кун шуни сўраймиз. Бошингга ҳеч қачон ўзгалар кўмагига муҳтож қиладиган ташвиш тушмасин. Иншааллоҳ дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож бўлмагин.

Шуни билгинки, ўғлим, шоду хуррам кунларингда атрофингда гирдикапалак бўлиб юргувчи улфатлар сероб бўлади. Сен уларнинг ҳаммасини ҳам дўсти содиқ деб ишонма. Агар бошингга бир мусибат тушса (Оллоҳ асрасин) уларнинг бари овчи ўқ узганда «дув» этиб учиб кетган қушлар каби сени тарк этади.

Насихатларимга амал қилсанг, дўстларинг қанчалигини билиб, улар билан бехавотир муносабатда бўласан.

**Ривоят** қилишларича, бир бадавлат йигитнинг атрофида доимо улфатлари гирдикапалак экан. У бундан шод ва мамнун бўлиб, барчасини ўзига яқин дўст биларкан. Кунларнинг бирида унга содиқ хизматкори дебди:

— Эй хожам, улфатларингизни бир синовдан ўтказиб олсангиз.

— Бу ортиқча гафго нечун керак?

— Хожам, илоё, ишингиз доимо бароридан келсин, илло муҳтож аҳволга тушиб қолсангиз қиёфалари ўзгариб, қочиб қолишмасмикин? Хўп десангиз, сиз учун мен уларни бир синовдан ўтказсам...

Хожа ўйлаб кўриб рози бўлибди. Белгиланган тадбирга кўра у ўзини бор мол-мулкидан ажралиб қолган қашшоқ деб гап тарқатибди. Хизматкор хожасига кечаю кундуз ҳамду сано ўқиб, этагини ялаган улфатларнинг уйларига равона бўлибди.

Хожаси учун қарз сўраб борган хизматкор ҳар эшикдан мулзам бўлиб ортига қайтибди. Тарвузи қўлтиғидан тушган хожа хизматкорга:

— Бўлар иш бўлди, энди фалон жойда яна бир дўстим бор эди, ўшандан ҳам қарз сўраб кўрчи, — дебди.

Хизматкор хожасининг бу дўстини ҳам топиб муддаони айтибди. Дўст хабардан мутассир бўлиб хизматкорга:

— Сен шу ерда бир оз ўтириб тур. Менинг зарур юмушим бор эди. Қайтиб келиб дўстим илтимоси хусусида келишиб оламиз, — деб ўзи ғойиб бўлибди.

Орадан маълум вақт ўтгач, хизматкор ҳузурига бутунлай бегона бир киши кириб келиб, унга пул тутқазибди. Бундан таажубга тушган хизматкор ундан:

— Сиз кимсиз? Менинг хожамнинг дўсти қани? Нега унинг ўзи келмай бу пулни сиздан бериб юборди, — деб сўрабди.

Нотаниш киши:

— Ул одам ўзини бир ойга қул қилиб менга сотди ва пулини сенга топшириб қўйишимни сўради. У энди бир ойгача хизматимда бўлади, деб жавоб берибди.

Алқисса, бояги одамнинг қўлида пули бўлмагани учун ўзини қул сифатида сотган экан. Хизматкор масалани тушуниб етгач хожасининг бу дўсти нақадар садоқатли эканлигига қойил қолибди.

**Кўрдингми, ўғлим,** саховатли бой кимсанинг мазкур имтиҳонидан фақат биттагина шу дўсти ўтибди

Қиссадан қисса шуки, ўғлим, турмушинг фаровон бўлган кунларда атрофингда юрган улфатларингнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий дўст бўлавермайди. Халқимиз жўжа кузда саналади, деб бежиз айтмаган. Дўст ҳақиқий бўлса, у бошга кулфат тушганда дўстини қўллайди, унинг учун керак бўлса жонини ҳам аямайди. Шундай вафодор дўстлар сенга ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Фаровон кунингда ошнанг мўл бўлар,  
Худди болга қўнган пашшалар мисол.  
Қулгунгга жўр бўлиб барчаси кулар,  
Йиғласанг ҳамдardлик қилмас эҳтимол.

## **ДЎСТ УЧУН**

*Дўст эмас ул дўст агар, дўстлик учун жон бермаса,  
Қонсираб қолган маҳалда дўст учун қон бермаса.*

*Етти ёт бегонадан ҳам етти ёт бегонадир,  
Дўсти оч қолганда унга ош ила нон бермаса.*

*Оҳ деса оҳ демаса ул, дод деса дод демаса,  
Дўсти дард чекканда дўсти меҳри шоён бермаса.*

*Дўстга дўстнинг бурчи шулким, бир-бирини қўлламоқ,  
Дўстми у, душманни қўллаб, дўст учун ён бермаса.*

*Яхши дўстлар бир-бирига можаро ҳеч йўлламас,  
Дўстми у, тинчлик қушига кафтида дон бермаса.*

*Эй Калоний, дўстга содиқ бўл, сени қўллайди Ҳақ,  
Мен кафилман, иншааллоҳ, сен учун шон бермаса.*

## МАНМАНЛИК — ИМОН КУШАНДАСИ

**Эй фарзандим**, яна шуни ҳам билгилки, манманлик инсон учун хос бўлмаган иллат. Кўп одам мол-дунёсига, мансабига ишониб, эл-юрт назаридан қолади.

Худо берса, мол-мулкинг ошиб-тошиб кетса, мансабинг ғоят юксак даражага етса ҳам димоғинг кўтарилмасин, камтаринликнинг кенг ва равон йўлидан юраверки, у сени эзгуликнинг юксак чўққилари сари етаклайди. Энди сенга, ўғлим, куч-қудрати, шон-шавкатига ишониб манманликни ихтиёр этган ўрмон шоҳи — арслоннинг аччиқ қисмати ҳақидаги **ривоятни** айтиб берай.

Бир ўрмон шоҳи бўлган арслон куч-қудратига ишониб, ўрмондаги ҳайвонларни менсимай қўйибди. Унинг бу манманлигидан ҳайвонлар безор бўлибди. Арслон айниқса тулкини менсимас, уни камситиб, масхара қилишдан зерикмас экан. Тулки бир куни унга:

— Эй арслон! Биз сени ўрмондаги энг қудратли зот деб биламиз. Аммо яқин кунлардан бирида, шу қутлуғ масканда сенга ўхшаган бир махлуқ пайдо бўлиб, у куч-қудратда ягонаман, демоқда. Биз сенинг таъриф ва тавсифингни келтирсак, у шаънингга бўлмағур гапларни айтиб, кайфиятимизни бузди.

Бундан дарғазаб бўлган арслон тулкига ўшқирибди:

— Қани у ярамас, кўрсат менга, боплаб таъзирини бериб қўяй. Токи бундан кейин ҳеч ким куч-қудратда мендан ўзаман демасин!

Арслондан худди шу гапни кутган тулки уни кудуққа рўбарў қилибди:

— Пастга қарасанг ўша забардаст махлуқни кўрасан.



Арслон сувда аксини кўриб «ҳали сенмисан, ўзингни мендан юқори кўядиган», дея қудуққа сакраб ҳалок бўлибди.

**Алқисса, ўғлим,** манманлик кўчасидан юрма, кибру ҳавога берилма. Эл-юрт назаридан қоласан.

Манманликнинг кўчаси чўтир,  
Юрма унга, хатар туясан.  
Камтарликнинг тўрида ўтир,  
Эл меҳрига шунда тўясан.

### **БИР ГАП АЙТДИМ**

*Метин пўлат қаттиқман деб керилса,  
Вақти келиб ўтда мумдай эрийди.  
Жўшқин дарё манманликка берилса,  
Вақти келиб у ҳам бир кун қурийди.*

*Гердайса-да қувватидан арслон,  
Бир кун келиб қурт-қўнғизга ем бўлур.  
Мол-дунёга тўймаса-да кўз, инсон  
Ажал етгач чимдим тупроққа тўлур.*

*Ўз ақлим-ла бир гап айтдим, ногаҳон,  
Бу дунёда енгилмас куч топилмас.  
Қудратингга ишонмагин, эй ўғлон,  
Билсанг агар фақат соя чопилмас.*

## **ТУШКУНЛИК — УМР ЗАВОЛИ**

Ноумид — шайтон дейдилар. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон ҳамиша умид билан яшаши керак. Негаки, тушкунлик – умр заволи. Бас шундай экан, ҳар бир киши ўз келажагининг нурафшон бўлиши учун курашиши, изланиши шарт. Шундай қилса, у асло иложи йўқдек туюладиган азоб-уқубатдан ҳам қутулиб кета-

ди. Бунга савдогарнинг тўтиси ҳақидаги қуйидаги **ривоят** мисол бўлади.

Қадим замонда бир савдогар бойнинг тўтиси бўлиб, тили ниҳоятда бурро экан. Савдогар уни олтин қафасда сақлар, истаган таомини берар, тўтиси билан суҳбатлашиб кўнглини ёзар экан. Бир куни у Ҳиндистонга савдо иши билан борадиган бўлиб қолиб дардкаши бўлган тўти билан хайрлашаркан, сўрабди:

— Эй қадрдоним! Мен сенинг юртингга кетяпман. Айт, у ердаги авлодларингга нима деб қўяй ва сенга қанақа совға олиб келай?

Она юрти номини эшитиб тўти зор-зор йиғлабди:

— Эй ҳожам, менга ҳеч қанақа совға керак эмас. Фақат қавмимга «бу ердан узоқ мамлакатда бир авлодларинг бор. У инсон тилини жуда мукамал биледи. Уни эгаси ғоят севиб олтин қафасда сақлайди. Егулигу ичкиликдан камчилиги йўқ. Аммо доимо қон йиғлаб кўз ёши тўкади,- дегин.

Савдогар Ҳиндистонда тижорат ишларини битиргач бир ўрмонга кирибди. Қараса дарахтларда тўтилар мўл эмиш. Ўз тилларида бир-бирларига чуғур-чуғурлашиб сайрашармиш. Савдогар уларга тўтининг омонат гапини етказибди.

Савдогарнинг бу гапини эшитган тўтилар бир-бирларига маъноли қараб олишибди-да, тилларини чиқаришибди. Кейин бир оз йиғлаб туришибди-да, дарахтдан ерга ўлиб тушаверишибди. Савдогар бу ҳолатнинг сабабини билолмай юртига қайтгач, тўтисининг олдига бориб бўлган воқеани айтибди. Шунда унинг тўтиси ҳам аввал тилини чиқарибди. Кейин бир оз йиғлабди-да, ўлиб қолибди.

Энг яқин дўсти, дардкаши бўлмиш тўтисидан айрилган савдогар зор-зор йиғлаб, уни иззат-икром билан дафн этиш тараддудини кўра бошлабди. Шу пайт мўъжиза рўй берибди. Тўти тирилибди-ю, «пир» этиб баланд дарахт шохига қўнибди. Шунда савдогар:

— Эй тўти, сен қафасдан қутулишнинг бу йўлини қандай топдинг? — деб сўраган экан, у:

— Эй хожам, мен Ҳиндистондаги авлодларимга сен орқали аҳволимни тушунтирдим. Қафасга тушиб қолганиму, қутулиш учун йўл-йўриқ сўрадим. Уларнинг тилларини чиқарганлари қафасга тушишингга сабаб тилинг деганлари, зор-зор йиғлаб ўлиб қолганлари эса худди шу йўл билан қутулишим мумкинлигини айтганлари эди. Мен улар кўрсатган усулни қўллаб, қафасингдан қутулиб, озод бўлдим, — дебди.

**Азиз фарзандларим**, оддий бир қуш тақдирим шу экан, деб қафасда яшайвермай, ундан қутулиш йўлини излаб охири топибди. Сизлар инсонсизлар. Аввало бошларингга ҳеч қачон қаро кун тушмасин, мабодо бирор кор-ҳол рўй берса ҳам ўзингизни қўлга олинг. Тушкунликка тушмай нажот йўлини изланг.

Дунёда ноумид — ягона шайтон,  
Умид-ла яшайвер, бўлмагин тушкун.  
Тушкунлик айлайди адо бегумон,  
Изласанг бахтингни топасан бир кун.

## **ИШОНЧ**

*Ҳеч қачон воз кечма орзуларингдан,  
Ишонч билан яшар одатда инсон.  
Баъзан тўйиб кетсанг қайғуларингдан  
Ёдингга ол ўтган кунларни шодон.*

*Шунақа антиқа дунёнинг иши,  
Бундоқ ўйлаб кўрсанг мисли от ўйин.  
Баҳор гоҳ рақс этар қаҳратон қиши,  
Баъзан баҳор чоғи қиш чалар куйин.*

*Қувноқ ашуланг энг авж олган палла,  
Шундоқ ён қўшнингда бошланар аза.  
Чангаллаб қоласан бундай пайт калла,  
Дунё ишлари гоҳ шундоқ бемаза.*

*Ўйлайверсанг қотиб кетади бошинг,  
Ўйингга етмайсан ўйлаган сари.  
Нега мунгга ботиб чимирдинг қошинг,  
Ўткинчи ғамларни суриб қўй нари.*

*Тушкунлик тутмасин ёқангдан ҳаргиз,  
Ишонч тулпорида олға бос ўғлон.  
Ҳаётга чуқурроқ отавер илдиз,  
Ишончсиз яшама, беишонч — шайтон.*

## **ЭРТАНИ ЎЙЛА, ҒАМИНИ ЕМА**

**Эй фарзандим!** Доимо келажакка умид билан боқ. Ноумид бўлма. Фақат бугун учунгина яшаш ярамайди.

Сен ҳам ёшлиқда кексаликни, кексалиқда фарзандларингга қолдирадиган меросни ўйлаб яша. Аммо келажак деб бугунингдан воз кечма, ҳар иккисини ҳам баробар кўр. Зеро, бугун ўтмаса, эрта келмайди. Баъзилар фақат бугунги роҳатларини ўйлаб яшайдилар. Кунлик маишату фароғатлари шавқидан маст бўлиб келажакларини унутадилар. Оқибатда кексалик уларга муҳтожлик, хорлик келтиради. Ўзи вафот этиб кетганида ҳам фарзандларининг оёққа туриб кетишлари қийин кечади.

Баъзи ношудлар фақат эртани ўйлаб, бугундан воз кечадилар. Натижада эртадан бутунлай маҳрум бўладилар. Сен ўзингни ҳам асра, ҳаётга ҳам оқилона назар сол. Кексайганимда асқотади деб, ўзи еб-ичмай, топганини босиб йиғадиган, фарзандларим учун қолдираман деб ўзлигини бутунлай эсдан чиқариб юборадиганлар хилидан бўлма.

Ён-атрофингга боқ. Бола-чақамга мўмай пул, мил-мил бойлик, қўша-қўша иморатлар қолдираман деб ҳолдан тойганлар, ҳатто шу мақсадда ўзгалар ҳақиға

кўз олайтириб, жувонмарг бўлганлар қанча. Улардан ҳазар қил. Шундоқ яшагинки, бугунги ҳаётинг зое кетмасин, келажагингга замин ҳозирла. Сендан кейин фарзандларинг оёққа туриб кетиши учун баҳоли қудрат мерос орттиришни ҳам унутма.

**Ривоят.** Ҳотамтой ҳазратлари узоқ сафарга тараддуд кўраётиб танмахрамларидан сўрадилар:

— Сенга сафардан қайтиб келгунимча қанча заҳира қолдирай?

— Умрим охиригача етадиган даражада.

— Эй хотин, мен сенинг қанча умр кўришингни билмайман-ку.

— Буни ёлғиз Оллоҳ билади. Шундай экан, қанча ризқ беришни ҳам Яратганнинг ўзи билади, ўзи беради.

Ҳотамтой ҳазратлари сафарга кетгач қўшни аёллар сўрашибди:

— Сенга эринг қанча заҳира қолдириб кетди?

— Менинг эрим ризқ берувчи эмас, ризқ еювчидир!

Шундоқ ўғлим, сен ҳам фарзандларинг учун бир умрга етадиган мерос ташвишида ўзингни қурбон этма. Аввало сенинг соғ-саломатлигинг меросингдан кўра афзаллигини ёдда тут. Сен фарзандларингга ҳар қандай меросдан кўра ҳам қимматлисан.

Кўлингдан келганича уларни ўз ризқларини ўзлари топиб ейдиган қилиб тарбияла. Илм ва ҳунар эгаллашларига кўмаклаш. Бундан орттирганингни мерос қилиб қолдир. Борига шукур қилсанг, куч-қувват ва имкониятингга яраша ҳалол заҳира йиғсанг ўзингга ҳам, фарзандларингга ҳам буюради, Оллоҳ баракасини беради.

Эртани ўйла, ғамини ема,  
Эртанинг қувончи бўлсин ҳамроҳинг.  
Эрта деб ўзликдан кечаман дема,  
Кўкка ўрламасин нолаю оҳинг.

## МУАММО

Ўтмишим маълум ва лекин келгусим қандай кечар,  
Наф кўрарманму ҳаётдан ёки кўргайман зарар,  
Хуш ўтарму қолган умрим ёки кезгум дарбадар,  
Эл севиб боққайму менга ёки қилгайлар ҳазар,  
Бу муаммони, азизлар, қайси зукколар ечар?

Билмадим, қай ён етаклар бу ажиб тақдир мени,  
Ким севиб эъзозлагайдир, ким этар таҳқир мени,  
Ким кўтаргай, ерга ургаё қайси бетаъсир мени,  
Ўйласам бошим қотиргай бу ечилмас сир мени,  
Қолмайин ҳеч эътиборсиз, қолмай асло беназар.

Бой ўтарманми ва ёким бурда нонга зору хор,  
Кенг бўлурми кўзга олам ё қабрдек тангу тор,  
Енгаманму шум рақибни ё этар у тор-мор,  
Бу саволларга жавобни топмоғим кўп душвор,  
Ким жавоб топса мабодо қолмайин мен беҳабар.

Ногаҳон ақлу ҳушим ташлаб кетиб қолмасмикан,  
Қилгани олам ишин қўл-пойларим толмасмикан,  
Мен асал деб юрганим оғумикан, болмасмикан,  
Бошима турли балоларни рақиб солмасмикан,  
Қолган умримни яшашдан бормикан, айтинг, самар?

Ким билар, фонийда неча йил этарман сайрият,  
Не бўлурди билганимда, билмагайман хайрият,  
Дейдилар нақддир ярим мол, айласанг яхши ният,  
Охиратни обод этгайдир саховат, хайрият,  
Эй Калоний, элга қолдир ҳам кўпу, ҳам хўб асар.

## ҚАРҒИШУ СЎКИНИШДАН АСРАН!

**Эй фарзандим!** Сўзлашганда тилингдан бол том-син. Иложи борича дуога ҳамдам бўл. Қарғиш, айниқса, сўкинишдан тилингни тий. Баъзи нобоп кимсалар ҳуда-беҳуда сўкинишу қарғишни одат қилиб ола-

дилар. Ҳатто сўкиниш сўзни сўзга уловчи восита, дейишдан ҳам тап тортмайдилар. Бизнинг ўзбекона қадриятларимиз буни қаттиқ қоралайди. Кишидан доимо яхши ният қилишни, хушмуомала бўлишни талаб этади. Ахир, бировга ўлим тилагунча ўзинга умр тила, деган ўзбекона ҳикмат бежиз тўқилмаган-да!

Кишининг одоби-ахлоқи, маънавий қиёфаси унинг нутқ маданияти қай даражада эканлигиданоқ кўзга ташланади. Бас шундай экан, сўзлашувда қабих сўзлардан эҳтиёт бўл, уларни зинҳор-базинҳор тилга олма. Халқимизнинг қарғишу сўкинишни қадим-қадимдан қоралаб келиши гоят хосиятлидир.

Ҳозирги замон илму-фани ҳам бу қадриятимизнинг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда. Яқинда Санкт-Петербургдаги бир илмий тадқиқотлар институтида нейро-психофизиология лабораторияси ходимлари ғаройиб тажриба ўтказдилар. Улар дуо ўқиб турган кишиларни кўриб, дуонинг даволаш хусусиятига эга эканини аниқлашди. Улар дуо ўқийётган кишига энцефалограмма улаб қўйишди. Натижа шу бўлдики, дуо ўқиб турган одамнинг бош мия қобидан ахборот тўғридан-тўғри қабул қилинаверилган. Дуо асаб тизимига, организмга ижобий таъсир кўрсатаркан.

Ҳозир сўкинишни одат қилиб олган ёшлар хусусида ҳам олимлар ажойиб кашфиётларга дуч келдилар. Кўпчилик сўконғичларнинг сўкинишни ортиқча ҳиссиётлардан қутулиш, жаҳлдан тушиш усули, деб қарашлари чиппакка чиқди. Молекуляр биология институтлари олимлари олиб борган тадқиқотлар инсон доимий равишда сўкинадиган бўлса, у охир-оқибат нафақат организмнинг бузилишига, балки ўзидан қоладиган авлодларга ҳам кучли салбий таъсир кўрсатишини исбот қилди. Фанда сўконғич одамларнинг кам умр кўриши ҳам ўз исботини топди.

Энди, ўғлим, сенга сўконғич кимса ҳаётига оид бир **воқеа**ни айтиб бераман.

Бир куни қишлоқ одамлари қудуқларини тозала-

моқчи бўлишиб, икки гапнинг бирида сўкинадиган, лекин қўл-оёғи чаққон Эшматбойдан буни илтимос қилишибди.

Эшматнинг белига арқон бойлаб қудуққа туширишибди. Қудуқ девори ғўлалар билан мустаҳкамланган экан. Эшмат чириган ғўлалардан бирини мустаҳкамлайман деб турганида қудуқ ўпирилиб, бояқиш тириклайин кўмилиб қолибди. Ҳамма тақдирга тан бериб «тириклайин кўмилиш бечоранинг пешонасига ёзилган экан-да» деб ўзини овутибди.

Табиийки, қишлоқ оқсоқолидан тортиб миршабларигача етиб келибди, бироқ тун пайти бўлганлиги учун ҳам бўлар иш бўлди, деб мурдани олишни эртанги кунга қолдиришибди. Аммо икки кишини қудуқ бошида қоровулликка тайинлашибди. Тонгда улар қудуқ ичида кимнингдир ғудурлаганини эшитиб дарров ғўлаларини четга торта бошлабдилар. Қарашса, сўконғич қудуқ ичидан инқиллаб чиқибди.

Омон-эсон қудуқдан чиққан сўконғич бўлган воқеани айтиб берибди:

Кўзимни очганимда, аҳволим оғирлигини англадим, дебди у. Белимгача сувдаман, кўкрагимга ғўла тиралиб, қудуқ деворига қапиштирган. Бош тарафимда қулаган ғўлалар бир-бирига айқашиб, тупроқ босиб қолишига йўл қўймаган.

Кўкрагимга тираниб азоб бераётган ғўлани итара бошладим. Ё парвардигор! Ғўла осонгина четга сурилди. Секин-аста юқорига қараб ўрмалай бошладим. Чиқай-чиқай деганимда ғўладаги битта мих сонимни тилиб юборди. Шунда сўкиниб юборибман. Кўзимни очсам яна пастга қулаб, айнан боягидай турибман. Ўйланиб қолдим. Ахир, Худо мени шунчалик асраса, қутқармоқчи бўлса-ю, мен шукрона айтиш ўрнига сўкиниб юборсам-а! «Э парвардигор, ўзинг мени кечир, энди ҳеч қачон сўкинмайман», дедим. Аллоҳ тавбамни қабул қилди шекилли, секин яна боягидай кўтарила бошладим...

Шу-шу Эшмат қайтиб сўкинмайдиган бўлибди.



**Эй жигарбандим!** Бу воқеа сенга ҳам сабоқ бўлсин. Тилинг доимо дуони такрор этсин. Қарғиш ва сўкинишдан ўзингни асра.

Қарғиш айлаганни қарғар бу дунё,  
Сўккан одамларни сўкади, билгил.  
Оғзингдан тушмасин ширин сўз, дуо,  
Ҳамиша ҳар кимга хуш ният қилгин.

## **СЎЗИНГ**

*Йўл олиб дилдан, чиқар тилдан сўзинг,  
Гарчи тил айлар баён, дилдан сўзинг.*

*Етти ўйлаб бир гапир идрок билан  
Тут дариг бемаъни, жоҳилдан сўзинг.*

*Сигмагай, оғзингни йиртар парчалаб,  
Қилмагил улкан, ахир, филдан сўзинг.*

*Айтма оғир сўзни, дилга ботгай ул,  
Айлагил болдек ширин, енгил сўзинг.*

*Ҳеч қачон елга учиб, йўқ бўлмасин,  
Яйрасин тилларда минг йилдан сўзинг.*

*Бўлмасин ҳеч тил учида, эй Калон,  
Доимо ўйлаб чиқар дилдан сўзинг.*

## **ҲАРОМДАН ҲАРОМ, ҲАЛОЛДАН ҲАЛОЛ**

**Эй фарзандим!** Ҳаромдан ҳаром, ҳалолдан ҳалол юза-га келади. Ҳаром таом емоқдан асран. Нечунким ҳаром бутун наслингга, зурриёдингга ҳам таъсир қилади.

Агар сен ҳалол бўлсанг, фарзандларинг ҳам ҳалол,

хосиятли, хуш фазилатларга эга бўлади. Борди-ю, ҳаром таомдан жирканмай, уни истеъмол қилсанг, билиб қўй, фарзандларинг ҳам ҳаромга мойил бўлади ва жирканч юмушлардан жирканмайди. Биз — ота-онанг то ҳануз ҳалол таомнигина едик. Ҳаромдан юз ўгирдик. Бас шундай экан сенинг ҳам қонингда ҳаром йўқлигига ишонамиз. Шундай бўлса ҳам ҳаром ва ҳалолнинг инсон зурриёдига таъсирдор бўлиши хусусида ўғит этмоқни жойиз кўрдик.

**Ривоят** қилишларича, қадим замонда бир савдогар бой бўлиб, у ниҳоятда тақводор экан. Вақти етиб яккаю ягона қизининг бўйи етибди. Шунда ота-она бокира қизларини худди ўзлари каби тақводор, ҳаромдан ҳазар қилувчи куёвга узатишга аҳд қилишибди. Аммо бунақа куёв ҳадеганда топилавермабди.

Кунларнинг бирида савдогар боғбон йигитга боғдан бир бош узум узиб чиқишни буюрибди. Боғбон эса боғдаги узумлардан бир шингилдан узиб келиб савдогарнинг олдига қўйибди. Бундан таажжубланган савдогар:

— Мен бир бош нордон узум келтир, дедим-ку. Ҷен эсанг турли узумлардан бир шингилдан келтирибсан, — дебди.

Шунда боғбон:

— Тақсир, сиз мени боғбонликка ишга олгансиз. Узумларни ейишга эмас. Шундай экан, узумларингизнинг қай бири нордон эканлигини мен қаёқдан билай? Ўзингиз еб кўриб, қайси бирини танласангиз, ўшанисини узиб келаман, — деб жавоб берибди.

Савдогар боғбон боғда шунча вақт ишласа-да узумлардан бирор маротаба ҳам тотиб кўрмаганини билибди. Боғ эгаси бу воқеани хотинига айтиб берибди. Улар ўзлари қидириб юрган тақводор куёв шу боғбон йигит эканлигига ишонч қилишибди ва қизларини унга никоҳлаб беришибди.

Аммо тўйдан сўнг орадан икки ҳафта ўтса ҳамки куёв келинга яқинлашмабди. Бундан ташвишга туш-

ган қайнота куёвни ҳузурига чақирибди:

— Эй куёв, биз яккаю ёлғиз қизимизни яхши ниятда сенга узатган эдик. Ниятимиз уни саодатли этиш ва ўзингга ўхшаш ҳалолу пок набирали бўлиш эди. Бироқ, сен бизни бу бахтдан мосуво этияпсан, — дебди.

Куёв одоб билан:

— Менинг хоҳишим ҳам шундай. Сизларга ҳалол, тақводор набира инъом этиш ниятидаман. Бунинг учун эса аввало боланинг қонига ҳаром ўтмаслиги керак. Яъни ота-онаси ҳаром емаслиги шарт, — дебди.

— Биз худди шунақа ҳаром таом емаганинг учун сенга қизимизни берган эдик...

— Тўғри, мен ўзим ҳаром таом емаганимга аминман. Сизларнинг ҳам тақводор эканлигингизга шубҳам йўқ. Аммо шундай бўлса ҳам хонадонингизда қизингиз еган таомларга билиб-билмай ҳаром аралашиб қолган бўлса-чи, деб кўрқаман. Шунинг учун ҳам бир ой муддат қизингизни ўзим ҳалол ишлаб топган таомлар билан боқиб, томирларидаги қоннинг шу ҳисобдан алмашишини кутаяпман. Токи қиз томирларидаги қон менинг ўз пешона терим эвазига топган таомим ҳисобига ҳосил бўлсин. Шундан кейин бўлажак набирангиз қонига ҳаром ўтмаслигига тўла ишончим бўлади.

Боғбоннинг бу гапини эшитган савдогар куёвининг ўзидан ҳам тақводорлиги, зурриёди тақдирига қуюнаётганлигига амин бўлибди.

**Эй фарзандим**, бу ривоятни шунчаки кимдир тўқиган афсона деб қабул этма. Ундаги пурҳикмат маънодан сабоқ ол. Сен ҳам фарзандларинг бунёд бўлмасидан олдинроқ уларнинг ҳалол инсон бўлиб туғилмоғи тараддудини кўр. Фарзанднинг аввало қони пок бўлсин, унга ҳаром юқмасин. Шундагина уларнинг комил инсон бўлиб етишишига кафолат юзага келади.

Ўғлим, худди шу ривоятдаги боғбон йигит каби ҳалол бўл, ҳаромдан жиркан. Шунда биз ота-онангнинг набиралари ҳам тақводор инсонлар бўлиб, орзуларимиз амалга ошгай.

Ҳаромдан ҳаром келар дунёга,  
Ҳалолдан эса доимо ҳалол.  
Бу улуғ ҳикматни йўйма рўёга,  
Унга амал қилиб, яша бемалол.

### **ЭГИЗАКЛАР ҚИСМАТИ**

*Бир қоринга сиққан эгизак,  
Кенг ҳовлига сиғмаса, даҳшат!  
Қандай тоқат тополсин юрак,  
Бундан ортиқ бўлурми кулфат.*

*Ҳасан-Хусан — ака-укалар,  
Талашдилар ҳовлини, жойни.  
Дилларини ғазаб нимталар,  
Унутдилар ҳатто Худойни.*

*Ота-она қолдирган мерос,  
Икковларин наҳот қилди ёв.  
Қилмишлари ғирт душманга хос,  
Туғишганлар бўлдилар биров.*

*Ота-она билганда буни,  
Уй-жой эмас, дард қолдирарди.  
Битмасин деб оқибат куни,  
Ботмон-ботмон гард қолдирарди...*

## **ПОРАХЎРНИНГ ЖОЙИ ЖАҲАННАМ**

**Азиз фарзандларим!** Биз ота-оналар сизларни яхши умидлар билан ўқитдик, ҳалол едириб, ҳалол ичирдик, тарбияладик. Олган билим ва тарбиянгиздан нолийдиган жойимиз йўқ. Ниятимиз шуки, энди билим ва тарбиянгиздан эл-юрт манфаат топсин.

Сиз олий маълумотли бўлсангиз, ўзингизга муносиб иш ҳам топилади. Балки халқ қачонлардир сизга

ишонч билдириб у ёки бу лавозимни топширар. Агар шундай бўлса эгаллаб турган лавозимингизни ҳеч қачон суистеъмом қилманг. Шундоқ ҳам хизмат бурчингиз тақозо этиб турган ишни бажариш учун ўзгалардан таъма қилманг. Мансабдорнинг ўз ваколатига оид хизмати учун пул ёки буюм талаб қилиши бу унинг порахўрлигидир. Порахўрлик эса оламдаги энг кабиҳ жиноят — гуноҳи азимдир. Шунинг ёдингизда тутингим, раҳбари порахўр бўлган ташкилотда ҳеч қачон ривожланиш бўлмайди. Порахўрликка асосланган жамиятнинг эса келажаги йўқ.

Эҳтимол шунинг учундирким диний кадриятларимизда ҳам порахўрлик шафқатсиз қораланади. Пайғамбаримиз (с.а.в) «пора берувчини ҳам, уни олувчини ҳам, ҳар иккаласининг орасида турувчини ҳам тангри лаънатласин» деган ҳадисларини умматларига қарата бежиз айтмаганлар. Давлатимиз қонунларида ҳам бу ярамас иллат қаттиқ қораланиб, порани олганларга ҳам, уни берганларга ҳам, ҳар икковининг ўртасида воситачилик қилганларга ҳам қаттиқ жазолар кўзда тутилган.

Бироқ бу жазолар ҳам ўз йўлига, улардан ҳар икки оламда ҳам қочиб қутулмоқ қийин. Пора ҳисобидан топилган пул ўғирлик ёки қароқчилигу босқинчилик билан топилган пулга ўхшайди.

**Ривоят.** Бир улуг зот ўтиб кетаётса, кўприк остидан бир бола югуриб чиқиб отини хуркитиб юборибди. Шунда уламо уни:

— Ҳа, ҳароми, бу нима қилганинг? — деб жеркиб берибдилар. Бундан хабар топган боланинг отаси қафа бўлиб ул кишига:

— Менинг фарзандимни нечун ҳароми, дея ҳақорат қилдингиз? — дебди. Шунда ул зот дебдилар:

— Шу фарзанд пайдо бўлган кунини аёлинг билан қандай таом еган эдинглар?

— Ош еган эдик.

— Тўппа-тўғри! Ўша ошни қандай ўтинга пиширган эдинглар?

— Ўша куни уйимизда ўтин қолмаган эди. Худди мана шу ўғлим остидан чиқиб сизнинг отингизни хур-китган кўприқдан бир-икки ёғоч олиб ёққандик.

— Ахир, кўприқдан олинган ёғочни ёқиб пиширилган ошни еб эру-хотин қўшилган чоғларингда ҳосил бўлган бу бола ҳароми бўлмай нима бўлсин!

Бу ривоят мазмунини шарҳлашга ҳожат йўқ. Пора ҳисобидан топилган пул турли сатраблар билан йўқ бўлиб кетади. Порахўр пора ҳисобидан данғиллама уй қурди дейлик. Уни ё босиб қолади, ёки буюрмай ўзгалар ҳисобига ўтиб кетади. Ёки порахўрнинг ўзи, ё оила аъзоларидан бирови касал бўлиб, порага олинган пул дори-дармонга сарф бўлади. «Фойдага» эса беморнинг чеккан азоби қолади. Хуллас, шунга ўхшаган у ёки бу сабаб бўлиб, порага олинган пул елга соврилиб кетаверади. Таассуфки, бу оддий ҳақиқатни ҳамма ҳам тушуниб етавермайди.

**Ривоят.** Бир қози порахўр экан. Ҳаром йўл билан топилган пуллари эвазига жуда бойлиб кетиб, данғиллама сарой қуриб, уни бисотидаги барча бойликлари билан безатибди. Порахўрлигини билган одамлар бу сарой қозига ҳеч қачон буюрмайди, деб, оқибатини кузатиб юрибдилар. Аммо қози ўлиб кетса ҳам у қурган саройга жин урмабди. Барча бойликлари фарзандларига мерос қолибди. Шунда одамлар поранинг қозига буюргани шу-да, деб ўйлашибди.

Ҳолбуки, порахўрликка ружу қўйган қози мўмайроқ пул илинжида ҳафталаб уйига ёрмас, текин топилган пулларини фоҳишахоналарда сарфлар экан. Бунга тоқат қила олмаган хотини ҳам алам қилганидан, тунларни бир бегона эркак билан ўтказадиган одат чиқарибди. Кейин жазманидан қатор фарзандлар орттирибди. Бундан беҳабар қози эса хотини туққан болаларни ўз фарзандим деб ўйлаб, умр бўйи йиққан поралари эвазига қурган саройини бутун борлиғи билан хотини ўзга эркакдан орттирган, ўзи учун бутунлай бегона фарзандларга қолдирибди.

Бу ривоят порахўр пулининг буюрмаслигига бир ми-  
сол холос. Пора ҳеч қачон уни олган кишига буюр-  
маслигидан ташқари, унинг икки дунёсини ҳам хароб  
этиб, эл-юрт орасида бадном этувчи офатдир. Ундан  
ҳамиша ҳазар қилмоқ имони бут мансабдорларнинг  
энг олижаноб фазилатидир. Сизларнинг муборак шаъ-  
нингизга ҳалоллик фазилати кўрк бағишласин, азиз  
фарзандларим.

Ружу қўйган бўлса кимки порага,  
Демак, алмашибди оқни қорага.  
Жаҳаннам жойидир, қутқармоқ учун  
Ҳеч ким тушолмайди, ҳеч вақт орага.

### **ПОРАХЎРЛАРНИ ЙЎҚ КЎРГАНИ КЎЗИМ**

*Порахўрларни йўқ кўргани кўзим,  
Қуриб хазон бўлсин барчаси тенгдан.  
Аларга даҳшатли қарғишдир сўзим,  
Гарчи ёқадан кириб, чиқса-да енгдан.*

*Сўзда қўй оғзидан чўп олмаган у,  
Амалда филни ҳам думи-ла ютар.  
Бошингга тушса гар бирор- бир қайғу,  
Кўмак ваъда қилиб, «соққангни» кутар.*

*Алар қарич биланмас, пул билан ўлчар,  
Пулсиз қовоғидан ёғар лайлакқор.  
«Қуруғин» олмаса ҳам соқов, ҳам кар,  
Арзу додга ҳаргиз этмас эътибор.*

*Аламли жойи ҳам шундаки, алар  
Порани чўзмасанг таъмагир дейди.  
Ота-бобонг гўрига бориб ўт қалар,  
Тухмат-ла покиза бошингни ейди.*

*Нечунким аларнинг кўлида амал,  
Буйруғи, буйруқдир, айтгани айтган.*

*Яшашга йўл бермай қилади қамал,  
Шафқатни билмайди Худодан қайтган.*

*Бас шундоқ, мен қандоқ қилиб муроса,  
Қандоқ бир ҳаводан нафас оламан.  
Нафратим кучайиб кетгандан роса,  
Ҳажв қаламимни ишга соламан.*

## **МАНСАБПАРАСТЛИК — ИЛЛАТ**

**Эй фарзандим,** оламда кишини ақлдан оздирадиган, осий қилиб қўядиган иллатлардан бири мансабпарастликдир. Бу дардга йўлиққанларнинг умри азобда ўтади, гуноҳ халтаси эса тўлиб-тошади. Не-чунким, улар у ёки бу мансабни эгаллаш пайига тушсалар ҳар қандай жирканч ишлардан қайтмайдилар. Баъзи давлатларда мансабдорнинг ўрнини эгаллаш ёки лавозимидаги мансабдорни обрўсизлантириш мақсадида унинг устидан думалок хатлар ёзиш, порахўрликда айбланиши учун хонасида хуфиёна пул қолдириш, ҳатто уйига ёки машичасига қурол-яроғ солиб қўйиш услуби билан уни йўлдан четлаштириш каби иллатлар учраб туради.

Сен бу хил иллатлардан ўзингни тий. Шайтоннинг гапига кирма ва бундай тоифаларга қўлингдан келгунча қарши тур. Ўзингни эса уларнинг хуружидан асра.

Мансаб инсон қувиб юриб етадиган сайд эмас. Аксинча у инсонни қувиб тутиб зиммасига юк бўладиган масъулият. Борди-ю, бу масъулиятга сени тақдир рўбарў қилса, унинг зуғумидан ўзингни асра. Хушёрлик, зийраклик, имон қуролинг бўлсин. Адолат ва ҳақиқатни ишга сол. Бироқ зинҳор мансаб деб ўзгалар йўлига тўғоноқ бўлма, жабр ўтказма. Минг афсуски, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам мансаб учун одамийликдан воз кечадиган кимсалар учраб туради.



**Ривоят.** Ўтмишда ўзининг ақл-заковати билан эл назарига тушган бир кимсани мингбошиликка сайлашибди. Бироқ бу мансабга кўз тикиб юрган қўшниси ғазабга келиб мингбошини шарманда қилиб, мансабини эгаллашни режалаштирибди.

Кунларнинг бирида у хотинига:

— Тухмат билан мингбошининг шармандасини чиқарамиз, — дебди.

— Нега?

— Шундай қилсак менга йўл очилади, сен унга тухмат қиласан.

Аёли бош тортибди. Шунда у:

— Хотиним бўла туриб айтганимни қилмасанг ўзимни осаман, — дебди.

Нобоп эр шундай дея арқонни олиб ертўла томон юра бошлабди. Ноилож қолган хотин эрининг қабих ниятини амалга оширишга рози бўлибди, сочларини юлиб қози ҳузурига борибди:

— Бошимга мусибат тушди. Бировга айтишга йманаман. Иложсизликдан сиздан нажот сўраб келдим. Биласизми, бугун ярим тунда мингбоши уйимга босиб кириб, менинг номусимга тегди.

— Жуда ҳунук иш бўлибди-ку. Гувоҳлар борми?

— Э, бунақа шармандали ишга ким гувоҳ жалб қилди. Гувоҳ ҳам, жабрланувчи ҳам ўзим. Наҳотки ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ бой-бадавлат оила бекаси бўла туриб ёлғон гапирсам. Тухмат қилгани Худодан қўрқаман.

Қози мингбошининг бундай палид ишни қилмаслигига ишонар экан. Шу боис уни чақириб дебди:

— Мен сизни ҳурмат қиламан. Бироқ бу тухматдан халос бўлишингиз керак. Аёл даъвосини далиллар билан рад этиш мумкин. Шу боисдан бир чорани ўйлаб топдим. Аёлни мана бу хонага киритаман. Бироз вақт ўтгач сизни ҳам киритиб, эшикни қулфлаб қўяман. Сиз аёлни босқинчилик билан бўйсундиришга ҳаракат қилинг.

— Бунақа шармандалик қила олмайман!

— Фақат шу тадбиргина сизни (бу тухматдан қутқаради. Йўқса аёл сизни дорга остиради.

Мингбоши рози бўлгач, қози аёлни чақириб дебди:

— Одатда эркак киши аёлни зўрламоқчи бўлса, жабрланувчининг баданида моматалоклар қолади. Сизда бундай аломатлар йўқ. Бинобарин, даъвоингизни инобатга ололмайман. Аммо азбаройи эрингизни ҳурмат қилганимдан, сизга ёрдам беришга аҳд қилдим.

— Илоҳим барака топинг, яхшилигингизни унутмайман. Эрим сизга катта совға тайёрлаб қўйибди.

— Ҳозир мана бу хонага кирасиз. Мингбоши сизни зўрламоқчи бўлганида имкони борича қаршилиқ қиласиз. Олишув натижасида баданингизда из қолади. Сўроқ вақтида бу жароҳатлар мингбоши уйингизга бостириб кирган чоғида ҳосил бўлган эди, деб туриб оласиз. Бу мингбошига ўлим жазоси берилишига асос бўлади!

— Хотиржам бўлинг, мен номусимнинг топталишига йўл қўядиган аёл эмасман.

Орадан бир-икки соат вақт ўтгач, қози эшикни очиб, ичкарига кирса мингбоши сулайиб ётган эмиш. Аёл эса голибона дебди:

— Қозижон, кўрдингизми, кучи етмай ўлакка бўлиб ётибди. Хоҳласам бунақа эркалардан иккитасини чилпарчин қиламан. Мен номусимни асрай оламан.

— Баракалла, сизда чиндан ҳам бир неча эрканинг кучи бор экан. Кеча мингбоши уйингизга бостириб кирганда ҳам шунақа олишув бўлганмиди?

— Ҳа, бундан баттари бўлувди!

— Унда баданингизда ўша кунга нега ҳеч қанақа зўрлик аломати сезилмади. Хулоса шуки, сиз бу зинonga ихтиёрий хоҳиш билдиргансиз. Энди ўз эрингизга хиёнат қилганликда айбланасиз. Ўлим жазосига дучор бўласиз. Бироқ ишончим комилки, сиз беномус ва енгилтак аёллардан эмассиз. Ўзингиз айтганингиздек, хоҳласангиз яна икки эркани чилпарчин қилиб, ному-

сингизни асрай оласиз. Шундай экан, мингбошига қилган тухматингиз боисини айтиб беринг. Шундай қилсангиз, бу шармандали жазодан сизни асраб қоламан.

Ноилож қолган аёл бор гапни айтиб беришга мажбур бўлибди.

**Кўрдингми, фарзандим,** мансаб учун баъзилар нималар қилишмайди. Шуни ёдда тутгинки, мансабпарастлар шуҳратга ўч бўлиб, қабих мақсадларига эришиш учун ҳатто фисқу фасод уруғини сепиб, одамларни бир-бирига тўқнаштириб қўйишдан жирканмайдилар. Мансабпарастларнинг ашаддийлари амал курсисини эгаллаш учун ҳатто ўз танмахрамларини қурбон қилишдан ҳам тап тортмайдилар. Улар лаганбардорлик, иккиюзламачилик ва тухмат қилишга уста бўладилар. Бундайларнинг хуружидан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Сен болам, ҳеч қачон мансаб кетидан қувғувчи бўлма. Бордию эл мансаб берса, ҳар бир қадамингни ўйлаб бос. Шундай қилгинки, рақибларинг сендан гард тополмасин, пок шаънингни булғамасин.

Мансаб деб умрингни совурма елга,  
Паст кетма, тубанлик йўлига кирма.  
Шарманда бўлмагин ҳеч қачон элга,  
Армонда кўз ёшинг тўкиб ўтирма.

## **АМАЛПАРАСТЛАР**

*Элни кул қилганлар амалпарастлар,  
Юртни кул қилганлар — амалпарастлар,  
Динни пул қилганлар — амалпарастлар,  
Амалпарастлар — ғоятда пастлар.*

*Амал деса ўзин ташлайди томдан,  
Қўлин узолмайди ҳаром таомдан,  
Онаси тукқанми, билмам, ҳаромдан,  
Амалпарастлар — ғоятда пастлар.*

*Аларда виждон йўқ, йўқ эрур имон,  
Юриш-туришлари мисоли шайтон,  
Қилмиш, қидирмиши тухмату бўҳтон,  
Амалпарастлар — ғоятда пастлар.*

*Амал деб дўстини сўйишга тайёр,  
Хар икки кўзини ўйишга тайёр.  
Хотинин ҳам қўшиб қўйишга тайёр,  
Амалпарастлар — ғоятда пастлар.*

*Аларга минг лаънат камлик қилади,  
Дўзах олови ҳам шамлик қилади.  
Гап уқсанг қорнини дамлик қилади,  
Амалпарастлар — ғоятда пастлар.*

## **ДИЛОЗОРДАН ХУДО БЕЗОР**

**Эй фарзандим,** кишини беҳуда ранжитиб қўйишдан, билиб-билмай кўнглини хуфтон қилишдан сақлан. Айниқса, яхши ният билан бир-эр иш қилган одамни қадрла. Гарчи у қилган иш кутилган натижани бермаса ҳам буни унинг юзига солма. Чунки унинг нияти соф, муддаоиси эзгу. Сен учун шунинг ўзи кифоя бўлсин.

**Ривоят.** Қадим замонларда бир одил шоҳ бўлиб, ундан мамлакатдаги каттаю кичик мамнун экан. Узоқ-яқиндан келганлар уни зиёрат қилиб, меҳр-муҳаббатлари рамзи сифатида турли совғалар беришар, бироқ одил шоҳ бу совғаларни аҳли аъёнларига тенг бўлиб бераркан.

Кунларнинг бирида бир деҳқон унга ўзи етиштирган эртанги бодрингдан уч дона олиб келибди. Шоҳ бодрингларни еб деҳқонга миннатдорчилик тариқасида минг динор инъом қилибди.

Деҳқон кетгач, аъёнларидан бири сўрабди:

— Шоҳим, бу гал одатингизга хилоф иш тутиб, уччала бодрингни ҳам ўзингиз еб қўйдингиз. Сабаби?..

Одил шоҳ мулойимлик билан дебди:

— Агар бодринг аччиқ чиқиб қолса, бирортангиз уни деҳқонга билдириб қўйишингиздан кўрқиб бирини ўзим еб кўрувдим, у чиндан ҳам аччиқ экан, яхши ният билан уни менга совға қилиб олиб келган деҳқон буни сезиб мулзам бўлмаслиги учун ҳар учала аччиқ бодрингни иштаҳа билан едим!

**Кўрдингни, азиз фарзандим!** Шоҳ яхши ният билан ҳадя олиб келган деҳқон раҳмат ўрнига келтирган совғаси аччиқ эканини эшитса, дили оғримасин деб тишини-тишига қўйиб ҳар учала бодрингни ҳам ўзи хурсанд бўлиб ебди. Агар шоҳ шундай қилмаганида деҳқон инъом олмас, бинобарин, яхши ниятда совға келтириб кўнгли хуфтон бўлиб қайтарди.

**Сен ҳам, эй фарзандим,** ана шу ривоятдаги одил шоҳдан ибрат ол ва ҳеч қачон хузурингга яхши ният билан келган кимсанинг кўнглини оғритма, уни қандай хурсандчилик билан келган бўлса, ўшандай, ҳатто ундан ҳам хурсанд ҳолда кузат. Бироқ зинҳор-базинҳор кўнглини оғритиб қўйма. Зеро, дилозордан Худо безор, деб бежиз айтмайдилар.

Яхши ният билан келса гар киши,  
Кўнглини оғритма, бермагил озор.  
Нияти пок каснинг қутлуғдир иши,  
Билгил, дилозордан Худойим безор.

## **ОРОМИЖОНДИР**

*Ҳеч кишин кўнглини оғритма зинҳор,  
Қўлингдан келганча қувонч бахш этгин.  
Дунёда шодликдан улуғроқ не бор,  
Қувончу шодликка ўзинг ҳам етгин.*

*Табассум бахш этсанг, ўзим ўргилай,  
Айтган ширин сўзинг оромижондир.  
Ўтар ҳар кун учун хуррамлик тилай,  
Кўнгил кўтармоқлик роҳатижондир.*

## ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Ёлғончилик—ёмон иллат. Унга мубталолик имонсизликка дучор бўлмоқ билан баробар. Бир киши Пайгамбаримиз (с.а.в.) дан сўрабди:

— Эй Аллоҳнинг расули! Мен ҳам Сизнинг динингизга кирмоқчиман. Лекин бир иллатим бор.

— Хўш, нима экан ўша иллатинг?

— Ёлғон гапиришга ўрганиб қолганман.

— Унда сенга ғоят қийин экан. Ёлғончилик — имонсизлик белгиси...

— Шундай бўлса ҳам мен мусулмон бўлмоқчиман. Бунинг учун, айтинг, нима қилай? Аввал намоз ўқишга киришайми ё ёлғончиликдан қутулиш чорасини кўрайми?

— Аввал ёлғончиликни ташламасанг, мусулмон бўлмоғинг қийин. Негаки ёлғончининг намози ҳам ёлғон бўлади. У Худога ҳам ёлғон гапиради.

Ёлғончилик — қабиҳ иллат. Ундан сақланинг. Халқимиз «ёлғончидан Худо безор», «ёлғончининг рост гапи ҳам ёлғон», «ёлғончида имон йўқ» деган мақолларни бежиз тўқимаган. Ёлғоннинг умри қисқа. У ёлғончини шармандаи-шармисор этади, эл аро обрўсини тўкиб, назардан қолдиради. Негаки ақли расо одам ёлғон билан чиннинг фарқига этади.

**Ривоят** қилишларича, бобокалонимиз Улуғбек ёлғон билан ростни аниқлашда ақли расо эканлар. Кунлардан бир кун нотаниш одам ул мухтарам зот ҳузурига келиб шикоят қилибди:

— Эй олампаҳо! Мен Самарқанддан Бухорога сафарга чиққанимда ҳамёнимда мич танга пулим бор эди. Шаҳардан чиқиб кетгач, йўлдаги бир дарахт соясида дам олгани ўтиргандим, ногоҳ қаршимда бир дўстим пайдо бўлиб қолди. Бирга тановул қилдик. Кейин ҳамёнимдаги минг тангани шу дўстимга бериб,

уни уйимдагиларга топширишни илтимос қилдим. У рози бўлиб ҳамённи олиб кетди. Бироқ сафардан қайтгач суриштирсам у омонатини уйимга элтиб бермабди. Хиёнатчининг ҳузурига бордим. У дўстим:

— Эсинг оғиб-поғиб қолганми? Мен сени ҳам, ҳеч қанақа дарахт-парахтни ҳам кўрган эмасман. Шундай бўлгач, минг танганг ҳақидаги гапларинг ҳам афсона, — деб ёлғонни кўпиртирди.

Мирзо Улуғбек шикоятчига:

— Сен ўша дарахтдан уч-тўртта барг келтир. Мен унинг воситасида ҳақиқатни аниқлайман, — дебдилар.

Шикоятчи йўлга тушгач эса шоҳ «Минг тангани олмаганман» деган кишига бир қизиқарли ҳикоятни айта бошлабдилар. Воқеанинг энг қизиқ жойига борганда, шоҳ ундан:

— Шикоятчи дўстинг ўша дарахтнинг олдида етиб бордимикан, деб сўрабдилар.

Ҳикоятни завқ билан тинглаб, унинг сеҳрига дучор бўлган киши бехосдан:

— У дарахт шаҳардан анча узоқда, ҳали-вери етиб боролмайди, — дебди. Шунда Улуғбек кулиб юборибдилар-да, ёлғончига қарата:

— Ахир, сен «мен бу одамни ҳам, дарахтни ҳам кўрмаганман» демабмидинг. Қандай қилиб ўз дўстингинг у ерга етиб бормаганини билдинг? Яхшиси, ёлғон гапирганинг учун узр сўраб, унинг омонатини қайтариб бер,- дебдилар.

Дўстига хиёнат қилган ёлғончи ноилож айбига иқрор бўлиб, омонатни эгасига қайтарибди.

Эси бут инсон учун бундан ортиқ шармандалик, бундан ортиқ азоб-уқубат бўлмас. Ёлғончилик балосига ҳеч қачон яқинлашмай, халқимизнинг «бошингга қилич келса ҳам рост гапир» деган ҳикматли ўғитига амал қилмоқ жоиз.

Ўзингни чин инсон деб билсанг агар,  
Фақат рост сўзларга кўнглингни очгил.

Рост сўзда ҳикмат мўл, у кони самар.  
Ёлгон сўз дўзахга бошлайди, кочгил!

## **РОСТ СЎЗЛАГИН**

*Ёлгончилар ҳақман дейди,  
Гарчи бўҳтон қилмишлари.  
Ноҳақми, бас, у панд ейди,  
Ортиб борар ташвишлари.*

*Қисқа эрур ёлгон умри,  
У барибир фош бўлғуси.  
Қалбин исқирт чиркинлари  
Ўз нафсига ош бўлғуси.*

*Ҳақ ҳақ эрур, барҳаётдир,  
Ношуд ноҳақ топар завол.  
Тухматчилик ёмон отдир,  
Унга умр эсиз, увол.*

*Эй Калоний, рост сўзлагин,  
Оламаро обрўнг ошар.  
Эл-юрт учун наф кўзлагин,  
Илҳомларинг қайнаб тошар.*

## **САВОДСИЗЛИК — БАДАВИЙЛИК**

Саводли бўлиш — инсон учун сув билан ҳаводек зарур бўлган фазилат. Саводсизлик эса — нуқсон. Сен ана шу нуқсондан халос бўл, эй ўғлим!

Саводли бўлиш фақат ўқишу ёзишни билиш дегани эмас. Саводли одам беҳато, бенуқсон ва чиройли ёзади, ўқишда ҳам ёзувнинг мазмунига қараб, тиниш белгиларига риоя қилиб ўқийди. Негаки ёзишда ҳам, ўқишда ҳам аниқликка амал қилинмаса, тиниш белгиларга эътибор берилмаса, гап мазмуни бутунлай ўзгариб кетиши, ҳатто тесқари маъно кашф этиб қолиши мумкин.



Шундай бўлмаслиги учун киши аввало хуснихат санъатини эгалламоғи лозим. Агар чиройли, ҳарфлар аниқ ёзилган, тиниш белгилари тўғри қўйилган бўлса, уни ўқиётган одам хатога йўл қўймайди. Бир ҳарфнинг тушиб қолиши, ортиқча ёзилиши ёки ўрни алмашиб кетиши жиддий оқибатларга олиб келади.

Тасаввур қил, агар сен «Мен Чилонзорданман» деган гапдаги биргина «ч» ҳарфини тушириб қолдирсанг, сен «илонзордан» бўлиб қоласан. Худди шундай яна шу ҳарфнинг ёзувда «м» ҳарфи билан алмашиб қолиши натижасида «чоллар»ни «моллар»га айлантирасан. «Қ» ҳарфини «п» ҳарфига алмаштириб юборсанг дўстингга «қанд» ўрнига «панд» бериб қўясан. «С»ни «б»га алмаштириб юборсанг «сузиш» ўрнига «бузиш»га ўтасан. Худди шунақа «б»ни «м»га алмаштирсанг «бозор»ни «мозор» қиласан, «қ»ни «т»га алмаштириб юборсанг «қарсақ» ўрнига «тарсақ» оласан. «С»ни «ч»га ўхшатиб қўйсанг, «сой»ни «чой»га айлантирасан. «Б»ни «э»га алмаштириб ёзиб юборсанг, болани «бешиқ»ка эмас, «эшиқ»ка боғлаб қўясан, «д» ўрнига «п» ёзиб юборсанг «дўст»ни «пўст», «з»ни «ғ»га алмаштириб ёзсанг «зўр»ни ҳам «ғўр», «п»нинг ўрнига «қ»ни ёзсанг «пари»ни «қари» қиласан.

Баъзилар ёзишда ва ўқишда тиниш белгиларига риоя қилмайдилар ва қўпол хатоларга йўл қўядилар.

**Ривоят.** Бир подшоҳнинг бир инсон тақдири ҳақидаги фармонини чопар узоқ шаҳарга олиб борибди. Буни қарангки, фармонни ёзган киши биттагина белгининг ўрнини алмаштириб, шоҳнинг «ўлим йўқ, шафқат!» деган фармонини «ўлим, йўқ шафқат!» деб ёзиб юборгани учун шу биттагина вергулнинг бир сўз олдинга ўтиб кетиши раҳм-шафқат кўрсатилиши лозим бўлган кишининг қатл этилишига сабаб бўлибди.

**Ўғлим,** агар сен ана шунақа хатоларга йўл қўймай десанг, албатта, ўқи, ўрган, саводли бўл! Ёзувингдан кўз яшнасин, ўқишингдан дил яйрасин!

Саводли бўлишлик — фазилат. болам,  
Саводсиз бўлишдан асрасин Худо.  
Ўқувинг аълою, ёзувинг кўркам,  
Аниқлик, тиниқлик бўлсин муддао!

## **ИЛМ ОЛ**

*Бир умр бахтиёр яшайин десанг,  
Ҳаргиз адашмайин десанг ҳаётда.  
Тўғри йўлни топиб олмоқчи эсанг,  
Илм-чун сарф айла борин бисёрда,  
Болам, илм олгин, болам, илм ол.*

*Бешиқдан то тобут ўқиш фаслидир,  
Умр омонатдир ўтиб кетади.  
Тинмай сабоқ олган инсон аслидир,  
Ўқиб илм олган комга етади.  
Болам, илм олгин, болам, илм ол.*

*Ҳаёт оламида илмдир офтоб,  
Илмсиз умрнинг қисмати зулмат.  
Билим, ўрганмоқлик беқиёс савоб,  
Савобсиз кимсанинг борлиғи кулфат.  
Болам, илм олгин, болам, илм ол.*

*Саводсизнинг кўзи ёш бўлур доим,  
Аҳволи харобдир, толеи забун.  
Илмдан завқ олсин қалбинг илқойим,  
Илмсиз кимсага олам қаро тун.  
Болам, илм олгин, болам, илм ол.*

*Илмда ҳикмат кўп, кўпдир хосият,  
Илмдан ёришар имоннинг йўли.  
Беҳиштдан жой олмоқ бўлса гар ният,  
Китобга чўзилсин инсоннинг қўли.  
Болам, илм олгин, болам, илм ол.*

## ЖАНЖАЛКАШГА БАҲОНА КЎП

**Эй фарзандим,** дунёда хотиржамликдан буюк неъмат йўқ. Инсон зоти борки, осойишта ҳаётни орзу қилади. Бироқ осойишталикка ҳамма ҳам етишавермайди. Бундай ҳаётга босиқ, жаҳлини жиловлай оладиган, ўзгаларга ҳасад эмас, ҳавас қиладиган, сабр-қаноатли, хушмуомала одамларгина етишадилар. Уларнинг саломатликлари ҳам жойида бўлади. Узоқ умр кўриб, рўзгорларида ҳам барака бўлади. Ношукур бандалар ҳасад қули бўлади, уларни кўролмаслик дарди қийнайди. Бундай дардга чалинганлар одатда қилдан қийиқ ахтариб, ўз жонларига жабр қиладилар.

**Ривоят.** Тақдир тақозоси билан бир ўспирин йигит оғзида тиши йўқ қария билан овқатланиб қолибди. Бундан ҳар иккалалари ҳам нолиб йиғлашаётганмиш.

— Нега йиғлаяпсиз? — деб сўрашибди қариядан.

— Оғзимда биттаям тишим йўқ. Таомни то ямлаб ютгунимча бу ўспирин ҳаммасини еб қўйса, мен оч қоламан.

— Сен нега йиғлаяпсан? — деб йигитдан сўрашса,

— Мен овқатни чайнагунимча бу чол чайнамай ютиб қўя қолади. Бунақада мен оч қоламан-ку, — дермиш.

Бу ривоят ношукур одамлар йўқ жойдан ҳам жанжал чиқариб олаверишларига бир мисол. Ҳаётда бундай одамлар сероб. Халқимиз «жанжалкашга баҳона кўп» деб бекорга айтмаган-да!

Шундай экан, сен ҳеч қачон бу фоний дунёнинг икир-чикирлари деб ташвиш чекма, жанжал чиқарма, феълингни кенг қил. Фам-ғуссаларни ортингга ташлаб, қалбингга шодлик бахш этувчи хотираларни эсла. Ҳаётнинг майда-чуйда икир-чикирлари деб юрагингни сиқма. Ўзгаларнинг нохуш қилиқлари деб ўзингга озор берма. Жанжалли ишдан қоч, жанжалкаш одамларга яқинлашма. Бордию дуч келиб қолсанг, кўнглингни кенг қилиб, бепарво бўл.

Инжиқлик қилма, инжиқларнинг қалбидан шодлик туйғулари қочади. Мабодо ишинг юрмай турган бўлса ҳам ўксинмай ўзгалар омадидан қувон. Менга ҳам шундай омад ёр бўлсин деб ният қил Бировга ҳасад қилма. Ҳасад инсонни ич-ичидан ёмиради. Билиб қўй, ҳасадгўйлар жанжалкаш бўладилар. Кўролмаслик уларни осойишталик баҳридан сув ичгани қўймай, жанжал гирдобига ташлайди. Бир кун жанжал бўлган жойдан эса қирқ кун барака қочади.

Илоҳим, тинч ва осойишта ҳаёт ҳамроҳинг бўлсин, болам.

Бадфеъл бўлма, феълингни кенг қил,  
Ўтма ҳасад остонасидан.  
Тинч ҳаётга доимо интил,  
Қоч жанжалкаш баҳонасидан.

### **АЛАР...**

*Ношудлар жанжалсиз туролмайдилар,  
Жанжалсиз ҳаётнинг қизиғи йўқдай.  
Биров тинч яшаса кўролмайдилар,  
Фиску фасод сўзларни отарлар ўқдай.*

*Тирноқнинг остидан кир излаш иши,  
Ҳаттоки қилдан ҳам ахтарар қийиқ.  
Дуч келган одамга қайрилар тиши,  
Ғийбатдан забони бўлмас ҳеч тийиқ.*

*Турсанг тўпоқ дейди, ўтирсанг ўпоқ,  
Тинимсиз ғашингга тегаверади.  
Алардин, эй ўғлим, юрмасанг узоқ,  
Эл аро бошингни эгаверади.*

*Бу турфа ножинслар уруш-жанжални,  
Қўйиб берсанг пулга сотиб олади.  
Алар ўйлашмайди ҳатто ажални,  
Алар асли шундоқ, шундоқ қолади.*

# ХАЙР-ЭХСОН — ШАРАФ

Хайр-эхсон қилиш — шарафли, савоб иш. Савоб ишни эса онда-сонда эмас, ҳар кун қилиб туриш керак. Бироқ бу топган-тутганингни етти ёт бегоналарга тақсимлаб бер, хомталаш қил, дегани эмас. Топган-тутганинг аввало ўзингга, оила аъзоларингга насиб қилсин. Мол-мулкингни ота-онанг, бола-чақанг, аҳли аёлингга сарфлаганингда энг кўп савоб ёғилгусидир. Ўз оиланг, яқин кишиларинг эҳтиёжидан зиёда молинг бўлсагина ўзгаларга эҳсон қил. Шуни билиб кўйки, эҳсон фақат моддий бойлик эвазигагина бўлмайди. Барча эзгулик ишлари, ширин сўз, хайрли маслаҳат, бошига бирор мусибат тушган кимсанинг кўнглини кўтариш ҳам эҳсондир. Кишиларнинг кўнглини олиш, руҳини кўтариш, уларда ўз келажақларига ишонч уйғотиш ҳам савоб, хайрли ишдир.

Агар бирор муҳтож кишига эҳсон қилмоқчи бўлсанг, уни хуфёна қил, ўзгаларга овоза этма. Баъзилар хайр-садақаларини элга ошкор қилиш, овоза қилишни хуш кўриб, янглишадилар. Бу билан улар гўё обрў-эътибор топмоқчи бўладилар. Ном чиқарга қилинган бунақа тадбирлар риё, яъни гуноҳи азим ҳисобланади. Ҳақиқий муҳтож одамга қилинган хуфёна хайр-эхсоннинг савоби беқиёсдир.

**Ривоят.** Бир улуғ кимсага «Фалон қишлоқдаги пистон кишининг ҳаж сафари қабул бўлди. Бориб уни муборакбод этиб кел», деган хабар борибди. Ул зот эрта тонгда ўша пистончининг дарвозасини тақиллатибди. Уй эгаси дарвозани очаркан, ул улуғ зот:

— Тақсир, ҳожилик муборак, ҳажингиз қабул бўлганидан мамнунман, — деган экан, уй эгаси кўзига ёш олиб:

— Мени масхара қилмаган сиз қолувдингиз, — депти.

Ул зот бундан таажжубга тушса, ҳожи афсус ва надомат ила шундай дебди:

— Мен бир неча йилдирки, ҳажга боришни ният қилиб пул йиғаман. Бу ҳақда дўстларимга айтаман. Бироқ фурсат яқинлашгач, жамғармамни юзага келган зарурат учун сарфлаб қўяман. Дўстларимга эса ёлғончи бўлиб қоламан. Бу ҳол ҳар йили такрорланаверганидан дўстларим устимдан куладиган, масхара қиладиган бўлишган. Бу йил ҳам роса устимдан кулишди. Ҳажга бориш ҳақидаги ваъдамни бажара олмаганимдан кўчага чиқолмай уйда бекиниб ўтиргандим.

Маълум бўлишича, бу киши ўша йили албатта ҳажга боришга қарор қилиб маблағ тўтлаган, ҳатто борувчиларга учрашиб, биргаликда йўлга чиқишга келишиб ҳам қўйган экан. Бироқ улар келганида узр сўраб бу йил ҳам ҳаж сафарига боролмаслигини айтибди. Бунга сабаб қуйидагича бўлган экан:

Киши эртага ҳаж сафарига жўнаш учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўйиб, онасининг розилигини олиш учун унинг ҳузурига кирибди. Шунда кекса ва бетоб она:

— Эй ўғлим, қўшнимизнинг қозонида қайнаётган шўрванинг хиди димоғимга урилди. Шундан бир косагина сўраб чиқ, кўнглим кетди, — дебди.

Бўлажак ҳожи онасининг бир косагина шўрвага бўлган эҳтиёжини қондириш учун қўшнисининг уйига чиққан экан, хонадон соҳибаси кўзига ёш олиб:

— Эй қўшни, қозонда шўрва қайнаётгани рост. Бироқ уни кекса онангизга ичириб, гуноҳга ботмай, — дебди.

Бу бева қўшни аёлнинг бир неча фарзанди бўлиб, уларга едиргулик ҳеч вақоси йўқ экан. Не қиларини билмай бир мушукни сўйиб гўштидан шўрва пиришаётган экан.

Буни эшитган киши қўшнисининг уйидан қуруқ қайтибди-ю, «Онам бир коса шўрвага зор бўлса, қўшним шу қадар ночор аҳволда яшаса, менинг ҳажга боришим адолатсизлик», деб ўйлабди. Жамғармасининг бир қисмини бетоб онасига, қолган қисмини қўшни аёлга эҳсон қилибди. Унга бу хайрли иши учун Аллоҳ таоло ҳаж савобини ато этган ва у ҳожи бўлган экан.

**Кўрдингми**, фарзандим. Бу кишининг нияти пок бўлгани учун ҳам унга ўзи орзу қилган ҳаж савоби ато этилибди. Бу ривоят ҳар киши учун сабоқ бўлиши лозим.

Хайр этсанг ҳақиқий муҳтожга қилгин,  
Хуфёна бўлсин у, беминнат бўлсин.  
Эҳсон айламоқни шараф деб билгин,  
Вужудинг ёғилган савобга тўлсин!

### **БАҲОНИ ҲАҚ БЕРАДИ**

Амалларинг нафингга сарҳисоб этма,  
Ўзингга сен ўзинг бермагин баҳо.  
Ортиқ ғурурланма, кўп катта кетма,  
Инсоний бурчимни этдим деб бажо.

Сен савоб деган кор бари савобми,  
Қилган юмушларинг кимга наф берди.  
Этмишинг ҳақликка аниқ жавобми,  
Яратган боғингдан, айт, ким гул терди?

Ўғрига ҳимматинг дариг тутмасдан,  
Тўғридан юз буриб кетмадингми, айт?  
Ҳалол топиб, ҳалол луқма ютмасдан,  
Ҳаром кавшаб ютолмай қилмадингми қайт?

Онангни оғритиб, оч -наҳор этиб,  
Эҳсон қилмадингми улфатларингга?  
Роҳат-фароғатга бир ўзинг етиб,  
Шерик қилмадингми кулфатларингга?

Ўзгалар ғамига бўлдингми шерик,  
Ё фақат қувончин кўрдингми баҳам?  
Қучоғинг покликка бўлдими керик,  
Фариблар қалбига ёқолдингми шам?

Билиб қўй, Каъбага бориб қайтганнинг  
Барчаси баробар ҳожи бўлмайди.

*Дилданмас, забонда тавба айтганнинг  
Куруқ ваъдасидан кўнгил тўлмайди.*

*Қилган амалларинг Аллоҳга аён,  
Аларга баҳони ўзи беради.  
Навбат етганида, келганида оғ,  
Ҳар ким сочганини ўзи теради...*

*Амалларинг нафингга сарҳисоб этма,  
Ўзингга сен ўзинг бермагин баҳо.  
Ортиқ гурурланма, кўп катта кетма,  
Инсоний бурчимни этдим деб бажо!*

## **БОЙНИНГ ЁЛҒОН ГАПИ ҲАМ ТЎҒРИ, ҚАШШОҚНИНГ РОСТ ГАПИ ҲАМ НОТЎҒРИ**

Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин, деган нақл бежиз тўқилмаган, ўғлим. Бу ҳаёт синовидан ўтган ҳақиқат. Худди пашшалар ширага ёпишгани каби аксарият одамлар ҳам бойларнинг атрофида гирдикапалак бўладилар. Садақасидан умидвор бўлиб, ҳатти-ҳаракатлари нотўғри бўлса ҳам тўппа-тўғри деб маъқуллаб туришдан уялмайдилар. Бундайлар қашшоқ одамларга паст назар билан қарайдилар. Унинг рост гапига ҳам ишонқирамай ёлғонга чиқарадилар. Бу ҳам етмаганидек, иложи борича узоқроқ юришга ҳаракат қиладилар.

**Ривоят.** Ўйинқароқ бир шаҳзода отаси вафотидан сўнг юртни идора қилишни ҳам унутиб айшу-ишратга берилиб, вақт ўтиши билан хазинани кўкка совурибди. Бу ҳолдан хабар топган бир уддабурон вазиятдан фойдаланиб тахтни эгаллаб олибди.

Подшоҳликка ҳаваси йўқ шаҳзода шунда ҳам парво қилмай текинхўр улфатлари билан ялло қилиб юра-



верибди. Оқибатда бор-йўғидан ажралиб, кафангадо бўлиб қолибди. Шунда атрофида парвона бўлиб юрган текинхўр ёр-дўстларидан бирортаси ҳам хабар олмай қўйибдигина эмас, ҳатто ундан бутунлай юз ўғиришибди.

Яккамохов бўлиб қолган шаҳзода ҳар куни бозор бошига чиқиб ўтирар ва отасининг содиқ ғуломларидан бири унинг қорнини тўйгазар экан.

Бир куни шаҳзода кўчага чиқиб ўтирган экан, бир пайтлар товоғини ялаган ўртоқларидан бир гуруҳи уни масхара қилиш ниятида олдига келиб:

— Юр, бир дам олиб, маишат қиламиз, — дебди.

Шаҳзода уларнинг бу таклифини қабул қилибди. Ҳаммалари боққа бориб сайру томоша қилишибди. Ошпаз ўчоққа ўт ёқиб қозон яқинига гўшти олиб бориб қўйибди-да, у ҳам улфатлар билан кайфу сафога берилиб кетибди. Шу чоғ бир ит келиб, гўшти олиб кетибди. Бир пайт қарашса, гўшт йўқ. Ҳаммалари бу ишни фақат шаҳзода қилиши мумкин, чунки у кўпдан бери гўшт ейиш уёқда турсин, уни кўрмаган ҳам дейишибди.

Бу маломатдан шаҳзоданинг кўнгли ранжибди. Мен гўшти олганим йўқ, деб қасам ҳам ичибди. Лекин унга ҳеч ким ишонмабди. Мулзам бўлган шаҳзода улфатларини тарк этиб, бир чеккада зор-зор йиғлаб ўтирса, қаршисида энагаси пайдо бўлибди:

— Болажонгинам, — дебди у шаҳзодани овутиб, — кўп қайғурма, сени ҳали омад бутунлай тарк этгани йўқ. Бир вақтлар отанг «боламнинг подшоҳлик қилишга қурби етмайди, бирор кун келиб муҳтож бўлиб қолса, мана бу харитани бериб қўй», деган эди, — дебди.

Шаҳзода харитани олиб, қатини очса орасидан учта қоғоз чиқибди. Уларнинг бирида: «Фалон боғдаги каптархонага бориб, ўша ердан фалон томонга етти қадам юрсанг, саккизинчисида ўн минг тилло кўмиб қўйганман, олиб эҳтиёжингга сарфла». Иккинчи қоғоз-

да: «Фалон кишига ўн минг тилло бериб қўйибман, учинчисида фалон кишига ҳам ўн минг тиллони сенга деб топшириб қўйганман. Ўша пулларни олсанг умрингнинг охиригача етади. Ҳеч кимга муҳтож бўлмайсан», деб ёзилган экан. Шаҳзода ҳамма тиллоларни олгач, яна иши юришиб кетибди. Бундан хабар топган текинхўр улфатлари тагин унинг атрофида гирди-капалак бўла бошлашибди. Олдига келиб уялмай қилмишларидан пушаймон эканларини айтишибди. Шаҳзода яна улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетибди.

Бир куни шаҳзода ўша улфатларига зиёфат берибди. Ҳаммалари май ичиб сархуш бўлганларидан сўнг, ўткир олмос билан бир неча жойи тешиб қўйилган битта тегирмон тошини ўзига яқинроқ жойга келтириб қўйибди. Ўртоқлари уни кўриб:

— Во ажабо, бу тошни ким тешиб қўйди экан? — деб таажжубланишибди.

Шунда шаҳзода:

— Отам замонида Арабистондан бир одам бир талай чумоли олиб келган экан, ўша чумолилар тоштешар чиқиб қолди. Бу тошни ўшалар тешган, — дебди.

— Тўғри, — дейишибди ўртоқлари бир овоздан. — Биз ҳам шунақа тоштешар чумолилар ҳақида эшитганмиз!

Ўртоқларининг бу гапини эшитган шаҳзода:

— Ана холос, бу ўртоқларим, қашшоқлик пайтимда бир бурда гўштга мени ўғри қилганларида уни олмадим, деб қасам ичсам ҳам гапимни ёлғонга чиқарган эдилар. Энди яна бой бўлган пайтимда ҳеч қандай ақл бовар қилмайдиган ёлғон гапни айтсам, ҳаммалари уни рост деб маъқуллаб турибдилар. «Бойнинг ёлғон гапи ҳам тўғри, қашшоқнинг рост гапи ҳам нотўғри», деганлари ҳақиқат экан-да, дебди.

**Эй ўғлим**, ушбу ривоятдаги шаҳзоданинг не-не машаққатларни бошидан ўтказиб, чиқарган хулосасига сен ҳам амал қил. Бой пайтингда мулозамат қилиб, сени кўкларга кўтарганларига ишонма. Уларнинг гапларини ақл тарозуси билан ўлчаб, иш тут. Обрў-эъти-

боринг учун атрофингда гирдикапалак бўлаётганларни синовдан ўтказ. Билиб қўй, сени ҳуда-беҳуда мақтайверадиган, нотўғри гапни айтсанг ҳам, «жуда тўғри айтдингиз», деб тургувчи кимсаларда ҳеч қачон сенга нисбатан дўстлик туйғулари бўлмайди. Уларни бамисоли ширага келган пашшалар деб бил.

Бой кишин мақтарлар ўйлаб ўтирмай,  
Ўлгон гапин рост деб ҳикмат топарлар.  
Қашшокнинг рост гапин тинглаб ҳам кўрмай  
Ўлгончисан, дея итдек қопарлар.

### **САВОЛЛАРИМ**

*Одам бу дунёга келар бир марта,  
Қайта туғилмайди, қайта ўлмайди.  
Шу боис саволлар айтайин шартта,  
Агар айтолмасам кўнглим тўлмайди.*

*Не учун тўйларда «олинг, олингу»,  
Бозорда торозга «солинг, солинг»лар?  
Нега бойлар келса «қолинг, қолинг»у,  
Нега камбағалга «хайр, хуш қолинглар»?*

*Нечун мансабдорга зиёфат, базм,  
Амалсизга «қачон битта ош еймиз»?  
Нечун ҳукмдорга этамиз таъзим,  
Тобега «туёғинг шиқиллат» деймиз?*

*Иш тушса саломни этамиз куюқ,  
Худди туғишгандек очамиз кучоқ.  
Иш билан келганга салом ҳам суюқ,  
Бир зумда ғойибмиз, бўламиз қочоқ.*

*Нега кучлиларга эгамиз бошни,  
Ўнидан ўтамиз етти букилиб.  
Нега ожизларга отамиз тошни,  
Боқиб ҳам қўймаймиз номига кулиб?*

*Нечун фоҳишага хирс бирла боқиб,  
Тиллолар тақамиз, айлаб мурувват.  
Нечун танмахрамга ғазабни тақиб,  
Эсиз деймиз ҳатто қуруқ манзират?*

*Нечун етимларнинг ошини еймиз,  
Жиндак саховатни кўрмаймиз раво.  
Бойваччага йўқни топамиз деймиз,  
Боз устига қуюқ қиламиз дуо?*

*Не учун?*

*Не учун?*

*Нечун?*

*Кечиринг,*

*Нафасим бўғилди, юрагим толди.*

*Овозим чиқмайди, деёлмайман гинг,*

*Қолган саволларим бўғзимда қолди.*

## **ЭШАКНИНГ КУЧИ ҲАЛОЛУ, ЎЗИ ҲАРОМИМИ?**

**Эй фарзандим!** Илойим оқилу зукко бўлгин. Илминг, заковатинг билан элу юрт эътиборига сазовор бўл. Одамлар сенинг комиллигинг, хушмуомала, ишбилармонлигинг туфайли ардоқлашсин. Бордию сени лойиқ кўриб бирор бир мартаба, раҳбарлик лавозимига кўтаришса, ҳеч қачон ўз қўл остингдагиларга зулм қилма. Уларга меҳр-мурувват кўрсат, дилларига рўшнолик бахш эт.

Хузурингга у ёки бу юмуш билан ташриф буюрганларни қабул эт. Сўзларини диққат билан тингла ва ҳеч қачон эътиборсиз қолдирма. Айниқса, арз билан келганларнинг шикоятларини эшит ва оқилона ҳал эт. Сенинг даргоҳингдан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмай чиқиб кетишига йўл қўйма. Чунки улар азбаройи сенга ишонганларидан, адолатли раҳбар деб ҳурмат қил-

ганларидан дардларини изҳор этиб, кўмак сўрайдилар. Агар сен уларни ҳузурингга йўлатмасанг, арзларини ҳақиқат ила ҳал этмасанг, ишончларини йўқотасан. Натижада назардан қоласан.

**Ривоят.** Бир юрт ҳукмдори оқил пирининг ҳузурига кириб, дебди:

— Пирим, менинг эл орасида юргувчи, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганувчи ходимларим нохуш хабар келтиришди. Одамлар мени лоқайд, жоҳил ва бадбашара ҳукмдор деб ҳисоблашаркан. Бунинг боиси не?

— Ундай бўлса, — дебди ҳукмдорнинг пири. — Улар сени золим, эл-улусга нисбатан бағритош ҳукмдор деб тасаввур этишаркан. Шунинг учун ҳам сен улар назарида лоқайд жоҳил ва бадбашара ҳолда намоён бўласан.

— Ахир, мен унақа жоҳил, золим эмасман-ку.

— Демак, сенинг қўл остингдаги амалдорларинг золим. Ишонмасанг, шаҳар ўртасига бир супа курдиргинда, фалон куни шу ерда аризадорлар шикоятини тинглайман. Кимнинг арзи бўлса келаверсин, деб эълон бер. Сўнг йиғилганларни ўша супада қабул қил.

Ҳукмдор пирининг айтганларини қилибди. Белги-ланган куни супа томон йўл олибди. Аммо у ерда жамланган одамларни кўриб, даҳшатга тушиб, ҳушидан кетибди. Уни бир амаллаб ҳушига келтириб, саройга элтибдилар. У ўзига келгач, яна пир ҳузурига бориб:

— Эй пирим, юртимда нималар бўляпти? Наҳотки арз қилувчилар шунчалик кўп бўлса, — дебди.

— Афсуски, шундай экан, — деб гап бошлабди пир. Эл сенинг ҳушингдан кетганингни ўз кўзи билан кўрди. Шу боис ҳам уларни қабул қилолмаганингни тушунишди. Шундай экан, уларда пайдо бўлган умид учкунларини сўндирма. Бир ҳафтадан сўнг, «кимнинг арзи бўлса сарой дарвозасининг қўнғироғини чалсин. Уни менинг ҳузуримга олиб кирадилар. Ҳеч ким йўлларига тўсиқ бўлмайди. Кимки аризадорларнинг ҳузуримга киришига тўсқинлик қилса қаттиқ жазоланади», деб фармон бер.

Хукмдор бу гал ҳам пирнинг айтганини қабул қилибди. Аммо орадан бир ой ўтса ҳам ҳеч ким дарвозасидаги қўнғироқни босмабди. Бундан таажжубга тушган ҳукмдорга пири шундай дебди:

— Илгари ҳеч ким арз билан сенинг ҳузурингга кира олмас эди. Шикоят билан келганларни соқчиларинг саройга йўлатишмасди. Аслида шикоятчилар кўп эди. Буни супага йиғилган одамлар мисолида ўзинг ҳам кўриб, ишонч ҳосил қилдинг. Шикоятчилар амалдорларинг зулмидан норози эдилар. Амалдорларинг эса улус сенинг ҳузурингга кириб кела олмасликларига ишонардилар, аниқроғи, уларни сенга рўбарў этишмасди. Шунинг учун хотиржам ҳолда элга зуғум ва зўравонликларини давом эттираверардилар. Сен аризадорларни қабул қилишингни эшитишгач, ҳаммалари қилган зулмлари учун улусдан узр сўрадилар, зўрлик билан олиб қўйган бойликларини қайтариб бердилар. Натижада юртингда шикоятчилар қолмади.

Амалда ҳам шундай бўлган экан. Золим амалдорлар ўз жарбдийдаларининг арз қилиб кириши натижасида подшоҳ ғазабга келишини ўйлаб, жазодан қўрқиб, ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида бўлса-да, зулм этган кишиларини топиб рози этишибди. Шундай қилиб, ҳукмдорга арз билан кирувчилар қолмабди. Сарой дарвозасидаги қўнғироқ ҳам узоқ вақтгача жирингламабди.

Иттифоқо кунларнинг бирида дарвозадаги шикоят қўнғироғи жиринглаб қолибди. Бироқ ичкарига ҳеч ким киравермабди. Бундан таажжубга тушган ҳукмдор дарвоза томон йўл олиб қараса, бир дайди эшак келиб, қўнғироққа қўтирини ишқаётган экан. Шунда подшоҳ эшак эгасини қидиртириб топиб сўрабди:

— Нега бу қари эшагинг менинг саройим дарвозаси олдида дайдиб юрибди?

— Ҳукмдорим, бир қошиқ қонимдан кечинг. Бу эшагим ниҳоятда қариб ишга ярамай қолганди. Шу боис уни кўчага ҳайдаб юборгандим.

— Бу ишинг инсофсизлик, — дебди ҳукмдор. — Бир

умр хизматингни қилган ишчини, гарчи у ҳайвон бўлса ҳам бу қадар хор-зор қилиб, кўчага ҳайдаб юбориш бағритошлик бўлади. Нима, эшакнинг кучи ҳалолу ўзи ҳаромми? Ҳозироқ эшагингни уйингга олиб кет ва то у ўз ажали билан ўлгунча боқ.

Эшак эгаси қилмишидан пушаймон бўлиб, ҳукмдорнинг айтганини бажо келтирибди.

**Кўрдингми, фарзандим,** ҳукмдор деганлари нафақат ўзи адолатли бўлмоғи, балки қўл остидаги катта-кичик мансабдорларнинг ҳам улусга ғамхўр ва меҳрибон бўлмоқлари чорасини кўриши лозим. Фақат айна пайтда ишлаб турган меҳнат аҳлигагина эмас, илгари ҳалол ишлаб, нафақага чиққанларни ҳам эътибордан қолдирмай, уларга меҳр-мурувват кўрсатмоғи лозим.

Мабодо сенга ҳам бирор-бир амал курсисига ўтириш насиб этар бўлса, мазкур ривоятдаги шоҳ каби ғафлатда қолма. Доимо меҳнат аҳлининг аҳволидан хабардор бўл. Уларнинг арзларини мунтазам эшитиб, адолатли ҳукм чиқар. Акс ҳолда гуноҳи кабирага мубтало бўлмоқ ҳеч гап эмас.

Ҳукмдорсан, элга бўлгин меҳрибон,  
Арз қилса меҳнаткаш, эшит бардавом.  
Хабар ол улуснинг ҳолидан ҳар он,  
Ногоҳ ғафлат босиб бўлмагин бадном.

## ЎГИТ

*Катта корхонага раҳбар бўлган зот,  
Бошқарувга оид сўради ўғит.  
Мен дедим: чиндан ҳам бўлсанг одамзот,  
Мабодо бўлмасанг қопоғон бир ит.*

*Отангдек ҳурмат қил отанг тенгини,  
Онанг тенгиларни сийла онангдек.  
Акангдек иззат қил аканг тенгини,  
Опанг тенгиларни сийла опангдек.*

*Ўзингга не раво кўрсанг, албатта,  
Аларга ҳам шуни раво кўр ҳар он.  
Ўзингга не ёқмас эса ғоятда,  
Аларга ҳам ёқмас, англа ҳар қачон.*

## КАСБ ТАҚОЗОСИ

**Жигарбандларим!** Одатда ҳар бир касбнинг бошқа касблар билан умумий томонлари бўлганидек, фақат ўзига хос махсус томонлари ҳам бўлади. Деҳқончилик касбини танлаганлар ерга уруғ қадашда фаслларга, иқлимга қараб иш бошлайди, савдогарлар эса ўз ишларини савдолашишдан бошлайди ва бу баъзан тортишишгача бориб етади. Бироқ бунинг учун уларни айбламайдилар. Негаки савдогарлик касби шуни тақозо этади.

Мен сизларга бир савдогарнинг бўёқчидан бўёқ харид қилиш чоғидаги савдолашганларининг қандай бўлганини ҳақидаги **ривоят**ни айтиб бераман. Ўша савдогар бозор ичидаги бир бўёқфурушдан улгуржи мол оладиган бўлиб, унинг нархини сўрабди. Бўёқчи нархини айтса савдогар камайтирибди, икковлон бир қарорга келишолмай роса тортишишибди. Ниҳоят савдо якуни бир тангага бориб қадалибди. Савдогар шу бир тангани бермайман, деб туриб олибди. Бўёқчи келишилган нархга ўша бир тангани қўшишни сўрабди. Лекин савдогар бунга кўнмабди. Олувчи ва сотувчи шу бир тангани таллашиб эрталабдан пешингача тортишибди. Уларнинг шу арзимас танга учун қилган можаросини бозордаги одамлар кўриб ҳайратдан ёқа ушлаб, якуни нима билан тугашини кутишибди.

Охири бўёқчи ён бериб, ўша бир тангадан кечибди. Савдогар пулни тўлаб, бўёқларини аробаларга юклаб жўнаб кетибди. Ногоҳ бўёқчининг шогирди:

— Ие, шунча бўёқ савдо бўлди-ю, мен савдогар-



дан ширинкома олмабман-ку. Ҳозир оламан! — деб унинг кетидан чопиб кетибди.

Шунда бўёқчи шогирдига:

— Эй нодон, бу савдогар эрталабдан пешингача бир тангани мен билан талашди. Атрофимизга оломон тўпланиб, томоша қилиб турса ҳам уялмади! Шундай пасткаш одамдан ширинкома унадими? Тўхта, қайт! — деб бақирибди.

Бироқ шогирд унинг гапига эътибор бермай кетиб қолибди. Бир оз ўтгач эса қўлида бир танга ширинкомани кўтариб қайтиб келибди. Бўёқчи бундан ҳайратга тушиб: «Бу савдогарнинг қилмишига сира тушунолмадим. Шу бир тангани эрталабдан пешингача мен билан талашди. Кузатиб турган одамлардан ҳам ор қилмади. Шогирдим ширинкома сўраганда эса осонгина берди. Бу қанақаси бўлди?» деб ўйлабди ва шогирдига:

— Тез бориб савдогарни ортига қайтариб кел. Бўёқчи сизни чақиряптилар, дегин, — дебди.

Шогирд савдогарни чақириб келибди. Шунда бўёқчи унинг бу қилмишининг сабабини тушунмаганлигини айтибди.

Савдогар унга:

— Мен савдогарман. Савдолашиш касбим тақозоси. Агар ҳисоб-китобимга тўғри келадиган нарҳда мол олмасам ўша кун тун бўйи тўлганиб, жон чиққудек азоб чекаман. Негаки ҳар бир савдомдан бир тангадан зарар кўраверсам, хонавайрон бўламан, аксинча бир тангадан фойда кўрсам муддаомга етаман. Ахир «Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур», деган гапни эшитмаганмисан? Мен сендан савдо чоғида бир танга ютиб, тун бўйи тўлғониб, жон чиққудек азоб чекишдан халос бўлдим. Демакки, савдо қондасини бузмадим. Ҳақиқий савдогар эканлигимни исботладим.

Энди ширинкома масаласига келсак, бу савдодан ташқаридаги гап. Зеро, мен ҳам инсонман. Мехр-мурувват, хайр-эҳсонни тушунаман. Бугунги ишимда ҳам касбим тақозо этадиган савдо қондасини бузмадим,

ҳам саховатли кишилар тоифасидан эканлигимни исботладим, — деб жавоб берибди.

**Ана шунақа, болаларим.** Агар бирор жойда савдогарлардан у-бу харид қилсангиз, савдолашишдан эринманг. Бу пасткашлик эмас. Савдо қоидаси. Лекин бояги савдогар каби саховатли инсон бўлишни ҳам асло унутманг. Аксинча, эл-улус назаридан қоласиз.

Ҳар касбнинг ўз қонун-қоидаси бор,  
Уни уқиб олсанг ризқингдир бутун.  
Аксинча, узилгай насибанг, касб хор  
Этганни бўлғуси юрак-бағри хун.

## **ТИРИКЧИЛИК**

*Тирикчилик керак тириклик учун,  
Тириклик учун тирикчилик ҳам.  
Тирикчилик дея тинмай уззу-кун,  
Елиб -югуради бир умр одам.*

*Тириклик қисқадир, бир зумда ўткинчи  
Шамолдек елади киши билмасдан.  
Шу фоний дунёдан инсон ўтсин-чи,  
Тирикчилик ишин қилмасдан.*

*Тириклик деганнинг оромин олмай,  
Ўзини ўт-чўққа ураверади.  
Гўё пойга қилиб бир-бирдан қолмай,  
Тирикчилик гаштин сураверади.*

*Биров олиб сотар тирикчилик деб,  
Биров дона сочар тирикчилик чун.  
Биров хузур қилар боғ мевасин еб,  
Тирикчилик дея биров тўқир жун.*

*Тирикчилик дея изланар олим.  
Шу мақсадда гўрков гўрлар ковлайди.  
Хуллас, тирикчилик одамда лим-лим,  
Ҳар ким хоҳлаганин танлаб оёлайди.*

*Айниқса шу замон аҳли басма-бас,  
Муккасидан кетган тирикчиликка.  
Шулар айлантириб қўймасалар бас,  
Тирикчилик деганни тирриқчиликка.*

## ҚАСД ҚИЛГАН ПАСТ БЎЛУР

**Азиз болажонлар!** Ҳеч қачон бировга қасд қилувчи бўлмаг. Негаки қасд қилган паст бўлади. Афсуски, баъзилар буни тушунмай, қасд қилиб, ўч олиш учун пайт пойлайдилар. Кўпинча бу қабиҳ ниятларига мансабдорлар газабини қўзғатиш билан етмоқчи бўладилар. Аммо бировга чоҳ қазиб, ўзи унга қулаган кимсанинг ҳолига тушадилар. Тулкидан ўч олмоқчи бўлиб этининг бир парчасидан ажралган бўрининг аччиқ қисмати ҳақидаги **ривоят** бунга мисол бўлади.

Хўш, бўри нима қилиб, бир парча этидан ажралган экан?

Бир куни ўрмон шоҳи — арслон қаттиқ касал бўлиб қолибди-ю, ўрмондаги барча ҳайвонлар уни кўргани боришибди. Фақат тулкигина бундан беҳабар қолибди. Тулкига қасд қилиб, ундан ўч олиш ниятида юрган бўри буни қулай фурсат деб билиб арслонга:

— Шоҳим, ҳукмингиздаги барча ҳайвонлар сизни кўргани келишди. Биргина тулки буни хоҳламади. Бу унинг сизга нисбатан шум нияти борлигидан далолат эмасмикан, — дебди.

— Тулки ҳузуримга бирор юмуш билан келганида буни эсимга сол, — дебди арслон.

Тулки бир иш билан арслоннинг ҳузурига ташриф буюрганида бўри келишувга мувофиқ ўша воқеани шоҳга эслатибди. Шунда баҳайбат йиртқич газабланиб:

— Мен оғир касалликка йўлиқиб, ўлимдан қолдим. Ҳамма хабар олгани келди. Фақат сенгина келмадинг, нега? — деб ўшқирган экан, ҳамма гапдан хабардор тулки:

— Шоҳим, мен ўша кунни сизнинг дардингизга дори  
излаб кетувдим, — деб жавоб берибди.

— Хўш, топдингми, дардимга нима даво экан?

— Бўрининг сон гўштидан бир парча узиб есангиз  
дарддан фориғ бўлар экансиз.

Арслон сапчиб туриб бўрининг сонидан тишлабди  
ва бир парча этини узиб еб қўйибди. Бўри қони оққан  
ҳолда қочиб қолибди. Унинг кетидан қувиб етган тулки:

— Эй бўри! Бировдан қасд олиш учун мансаби улуг-  
лар ғазабидан фойдаланмоқчи бўлганларнинг аҳво-  
ли доимо шундай бўлишини билиб ол, — дебди ду-  
мини ликиллашиб туриб.

**Шундоқ, болаларим!** Зинҳор-базинҳор бировга  
қасд қилувчи бўлманг. Зеро, Ҳақ таоло кечиргувчи-  
дир. Шундай экан, кўнглингизни кенг қилинг, ҳамиша  
авф этувчи бўлинг.

Қасд қилмоқ — гуноҳ, бил,

Авф этмоқ — савоб.

Кечирган кас фозил,

Қасд қилган хароб.

## **ҲОЙ ОДАМЛАР!**

*Мангу ҳаёт қурмас одамлар,*

*Ўлчаб берган умрини яшар.*

*Шундоқ экан, нечун аламлар,*

*Нега зулм қилади башар?*

*Авж олдиран нечун ғазабни,*

*Ёғдиради не учун қулфат?*

*Нега бузар тинмай асабни,*

*Қасд олади, топса бас фурсат?*

*Табиатнинг турли офати,*

*Етиб-ортиб кетмасми унга?*

*Золимларнинг наҳс касофати*

*Ҳаддан ошар, не учун бунча?*

*Хой одамлар! Шафқатли бўлинг,  
Кул қилмасин сизни жаҳолат.  
Мурувватга, меҳрга тўлинг,  
Тарк этмасин ҳаргиз оқибат.*

*Инсон умри қисқа шундоқ ҳам,  
Зулм айлаб совурманг елга.  
Саховатли ҳамда бокарам,  
Холис хизмат айлангиз элга.*

## **МОЛ-ДУНЁ — ТИРИКЛАР УЧУН**

**Болаларим**, молу мулк, бойлик, нозу неъмат барча-барчаси тириклар учун. Ўликларга уларнинг кераги йўқ. У дунёда булардан наф йўқ. Лекин шу оддий ҳақиқатни баъзилар англаб етмайди. Умр бўйи ишлаб, умрини машаққат билан ўтказиб мол-дунё йиғади. Бироқ тириклик чоғида ундан ўзи ҳам фойдаланмайди, бошқаларни ҳам баҳраманд этмайди. Охирадини ўйламайди. Бу жирканч қилмиши учун эса Худонинг қаҳрига учраб, гуноҳи азимга ботади, дўзах азобини чекади. Сизларга худди шундай иш қилган очкўз кампирнинг қилмишлари ҳақидаги **ривоятни** айтиб бераман.

Бир бева кампир бўлиб, унинг ёлғизгина ўғли бор экан. Аммо у шу биттагина ўғлини ҳам ёлчителиб кийинтирмас, тузукроқ едириб, ичирмас, ҳатто ўзидан ҳам ҳамма нарсани қизғанар экан. Қариб ҳолдан тойган чоғида бир куни ўғлига:

— Ўғлим, менинг куним битган кўринади. Бордию вафот этсам остимга анови эски кўрпачани солиб кўм. Мен қаттиқ ва совуқ қабрда ётишдан кўрқаман, — деб васият қилибди.

Вақт-соати етиб кампир вафот этгач, ўғил унинг васиятини адо этибди. Бироқ ўша куни кечаси тушида онасини кўрибди. Онани қабрда ётган жойида ости-

га ташлаб кўйилган кўрпача оловга айланиб, аланга бериб куйдирармиш. Она дод дэб фарёд чекармиш, қочиб кетолмасмиш. Чўғ-оташга айланган кўрпачанинг четларидан чиққан аланга кампирни занжирдек ўраб олиб, куйдирармиш.

Фарзанд шу ҳолатда уйғониб, фарёд чекибди. Худога нола қилиб онасини бу ғазобдан қутқаришни сўрабди. Лекин эртаси, индинига яна шу туш такрорланибди. Ниҳоят тоқати тоқ бўлган ўғил она қабрини очиб кўришга қарор қилибди. Қабристонга бориб гўрковга воқеани айтибди. Икковлон ярим тунда қабрни очиб кўрпачани олиб қарашса, унинг ичига тилла тангалар терилиб, қавилган экан. Кампир бир умр топган бойлигини сарфламай тиллога айлантириб йиққан ва уни нариги дунёга ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган экан. Аллоҳ таоло эса уни бу қилмиши учун дўзах оловида куйдириб, азоб бераётган экан.

Ўғил тиллоларнинг бир қисмини қабрни очган гўрковга, бир қисмини етим-есир, бева-бечораларга берибди. Қолган қисмини ўзига олиб қолибди.

Эртасига яна тушида онасини кўрса, у энди оловда куймай, қабрда тинчгина ётганмиш.

**Кўрдингизми, болаларим,** мол-дунё, бойликни киши аввало ҳалол йўл билан тспиши, кейин уни хасислик қилмай, исроф ҳам этмай тириклик чоғида сарфлаши лозим. Аксинча, ўзи емас, итга бермас қабилида иш тутса, ҳатто уни нариги дунёга олиб кетмоқчи бўлса, худди шу ривоятдаги кампир қаби дўзах азобини чекади. Шунинг учун ҳам доимо ҳалол йўл билан пул, мол-дунё топиб уни тириклик чоғида хайрли ишларга сарфлаш лозим. Шундай қилсангиз ҳам тириклик чоғингизда обрў-эътибор топасиз, ҳам нариги дунёда азоб чекмайсиз.

Бойлик тириклар-чун керакдир,  
Ўликка олтиннинг тошдан фарқи йўқ.  
Мол-мулкка хирс кўймоқ ҳеч нокерақдир,  
Топган-йиққанингдан очларни эт тўқ.

## МОЛ-ДУНЁ ДЕБ ЯШАМАС ОДАМ

*Бу дунёда топган-тутганинг,  
Олиб кетиб бўлмас рихлатга.  
Беҳудадир алам ютганинг,  
Дуч келганда ўлим — офатга.*

*Олтинларинг қаро тошга тенг,  
Пул деганинг баробар кулга.  
Усти-бошинг беёқа, беенг,  
Тутолмассан ҳеч вақо қўлга.*

*Умр бўйи тўймаган кўзинг,  
Тўлиб кетар чимдим тупроққа.  
Бас, шундоқдир, қийнама ўзинг,  
Ўгитларим олгин қулоққа.*

*Мол-дунёга бўлмагин банди,  
Бойлик учун яшамас одам.  
Эй, азизим, қалбим дилбанди  
Эслаб тургин ўлимингни ҳам.*

*Ўлим даҳшат, ўлим бешафқат,  
Ундан омон қолмоқлик мушкул.  
Унга жонинг керақдир фақат,  
Мол-дунёга бўлма ҳаргиз қул.*

## ҒОЙИБДАН БАХТ КУТМОҚ — АФСОНА

Инсон ўз бахти учун ўзи астойдил курашиб, унга эришади. Агар шундай қилмаса, бахт унинг остонасига қадам ҳам босмайди. Зеро, ҳар неки бўлса ҳам тақдир азалдан, деб қўл қовуштириб ўтираверган билан иш битмайди. Аксинча, бори ҳам қўлдан кетади.

**Ривоят.** Бир бадавий бўйдоқлик жонига текканида қўлини осмонга кўтариб ғойибдан сўрабди:

— Эй Худо, эл қатори менга ҳам бир хотин ато эт!

Бадавийнинг ноладини кўчада чўтиб кетаётган бир энгилтак аёл эшитиб қолиб дебди:

— Ўзи бақувватроқ бир эркакка ёлчимай юривдим. Бу гап мен учун айна муддао бўлди-ку.

Энгилтак аёл шундай дея девордан мўраласа, нола қилаётган эркак бинойидекмиш. Дарҳол девордан ошибди-да, «дўп» этиб бадавийнинг олдига тушибди:

— Худодан хотин сўраган экансан. Мана, мени юборди, — дебди мулойимлик билан сузилиб.

Бадавий «нолам худога етибди», дея чунонам севиниб, жон дея уни хотин қилиб олибдию, бироқ орадан бир ҳафта ўтмаёқ ундан қаёққа қочишини билмай қолибди. Бир ҳафта ичида энгилтак аёл бегона эркакларни ҳузурига чорлайвериб, уйдаги бор мул-мулкини совураввериб, бадавийни адои тамом қилибди. Шунда бадавий яна осмонга қараб нола қилибди:

— Эй Худо! Ғойибдан хотин келишини орзу қилиб адашдим. Юборган хотинингни қайтариб ол. Энди хотин керак бўлса, ўзим синаб кўриб бирор муносибни танлаб оларман!

**Эй фарзандим!** Сен шу хотин сўраган бадавий сингари ғойибдан бахт-саодат кутма. Уни ўзинг излаб топ. Худди шундай қилсанг, у ҳам азизу мукарам бўлади, ҳам унинг қадрига етасан.

Онам айтиб берган бир **воқеа** эсимга тушиб кетди. Бир бола йўл четидаги ўриндиққа ўтирганча бошидаги яп-янги дўпписи билан оёғига кийган яп-янги этикни артаётганмиш. Уни кўрган бир киши:

— Эй бола, бу нима қилганинг? Бошингдаги бу дўппи ҳам яп-янги-ку, ахир? — деса, бола:

— Бу этикни бир ой ишлаб топган маошимга олганман. Дўппини эса онам тикиб берган.

**Кўрдингизми, азиз фарзандларим!** Бу болага бошидаги дўпписини онаси тикиб бергани гўё ғойибдан келгандек бўлгани учун қадрламаяпти. Этигини эса ўзи ишлаб топган пулига олгани учун ҳам қадрляпти.



Алқисса, меҳнатдан топилган бахт чинакам бахт бўлиб у доимо қадрли бўлади. Ғойибдан келган бахт эса қадрсиз. Демак, ғойибдан бахт кутмоқ — афсона.

Тақдирин меҳнатдан яратур инсон,  
Меҳнатсиз бахт топмоқ эрур афсона.  
Излагин, излангин, ўтмасин ҳеч он,  
Жон чекмай топарму инсон жонона.

## **НАСИХАТ**

*Биров ўлса мерос оламан дема,  
Бундай ёвузона ниятингдан қайт.  
Ўзгалар ҳақини ҳеч қачон ема,  
Ҳалол топиб егин, яхши ният айт.*

*Бировнинг мотамин айлама байрам,  
Бу мотам сенга ҳам ўтиши мумкин.  
Ўзгалар азаси аза сенга ҳам,  
Шодлиги-шодлигинг, завқини сургин.*

*Мағлублар устидан кулмагин зинҳор,  
Дунёда ҳамма тенг ғолиб бўлолмас.  
Омонат қудратга ишонмоқ бекор,  
Кўкка қара, ой ҳам доим тўлолмас.*

*Рўй берса фалокат, бўлса фожиа,  
Кўмакка шошилгин, чўз мадад кўлин.  
Содир эт қувончли ажаб мўъжиза,  
Бартараф топсин у бир зумда тўлин.*

*Ҳиммат, саховатга очавер кучоқ,  
Надомату таъма хуружидан қоч.  
Ўзгалар қалбини зулмат босган чоқ,  
Бошидан мурувват зиёларин соч.*

# НЕКИ НИЯТ ҚИЛСАНГ, АНГА ЕТАСАН

Халқимиз яхши ният ярим мол, дейди. Менга қолса уни ярим эмас, бус-бутун мол дердим. Негаки киши доимо яхши ният билан яшамоғи керак. Зеро, ният қилган етар муродга деб бежиз айтмайдилар.

**Ривоят.** Бир отлиқ киши сўқмоқ йўлдан ўтаётиб, теварак-атрофдаги ўт-ўланларга ҳаваси келганидан дебди:

— Қани энди бу яшил ўтлоққа мол бойласанг, ўзи-ям яйраб кетарди-да, жонивор. Лекин бу ўтлоқда мол бойлагани на дарахт, на бирор тўнка бор. Мана бу қозикни шу ерга қоқиб қўйсам, бирор киши молини бойласа менга ҳам савоби тегар.

Йўловчи шундай дея хуржунидаги қозикни серўт жойга қоқиб кетибди.

Орадан кўп ўтмай худди шу йўлдан яна бир йўловчи ўтибди. У серўт майдонни кўздан кечирар экан:

— Мана шу ўтлоқ ерга бир қозик қоқиб қўйсам менадан кейинги йўловчи ўтлар орасидаги қозикни кўрмай, унга қоқилиб, умбалоқ ошади. Насиб қилса, мазза қилиб томошасини кўрардим, — дебди ва у ҳам хуржунидан қозик олиб, қоқиб қўйибди.

Лекин амалда рўй берган воқеа бунинг акси бўлибди. «Бирор киши молини бойласа менга ҳам савоби тегар» деган ниятда қоқилган қозикқа бир йўловчи қоқилиб думбалоқ ошибди. «Қозик қоқиб қўйсам менадан кейинги йўловчи ўтлар орасидаги қозикни кўрмай унга қоқилиб думбалоқ ошса мазза қилиб томошасини кўрардим», деб қоқилган қозикқа бир киши келиб сигирини бойлаб кетибди.

Шунга қарамай икки йўловчи ҳам ниятига яраша савобу гуноҳ орттирибди. Яхши ниятда қозик қоқиб кетган кишига гарчи унга бир бечора қоқилиб думбалоқ ошса ҳам савоб ёзилибди. Аммо биров қоқилиб,

думбалоқ ошса маза қилиб томоша қиламан, деб ният қилган кишининг қоққан қозигига биров сигирини бойлаб ундан бахраманд бўлса ҳам, барибир гуноҳ ёзилибди. Негаки, гуноҳу савоб ҳам кишининг ниятига қараб ёзиларкан-да!

Мазкур ривоятнинг бошқа бир талқини ҳам бор. Унда қайд этилишича, бир йўловчи бирор кишининг ҳожати чиқсин деб ўша ўтлоқ сўқмоққа қозиқ қоқиб кетибди. Бироқ ундан кейинроқ ўтган иккинчи йўловчи қозиқни кўриб қолиб, бирор киши қоқилиб йиқилмасин, деб уни суғуриб ташлабди. Буни қарангки, қозиқни қоққан кишига ҳам, уни суғуриб ташлаган кишига ҳам бир хил савоб ёзилибди. Сабаби ҳар икковларининг ҳам ниятлари яхши эди-да!

Бундан хулоса шуки, азизларим, ҳар бир ишда яхши ниятингиз ҳамроҳ бўлсин. Негаки, ҳар ким нимаики ният қилса шунга етади. Зеро, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин, дейди.

Эртами-кеч ҳаётдан бир кун кетасан,  
Ёмон ният айлаб, эй кас, нетасан?  
Ширинсўз бўлгину ёкликни ўйла,  
Нени ният қилсанг шунга етасан.

## **ЯХШИ НИЯТ**

*Кимнинг қалби агар бўлса мусаффо,  
Яхши ният билан яшайди доим.  
Кўнглида эрса гар эзгу муддао,  
Дейди: ўзинг қўлла қодир Худойим.*

*Яхши ниятлари бўлур йўлдоши,  
Ёмон назарига тушмайди мутлоқ.  
Унга отилмас ҳеч таъналар тоши,  
Ҳаётин йўллари равону оппоқ.*

*Эзгу ниятлари чиқсин рўёбга,  
Дея фаришталар омин этади.*

*Толейини менгзаб нури офтобга,  
Нени ният қилса шунга етади.*

*Бас шундоқ, ниятни доим яхши қил,  
Ёмон сўз чиқмасин ҳаргиз тилингдан.  
Эзгуликни ҳар дам шону шараф бил,  
Тасаддуқ бўлсин жон тоза дилингдан.*

## ОВҚАТГА РУЖУ ҚҲЙМА

Алломаларнинг айтишича инсон овқат ейиш учун яшамайди, балки яшаш учун овқатланади. Бироқ баъзи баднафслар ҳаётнинг мазмуни хўб ва кўп ейишда, деб тушунади. Бундайларга овқат десанг бас, ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр. Ҳатто «фалон жойда шунча овқат ебман», деб мақтаниб юришдан ҳам уялишмайди улар. Аслида инсон учун маълум бир меъёрдаги овқат кифоя. Лекин очофат одам керагидан бир неча бор зиёд овқатни паққос еб тугатади, «кўрдингми ош, кўтарма бош», деб уларнинг ошхўрлик қилишларини томоша қил. Бунақа очкўзлик блр томондан инсонни семиртириб бесўнақай қилса, иккинчи томондан саломатлик учун кони зарар. Қолаверса, инсон организми эҳтиёжидан ортиқча таомни, у қанчалик хушхўр ва мазали бўлмасин, ҳазм қилмай чиқитга чиқариб юборади. Худди шу маънода кўп таом исьтемом қилиш исрофгарчиликдир. Исрофгарчилик эса шайтоннинг иши.

**Ривоят.** Тулки билан бўри бир боққа борибдилар. Бироқ деворнинг баландлигию дарвозанинг берклиги туфайли ичкарига киролмай хуноб бўлдилар. Девор атрофини айланиб кўриб бир омбурага дуч келиб қолишди ва шу ердан боққа киришди.

Боғдаги хилма-хил узумлар ва мевалардан иштаҳалари карнай бўлди. Тулки хушёр ва тийрак бўлиб ўз нафсини жиловлай оларди. Шу боис у қорин эҳтиёжи учун керагини еди. Бироқ бўри очофат ва бад-

нафс бўлиб, нафсини жиловлай олмасди. Шу боис у боғдаги сара меваю узумлардан бўкиб еди. Азбаройи кўп еганидан қорни дўмбира бўлиб шишиб кетди.

Ногоҳ боғбон бу икки текинхўр ўғрини кўриб қолиб қўлида таёқ билан уларни қува бошлади. Тулки меъёрида овқат егани учун омбурадан осонгина ўтиб қочиб кетди. Бироқ ҳаддан зиёд кўп овқат еб шишиб кетган бўри омбурага сиғмай, боғбоннинг таёғидан ўлди.

**Эй фарзандим**, сенга доимо сара ва хушхўр таомлар ейиш насиб қилишини Оллоҳдан сўрайман. Бироқ уларни истеъмол қилишда сабр-қаноат йўлдошинг бўлсин. Таом нақадар хушхўр ва мазали бўлса ҳам унга ружу қўйма. Билиб қўйки, кўп овқат қоринда заҳарга айланади. Шу боис ҳам овқатланишда халқимизнинг «асалнинг ҳам ози ширин» нақлига доимо амал қил.

Эй фарзандим, мол-мулкка ружу қўймагин,  
Барибир қабрга кетмайсан олиб.  
Овқат еганда ҳам беҳад тўймагин,  
Умрингни қисқартма кўп қорин солиб.

## **БАДНАФС**

*Дунёга келдинг, оғзингни очдинг,  
Ютмоқчи бўлдингми бутун оламни.  
Кетма-кет эммасанг кўз ёшинг сочдинг,  
Онанинг қалбига тўлдирдинг ғамни.*

*Йиллар ўтган сайин, жисмонан ўсдинг,  
Эмиб тўймас эдинг, еб тўймас бўлдинг.  
Қаноат йўлини нафсинг-ла тўсдинг,  
Беўхшов терингни шишириб, тўлдинг.*

*Текин томоқ деса томдан ташлайсан,  
Хаттоки фил бўлса ютасан ямлаб.  
Оғзинг зум бўшаса жанжал бошлайсан,  
Холдан тойиб кетар ошпаз ош дамлаб.*

*Яшаш учун таом есалар, наҳот,  
Сен фақат ейиш-чун яшайсан, нодон.  
Эсиз сенга умр, эсиздир ҳаёт,  
Кириб олганми ё ичингга шайтон.*

*Қорнинг тўлган бўлса парвойинг палак,  
Дунё ташвиши-ла бўлмайдди ишинг.  
Тинмай кавшаш учун жонингдир ҳалак,  
Чайнайвериб синиб кетмасми тишинг?*

*Кавшанишинг кўриб, қолдим ҳангу–манг,  
Бўрдоқи, айт, қачон одам бўласан?  
Тўясанми ёки карнай иштаҳанг  
Туфайли бир куни бўкиб ўласан.*

## **ҚАСОСКОР ДУНЁ**

Бу дунё ҳар бир ножўя қилмиш учун қасос олади. Шунинг учун ҳам, эй ўғлим, қилмишинг доимо жўяли бўлсину ҳаргиз ножўя бўлмасин

Умр — оқар дарё. Гоҳ шиддатли, гоҳ сокин мавж билан оқаверади. Унинг суви боғларга оқиб дарахт ва гулларни яшнатсин, чўлларга оқиб, у ерларни боғ-роғларга айлантурсин, саҳроларга оқиб, гулистон этсин. Бироқ сел бўлиб оқиб, вайронагарчилик, бузғунчилик келтирмасин. Иморатларни бузиб, кўприкларни остин-устин этмасин, экинзорларни ювиб, қатқалоқ қилмасин.

Сен ҳаёт бахш этувчи зилол сув каби бўлгину вайронагарчилик келтирувчи бўтана селга ўхшамагин. Агар вайронагарчиликка, зулм ва қабоҳатга қўл урсанг, билиб қўй, унинг жазосини оласан.

Дилозордан— худо безор. Сен беозор, меҳрли, шафқатли бўл. Босган қадаминг эзгуликка, бунёдкорликка хизмат қилсин. Яхшилик қилсанг яхшилик кўрасан. Ёмонлик қилсанг, зулм этсанг ўзинг ҳам ёмонлик кўрасан,

зулмга дучор бўласан. Илоҳим сен ҳеч қачон ёмонлик кўрма, зулмга дуч келма, эй азиз **фарзандим!**

Ёшлигимда раҳматли онам Хожархон ая бир ривоятни қайта-қайта айтиб беришдан, мен эса уни эшитишдан зерикмасдим.

**Ривоят.** Бир киши икки ўғли билан қўшни қишлоқдаги қариндошларини кўриб келмоқ учун йўлга чиқибди. Улар далалар ва боғлардан ўтишибди. Бир сўқмоқ йўлдан кета туриб оғзида чигиртка тишлаб турган чумчуқни кўришибди. У учиб бориб дарахт таназидаги бир тешикка кириб кетибди. Шунда ўғиллари:

— Ота, ана шу чумчуқнинг болалари бўлса керак. Тутиб беринг, уйимизга олиб кетамиз, – дейишибди.

Ота дарахт тешигига қўл тиқиб, у ердан чумчуқни икки боласи билан тутиб олибди. Бироқ улар уйларига эмас, қўшни қишлоққа кетаётганларини эслаб, чумчуқларни уйларига қайтар чоғларида олиб кетмоқчи бўлишибди. Унгача шу ерда тура турсин деб, уларни инига қамаб, тешик оғзини бир тош билан беркиртиб кетишибди.

Бироқ, минг афсуски, сафардан қайтиш чоғида чумчуқларни олиб кетишни унутишибди. Орадан бир неча кун ўтгачгина эсларига тушиб хабар олишса, очлик ва ташналиқдан бечора чумчуқнинг ўзи жон чиқар ҳолатда ётган, икки боласи эса ўлган экан. Буни кўрган ота қилмишидан афсус чека-чека полапонларини ерга кўмибди, чумчуқнинг оғзига сув томизиб, хушига келтиргач, боқиб қувватга киргизиб, қўйиб юборибди.

Кейин фарзандларига воқеани айтиб депти:

— Болаларим, биз чумчуқларнинг бошига қаро кун солдик. Бир кунмас бир кун бу қилмишимиз учун жазо оламиз.

Дарҳақиқат, шундай бўлибди. Кунларнинг бирида тухмат тоши ёғилиб, подшоҳ ул одамни икки ўғли билан зиндонга ташлабди. Буни қарангки, золим подшоҳ учовлонни зиндонга ташлатибдию, кейин бу иши эсидан чиқиб кетибди. Орадан қанча вақтлар ўтибди.

Подшоҳ ҳам оламдан ўтибди. Иттифоқо саройдагилардан бирининг ёдига икки боласи билан зиндонга ташланган одам тушиб қолибди. Келиб қарашса икки бола очлик ва ташналикдан ҳалок бўлган, отаси эса жон чиқар ҳолатда ҳушсиз ётганмиш. Улар отани ниҳоятда эҳтиёткорлик билан олиб, оғзига сув томизишган экан, кўзини очибди. Уни парваришлаб, аста-секин овқатга ўргатиб, оёққа турғазилибди. Икки болани эса қаро тупроққа дафн этишибди.

**Кўрдингизми, азиз фарзандларим!** Бу киши икки боласи билан чумчуқлар бошига не кунни солган бўлишса, ўз бошларига ҳам худди шундай кун тушиб, қасоскор дунё қилмишлари учун улардан ўч олибди.

Бу ривоятни менга онам бежиз айтиб бермаганидек, мен ҳам уни сизларга беҳуда айтмаяпман. Бир куни келиб, сизлар ҳам фарзандларингизга айтиб берингки, ҳеч бир жонзотга озор етказмасин. Меҳр-шафқатли бўлсин.

Жажжи чумчуқларга озор берган бул  
Каслардан Оллоҳим олди зўр қасос!  
Сен меҳр кўрсатгил умрингда, буткул  
Дунё қасос учун топмасин асос!

## **ҚОНУНИЯТ**

*Бордир бу дунёнинг ўз қонулари,  
Бордан йўқ бўлмайти, йўқдан бор, асло!*

*Чуқур ўйлаб кўрсам узоқ тунлари,  
Қонундан ҳеч вақо эмас мустасно.*

*Айтайлик, муз — совуқ, олов куйдирар,  
Тош қаттиқ, оқ пахта ушлаб кўр, юмшоқ.  
Булут замин томон ёмғир куйдирар,  
Уни ютиб юборар оҳиста қумлоқ.*

*Уммонга фарқ бўлсанг этасан вафот,  
Куйдиради чўғни қўлингда тутсанг.*



Совукдан дийдираб қоласан, хайхот,  
Ўлдиради зумда заҳарни ютсанг.

Буларнинг бари ҳам қонуний бир ҳол,  
Унга бўйсунмасдан, ахир нетасан.  
Бас шундоқ эканми дунёда аҳвол,  
Қонун моҳиятин англаб етасан.

Нечунким буларнинг бари ошкора,  
Ўзингни асрайсан, қоласан омон.  
Энг оғир пайтда ҳам излайсан чора,  
Қўлингни чўзасан ҳар тўртта томон.

Бироқ қонуният жўнмас бунчалар,  
Унинг турлари кўп, ғоят мураккаб.  
Улар теран эрур, дўстим, шунчалар,  
Сочилиб ётибди юлдузга ўхшаб.

Айтайлик, бировнинг ҳаққини есанг,  
У тешиб чиқади, бу ҳам қонундир.  
Ёки бирор касга ёлғон гапирсанг,  
Ўзга ёлғонидан юрагинг хундир.

Қаҳр қилсанг, қаҳр кўрасан албат,  
Жафо қилсанг жафога бўлгунг мубтало.  
Кимнингдир бошига гар солсанг ғурбат,  
Бошингга тушади шу турли бало.

Бировнинг эчкисин айласанг ғорат,  
Ҳаром ўлиб қолар бир куни отинг.  
Бировнинг пулига курсанг иморат,  
Босиб қолиб, қирилиб кетади зотинг.

Ҳар кимса экканин ўрар дунёда,  
Арпа экиб, ҳеч ким буғдой ўрмайди.  
Бироқ умр деган машъум рўёда,  
Бу қонуниятни нодон кўрмайди.

*Вафо қилар бўлсанг, кўрасан вафо,  
Хиёнат айласанг кўргунг хиёнат.  
Ҳар бир қадамингдан огоҳдир Худо,  
Қалбингда мустаҳкам бўлсин диёнат.*

*Ўзингнинг толеинг ўйласанг агар,  
Ўзганинг бахтига бўлмагил эмин.  
Яхшими ниятинг, ё ёмон магар,  
Фаришталар айтар барига омин.*

*Яхши ният қилиб, яша беозор,  
Етказма ҳеч касга зиёну заҳмат.  
Ахир, дилозордан Худо ҳам безор,  
Яхшилик айлаю олавер раҳмат.*

## **ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...**

**Ривоят.** Қадим замонда қишлоқлик бир киши шаҳарга бориб, бозор айланиб юрган экан, хушбўй ҳидли буюмлар сотиладиган атторлик растасидан ўтаётганида ногоҳ хушидан кетиб, йиқилиб қолибди. Уни ўраб олган оломон ичидан кимдир хушига келтириш учун қўлларини уқалар, баъзилар ўткир ҳидли хушбўй нарсаларни ҳидлатар, юзига сепарди. Аммо қишлоқлик киши ўзига келмас, аксинча, баттар ҳолсизланарди.

Ноилож қолган одамлар сўрашибди:

— Ҳой одамлар! Ораларингизда бу мусофирни танийдиган бирор киши борми?

Бироқ уни танийдиган киши топилмабди. Кун кеч бўлиб тун атрофга қора чойшабини ёпа бошлаган бир пайтда шу ердан ўтаётган бир йўловчи теричи уни кўриб қолиб, бақирибди:

— Эй халойиқ! Бу бечоранинг юзига ҳеч қачон хушбўй суюқлик сепманг. Муаттар нарсалар ҳидлатманг! Негаки, мен унинг хушдан кетиш сабабини биламан!

Теричи шундай дея, хушсиз одамга бир сиқим

гўнгни ҳидлатган экан, мўъжиза рўй берибди! Хушсиз одам кўзини очиб, ўрнидан турибди. Шунда у:

— Эй халойиқ! Бу одам теричи эди. Узоқ йиллардан бери бадбўй ҳидлар ичида яшаб, шунга ўрганиб қолганди. Атторлик растасидаги муаттар ҳидлар уни ҳушидан кетказиб йиқитган эди. Мана, у ўзининг ўрганган ҳидидан шифосини топди, — дебди.

Бу ривоятдан келиб чиққан маъно шуки, болаларим, ҳар бир жонзот ўзи яшаётган муҳитга мослашади. Кўнғиз гўнг титкилагани учун ҳам хушбўй ҳидлардан қочади. Унинг учун кўнгил айнитувчи бадбўйликлар ёқимли ва шифобахшдир. Чунки у шундай шароитга мослашган, қўланса ҳидли гўнг жони дилига айланган!

Тоққа чиқмоқдан мақсад дўлана емоқ, деганларидек, болаларим, бу гапларни айтишимдан муддаом шуки, одамлар ҳам яшаётган муҳитларига, ён-атрофларидаги кишиларнинг ҳатти-ҳаракати ва турмуш тарзига мослашган бўлади. Ичкиликбозлар орасида юрганлар ичкиликбоз, ўғриларга қўшилиб юрганлар ўғри бўлади. Уларни панд-насихат, ширин сўзлару, эзгу даъватлар билан тарбиялаш қийин. Шунинг учун ҳам кўпинча уларни қамоққа олиб ўзларига келтиришади!

**Азиз болажонларим!** Сизларга қиссадан ҳисса тарзида айтадиган гапим шуки, турмушингиз озода ва ҳалол бўлсин. Пок ниятли, соф кўнгилли олижаноб кишилар орасида яшанг. Халқимиз қозонга яқин юрсанг, қаро си юқар, деб бежиз айтмаган. Агар ёмонларга қўшилсангиз, муаттар ҳидлардан қочиб ўзини қўланса ҳидлар орасига урувчи гўнгкўнғиз мисолидаги одамларга айланиб қоласиз. Бундай бўлишдан эса ҳар бирларингизни Яратганнинг ўзи асрасин! Худди шундоқ, болажонларим! Кимга эзгулигу савоб ишлар ёқмаса, демак, у қабоҳату гуноҳ ишларга ўрганган бўлади!

Сизлар доимо ёмонликдан эмас, яхшиликдан, зулматдан эмас, нурдан баҳраманд бўлишга эришинг. Хушбўй нарсаларга ошно бўлинг, хушфазилатли одамлар орасида юринг. Лекин зинҳор-базинҳор бурнини қўланса ҳидли гўнга тикувчи кўнғизга ўхшаб қолманг.

Зеро, инсон зотига муаттар ҳид, эзода жой, хушқилиқ-  
ли ҳамроҳу ҳамхона кераклигини ҳеч қачон унутманг!

Одамнинг кимлиги муҳитга боғлиқ,  
Яхшилар ичида яхшисан, болэм.  
Ёмонга қўшилсанг юрагинг доғлиқ,  
Боқий дунёда ҳам жойинг жаҳаннам!

## НАСИҲАТ

Ориф бўлсанг нодон бирлан бирлашма,  
Нодон дўстдан доно душман яхшироқ.  
Сўзда турмас қаллоб бирлан сирлашма,  
Ўз бошингга ёғдирмагин ғам, фироқ.

Тоғ бўлсанг гар оппоқ-оппоқ қорли бўл,  
Баҳра олсин ҳар корингдан ҳамият.  
Бой бўлсанг гар номусли бўл, орли бўл,  
Содик ёринг бўлсин иззат, ҳамият.

Қашшоқ бўлсанг бойлар илмас назарга,  
Ҳиммат сўраб ёлвормагин, тиз чўкма.  
Бойлар назар солур олтин, гавҳарга,  
Ўз қадрингга йиғлаб, кўз ёшинг тўкма.

Ошиқ бўлсанг севгинг доим пок сақла,  
Садоқату вафо бўлсин ҳамроҳинг.  
Комил бўлгин, онанг оқ сутин оқла,  
Оллоҳ эрур ҳар корингдан огоҳинг.

Шоир бўлсанг наволи бўл, сазли бўл,  
Ҳар бир сўзинг қуёш мисол нур сочсин.  
Олқиш этсин халқинг, завқу давққа тўл,  
Меҳру ҳиммат олқаб оғушин очсин.

Не бўлсанг ҳам бўлгин, аммо бўлгин мард,  
Заковатли, маҳобатли, серҳиммат.  
Жасур бўлгин, жасоратли ҳам жўмард,  
Калонийдан ушбу сенга насиҳат.

# ШИРИН СЎЗ — ЖОН ОЗИФИ

**Фарзандим!** Доимо ширинсўз, хушмуомала бўл. Ширинсўз одамнинг истараси ҳам иссиқ бўлади. Унинг суҳбатини эшитган одамлар кайфияти чоғ бўлади.

Ширин сўз одамларда завқ-шавқ уйғотади. Файратини оширади, шижоатини бисёр этади. Ҳатто битмайдиган ишлар ҳам ширин сўз туфайли битиб кетади. Ахир, яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан, деб бежиз айтишмайди-ку!

Азиз жигаргўшам, сен ҳар қандай нохуш гапни ҳам хуш сўзлар билан ифода этгилки, нохушлик ўз кучини хушликка бўшатиб берсин.

**Ривоят.** Қадим замонда бир подшоҳнинг ниҳоятда гўзал бир хотини бор экан. Подшоҳ хотинини гоёта севар, усиз ҳаётини тасаввур этолмас экан. Кунларнинг бирида бу гўзал аёл бедаво дардга дучор бўлиб қолибди. Подшоҳ ҳузурига табибларни чорлаб дебди:

— Мана шу сўлим сарв остидаги олтин сўрида ётган севгилимни даволаш учун мен ҳеч нарсамни аямайман. Ким уни дарддан фориғ қилса, бўйи баробар олтин совға бераман. Лекин, билиб қўйинглар, маҳраминни ўлди, деб хабар етказган кимсанинг бошини танасидан жудо этаман!

Табиблар қўлларида келган барча ишни қилишибди. Беморга едирмаган дори-дармонлари, ичирмаган шифобахш ичимликлари қолмабди. Аммо дарди бедаводан халос этишнинг иложи топилмабди. Подшоҳнинг севимли хотини вафот этибди. Энди бу фожиани подшоҳга етказиш шарт. Бироқ «хотинингиз ўлди» деган хабарни етказган одамнинг боши кетади!

Хўш, нима қилмоқ керак? Бу жумбоқни ечиш анча мушкул кечибди. Ниҳоят ширинсўзликда ном чиқарган бир кимсага мурожаат қилишибди. У шум хабарни гоёта нозик пардага ўралган гўзал сўзлар билан подшоҳга етказишга аҳд қилибди. Подшоҳ ҳузурига бориб таъзим ила дебди:

**Сарви гулнинг соясинда сўлди гул, нетмак керак?**  
Подшоҳ бу гапнинг маъносини англабди-ю кўзига  
ёш олиб:

**Сарвидин тобут ясаб, гулдин кафан битмак керак!** — деб жавоб берибди.

Шундай қилиб, ширинсўз киши подшоҳга унинг  
гўзал хотини ўлганлиги ҳақидаги шум хабарни етказиши лозим бўлган кишини ўлийдан асраб қолибди.

Яхши гапдан илон инидан чиқар,  
Ёмон гап албатта, юракни сиқар.  
Айтдим қўйдим-да, деб бад сўзни дема,  
Ёмон сўз шоҳни ҳам тахтидан йиқар!

## **ҲАЗАЛ**

*Бир ширин сўз бирла ағёр ёр бўлур,  
Бир қабих сўз бирла ёр ағёр бўлур.*

*Яхши сўздан мор чиқармиш Форидан,  
Ҳар ёмон сўз бошга охир дор бўлур.*

*Баддаҳанлар жойлари дўзахдадир,  
Яхши сўз айтмаслик номус, ор, бўлур.*

*Сесканур этлар бойўғли қилса сас,  
Сайраса булбул кўнгил хуштор бўлур.*

*Хушxabар етказ элингга доимо,  
Шум хабар элтувчи охир хор бўлур.*

*Бўлса тил шакар кўнгилни яшнатур,  
Эрса ул талх соч оқаргай — қор бўлур.*

*Бўлса суҳбатдош ширин сўз яйрагум,  
Эрса носоз кўзга дунё тор бўлур.*

*Тилларингдан бол томиб турсин, Калон,  
Билсанг, инсон яхши сўзга зор бўлур.*

# ИНСОНСАН, ИНСОНДЕК ЯША

Инсон зотининг кўзи тириклигида тўймайди, у бўлган сари бўлгиси келаверади. Бойлиги, мол-мулки ўз эҳтиёжи учун етиб ортадиган бўлса ҳам тинчимайди. Яна бойлик илинжида жонини жабборга бериб ҳаракат қилаверади, тиним билмайди. Бойлик йиғаверади, йиғаверади.

Агар у шу бойликларини, ҳалол йўл билан топса ҳам майли-я. Лекин аксарият одамлар ўзларини ҳеч қачон ўлмайдигандек тутадилар, охиратни ўйламайдилар. Қисқагина умрларида эҳтиёжларидан ортиқча, ҳатто нокерак мол-мулк учун ҳам турли жиноятларга қўл уриб, гуноҳ орттирадилар. Бундайлар учун фоний дунёдагина эмас, боқий дунёда ҳам азоб муқаррардир.

**Ривоят.** Бир зукко киши ошини ошаб, ёшини яшаб бўлгач, ўлими олдидан фарзандларига шундай васият қилибди:

— Мен ўлгач, оёғимдан пайпоғимни ечмай, ювиб кафанланглар. Қабристондан қайтгач, ёстиғим остидаги мен ёзиб қолдирган хатни ўқинглар!

Вақт етиб, ота вафот этгач, фарзандлар падари бузрукворларининг бу васиятини покловчига айтишибди. Бироқ у мурданинг пайпоғини ечмай ювишга рози бўлмапти. Бўлак ғассолни олиб келишибди. Аммо у ҳам бу ишни бажаришга кўнмапти. Хуллас, ҳеч бир ғассол жасадни пайпоғини ечмай ювишга рози бўлмапти. Фарзандлар ноилож рози бўлишибди. Покловчи жасаднинг оёғидан пайпоғини ечиб олиб, ювиб кафанлабди.

Мурдани қабрга қўйишгач, фарзандлар ота ёстининг остидаги хатни олиб ўқишса унда:

**«Эй азиз фарзандларим!** Кўрдингизми, мен бу фоний дунёдан лоқал оёғимга кийган битта пайпоғимни ҳам олиб кетолмадим. Сизлар шундан хулоса чиқариб яшанглар», деб ёзилган экан.

Ривоятдаги ота васияти чиндан ҳам ибратли. Ҳаётда ҳаддан зиёд молпараст ҳам бўлманг, ўзгалар ҳисобига ҳам кун кўрманг. Бу ўткинчи дунёда инсондек яшанг, ўзингизни ноўрин ўтгаю чўгга уравериб адою тамом бўлманг. Зеро, Оллоҳ таоло бизга ҳаётни ўзимизни қийнаб ўтиб кетиш учун эмас, яшаш учун берган.

Бойлик деб ўзингни қийноққа солма,  
Бойлик деб эл аро бўлма томоша.  
Бойликка, фарзандим, қул бўлиб қолма,  
Бас инсон экансан, инсондек яша.

### **ЎХШАЙДИ**

*Уйида эътибор топмаган одам,  
Ҳаёти муттасил хорга ўхшайди  
Феъли бад, бадният, худбин, бекарам  
Мисоли бефаво ёрга ўхшайди.*

*Ғийбатчи, ифвогар, муттаҳам киши,  
Заҳри қотил тўла морга ўхшайди.  
Забонин қиёси чаённинг ниши,  
Ўпқон жигилдони форга ўхшайди.*

*Алдоқчи, ёлғончи, юзсиз, қурумсоқ,  
Сиртидан қарасанг зорга ўхшайди.  
Ёришмас тун қалби минг ёқсанг чироқ,  
Йўлларин ўркачи норга ўхшайди.*

*Бераҳм, бемехр, тошюрак, золим,  
Юраги музлаган қорга ўхшайди.  
Илмига беамал ҳар қандай олим,  
Овозсиз, бузилган торга ўхшайди!*

*Эзгулик йўлида не юмуш қилсанг,  
Қилмишинг фойдали корга ўхшайди.  
Калоний, илҳоминг жўш уриб ёзсанг,  
Шеърингда завқу шавқ борга ўхшайди.*



# ИНСОН — ЕР ФАРЗАНДИ

**Эй фарзандим!** Инсон ўзи яшаб турган уйининг файзли, тароватли бўлишини истайди. Ҳовлисида бир қаторгина бўлса ҳам гул, райҳон ўстиришни, бир-икки туп бўлса ҳам эккан кўчатлари соя бериб туришини хоҳлайди. Бир парча бўлса-да заминдор бўлиш учун ҳаракат қилади. Бу олижаноб фазилатни асраш, қадрлаш, авлоддан-авлодга мерос қолдириш хайрли ишдир.

Бироқ, эй азиз фарзандим, ер нақадар буюк бўлса ҳам инсондан азиз ва мукаррам эмас. Инсон ўша она заминнинг энг олий даражадаги мукамал, жонли хилқатидир.

Минг афсуски, баъзи одамлар бир парчагина ерни деб бир-бирларининг қадр-қимматини топтайдилар, меҳр, оқибатни унутадилар. Бундайлар ерни талашиб ўз жигарлари билан ҳам сан-манга борадилар. Ҳатто бир-бирларини ўлдиришгача бориб етган ака-укалар ҳам бор.

**Ривоят.** Ҳасан-Ҳусан туғилган эгизаклар улғайиб оила қуришибди. Бола-чақа орттиришибди. Болаликларида бир қоринга сиққан бўлсалар ҳам оилали бўлгач, бир ҳовлига сиғмай қолишибди. Ҳовлини иккига бўлишаётганларида низо чиқибди.

Икки энли ерни талашиб, бир-бирларини ҳақоратлаша бошлашибди. Ҳасан «бу ер меники» деса Ҳусани «йўқ, у меники» дебди. Ногоҳ ердан:

— Мен икковингники эмас, аслида икковинг ҳам меникисан, — деган садо чиқибди.

Она – ернинг бу гапи чин ҳақиқат эди. Чунки ер инсонники эмас, инсон ерники. Одам вафот этгач, унинг жисмини шу она ер бағрига олади.

**Бас шундоқ экан,** ўғлим, беқиёс қутлуғ эъзозга лойиқ ерни қадрла, асраб-авайла. Нечукким, инсон – ер фарзанди. Зеро, ерни она-ер деб бежиз айтмай-

дилар. Аммо ерни деб, унинг фарзанди – инсонни хор этма, инсон ҳамма нарсадан азиз. Бир парча ер учун унинг иззат-нафсини топтаб, гуноҳи кабираларга дучор бўлма.

Меникидир бу ер, дер Ҳасан,  
Йўқ, меники, дер, ёниб Ҳусан.  
Ер дейдики: эй ғофил каслар,  
Икковинг ҳам меникидирсан!

## **БАШАР ВА ЗАМИН**

*Башарият тарихи ғоят узундир,  
Тенг ярми кундуздир, тенг ярми тундир.*

*Муборақ, қутлуғ ер унга макондир,  
Онадек меҳрибон, оромижондир.*

*Ором излаганлар ўзга макондан,  
Буткул айрилдилар хузури жондан.*

*Оқибат ботдилар қоп-қора тەرға,  
Боз таъзим этдилар қадрдон ерга.*

*Дедилар: она ер, ўзинг маконим,  
Ўзингсан ризқ-рўзим, ёруғ жаҳоним.*

*Сўнг она заминга қилдилар ружу,  
Она ер олтин деб – она ер инжу.*

*Ниятлари бўлди ғоятда машъум,  
Она ер бағрига бошланди хужум.*

*Замин талашмоқдан дўстлар бўлди ёв,  
Ўзаро қасдлашиб, этдилар ков-ков.*

*Ҳатто қўлга олиб даҳшатли қурол,  
Урушлар қилдилар қаттол, беаёв.*

*Мағлублар қирилиб кетдилар, ҳайҳот,  
Замин деб шу куйга тушдилар наҳот!*

*Ҳамон давом этар замин талашлар,  
Замин деб бир-бирин қириш, ямлашлар.*

*Шу тарзда одамзот аҳли кун сари,  
Заминни талашиб ўтади бари.*

*Алар бир-бирлари-ла ерни талашар,  
Она ер қалбига ғазаб қалашар.*

*Хуллас, одамзот ер меники дер,  
Йўқ, баринг меники, дейди она ер.*

*Одамлар жанжали жонидан ўтар,  
Она ер барини бирма-бир ютар.*

## **ОМАД ВА МЕҲР — ОҚИБАТ**

**Эй, мендан кейин ҳам руҳимни шод этиб, савоб ишга кўл урувчи фарзандим!** Инсонга ҳар доим бир хилда омад кулиб боқавермайди. Баъзилар уни сақлаб қола олади, баъзилар эса бой беради. Омадинг келганида уни умрбод сақлаб қолгувчи бўлгин. Бир келган омад яна келаверади, деб уни бой бериб, гафлатда қолма.

Омад мулк кўринишида келганда, уни қадрла, ҳуда-беҳуда сарфлаб, исроф қилма. Лекин зинҳор-базинҳор паст, хасис ва қизғанчиқ ҳам бўлма. Зиқна бўлсанг назардан қоласан, бошингга қўнган омад қушининг ҳам ихлоси қайтиб, сендан узоқлашади. Бойликни деб имонингдан айрилма! Ёдингда тут, омад билан меҳр-оқибат бирга юради. Улар айри тушган жойда на файз, на тароват ва на барака бўлади.

**Ривоят.** Бир кимсанинг кўча дарвозасини эрта тонгда кимдир тақиллатибди. Ўғил бориб эшикни очса, қаршисида бир нуроний қария турганмиш. У:

— Мен сизларга омад олиб келдим, — дебди.

Ўғил қувонганидан не дейишни билмай лол қолиб, қарияни ичкарига таклиф қилибди:

— Отахон, олиб келган омадингизни хуш кўрдим. Ичкарига киритаверинг.

— Хўп бўлади, — дебди отахон. — Мен рози. Бироқ ичкарида ким бор?

— Отам!

— Унда отангга ҳам менинг омад олиб келганимни айтгин, — депти.

Фарзанд отасига гапни етказган экан, у:

— Биз бой-бадавлатмиз. Шундоқ ҳам омадимиз кулган. Бироқ қўшниларимиз омадсиз, оч-наҳор яшашяпти. Биздан кўра уларга омад зарур. Омадни ўша қўшниларимизга берсинлар. Лекин уни фақат бизга қолдириш лозим бўлса, айт, ўша келтирган омадларига меҳроқибатни ҳам қўшиб қолдирсинлар, — дебди.

Фарзанд отасининг гапини нуроний қарияга айтган экан, у хонадон аҳлига таҳсинлар айтиб, омадга қўшиб меҳр-оқибатни ҳам уларга ташлаб кетибди.

Халқимиз бу ривоятни бежиз тўқимаган. Омад кулиб боққанда баъзи одамлар ўзгаларни менсимамай қоладилар. Димоғдор бўлиб, кибру ҳавога бериладилар. Оёқлари ердан узилиб, босар-тусарларини билмай қоладилар. Меҳр ва оқибатни буткул унутадилар.

**Эй дилбандим**, сен омадинг кулиб боққанида меҳру оқибатдан узоқлашма. Қалбинг тўла меҳр ва иззат-икром бўлсин.

Омад сенга ёр бўлсин, болам,

Иқбол доим қилсин табассум.

Меҳрибонлик ва оқибат ҳам

Тарк этмасин қалбингни бир зум.

## **МЕҲР МУҚАДДАСДИР, МУРУВВАТ УЛУҒ**

*Болам, бу дунёда оқибат азиз,  
Меҳр азиз эрур, мурувват лазиз.  
Меҳру мурувватдан воз кечма ҳаргиз,  
Меҳр муқаддасдир, мурувват улуғ.*

*Меҳр кирган уйга муҳаббат келур,  
Мурувват бор жойга оқибат елур.  
Меҳру мурувватдан ёгилади нур,  
Меҳр муқаддасдир, мурувват улуғ.*

*Қаҳр заҳар эрур, меҳрдир гулоб,  
Мурувват зиёдир, эрур моҳитоб.  
Меҳр ҳам мурувват айламоқ савоб,  
Меҳр муқаддасдир, мурувват улуғ.*

*Меҳр кўрсатавер, карам топасан,  
Мурувват айласанг бахт ҳам топасан.  
Иzzату икромни ҳар дам топасан,  
Меҳр муқаддасдир, мурувват улуғ.*

*Калоний, бағри кенг, оқибатли бўл,  
Тонг каби беғубор, соф ниятли бўл,  
Саховат аҳли бўл, ҳидоятли бўл,  
Меҳр муқаддасдир, мурувват улуғ.*

## **ЗУЛМ АСОСИ**

**Эй фарзандим!** Пайтики келиб бирор юксак мартабага эга бўларсан. Зероким астойдил ўқиб-ўрганиб яхши тарбия топиб, комил инсон бўлиб етишсанг, албатта, эл-юрт сенга ишонади ва муносиб лавозимларни топширади.

Ана шундай қутлуғ кунлар келганида қадамингни ўйлаб бос. Нафс йўлига кирма. Ўзинг бошлиқ бўлган жамоа мулкини талон-торож қилма!

**Ривоят** қилишларича, одил шоҳ Нўширавон овга чиқса, овлари бароридан келибди. Ҳамроҳлари билан ўша жойда ўлжадан кабоб пиширишга аҳд қилишибди. Бироқ саройдан туз олиб келишмаган экан. Шу боисдан у хизматкорларидан бирини чақириб дебди:

— Мана бу пулни ол-да, шу яқин қишлоқлардан бирига бориб озгина туз келтир!

— Эй олампаноҳ! Бир чимдим туз учун ҳам пулми? Одамлар бир чимдим тузга Сиздан пул олмайдилар.

— Сен бунга йўл қўйма. Олган тузингнинг пулини бериб қайт. Негаки агар подшоҳ халқдан текинга бир чимдим туз олса, аъёнлари қоплаб қанд олиб, пулини тўлашмайди. Агар подшоҳ боғбоннинг боғидан бир олма узса, хизматчилари ўша олма дарахтини илдизпилдизи билан суғуриб олиб кетадилар. Борди-ю, подшоҳ бир одамдан бир тухум олса, аскарлари минглаб товуқларини тортиб олиб ёйдилар. Ана шунақа қилиб халқни талаш авж олади. Бора-бора зулм, зўравонлик кучаяди, халқнинг подшоҳликка нисбатан қаҳр-ғазаби жўш уради. Халқ қаҳр-ғазаби билан ўйнашиб бўлмайди.

**Эй фарзандим!** Алқисса шу ривоятдан хулоса чиқар. Ҳеч қачон ўз қўл остингдагиларнинг ҳақларига хиёнат қилма. Ҳеч қачон зулмкор раҳбар бўлма.

Агар сардор бўлсанг ўйлаб қадам бос,  
Эл мулкига ружу — зулмга асос.  
Тобелар ҳақиға қилсанг хиёнат,  
Билиб қўй: халқ сендан оладир қасос!

## **МУДҲИШ ЖИНОЯТ**

*Эл мулкига олайтирма кўз,  
Кўр бўлади олайса кўзинг.  
Эл шаънига дема қабиҳ сўз,  
Бадном бўлиб кетасан ўзинг.*

*Эл бойлиги — юртнинг бойлиги,  
Чанг солмоқлик мудҳиш жиноят.*

*Фазилатнинг энг чиройлиги  
Халқинг учун этсанг ҳидоят.*

*Мулки унинг дахлсиз турур,  
Ризқини ҳеч қийиб бўлмайди.  
Эл дуоси саодат эрур,  
Ким мушарраф бўлса ўлмайди.*

## МИННАТ — ИЛЛАТ

**Эй фарзандим.** Миннат ғоят жирканч иллатдир. Агар бирор кишига яхшилик қилиб, ҳожатини чиқарсанг, бу хайрли ишингни зинҳор миннат қилма. Миннат барча эзгуликларингни йўққа чиқаради, савобини беҳуда елга учуриб кетади. Шу боис ҳам сен кимга яхшилик қилсанг беғараз қил. Беғараз яхшиликнинг хосияти кўп, савоби бисёрдир. Шугина эмас, яхшилик қилган одамнинг сенга умрбод дўсти содиқ бўлиб қолади. Инсон учун оламда бундан кўра савобли иш бўлмаса керак.

Аммо билиб қўй, қилган эзгу иш, яхшилик миннат қилинса, фойдасидан зарари кўп бўлади.

**Ҳикоят.** Бир киши кўчада кетаётса, тўсатдан ҳавонинг авзойи бузилиб, кучли жала қуйиб юборибди. Шунда у ёнидаги дўкончи дўсти ҳузурига кириб дебди:

— Эй оғайни! Менга соябонингни омонатга бериб тур, уйимга етиб олай.

— Майли, — дебди оғайниси. — Ола қол.

Дўсти соябонни олиб, уйига етиб олибди. Эртасига эса омонатни эгасига қайтариб, унга миннатдорчилик билдирибди.

Орадан анча вақт ўтгач, улар тасодифан учрашиб қолишибди. Шунда соябонини омонатга берган дўсти:

— Эй дўстим, ўша куни агар соябонимни бериб турмасам, ҳолинг не кечарди? — дебди.

Соябонни омонатга олган одам:

— Ёмғирда қолиб, роса бўқардим, — деб жавоб берибди.

Аммо шу арзимас яхшиликни қилган одам ғоят бадфеъл экан. Орадан яна бир неча кун ўтгач, ўша дўстига тагин:

— Агар ўшанда соябонимни бериб турмаганимда, кучли жалада ҳолинг не кечарди? — дебди.

Бу миннатдан сўнг ундан соябон олган киши дўстидан соябон олганига ҳам пушаймон қилибди. Аммо соябон берган дўсти шундан кейин ҳам тинчимабди. Бир куни улар боғдаги ҳовуз бўйида учрашиб қолишибди. Соябон берган киши яна:

— Дўстим, ўшанда мен сенга соябонимни бериб турмаганимда ҳолинг не кечарди?, — дебди.

Учинчи бор миннат эшитган одамнинг тоқати тоқ бўлибди. Дўстидан соябон олганига минг бир пушаймон қилибди. Азбаройи унинг миннатлари жонига текканидан уст-бошини ечмай туриб ўзини ҳовузга отибди. Кейин шалаббо бўлган кийимидан сувини оқизиб туриб дўстига дебди:

— Агар ўша куни сен соябонингни бериб турмасанг мана шундай шалаббо бўлардим. Лекин ўлиб қолмасдим.

Шу кундан бошлаб бу икки ўртоқ ораларидаги дўстлик ришталари узилибди.

**Эй фарзандим,** сен бу ҳикоятдаги воқеадан сабоқ ол. Бировларга яхшилик қилсанг ҳеч қачон миннат қилма ва ўзинг ҳам ҳеч қачон бировнинг миннатли ошини ичма.

Миннат эрур жирканч бир иллат,

Бу иллатга йўлиққан—нокас.

Миннатли ош мисоли кулфат,

Ичма уни заҳардир, абас.

## **МИННАТЛИ БЎЛСА...**

*Миннатли бўлса ҳаргиз чойми, гулоб, ичма,  
Нафсингни тий, сабр эт, ҳаттоки об ичма.*



*Миннатли ош заҳардир, чўзма кўлингни, дўстим,  
Кони жафо эрур ул, кони азоб, ичма.*

*Қўймас олинг, олинг деб, бир карра сипқоринг деб,  
Сохта мулозаматлар мисли сароб, ичма.*

*Ўйлама бу саховат йўлида сарфмикан деб,  
Давлати бўлса мил-мил, кўп, беҳисоб, ичма.*

*Иштаҳаларни карнай этса-да нозу неъмат,  
Асли тузоқ у сенга, деса савоб, ичма.*

*Майлига, ич, шириндир топган суюқ ошингни,  
Бир куни йиртилар ул сирли ниқоб, ичма.*

*Билмай қолиб, Калоний, миннатли чойни ичдим,  
Йўқ энди дилда ором, йўқ кўзда хоб, ичма.*

## **ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ЯХШИЛИК КЎРАДИ**

**Эй фарзандим!** Яхшилик қилган, албатта, яхшилик кўради. Сен доимо яхшилик қил. Агар яхшилигинг ўша яхшиликни қилган одамингдан қайтмаса, бошқа бировдан қайтади. Бордию ундан ҳам қайтмаса Оллоҳдан қайтади. Бироқ бунинг учун сен яхшилигинг ўрнига бошқа бир яхшиликни таъма қилмаслигинг, ҳар бир эзгуликни беғараз, беминнат ва холис ният билан қилишинг керак.

Ана шу зайлда қанча кўп яхшилик қилсанг шунча яхши. Мен сенга онасига, қўшни қизга ва ишчисига яхшилик қилган уч одам ҳақидаги **ривоятни** айтиб бераман.

Уч одам сафарга чиқибди. Тоғда қуёш ботиб, атроф қоронғилашганда тунаш учун бир ғорга кирди-

лар. Ярим тунда тўсатдан бир қаттақон қоя кўчиб, горнинг оғзини тўсиб қўйди. Не қиларларини билмай танг қотган уч одам:

— Энди бизни ёлғиз қодир Эгамгина қутқариши мумкин. Ҳозир ҳар биримиз Аллоҳ йўлида қилган эзгу ишларимизни хотирлаб Тангридан бизни қутқаришини сўраймиз. Шояд қодир Худо бизга нажот берса, — дептилар. Шунда биринчи одам:

— Менинг онам жуда кексайиб қолгандилар. Уларга таом едириб, чой ичириш ҳам менинг зиммамда эди. Бир куни ўтин териб келиш учун кетиб, уйга кеч қайтдим. Қарасам онам ухлаб қолган эканлар. Уйғотмай овқат тайёрладим. Лекин онажоним ҳадеганда уйғонавермадилар. Мен эса уйғонишларини кутдим. Гарчи қорним оч қолиб кетса ҳам онамни тўйғазмасдан олдин ўзим таом емадим. Шу зайлда дастурхон ёнида ўтириб тонг орттирдим. Ниҳоят онам уйғондилар. Мен сув қуйиб юз-қўлларини ювдирдим. Онамни тўйғазганимдан кейингина ўзим овқат ейишга жазм қилдим.

— Эй Аллоҳим, бу ишимни сенинг розилигинг учун қилган бўлсам, бизни бу тутқунликдан халос эт, — деди.

Қоя ҳаракатга келиб бир оз сурилди, гор оғзи озгина очилди.

Бундан таъсирланган иккинчи одам шундай деди:

— Ён қўшнимизнинг бир гўзал қизи бор эди. Уни севардим. Менга турмушга чиқишини сўрадим, аммо у кўнмади. Орадан бир оз ўтгач юртда очарчилик бошланди. Қиз ҳузуримга келиб:

— Бизга ёрдам бермасангиз очликдан ўламиз! — деб ёлворди. Шунда мен унга:

— Агар менга турмушга чиқишга рози бўлсанг ёрдам бераман, йўқ десанг тўрт томонинг қибла, — дедим.

Қиз рози бўлди. Унга юз танга олтин бердим. Очарчилик барҳам топди. Мен кизнинг васлига ошиқдим. Шунда у:

— Эй эзгу ишга қўл урган одам, агар саховатингни

Аллоҳ учун қилган бўлсанг, менга қўл чўзиб, гуноҳга ботма, — деди.

У мен учун оламдаги энг гўзал қиз бўлса ҳам унга қўл чўзишдан тийилдим. Васлининг шавқида ёнсам ҳам, ишқида куйиб адою тамом бўлсам ҳам унга яқинлашмадим. Агар бу ишимдан рози бўлган эрсанг, эй Аллоҳим, бизни бу ердан чиқиб кетишимизга кўмак бер!

Қоя яна ҳаракатга келиб, бир оз силжиди, ғор оғзи тагин сал очилди.

Шерикларининг хайрли ишларини Аллоҳ инобатга олганидан таъсирланган учинчи одам шундай деди:

— Бир куни бир неча ишчилар ёлладим, ҳаммалари топширган юмушларимни бажариб пулларини олиб кетишди. Аммо биттаси зарурат туфайли кетиб пули менда қолди. Унинг менга омонат бўлиб қолган пулига қўй олиб боқтирдим. Қўйлар кўпайиб кетаверди, аммо ишчидан дарак бўлмади. Умидимни узиб юрган кунларимнинг бирида у кириб келиб:

— Эй Аллоҳнинг қули! Мен сенинг хонадонингда ишлаган эдим. Лекин ҳақимни ололмай кетиб қолгандим. Бугун шуни олгани келдим, — деди.

Мен унга:

— Шу кўриб турган сурувдаги қўйларнинг бари сеники, олиб кетавер. Улар сенинг иш ҳақинг ҳисобига олинган қўйлардан кўпайган, — дедим. Шундан сўнг ишчи сурувдаги барча қўйларни олиб кетди.

Аллоҳим! Агар шу амалимни сенинг розилигинг учун қилолган бўлсам, бу мусибатдан бизни қутқар!

Бу гапдан кейин ғор оғзида инсон сиғадиган тешикча юзага келди. Ҳар уч йўловчи шу тешикдан ташқарига чиқиб, фалокатдан омон қолди.

**Фарзанди оқилим!** Аларнинг яхшиликлари Оллоҳ томонидан яхшилик қайтарилди. Сен ҳам улардан ибрат олки, амалга оширган эзгуликларинг шояд бало-қазолардан асраса...

Яхшилик қилади қадрини билган,  
Яхшилик қилади бахтга интилган.

Ёмонлик келтиргай доим ёмонлик,  
Яхшилик кўради яхшилик қилган.

## **ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК**

*Ёмонлик қайтади ўшал он,  
Яхшилик ўшал он қайтмайди.  
Ўртаниб кетасан гоҳ чунон,  
Баъзилар раҳмат ҳам айтмайди.*

*Шунда ҳам яхшилик қилавер,  
Қалбингда мужассам гар имён.  
Ёмонлик кўрмайсан, билавер.  
Бас шундоқ, қоларсан соғ-омон.*

*Дерлар: яхшиликни қилу қумга сол,  
Унут, этган барча амалиётни.  
Яхшилик бўлмаса агар, эҳтимол  
Ер ютиб кетарди одамизотни'.*

## **АҚЛ — ҲАЁТ МАНБАИ**

Ақлу идрок шундай қудратга эгаки, у инсонга энг оғир пайтларда ҳам рўшнолик бахш этади. Фам ўрнига шодлик, ғусса ўрнига қувонч, йиғи ўрнига кулги келтиради. Шундай пайтлар ҳам бўладики, инсон боласи ўлимга маҳкум этилади, аммо шу мўъжизакор ақл-идрок туфайли соғ-омон қолади.

Шундоқ, азиз фарзандим! Ақл-идрок дардларни қувувчи, ўлимларни чекинтирувчи беқиёс кучдир. У сиз инсон боласи ожиз, фақир ва ғариб бўлиб қолади. Сен шундай куйга тушиб қолмаслигинг керак, эй жигарпо-рам! Ақлингни зиёда, идрокингни юсак даражага кўтар-моғинг шарт. Шундай бўлгандагина сен ҳаётинг давомида хавфу хатарлардан узоқ юрасан, ҳар қандай оғир шароитларда ўзингга гард ҳам, дард ҳам юқтирмайсан.

**Ривоят** қилишларича, замонасининг энг золим подшоҳи бўлган Ҳажжож аъёнлари билан дала сайрига чиқибди. Ногоҳ шерикларидан айрилиб бир ўзи қолибди. Шу лаҳза олдидан бир қария чиқиб қолибди. Шунда Ҳажжож билан бир оз ҳазиллашиб кўнгил ёзмоқчи бўлибди. Шу боис у чолдан:

— Қаерликсан, — деб сўрабди.

— Шу қишлоқданман.

— Ҳокимлар ҳақида қандай фикрдасан?

— Аллоҳнинг қаҳрига мубтало бўлсин улар, ҳаммаси золим, ваҳший!

— Ҳажжож тўғрисида нима дейсан?

— У ҳаммасидан кўра ҳам золим, олчоқ. Аллоҳ унинг ҳам таъзирини берсин, уруғини қуритсин!

— Эй чол, менинг кимлигимни биласанми?

— Қаердан билай?! Бирор мартабали зотдирсан-да!

— Йўқ, ҳозир сен таърифини келтирган ўша Ҳажжож мен бўламан!

— Шундайми, ҳукмдорим? Мен сенинг қурбонинг бўлай. Унда сен ҳам менинг кимлигимни биласанми?

— Дарҳақиқат, сен кимсан?

— Мен Бани Ижил қабиласининг энг машҳур тентаги — Амир ўғли Зайд бўламан. Ҳар куни худди шу соатларда дардим оғирлашиб, жиннилим тутиб қолади!

Ҳажжож чолнинг ноқулай аҳволдан қутулиб қолиш учун топган бу гапидан мамнун бўлибди. Ҳатто ғоят дарғазаб бўлиб турганига қарамай қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборибди. Чолнинг ҳозиржавоблиги, ақл-идрокига қойил қолиб, унга қимматбаҳо ҳадялар берибди.

**Кўрдингни, эй фарзандим!** Ақл-идрок инсонга ана шунақа оғир дамларда ҳам асқотади. Унинг жазо ўрнига мукофот олишига сабаб бўлади. Шундай экан, муттасил ўқи, ўрган, ақлингни чархла. Илоҳим сени Аллоҳимнинг ўзи ақлу идрок, зеҳну фаросатдан бегона қилмасин!

Ақлу идрок — энг катта бойлик,  
Шунинг билан ҳаёт чиройли.  
Инсон умрин осмонин қилур  
Шу иккови қуёшли, ойли.

### **ТЎРТ ҲИКМАТ**

*Мен ҳикмат айтай санга:  
Тўрт нарса бор бебаҳо.  
Дуч келса гар душманга,  
Тўртови ҳам бебаҳо.*

*Биттаси — ақлу идрок,  
Қилар ғазаб душманлик.  
Иккинчиси илми пок,  
Душмани — такаббурлик.*

*Учинчиси — қаноат.  
Хирсдир унинг душмани.  
Тўртинчиси саховат,  
Душман билар таънани.*

*Тўрт ҳикматни ёдда тут,  
Душманларин тез йўқот.  
Шунда бахтинг бўлур бут,  
Қолур сендан яхши от.*

## **ОЧКЎЗЛИК — ОФАТ**

**Азиз болажонларим!** Инсон доимо дўстига садоқатли бўлиши, хиёнат қилмаслиги лозим. Айниқса ўрталарида катта бойлик турган пайтларда нафс йўлига кириб, дўстининг ишончини суистеъмол қилмаслиги шарт. Билъакс уни Аллоҳ кечирмай, оғир жазоларга мубтало этади. Бу ҳолат бир каттакон хум тўла олтин топиб олган икки дўстнинг қилмишлари ҳақидаги ривоятда жуда аниқ баён қилинган.

**Ривоят** қилишларича, қадим замонда бир қишлоқда икки дўст яшаган экан. Улар шунчалик қадрдон, бир-бирларига меҳрибон эканларки, ҳатто бир майиз топсалар ҳам тенг иккига бўлиб ейишаркан.

Улар бир куни тоққа каклик овлагани боришибди. Қояма-қоя, чўққима-чўққи юриб каттакон ғор ёнидан чиқиб қолишибди. Бир каклик эса учиб бориб ғорга кириб кетибди. Икки дўст ҳам унинг кетидан киришибди. Қарашса каклик бир четда турган тошлар остига йўргалаб кетибди.

Йигитлар аста-секин тошларни олиб ташлаб какликни қидира бошлашибди. Улар ўн-ўн бешта йирик тошни олишган экан, бир каттакон хум кўринибди. Хумни очиб қарашса, ичи тўла олтин экан!

Икки дўст қувонганидан дўппиларини осмонга отишибди. Энди яқин орадаги қишлоқларда биздан бой, бахтли одам йўқ, деб шодланганларидан бир-бирларини кучоқлашибди. Аммо хум шу қадар оғир эканки, уни икковлон зўрға ўрнидан силжитишибди. Сабаби ов ишқида чўққима-чўққи, қояма-қоя юравериб чарчашган, боз устига, қоринлари ҳам жуда оч экан. Шунда дўстлардан бири:

— Оғайни, бу ҳолатда хумни кўтариб қишлоққача олиб кетишимиз амри маҳол. Яхшиси аввал бирор емак топиб, қоринни тўйғазайлик. Кейин бақувват бўлиб хумни кўтарамиз, — дебди.

Иккинчи дўстга ҳам бу таклиф маъқул келибди. Улар маслаҳатлашиб бирлари ғорда қолиб, олтинга соқчилик қиладиган, иккинчилари қишлоққа бориб бирор егулик олиб келадиган бўлишибди.

Дўстлардан бири қишлоққа егулик олгани кетаркан, бир хум «сарик шайтон»нинг васвасасига учибди. Дўстликка садоқат, инсонийликдан нафс балоси кучлилиқ қилибди. «Агар,— деб ўйлабди у, — дўстим бўлмаганида бир хум олтиннинг ҳаммаси бир ўзимники бўларди. Яхшиси, олиб келадиган овқатга захар солиб келаман. Дўстим ейди-ю, тил тортмай ўлади. Олтин эса меники бўлади!»

Форда олтинни кўриқлаб ўтир-ан анови шерикнинг ҳам феъли бузилибди. «Сариқ шайтон» уни ҳам йўлдан урибди. «Дўстим овқатни олиб фор оғзига келганида, — деб режалаштирибди у, — мен юқоридан каттакон тошни бошига ташлайман. Ўлса, олтиннинг ҳаммаси ўзимга қолади!»

Олтин пойлоқчиси ўз қабиҳ рэжасини амалга ошириш ниятида фор тепасига чиқиб, бекиниб турибди. Дўсти фор оғзига келганида каттакон харсангни унинг устига думалатибди. Тош остида қолган дўсти шу заҳотиёқ жон таслим қилибди. «Ана, — дебди у хурсанд бўлиб, — ҳамма олтин бир ўзимга қолди. Аввал тўйиб олай, кейин олтинни кўтариб уйимга жўнайман!»

Заҳар солинган овқатни ега- ҳамтовоқ ҳам ўлибди. Бир хум олтин эса яна кимсасиз форда қолиб кетипти.

**Кўрдингизми, болаларим!** Омонатга хиёнат, очкўзлик икки қадрдон дўстни нобуд қилибди. Олтин эса ҳар икковига ҳам буюрмай, сабил қолипти. Алқисса, одам ҳар қандай вазиятда ҳам инсонийликни унутмаслиги, ҳеч қачон дўстликка хиёнат қилмаслиги лозим. Ҳалиги икки ҳамтовоқ бир хум олтин вас-васасига учиб, дўстлик риштасини узмаганларида жонлари омон қолар, бой-бадавлат, фаровон ҳаёт кечиришарди.

Беш қўлни оғизга тикма ҳеч қачон,  
Очкўзлик адою тамом қилади.  
Инсофли, имонли бўлса гар инсон,  
Нафсини ҳар доим тия билади.

## **ЭЙ ИНСОН**

*Мол-дунё талашиб одамлар, наҳот,  
Бир-бирларин тегар асаб, жиғига.  
Гарчи улар эмас, бемулк, беёисот,  
Урарлар ўзларин ғазаб тифига.*



*Ортиқча мол-мулк деб диллари вайрон,  
Аларга умрнинг онлари эсиз.  
Нахот онгсиз эрур шунчалар инсон,  
Нахот башар зоти шу қадар эссиз.*

*Умр-чун керакми мол-дунё ва ё,  
Мол-дунё учун умр бахшида?  
Ахир, инсон бўлса умридан жудо,  
Йиққан молу мулки қолар бехуда.*

*Бас, шундоқ, бойлик-чун яшамас одам,  
Аксинча яшаш-чун мол-дунё керак.  
Эй инсон, бойлик деб чекаверма ғам,  
Ҳориб толмоқда-ку кўксингда юрак!*

## **ФАФЛАТ — ДАҲШАТ**

**Шундай, фарзандларим!** Фафлатда қолманглар. Фафлат инсон боласини боши берк кўчага киритиб қўяди. Фафлатда қолмасликка интилинг ва ҳамиша ҳаётга зийрак кўз билан боқинг. Доимо хушёр ва сезгир бўлинг. Акс ҳолда кейинги пушаймонлардан наф бўлмайди.

**Ривоят.** Кушга ишқибоз бир одам бозорга бориб, гапирадиган тўти сотиб олиб, уйига келтирибди.

Тўти:

— Эй мурувватли инсон, мен бечорага шафқат қилинг. Қафасда яшамоқ жонимга тегди. Агар озод қилсангиз учта фойдали гап айтаман, — деб илтижо қилибди.

Шафқатли одамнинг тўтига раҳми келибди.

— Майли, — дебди у, — аввал фойдали гапларни айтақол.

— Агар ниятингиз соф бўлса биринчи гапимни қафас ичида, иккинчисини қафасдан чиқарганингиздан сўнг қўлингизда, учинчисини эса учиб дарахтга кўнғач айтаман. Розимисиз?

— Розиман.

Тўти биринчи гапини айтибди:

— Хожам, ҳеч қачон қўлдан чиқарган нарсангизга ачинманг. Негаки у энди қайтмайди.

Қушбоз тўтининг иккинчи гапини эшитишга ошиқиб, уни қафасдан чиқарибди.

— Иккинчи гапим шуки, — дэбди тўти, — агар бирор кишидан ақлга сиғмайдиган гапни эшитсангиз ҳаргиз ишонманг. Ахир, ақл- ақл-да!

Бу гапни ҳам эшитган қушбоз тўтини қўйиб юборибди. Қуш дарахт шохига бориб қўнғач, дэбди:

— Сиз мурувватли, садоқатли одам бўлсангиз ҳам нодон экансиз, менга ишониб, хато қилдингиз. Қорнимда эллик мисқоллик гавҳар бор эди. Гапимга алданиб, ундан маҳрум бўлдингиз. Афсус, шунча бойликдан айрилдингиз.

Тўтининг бу гапини эшитган қушбоз бошини чангаллаб, афсус чека бошлабди. Бу ҳолатдан таажжубга тушган тўти унинг аҳволини бир зум кузатиб туриб дэбди:

— Эй хом сут эмган банда! Ҳозиргина икки фойдали гап айтдим. Бироқ унинг маъносини англаб, риоя қилмадингиз. Беҳуда ўзингизни қийнаб, азоб чекмоқдасиз. Мени қўлдан чиқарганингиздан беҳад пушаймондасиз. Ахир, қўлингиздан чиққан нарсага ачинманг, дедим-ку. Энди ачинманг, қайтмайман. Шундай экан, ўзингизга азоб бермоқдан не фойда! Яна мен қўлингизда туриб, биров ақлга сиғмайдиган гап айтса ишонманг, дедим. Лекин сиз бу насихатимга ҳам амал қилмадингиз. Гапимни ақл тарозисига солиб, ўйлаб кўрмадингиз. Акс ҳолда мен бир кичкина тўтининг қорнига эллик мисқоллик гавҳар қандай сиғади?— дэбди.

Тўтидан бу гапни эшитган қушбоз хижолат чекиб, қилмишидан уялибди. Кейин:

— Энди учинчи гапингни ҳам айтақол, — дэб ёлворибди тўтига.

— Менга яхшилик қилдингиз. Сўзларимга ишониб

қафасдан озод этдингиз, — деб гап бошлабди тўти. — Шунинг эвазига сизга яхшилик қайтараман. Ҳозироқ мен кўниб турган дарахтнинг остини кавланг. У ерда олтин тўлдирилган кўза бор.

Қушбоз дарахтнинг остини кавлаб, кўзани олгунча тўти учиб кетмай, кузатиб турибди. Олтинларни кўлга киритган қушбоз тўтига қараб:

— Эй тўти, шунчалар ақлли экансан. Ҳатто ер остидаги олтинни ҳам кўришга қодир бўла туриб қандай қилиб қафасга тушиб қолдинг? — деб сўрабди. Унга жавобан тўти:

— Эй одамзот фарзанди, пешонада ёзилган бўлса кўз ҳам кўрмай қолар экан, — дебди-ю, «пир» этиб учиб кетибди.

**Кўрдингизми, болаларим,** шундай ақлли тўти ҳам ғафлат қули бўлганидан қафасга тушиб қолибди. Сизлар бундан сабоқ олинг. Ҳеч қачон ғафлатга тобе бўлманг. Ғафлат–дахшат. Унинг чангалига тушиб қолманг.

Уйку деганлари инсонга ҳамроҳ,  
Уйқунг келганида ухлаб, ором ол.  
Ҳаётда чекмайин десанг фарёд, оҳ,  
Ғафлат уйқусидан тезроқ қочиб қол.

## **КЎРМАЙДИ**

*Унинг паймонаси тўлган экан офатни кўрмайди,  
Босиб ғафлат, бошига тушгувчи кулфатни кўрмайди.*

*Кўзи гўё сўқир, фарқ этмагай зулмат билан нурни,  
Асл душманга ён босганмикан, улфатни кўрмайди.*

*Разил агёр очик қўйган тузоққа бош суқар, аммо  
Садоқатли рафиқлар этган ул ҳимматни кўрмайди.*

*Дегай: ҳар нарсага таъқиқ этурлар, менга хурлик йўқ,  
Вале бахту саодат йўлига рухсатни кўрмайди.*

*Мудом беҳуда ташвишлар билан вақтни адо қилгай,  
Бирор наф бермайин ўтган азиз фурсатни кўрмайди.*

*Қадам ташлар мисоли тошбақа: янглиғ, бу не суслик?  
Замона суръатида мавж урад шиддатни кўрмайди.*

*Калоний, вақтида кўзин очиб олмас экан ножинс,  
Ўтар умри разолатда, сира роҳатни кўрмайди.*

## **ЗИНОКОРНИНГ ЖОЙИ ЖАҲАННАМ**

**Эй фарзандим!** Инсон учун гуноҳи кабиралардан яна бири зинодир. Зинокорнинг ҳар икки дунёда ҳам юзи шувут, жазоси муқаррар. Чунки зино инсонни шу фоний дунёдаёқ шармандаи-шармисор этиб, эл-юрт назаридан қолдиради. Йиллар мобайнида мисқоллаб йиққан обрў-эътиборини тўкиб, ер билан яксон этади.

Модомики шундай экан, зинокорлик кўчасидан ҳазар қилмоқ жоиз. Зеро ўз жуфти ҳалолига хиёнат қилмоқ оиланинг барбод бўлиши, ақсарият ҳолларда шириндан-шакар фарзандларининг отасиз ёки она-сиз бўлиб қолишига сабаб бўлади. Зино оилада катта фожиалар келиб чиқишига сабаб бўлади. Инсон ҳаётини оғирлаштириб, шаънига доғ туширади.

**Ривоят** қилишларича, бир зинокор кимса кўчада кетётган аёлнинг изига тушибди. Хилват жойга етгач, унга кўнглидаги чиркин гапни айтибди:

— Эй, қадди-қомати келишган паризот!. Мен сенинг шайдойингман. То васлингга етмагунимча, тинч қўймайман. Юр мен билан.

— Йўқ, — дебди аёл, — мен зинодан кўрқаман ва сени ҳам бу гуноҳи кабирадан қайтармоққа журъатим етарли. Қайт, бу йўлдан!

—Бунинг иложи йўқ. Чунки қалбим сенинг асиринг бўлиб улгурди.

— Айт, менинг нимама сени асир этди?

— Оху янглиғ беозор ва жозибадор кўзларинг.

— Ундай бўлса шу жойда кутиб тур. Мен икки соатдан сўнг келаман.

Зинокор:

— Муддаомга етдим. Энди бу аёлнинг васли на-  
сиб этмоғига шубҳам қолмади, — дебди ва шу жойда  
аёлни пойлабди.

Аммо ўша пари келмабди. Ўрнига бир канизак ке-  
либ зинокорнинг қўлига дастурхонга ўроғлиқ бир ла-  
ганни тутқазибди ва дебди:

— Сиз боя учратган аёлнинг кўзларига ошиқ бўлган  
экансиз. Мана, улар ўша кўзларини ўйиб, шу лаганга  
солиб, сизга юбордилар!

Зинокор зинодан кўрқиб, ҳар икки кўзини ўйиб жўнат-  
ган бу покдомон аёлга қойил қолибди. Ўзининг шаҳват  
тўфонига дуч келиб, нақадар тубан кетганини англаб  
етибди. Қилмишидан афсус ва надомат чекиб, ул тақ-  
водор парирўнинг уйига йўл олибди. Аммо унинг вафот  
этганини эшитиб, баттар виждон азобига тушибди.

**Эй азиз фарзандим**, бу қатъиятли аёлнинг зино-  
дан ўзини асраш учун топган чораси нақадар даҳ-  
шатли бўлса ҳам барибир ортга чекинмабди. Ному-  
сини пок сақлаб қолмоқ учун бу фоний дунёдан воз  
кечмоқни афзал кўрибди. Ўзини зинодек гуноҳи ка-  
бирадан сақлаб қолмоққа муяссар бўлибди.

**Эй фарзандим**, ҳаётда сени ҳам зинога бошловчи  
бирор кимса учраб қолса, унинг раъйини қайтармоққа  
журъат ва қудрат топ. Ҳар қандай шароитда ҳам зино  
ботқоғига ботмоқликдан сени Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Зино гуноҳларнинг кабирасидир,  
Уни орттирмоқдан асрасин Худо.  
Зинокор шайтоннинг набирасидир,  
Иблиснинг нияти жирканчдир, рўё.

## ЭТОЛМАЙДИ

*Мени ҳаргиз вафоси йўқ санамлар ром этолмайди,  
Зинони йўлига бошлаб, сира бадном этолмайди,  
Қоши, киприкларин ўқ-ёй, сочини дом этслмайди,  
Дилимни сайд этиб, чиндан ўзи ором этолмайди,  
Азиз, нурли ҳаётимни сира бадном этолмайди.*

*Нафосатли, назокатли, вафодор севганим бордир,  
Унинг васлига ҳар лаҳза бу кўнглим беқароо, зордир,  
Агар бир кун кўролмас бўлса дилга кўкрагим тордир,  
Кўйида ўртаниб жисмим билан жоним мудом хордир,  
Шу боисдан бўлак ёр ишқини дил ком этолмайдир.*

*Бу ишқимни кўролмасдан рақиблар қалби куйгайдир,  
Менга турли ёмонликни басио кўнглида туйгайдир,  
Йўлимга гоҳ қазиб чоҳлар, гоҳида ғовлар куйгайдир,  
Этолмай мақсадига ҳеч, ўзин бағрини уйгайдир,  
Ки чашмим ашқини дарё тугул бир жом этолмайди.*

*Аларнинг қалби гумроҳдир, муҳаббат нелигин билмас,  
Гўзаллик қадрига етмас, ки ишқирт қалби оқилмас,  
Фараз, турли надоматдан нечунким бўйни кирқилмас,  
Ўзини ишқибоз деб юрса-да соф ишқни ҳис қилмас,  
Калонийдек ёзиб ёр таърифин том-том этолмайди.*

## МУОМАЛА — САНЪАТ

**Эй кўзларимнинг нури, азиз фарзандларим!** Инсоннинг ҳайвонлардан фарқи унинг ақл-идрокида бўлиб, бу эса сўзда ифодасини топади. Сўз эса кишилар билан муомала воситаси ҳисобланади. Шундай экан, кишилар билан мусмалангни яхши қил. Сўзларингдан ақл-идрокинг, ахлоқ-одобинг оксак даражада эканлиги англашилиб турсин. Шунин билгилки, муомаланг суҳбатдошингнинг кўнглини кўтаради-

ган, вақтини чоғ этадиган бўлсин. Аксинча кайфияти-ни туширадиган, кўнглини хуфтон қиладиган бўлмасин. Агар шундай бўлса, сенинг кишилар кўнглини оғритадиган дилозорлардан фарқинг қолмайди.

**Ривоят** қилишларича кунлардан бир куни Ҳорун-ар Рашид туш кўрибди. Тушида ўттиз икки тиши тушиб кетганмиш. Халифанинг кайфияти бузилиб, дили хуфтон бўлибди. Дарҳол мунажжим ва туш таъбирини айтиб берувчи муаббирларни чақиртирибди-да, кўрган тушини айтиб берибди. Шунда муаббирлардан бири:

— Эй амир-ал мўминин, бу тушингизнинг таъбири шуки, сизнинг барча қариндош-уруғларингиз ўлиб, бир ўзингиз яккаю ёлғиз қоларкансиз, — дебди.

Бу совуқ гапни эшитиб Ҳорун-ар Рашиднинг бутун вужудидан тер чиқиб, юрак-бағри эзилиб кетибди. Сўнг муаббирни бу совуқ хабари учун юз дарра урдирибди. Лекин этни сескантирадиган бу совуқ хабар унга тинчлик бермабди. Эртасига у бошқа бир муаббирни чақиртириб, яна ўша тушнинг таъбирини сўрабди.

Иккинчи муаббир:

— Эй амир-ал мўминин, Худойи таоло сизга бениҳоя кўп умр, беқийёс давлат берган. Сиз барча қавм-қариндош ва авлодларингиздан узоқроқ умр кўраркансиз, — дебди.

Бу сўздан Ҳорун севиниб кетибди. Кейин шундай дебди:

— Ҳар иккала муаббир ҳам аслида бир хил гапни айтди. Аммо иккинчи муаббирнинг ақл-фаросати, ахлоқ-одоби юқори экан. У мен билан қилган муомаласида чиройли иборалар топиб фикрини ифода этди. Биринчиси эса томдан тараша тушгандек қилиб, кўпол сўзлар билан баён этди. Шунинг учун ҳам уни юз дарра урдиртирдим. Иккинчисини эса юз динар билан мукофотлайман, — дебди.

Бошқа бир **ривоятда** таъкидланишича Анушервоннинг саройига икки дарвеш кириб келибди. Биринчи дарвеш Анушервонга:

— Ёвузлик кўрмайин десанг ёвузлик қилма, — дебди.

Иккинчи дарвеш эса:

— Яхшилик қилган киши, ҳамиша яхшилик кўргай,  
— дебди.

Анушервоннинг амри билан биринчи дарвешга минг динор, иккинчисига икки минг динор беришибди. Бу ҳолни кўрган мулозим ва надимлар:

— Эй қадрли шоҳ! Ҳар икки дарвеш ҳам аслида бир хил гапни айтди. Аммо сиз уларни икки хил му-  
қотладингиз. Бунинг сабаби нима?— деб сўрашибди.  
Шунда Анушервон:

— Биринчиси ёмондан сўз счди, иккинчиси яхши-  
ликдан. Менга яхшилар билан мулоқотда бўлиш ёқим-  
ли, ёмонлар билан мулоқот қилиш ёқимсиз. Шунинг  
учун ҳам биринчи дарвешдан кўра, иккинчи дарвеш-  
нинг муомаласидан шод бўлдим, — деб жавоб берибди.

**Кўрдингизми**, ҳар икки ривоятда ҳам муомаласи етуқлар шоҳнинг муқофотиға сазовор бўлишибди. Сен ҳам улардан ибрат олиб, ҳар қаңдай фикрни ҳам чирой-  
ли сўзлар топиб, кишиларнинг кайфиятини кўтарадиган даражада ифодалашни ўрган. Шундай қилсанг кишилар олқишиға сазовор, дуоларини олишға муяссас бўласан.

Санъатга ўхшайди муомала ҳам,  
Назокат, латофат йўлдоши бўлсин.  
Энг ширин сўзларни жамулжам этиб  
Мулоқот қилганнинг толеи кулсин!

## ЭЙ КҮНГИЛ

*Эй кўнгил, умрингни ўтказ қавли маҳкамлар билан,  
Аҳду паймон тuzма нокас, ахли беғамлар билан.*

*Ори йўқлар даврасида кўнгил очмоқдин кўра,  
Майли, ғам даштини кез номусли одамлар билан.*

*Яхши сўз дилларни ёруғ айлагувчи бир куёш,  
Офтобсиз тонг отарму ҳеч қачон шамлар билан.*



*Гар дилинг пок бўлмаса ҳар доимо бир сафдасан,  
Халқ аро шармандалиқдан бошлари хамлар билан.*

*Яхшилар кўнглин ўзингга гар этар бўлсанг макон,  
Билки, умринг ўтгай албат энг ширин дамлар билан.*

*Эй Калон, ҳақ сўзлаким, ростгўй десинлар элу юрт,  
Шунда сен ҳамдам бўлурсан қалби кўркамлар билан.*

## СПОРТ–ЖОН РОҲАТИ

Халқимиз соғ танда — соғлом ақл, дейди. Инсон аввало ўз танасининг соғлом бўлмоғини таъмин этмоғи жоиз. Бунинг учун эса бадантарбия билан шуғулланмоғи даркор бўлади.

Ёшлар орасида Пеле каби футболчи ёхуд Артур Григорян каби боксчи бўлмоқни орзу қилмайдиганлар топилмаса керак. Аммо бу шараф ва шуҳрат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Буни онгли равишда англамоқ, ҳеч қачон кўйинни пуч ёнғоқ билан тўлдирмаслик лозим. Лекин бу дегани спортдан бутунлай воз кечмоқ керак, дегани ҳам эмас.

Спорт инсонни соғлом, бақувват этади. Жисман гўзал бўлишини таъминлайди. Спорт билан шуғулланган одам касал бўлавермайди.

**Ривоят.** Бир кема денгизда сузиб бораётган эди. Ногоҳ тўфон кўтарилиб шикастланди. Қирғоқ эса кўзга ташланиб қолган, шунда кемадаги зукко олим дарғани койибди:

— Кеманг сал нарсага шикастланадиган экан, нега унда денгизга чикдинг? Энди тақдиринг нима бўлади?

— Менинг тақдирим аён. Кемамдан айриламан. Лекин сен сузишни биласанми?

— Йўқ!

— Ундай бўлса сенинг бекиёс илминг ҳам, шон-шуҳратинг ҳам бекор. Сен фарқ бўласан...

**Алқисса**, инсон спортнинг лоақал ҳаётли учун зарур баъзи турларини ўрганмоғи, у билан шуғулланиб турмоғи шарт. Масалан, сузишни билган сувга чўкмайди. Югуришни яхши эплаган одам чаққон, ишчан бўлади. Қолаверса, Ватан ва халқ учун ҳам соғлом авлод керак. «Эл соғлиғи — юрт бойлиғи» деган гап бежиз айтилмаган.

Спорт ҳаётингда бўлсин йўлдошинг,  
Бадантарбияни этмагин канда.  
Қоматинг фоз юрар, эгилмас бошинг,  
Харакатда бўлсанг — лабингда ханда.

Оқар сув ҳеч қачон қолмайди сасиб,  
Кундан-кунга қуриб боради кўлмак.  
Мусаффо ҳавога бағирни очиб,  
Югуриб турганда соғломдир юрак.

## **НОШУКУРЛИК — НОНКЎРЛИК**

Биз ўзбеклар сабр-бардошли халқмиз. Бориға шукр қиламиз. Ношукурликни қоралаймиз. Бу бежиз эмас. Ота-боболаримиз ҳеч қачон ҳаётларидан нолишмаган. Аксинча, доимо шукроналик билдирганлар. Оғир дардга чалинган чоғларида ҳам «Дардни берган Аллоҳим, шифосини ҳам беради», деб сабр қилганлар.

Инсон тақдир тақозоси билан содир бўлган, энди уни ўзгартиришнинг иложи йўқ нарсага кўникмоғи шарт. Айтайлик, фарзандидан бевақт жудо бўлган она тақдирга тан бериб, ўзини бу мусибатга кўниктирмаса, бирор дардга чалиниб қолиши ҳам мумкин. Хўш, бу билан аҳволни ўзгартириб, ўлим чангалига тушган фарзандини тирилтириб бўладими? Йўқ, асло! Она бошқа фарзандлари ҳаёт қолганига шукуроналик билдириши лозим бўлади.

Афсуски бу пурмаъно ҳақиқатни ҳамма ҳам тушу-  
навермайди.

**Ривоят** қилишларича, бир ношукур киши бор экан.  
Бир куни у қўшни қишлоққа кета туриб, одатдагидай  
нолийверибди:

— Мен ҳам баъзи одамларга ўхшаб бирор бойлик-  
ка эга бўлармиканман? Тагимда тузукроқ уловим, эг-  
нимда қимматбаҳо уст-бошим, фаровон яшашим учун  
данғиллама ҳовлим бўлармикан? Э, жонга тегди бу-  
нақа ҳаёт!

Унинг бу нолишидан эшаги ҳам хуноб бўлиб кетиб,  
эгасига дебди:

— Эй соҳибим! Нолишларинг жонимга тегди. Намун-  
ча ношукур бўлмасанг. Ахир, соппа-соғсан, қорнинг тўқ,  
шундай бўлгач нега нолийсан? Мана, мен оч-наҳорман,  
боз устига, қорним оғриб турибди. Шунга қарамай сени  
устимга миндириб кетяпман. Лоақал менинг ҳолимга  
тушмаганинг учун шукур қилсанг бўларди.

Ношукурга эшагининг бу гапи таъсир қилибди. Бун-  
доқ йўл четига қараса икки оёғи йўқ бир киши ти-  
ланчилик қилиб ўтирганмиш. Нарироқда эса икки кўзи  
кўр бир кимса кўлидаги ҳассасига таянганича қаёққа  
боришини билмай турганмиш. Тагин бир оз юргач,  
одамлар бир майитни қабристонга кўтариб кетаёт-  
ганмиш. Шунда у ҳушёр тортиб, ўша икки оёғи йўқ  
тиланчи, икки кўзи кўр йўловчи ёки тобутдаги майит  
ўрнида ўзи эмаслигига шукур қилибди. Шу кундан  
бошлаб ҳаётдан нолишини бас қилибди.

**Шундай, азизларим,** ҳеч қачон ношукур бўлманг-  
лар. Ношукурлик-нонкўрлик. Бу дунёда тирикликнинг  
ўзи ҳам бир ҳикматдир. Қолаверса, шукур қилган бан-  
дасини Яратганнинг ўзи хор қилмайди.

Шукур айламоқнинг кўп хосияти,  
Ношукурлик асли nonкўрлик демак.  
Тирикликнинг ўзи Ҳақ инояти,  
Шукур қилинг, уриб турса гар юрак.

## **БЎЛУР**

*Истаса Оллоҳ, хафа хуррам бўлур,  
Истаса шодон киши пурғам бўлур.*

*Истаса ҳар нарсага қодир Эгам,  
Офтобнинг нури ҳам шабнам бўлур.*

*Ихтиёрида анинг олам иши,  
Хоҳласа қиш фаслида кўклам бўлур.*

*Амри бирла қанд заҳарга айланиб,  
Амридан оғу ширин малҳам бўлур.*

*Камни ҳам сероб этар қилсанг шукур,  
Ношукурга қанча кўп ҳам кам бўлур.*

*Яхши ният айласанг еткургуси,  
Икки дунёнинг сени кўркам бўлур.*

*Эрса имони саломат, эй Калон,  
Охиратдан боумид ҳар дам бўлур.*

## **МЕҲМОН — АТОЙИ ХУДО**

Ўзбек халқи қадимдан меҳмондўстликни улуғлаган. «Меҳмон – отангдан азиз», «Меҳмон келар эшиқдан, ризқи келар тешиқдан», «Яхши меҳмон ош устига келади» каби мақоллар яратган. Халқимизнинг бу олижаноб фазилати чиндан ҳам таҳсинга лойиқ. Азизларим, сизлар ҳам бу ҳайратомуз фазилатни улуғланг.

Агар қор-ёмғир ёғмаса, лалми буғдойлар қуриб-қовжираб қолганидек, уйига меҳмон келмайдиган ҳам одамийлик дунёси сувидан баҳраманд бўлолмай, одамгарчилик гиёҳларини қуритиб қўяди. Шоир айтмоқчи «минг ғам-ғусса қилганида даф, меҳмон кўриб турсин

тишинг оқини». Меҳмонни самимияту беғубор табас-сум билан кутиб олган киши бошқаларнинг ҳам ўзига шундай муносабатда бўлишларига эришади.

Хонадонга меҳмон келиши олдиндан тайин бўлсаю, яхши. Ҳар ҳолда киши тайёргарлик кўриб қўяди. Бирок баъзида меҳмон кутилмаган пайтда келиб қолиши мумкин. Шундай пайтларда ҳам мезбон бироз шошиб қолганлигини билдирмаслиги, рўзғорда борини бордек қилиб дастурхон тузаши лозим бўлади. Бу иш, табиийки, меҳмонга ҳурмат ҳисобланади.

**Ривоят.** Бир хонадонга кутилмаганда азиз меҳмон келиб қолибди. Хонадон соҳиби ошдан кейин дастурхонга қовун сўйиб қўймоқчи бўлиб, қизига дебди:

— Қизим, омборхонадаги қовунлардан яхшисини танлаб, олиб чиқинг!

Қиз қараса, омборхонада бор-йўғи биттагина қовун қолган экан. Олиб чиқиб отасига узатибди. Шунда ота:

— Йўқ, қизим, бу қовун менга ёқмайроқ турибди. Бошқасини олиб чиқинг, - дебди.

Гарчи омборда бошқа қовун йўқ бўлса ҳам қиз отасининг раъйини қайтармабди.

— Хўп бўлади, отажон, – дебдию, қайтиб омборга тушиб, яна шу қовунни олиб чиқибди ва бу гал унинг бошқа томонини ўгирган ҳолатда отасига узатибди. Аммо, минг афсуски, қовун бу гал ҳам отага хуш келмабди. У:

— Қизим, менга буниси ҳам ёқмади. Бундан ҳам яхшироғини танлаб, олиб чиқинг, – дебди. Қиз тагин омборга қайтиб тушиб, ўша қовуннинг яна бошқа томонидан отасига кўрсатиб узатибди. Бу гал ота:

— Мана буниси тузукроққа ўхшайди, — деб қовунни сўйиб дастурхонга қўйибди.

Кўрдингизми, ота азбаройи меҳмонни ҳурмат қилгани учун ҳам қовуннинг энг сарасини олиб чиқишни буюрибди қизига. Ақл-хушли қизи эса гарчи биттагина қовун қолган бўлса ҳам уни қайта-қайта олиб чиқиб, турли томонини айлантириб отасига кўрсата-

верибди. Шундай қилиб, қиз ҳам меҳмоннинг хурматини жойига қўйибди, ҳам отасининг меҳмон олдида мулзам бўлишига йўл қўймабди.

Меҳмон — атоийи Худо дейдилар. Уни доим очиқ чеҳра, хурсандчилик билан кутиб олиш даркор.

**Ривоят** қилишларича, бир хонадонга меҳмон кириб келибди. Худди шу пайтда мезбоннинг фарзанди қазо қилиб қолибди. Шунда мезбонлар бу мусибат нақадар оғир бўлса ҳам азбаройи меҳмоннинг кўнглини чўктирмаслик, қалбига қайғу жароҳатини етказмаслик учун фожиани ундан яширишибди. Бор иродаларини ишга солиб, меҳмонни яхшилаб кутиб, хурматини жойига қўйиб кузатишибди. Кейин эса фарзандининг вафот этганини элга ошкор қилишибди.

**Ана шунақа гаплар**, азиз фарзандларим. Сизларни ёмон кўзлардан, балою қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин. Ҳамиша қаерда меҳмон бўлсангиз иззат-икромда бўлинг. Бунинг учун эса аввало ўзингиз меҳмоннавоз бўлинг.

Меҳмонни дейдилар атоийи Худо,  
Мезбонлик бурчини жойига қўйгин.  
Дастурхонинг файзли, чеҳранг дилкушо  
Айлаб меҳмонингнинг меҳрига тўйгин.

## **МЕҲМОН КЕЛУР**

*Эй юрак, пешвоз чиқиб кутгил, азиз меҳмон келур,  
Йўқ, у бир меҳмон эмас, жисмим учун чин жон келур,  
Қалб уйин ёруғ этиб улкан моҳитобон келур,  
Бахт келур, толе келур, омад келур ҳам шон келур,  
Мен учун юксак қадрли муҳтарам инсон келур.*

*Не учунким дер халойиқ меҳмон отангдан азиз,  
Пойи кутлуғ, сўзи ширин, суҳбати доим лазиз.  
Уйларим обод эрур меҳмон билан гар кўрсангиз,  
Ўчмагай, қолгай абад меҳмон билан қолдирган из,  
Хайрият, қалбим учун олиймақом дармон келур.*

*Кутмаса меҳмон агар ундай киши одам эмас,  
Ким саховат мулкида ул заррача хотам эмас,  
Умри ҳам файзсиз ўтар, қалби унинг хуррам эмас,  
Кўзида ҳеч нури йўғу хотири ҳам жам эмас,  
Кутса меҳмон унга ҳам одамгарчилик шу он келур.*

*Дастурхон доим ёзиқ тургай, кўринг, меҳмон учун,  
Келмаса меҳмон, нетай, доим юрак-бағримда хун,  
Кўзларим ёшдир, чиқар оҳимданам бурқсиб тутун,  
Келса меҳмон шодумон бўлгум, мудом кўнглим бутун,  
Бахтима меҳмон менга ҳар лаҳзаю ҳар он келур.*

*Ким агар меҳмонга бир берса Худо ўнни берар,  
Меҳмони ҳам ўзганинг эрмас, ўзин ризкин терар,  
Беғубор меҳмон ширин суҳбат учун бағрин кераар,  
Бил, унга лўқманг керак эрмас-ку, дийдоринг етар,  
Эй Калоний, дўст учун ёзсанг гўзал дoston келур.*

## **ЎЗИ ЕМАС, ИТГА БЕРМАС**

Фарзандларим, пул жигардан пайдо бўлган, дейдилар. Ҳамма ҳам пул топишга интилади. Аммо баъзилар топган пулларини емай-ичмай, оила аъзоларидан ҳам аяйдилар. Бунақаларни элимиз пул бандаси, дейди.

**Ривоят** қилишларича, ўтмишдаги бир хасис бой жамғарган хазинасини ўзи ҳам еб-ичмас, оила аъзоларига ҳам сарфламас экан. Бойлиги ошиб-тошиб кетса ҳам бу одатини тарк этмабди. Ниҳоят ёши бир жойга бориб, ажал шарпаси сезилиб қолган пайтда хазинасининг эшигини очаман, деб очолмабди. Дарғазаб бўлиб турса ғойибдан овоз келибди:

— Ҳой нодон, нега хазина эшигини очмоқчи бўляпсан?

— Хазина меники бўлгандан кейин очаман-да.

— Агар хазина сеники бўлса нега шу вақтгача ундан фойдаланмай, умрингни азобда ўтказдинг? Оила

аъзоларинг ҳам муҳтожликда кун кечирди. Шу сабабдан ҳам хазина сендан юз ўгирди. Энди у дурадгор Рашидга насиб этади.

— Токи менга насиб қилмас экан, — дебди бой, — ўзгага ҳам буюрмайди!

Бой шундай деб ўрмондан йўғон-йўғон ёғочларни кесиб ичини ўйибди-да, унга хазинасидаги барча жавоҳиру тиллаларни жойлаб, дарёга оқизиб юборибди. Кейин ёғочлар кетидан хуфёна юриб, кузатибди. Дарё шаҳар ёнидан оқиб ўтар экан, шу жойга боргач бир киши ёрдамчилари билан барча ёғочларни чиқариб олибди. Шунда хасис бой унинг хузурига бориб:

— Сенинг отинг нима?-деб сўрабди:

— Дурадгорман, отим Рашид.

— Унда, — дебди бой, — ёғочларнинг ичини ёриб кўр. Ичи тўла жавоҳиру тилла.

Дурадгор ёғочларни ёриб кўрса чиндан ҳам хазина тўлдирилган экан. Таажжубланиб бойга боқибди. Бой:

— Булар меники эди, энди сеники бўлди, дебди.

— Уни яратган Эгам менга эмас, сенга лозим кўрди.

— Йўқ, — дебди дурадгор, — бойликларингиз ўзингизга сийлов. Уларни мен ололмайман, ўзингизга насиб қилсин. Менга ўзганинг мулки керакмас.

— Йўқ, оласан, мен Аллоҳимнинг раъйига қарши чиқолмайман. У энди сеники.

— Унда, — дебди дурадгор, — лоақал йўлда еб кетишингиз учун уч-тўртта нон олинг, ҳамроҳ бўлсин.

Бой рози бўлибди. Бундан фойдаланган дурадгор хотинига тайинлабди:

— Тезда тандирга ўт ёқиб, тўртта нон ёп. Аммо у шунчаки нон бўлмасин. Ичини олтину жавоҳирлар билан тўлдир. Бой билмай уни олиб кетсин.

Хотин эрнинг айтганини бажарибди. Бой нонни олиб жўнабди. Чўл ўртасидан ўтаётиб бир хароба уйга кўзи тушибди. Бориб қараса у ерда бир чўпон зор қақшаб турган эмиш. Боиси хотинининг кўзи ёриган, бироқ егулик у ёқда турсин, чақалоқни ўрагани бирор парча



латтаси ҳам йўқ экан. Бой уларга раҳми келиб, ўзи билан олиб келган нонларни узатиб дебди:

— Мана бу нонларни дурадгор Рашидга беринглар ва менинг саломимни етказинг, у сизларга арзигулик инъом қилади.

Шундай қилиб, нон ичидаги бойликлар яна дурадгорнинг қўлига бориб тегибди.

**Ривоятдан хулоса шуки,** болаларим, ўзи емай, оила аъзоларига едирмай хасислик билан жамғарилган хазина эгасига насиб қилмайди. Сизлар бой-бадавлат бўлинг. Яратган зот пул топиш йўли билан бирга уни харжлаш усулини ҳам эгаллашни насиби рўзи айласин. Ҳеч қачон қурумсоқ, паст, хасис бўлманг. Айни пайтда исрофгарчилик ҳам қилманг. Ҳамиша қўли очиқ ва барокотли бўлинг.

Сахий топганини эл билан ейди,  
Қўли очиқ касга ҳамроҳ барокот.  
Паст, хасис одамлар йиғаман дейди,  
Йиғиб сўнг гўрига элтолмас, ҳайҳот!

## **ПУЛ БАНДАСИ**

*Ул кишининг мақсади пулдир, пулдир,  
Дейди: пул шоҳ, мен унга қулдир, қулдир.*

*Доимо ҳасрат қилур йўқ деб пулим,  
Аслида жамғармаси мўлдир, мўлдир.*

*Ақчасин сарф этгали йўқ хоҳиши,  
Кийгани эски чопон, жулдир, жулдир.*

*Ўн кун аввал сарфлаган бир сўм учун,  
Оққан ул кўз ёшлари кўлдир, кўлдир.*

*Гар савоб иш қил десанг сен ҳам, ахир,  
Айтур: аввал чўнтагим тўлдир, тўлдир.*

*Пул ширинми, жон ширин деб сўрса дер:  
– Тегма пулга, майлига ўлдир, ўлдир.*

*Эй Калоний, ҳажв этиб бу кимсани,  
Яхшиларни беғараз кулдир, кулдир.*

## **СЎЗИ БУТНИНГ РИЗҚИ БУТ**

**Эй фарзандим!** Мен сенга ўгит айтай. Сен оғринмай эшит. Билсанг, кексалик доноликни ўргатадиган давр. Ёшлик эса уни амалда қўллайдиган палла. Агар сен ўгитларимни дилингга жойлаб, уларга риоя қилсанг кам бўлмайсан. Ахир, киши ёшлиқда нимани экса кексалиқда шуни ўради-да.

Халқимизнинг «санамай саккиз дема» каби ўгитлари ғоят сермаъно. Агар билсанг, кишининг бахту тахтини бут қиладиган ҳам, бошига етадиган ҳам унинг сўзларидир. Киши ўйлаб, мулоҳаза қилиб гапиришга ўрганса обрў-эйтибор қозонади, мушкуллари осон бўлади. Аксинча гаплари телба-тескари, пойинтар-сойинтар бўлса, у эл назаридан қолади. Ахир, донолар «аввал ўйла, кейин сўйла», деб бежиз айтмаганлар-да.

Энди бу фикримнинг исботи учун бир **ривоятни** айтиб бераман.

Қадим замонда бир қонхўр, мол-дунёга ўч подшоҳ бўлган экан. У ўзининг қабиҳ мақсадлари йўлида шаҳару қишлоқларга ўт қўйиб, кулини кўкка совураб, кишилар қонини тўкиб лаззатланар экан. Кунларнинг бирида у қўшни мамлакатни забт этишга аҳд қилибди. Аммо мардона жангда ғалаба қозонолмабди. Лекин шунда ҳам разил ниятидан қайтмабди. Ҳийлаю найранг ишлатиб, подшоҳни ўлдирибди. Кейин эса мамлакат маликасига совчи юборибди. Бироқ ориятли малика номусини, юртини жонидан афзал кўриб, душманга қарши курашишга отланибди. Қўшин йиғиб қонхўр подшоҳни жангга чорлабди. Икки томон

қўшинлари саф тортиб жангга чоғланган чоғларида ўз қўшинларининг озчилигини, душманга қарши курашда ғалаба қозониш душворлигини сезиб қолишибди. Шунда малика душманни жанг билан эмас, сўз билан енгишга аҳд қилибди.

Сермулоҳазалик билан босқинчи шоҳга шундай мактуб жўнатибди:

«Эй улуғ шоҳ, шунча мағрурлигинг, шунча салоҳиятинг бўла туриб аёл киши билан жанг қилгани уялмайсанми? Билиб қўй, бу жангда енгсанг ҳам, енгмасанг ҳам шарманда бўласан. Енгилсанг, аҳли олам «аёл кишидан енгилган шоҳ», деб устингдан кулиб юради. Бордию омад сенга кулиб боқиб, ғолиб чиқсанг ҳам барибир «аёл билан тенглашган шоҳ», деб эл-улус лаънатлайди.

Бу хатни ўқиган киборли шоҳ жанг майдонини тарк этиб мамлакатдан лашкарларини олиб чиқиб кетибди.

Алқисса, малика жанг билан енгиб бўлмайдиган душманни сўз қудрати ила енгиб, муддаосига етибди. Халқини қарамликдан, юртини вайроналикдан ва ўзини, номусининг топталишидан асраб қолибди. «Сўзи бутнинг ризқи бут», деб шунга айтадилар-да, ўғлим.

«Тил югуриги бошга, оёқ югуриги ошга» деган мақол ҳам бежиз тўқилмаган. Ортиқча, бўлар-бўлмас гапларни гапиришдан ўзингни тий. «Оз сўзласанг ҳам соз сўзла», сўзларинг сермулоҳаза, обрў-этиборинг ошишига, мартабаю улуғворлигингнинг юксалишига хизмат қилсин. Жаҳл ва ғазаб устида тилиннга эрк берма. Айтилган сўз — отилган ўқ, уни қайтариб бўлмайди. Шундай экан, «қопиб гапиргунча топиб гапир». Сўз қудрати беқиёс, ундан фодаланмоқ эса ақли расоларнинг иши.

Худа – беҳудага очмагил оғиз,  
Ҳар сўзинг гавҳардай қадрли бўлсин.  
Аввал сўзлаб кейин демагил эсиз,  
Сўзласанг шаънингга олқишлар тўлсин.

## **БЎЛАРМИДИ**

*Акам деган ҳар бир одам укам бўлармиди,  
Акам деган билан, ахир, у кам бўлармиди.*

*Салом бериб кекса кишин азиз отам дедим,  
Отам десам қувонса ҳам отам бўлармиди.*

*Хурмат қилур эрса киши хурмат топур, бироқ  
Хурматни билмаган одам одам бўлармиди.*

*Дуч келса ким салом бериб ўтарни этма тарк,  
Бермай салом, йиққан билан ғарам бўлармиди.*

*Фурсат ўтиб, қотгач суяк бефойда тарбият,  
Шу дамда бўлмаган бу иш у дам бўлармиди.*

*Имонсизда ҳаёси йўқ, ҳаёсизда имон,  
Униси йўқ одамда ҳеч бу ҳам бўлармиди.*

*Ёмон ниятни кўзлабон ичма қасам, Калон,  
Дилинг қаро эса, қасам қасам бўлармиди.*

## **ФАРЗАНДИМ—АСАЛ-ҚАНДИМ**

Азиз фарзандларим, асал-қандларим. Сизлар менинг борлигим, фахрим, ғуруримсиз. Кўрар кўзларимнинг нури, орзу-умидим чечаги, ишонган тоғим, яшнаган боғимсиз. Сизларсиз ҳаёт маъносиз. Сизлар зурриёдим, умрим давомчисисиз. Сизлар бор экансиз, демак, мен барҳаётман. Рихлатга равона бўлсам чирогимни ёқувчи, соғиниб-соғиниб суратимга боқувчи, мозоримни обод этиб, дуои фотиҳа қилиб турувчимсизлар.

Сизларни яхши кўраман ва сизлар деб яшайман. Агар мўмин-қобил, одоб-ахлоқли, эл-юртга муносиб комил инсонлар бўлсангиз, бошим осмонга етади, орзуларим рўёбга чиқади. Сизлардан умидим катта, ишон-

чимни оқлаб, эл-улус олдида юзимни ёруғ қилишингизга аминман.

Ҳаммангиз бирин-кетин улғайиб бормоқдасиз. Катталарингиз уйли-жойли бўлдингиз. Кичикларингиз мустақил ҳаёт томон елиб боряпсиз. Билингларким, ота-она бўлмоқ, фарзанд дийдорига тўймоқ осонмас. Аллоҳ бу бахтни ато этгач, уни юрак қўри, қалб меҳри билан парваришламоқ, тарбияламоқ, вояга етказмоқ ғоят шарафли ва масъулиятли ишдир.

**Ривоят.** Икки туяқуш оила қуриб, кўпайиш илинжида тухум қўяр экану оғирликлари туфайли уни синдириб, кейин нолаю фиғон чекарканлар. Ниҳоят улар ўз қавмларининг донишманди ҳузурига маслаҳатга боришибди:

— Биз тирноққа зор, фарзандсизмиз. Ёрдам беринг, биздан ҳам насл қолсин,- деб ёлворишибди.

— Насл қолдириш учун хоҳиш-истакнинг ўзи камлик қилади. Бу ғоят мураккаб ва машаққатли иш. Бўйнингизга ҳад-ҳисобсиз изтиробларни олсангизгина орзуингиз рўёбга чиқади.

— Ҳар қандай азоб-уқубатга тайёرمىз. Айтинг, нима қилайлик.

— Агар аҳдингиз қатъий бўлса, сўзларимни диққат билан эшитинг, ёдингизга муҳрлаб олинг. Насл қолдиришнинг биринчи шарты юрак тафтидир. Кўйган тухумингизга юрагингизнинг ҳароратигина жон бахш этади.

Туяқушлар бу маслаҳатга амал қилишибди. Тухум кўйгач, ҳар қандай роҳат-фароғатдан кечиб, фақат унга парвона бўлишибди. Очлик, сувсизликка чидашибди. Пировардида улуғ мукофотга сазовор бўлишибди. Тухум ёрилиб, унинг ичидан жажжигина туяқуш чиқибди.

**Фарзандларим,** улар-ку, бир жонивор. Инсон фарзандли бўлиши учун қушдан ҳам кўп захмат чекмоғи, уйқусиз тунларни ўтказмоғи лозим. Фарзандни тўйдириш ва кийинтиришдан ҳам кўра уни имон-эътиқодли қилиб вояга етказиш, бу масъулиятли ишни муваффақиятли уддалаш осон эмас. У ниҳоятда омилкорлик, зукколик, билимни талаб этади. Фарзанди-

дан умидвор одам аввало унга ўзи муносиб бўлмоғи шарт.

Яна бир насиҳатимни қулоғингизга қуйиб олинг. Инсон зоти илм олмоққа бурчлидир. Илоҳим, сизларни Аллоҳ паноҳида асрасин, имонингиз бут, бўлсин. Умрингиз бахт ва саодат оғушида ўтсин.

Фарзандим деб яшайди инсон,  
Фарзанд эрур ҳаёт маъноси.  
Фарзанд дилга шуълаи афшон,  
Фарзанд — кўрар кўзлар зиёси.

### **ОРТИНГДА ҚОЛСИН**

*Дунёга келмоқ бор, кетмоқ муқаррар,  
Туғилмоқ асалдир, ўлмоқлик – заҳар,  
Ажал етса сақлаб қолмас сийму зар,  
Илоҳим, фарзандинг ортингда қолсин.*

*Ҳеч кимса кўрмасин фарзанд доғини,  
Тўфон ўчирмасин дил чироғини,  
Бевақт жўштирмасин кўз булоғини,  
Илоҳим, фарзандинг ортингда қолсин.*

*Отанг ўлса ошин ошаб ўтади,  
Қанча бўлса ёшин яшаб ўтади,  
Пойингга пойандоз тўшаб ўтади,  
Илоҳим, фарзандинг ортингда қолсин.*

*Фарзандинг — асалинг, фарзандинг — қандинг,  
Ҳаётинг зийнати, тотинг, нўшҳандинг,  
Кўзларинг нуридир, азиз дилбандинг,  
Илоҳим, фарзандинг ортингда қолсин.*

*Фарзандинг умидинг, ишонган тоғинг,  
Ўзингдан қолгувчи сўлим гулбоғинг,  
Чироғинг ёқувчи роҳат-фароғинг,  
Илоҳим, фарзандинг ортингда қолсин.*

*Савобин бахш этар тиловат қилиб,  
Қабринг обод қилар зиёрат қилиб,  
Дўстларингни йўқлар зиёфат қилиб,  
Илоҳим, фарзандинг ортингда қолсин.*

## **ЗИҚНАЛИК ЁМОН ОДАТ**

**Эй, умримнинг давомчиси азиз фарзандларим!**

Зиқналик — инсон зотига ҳаргиз ярашмайдиган иллат. Бу иллатга дучор бўлганлар эл-юрт назаридан қоладилар, кулги бўладилар. Сизлар улардан ҳазар қилинг. Хасислик кўчасидан юрувчиларга ҳамроҳ бўлманг. Қўли очиқ, саховатли бўлинг. Яқин кишиларингиздан меҳру муҳаббатингизни аяманг!

Агар саҳоват кўрсатмоққа қўлингиз калталиқ қилса, ширин сўзу очиқ чеҳрангиз билан ғамнок кўнгилларни обод қилинг.

**Ривоят** қилишларича, мавлоно Жалолиддин Румий бир хасис, зиқна одам хусусинда шундай ҳикоя қилган эканлар.

Ўз замонасида зиқналиқда ном чиқарган бир давлатманд жомега жамоат билан намоз ўқигани борибди ва у ерда суннатини ўқиб бўлгач, уйдаги чироқ эсига тушиб қолибди. Агар уни ўчирмаган бўлсам, қанча ёғи беҳуда ёниб адо бўлдийкин, дебди-ю шошиб уйига жўнабди. Манзилга етгач, эшикни тақиллатибди. Хизматчиси:

— Ким у,?— деб сўраган экан у:

— Тўхта, эшикни очма! Хонамдаги чироқни ўчирмаганга ўхшайман. Агар шундай бўлса тез ўчириб чиқ! Тағин ёғи тугаб қолмасин, — дебди. Бу гапни эшитган хизматчи:

— Чироқни-ку тушундим, аммо эшикни нега очмаслигимнинг сабабини англаёлмадим, — депти.

Зиқна бой:

— Эшикнинг ошиқ-мошиғи едирилмаслиги учун уни очмагин, — деган экан, хизматчи:

— Қойил, афандим, шу чироқнинг ёғи ёниб исроф бўлмаслигини ўйлабсизу, лекин жомедан бу ерга келгунингизча пойабзалингизнинг ости қанча едирилишини ўйламабсиз-да, — дебди.

— Сен мени тентак деб ўйлаяпсанми? Мен масжиддан бу ерга ялангоёқ келдим, — дебди мақтаниб.

Ривоятни эшитиб кулган азиз фарзандларим, зинҳор-базинҳор зикналик касалига мубтало бўлмангларким, ундайлар эл аро юзлари қора, шаънларининг доғ босиб кетаётгани билан ишлари йўқ. Агар закот берсам, садақа қилсам, хайру саховат кўрсатсам фақир бўлиб қоламан деб кўрқиб, одамгарчилик фазилатларидан юз ўғирдилар ва инсоний қиёфаларидан жудо бўладилар.

Хасислик, зикналик ёмон одатдир,  
У бир фалокатдир, бир касофатдир.  
Зикнадан узоқ юр, сахийга ёндош,  
Хотамлик — толедир, хасислик — офат!

## **КЎРМАЙИН**

*Зикнаю бевурду беюз кўрмайин,  
Бўлса ҳам мен у билан юз кўрмайин.*

*Чўғ бўлиб ёнсин юраклар доимо,  
Одамизот қалбида муз кўрмайин.*

*Гар кишининг нияти бўлса қаро,  
Умри ўтсин нурли кундуз кўрмайин.*

*Ким сулув ёр қадрига гар етмаса,  
Бева ўтсин, қоши кундуз кўрмайин.*

*Ҳар умрнинг фасли бўлсин жойида,  
Ёз ўрнида совуқ куз кўрмайин.*

*Сўзида туз бўлса каснинг яхшидир,  
Манглайида лекигин туз кўрмайин.*



*Ёзганинг беъмани бўлса, эй Калон,  
Тезда жон бергай у юлдуз кўрмайин.*

## **КИБРУ ҲАВО — ЖАҲОЛАТ**

**Эй фарзандим!** Биз ота-онанг сенга доимо юксак мартабаю битмас-туганмас давлат сўраб дуо қилур-миз ва дуоларимиз албатта бир куни ижобат бўлишидан умидвормиз. Агар сен ёмонларга кўшилмасанг, юксак илм ва адолат соҳиби бўлсанг, иншооллоҳ, энг ёруғ кунларни кўрмоққа муяссар бўлурсан.

Комил, зукко инсон, адолат кишиси бўлсанг, эл сенга ишонч билдириб, юксак лавозимларга кўтаргай. Ўшанда бошинг осмонда бўлса ҳам оёғинг ердан узилмасин. Камтарлик, камсуқумликни тарк этма. Кибру ҳавога берилма.

**Ривоят.** Қадим замонда бир йиртиқ яктагу қирқ ямоқ чориқ кийган чўпон шаҳарга бориб қолибди. Буни қарангки, ўша куни шаҳар аҳли бахт қушини учириб, кимнинг елкасига қўнса, ўша одамни подшоҳ қилармиз, деб туришган экан. Бахт қуши учиб келиб ўша чориғи қирқ ямоқ чўпоннинг бошига қўнибди. Алқисса, чўпонни саройга келтириб, тахтга ўтқозишибди. Чўпонга шоҳона уст-бошлар, кийдиришибди. Шундай бўлса ҳам у хизматкорларига бир пайтлар кийиб юрган ўша қирқ ямоқли чориғини тахт жойлашган сарой остонасига келтириб қўйишларини буюрибди.

— Ҳар куни тонгда тахтга ўтираётганимда чориғим ким эканлигимни эсимга солиб турсинки, такаббурилик йўлига кирмай деган экан у.

Эй, ўғлониб, ҳеч қачон мансабингдан ҳаволанма. Билиб қўй:

Сойда ўсган қамиш гўддаяр,  
Олтин бошоқ турар эгиб бош.  
Лек қамишдан бўйра ясалар,  
Бошоқдан нон — мисоли қуёш.

Бўйрасифат босилмай десанг,  
Қамиш каби гўддайма асло.  
Бошоқ янглиғ камтарин эсанг,  
Қадринг баланд нондек доимо.

## ТЕКСА АМАЛ

*Яхши инсонга агар текса амал шон орттирар,  
Эл аро обрўю дўсту ҳам қадрдон орттирар.*

*Ўйламай кайфу сафони, қилмайин кибру ҳаво,  
Элга хизмат айламак-чун бир кулай он орттирар.*

*Бўлгай эрмиш тўрт фасл ҳам шоҳу султон йил аро,  
Шулки эзгу, навбаҳор минглаб гулистон орттирар.*

*Хуш фазилат бўлса ким мансабга мансуб иш қилиб,  
Бир умрга етгуси эл меҳридан кон орттирар.*

*Қолманг асло, эй ёронлар, уйқудек ғафлат босиб,  
Ёз ганимат деб бошоқ ҳам эл учун дон орттирар.*

*Эй Калоний, ёзса ким элнинг нафини ўйлабон,  
Ул ўзига, шубҳасиз қанча ғазалхон орттирар.*

## ЯХШИЛИККА ЙЎЙ

Машойихларнинг «Яхшилик яхши жаҳонда» деганлари ҳақ. Киши ҳар доим яхшилик қилмоғи шарт. Бирон-бир нохуш воқеани ҳам яхшиликка йўймоқ хосиятлидир. Илло, фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин, дейдилар.

**Ривоят.** Жуда қадим замонда, бир подшоҳ навбатдаги шикорга тараддуд кўра туриб қўлини кесиб олибди. Кейин ғоят дарғазаб бўлибди. Шунда унинг вазири:

— Эй шоҳим, энди бу қадар асабийлашмоқдан фойда

йўқ. Балки сизнинг муборак қўлингизнинг шикастланмоғи ҳам бирор-бир яхшилиқдан далолат берар, — дебди.

Вазирнинг бу гапи подшога ёқмабди. У баттар тутақиб:

— Эй вазир, сен менга кимсан ўзи? Агар дўст бўлсанг қўлимнинг шикастланмоғини ҳам яхшилик аломатидир, дермидинг, — дебди.

Подшоҳнинг бу қадар дарғазаб бўлишини кутмаган вазир таажжубга тушибди. Аммо шоҳ ғазаб ўтидан тушмабди.

— Вазирни, — деб фармон фармон берибди у, — зиндонга ташланглар!

Аммо вазир шоҳнинг асоссиз ғазабланиб, адолатсиз жазолаётганидан хафа бўлмабди. Аксинча подшоҳга қараб:

— Шоҳим, мени зиндонбанд қилмоғингиз ҳам бирор яхшиликка бўлса ажабмас. Унинг хосияти бўлса кейинроқ намоён бўлур, — дебди .

Ўз вазирини зиндонга ташлаган шоҳ кесиб олган қўлидаги жароҳатига малҳам қўйиб боғлабди-ю, овга қараб йўл олибди. Ов гашти уни ўзига ром этибди. Шоҳ қалин ўрмонлар аро бир кийикни кува-кува адашиб қолибди ва ортига қайтиш йўлини тополмай, овраи сарсон бўлибди. Ногоҳ қаршисида бир гала одам-хўрларга дуч келибди. Шоҳни тутиб банди этишган ёввойилар ўз “ов”ларини қабилалари бошлиғига элтишибди. Шунда қабила бошлиғи шоҳга синчиклаб, қараб дебди:

— Бу одам қурбонлигимиз учун ярамайди. Қўлида жароҳати бор экан. Қурбонлик учун бошқа соғлом одам тутиб келинглар.

Ёввойи одамлар шоҳни қўйиб юбориб, қурбонликлари учун бошқа соғлом, жароҳати йўқ одам қидириб кетишибди. Саройига омон-эсон етиб келган шоҳ вазирини зиндондан чиқариб келтиртириб ўз қилмишидан пушаймонлигини айтиб, узр сўрабди. Кейин вазирига:

— Ҳақ гапни айтган экансан. Ўшанда қўлимни кесиб олганим яхшиликка сабаб бўлди. Олган шу жароҳатим туфайли омон қолдим. Аммо сенинг шу сабаб-

ли зиндонда ётиб чиқишинг хосияти нимада экан, билмадим, – дебди ва бўлгаң воқеани бошдан оёқ гапириб берибди.Шунда вазир:

— Шохим, ахир, мени зиндонга ташлаш билан ўлимдан қутқариб қолибсиз-ку. Агар зиндонга ташламаганингизда сиз билан бирга ёнингизда бўлар эдим. Ёввойи одамлар, жароҳатингиз борлиги учун сизни озод этиб, қурбонликларига мени сўйишарди-ку, деб, “ҳар бир нарсани, у хоҳ хуш, хоҳ нохуш бўлсин, яхшиликка йўймоқ керак”, деган ақидасининг нақадар ҳаққоний эканлигидан шохни яна бир бор огоҳлантирибди. Мамнун бўлган шох вазирни тақдирлаб, унга зарбоф чопон кийдирибди.

**Кўрдингми ўғлим**, оламда ҳар қандай воқеа, ҳодиса содир бўлмасин, унинг ортида бирор бир хосият ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам халқимиз кишининг ўнгидаги воқеалар у ёқда турсин, ҳатто кўрган тушини ҳам ҳамиша яхшиликка йўяди. Сен ҳам, эй фарзандим, доимо шундай қил.

Ўнгингми, тушингми, ҳеч фарқи йўқдир,  
Ҳар бир ҳодисани яхшиликка йўй.  
Шундай қилсанг агар оч кўнглинг тўқдир,  
Бу хуш ақидани дилга жойлаб қўй.

## **ЯХШИЛИК**

*Бизга мерос, эй кўнгил, Одам Атодан яхшилиқ,  
Кўп қолибдир эл аро Момо Ҳаводан яхшилиқ.*

*Яхшилиқ қилмас экан инсонда маъно не қилур?  
Доимо қолгай экан ақли расодан яхшилиқ.*

*Яхшилиқ деб жонини жабборга бермиш яхшилар,  
Лек ёмон қилгай ёмонлик, қилмас асло яхшилиқ.*

*Яхшилиқ деб Мир Алишер бир умр бонг урдилар,  
Чикмади ҳеч ҳам ҳаёсиз, бевафодан яхшилиқ.*

*Қанча одам ўтди эсиз бенафу беном-нишон,  
Эл унутмас қолди деб, Сино бободан яхшилиқ.*

*Яхшилиқнинг бу жаҳонда тенги йўқ, монанди йўқ,  
Беқиёс равшан эрур нуру зиёдан яхшилиқ.*

*Эй Калоний, токи умринг бор экан ҳимматда бўл,  
Ҳеч қачон ўчмайди номинг қилсанг, илло, яхшилиқ.*

## **БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИГАН, ЎЗИ ТУШАДИ**

**Эй фарзандим!** Бахтли-саодатли, обрў-эътиборли, мол-мулкки кишиларга доим ҳавас билан боқ. Аммо зинҳор- базинҳор ҳасад назарини ташлама. Чунки ҳасад шундай дардки, у кишини ич-ичидан емириб, адо қилади. Хаёлида ҳасад олови аланга олган одам ўзгаларга ёмонлик қилишдан ҳам ўзини тия олмай қолади. Лекин кўпинча бу ёмонлиги айланаиб келиб ўзига қайтади. Ахир, боболаримиз “бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан”, деб бежиз айтмаганларда!

**Ривоят** қилишларича, қадим замонда бир бой бўлиб, унинг хонадонида тинчлик йўқ экан. Оила аъзолари бир-бири билан келишмас, тез-тез сан-манга боришар, оқибатда турли можаролар келиб чиқаверар экан. Аммо қўшниси гарчи камбағал бўлса ҳам тинч ва осойишта яшар экан. Уларга ҳамма ҳавас қилар, жанжалдан боши чиқмайдиган бой уларга ҳасад қиларкан. Бойнинг бу ҳасади бора-бора душманликка айланибди. У қўшнисининг тинчлигини бузишга аҳд қилибди. Нобакор бир куни қўшнисининг узоқроқ қишлоққа боришини эшитиб қолиб, бир коса ҳолвайтарга заҳар қўшибди. Кейин уни қўшнисига бериб дебди:

— Сафарга кетаётганингизни эшитдим ва кўшничилик ҳурмати учун ҳолвайтар пиширтирдим. Очиққан чоғингизда тановул қиларсиз.

Оққўнгил камбағал кўшнисининг бу қилмишини мурват деб тушунибди. Ярим йўлга етганда сув бўйида дам олиб ўтирган икки йигитга кўзи тушибди. Яқинроқ бориб қараса улар ҳолвайтар берган бойнинг ўғиллари экан. Йигитлар кўшниларини кўриб:

— Отахон, роса очиққанмиз, овқатингиз йўқми? — деб сўраб қолишибди.

Шунда камбағал уларга:

— Мана буни отангиз берувдилар, сизларга насиб қилган экан, — деб ҳолвайтарни уларга берибди.

Йигитлар уни ейишибдию бир зумда жон таслим қилишибди.

Кўрқиб кетган камбағал дарҳол ҳолвайтарнинг қолган қисмини олиб тўғри шаҳар қозисига учраб, бор гапни айтибди. Қози мурдаларни олдириб келиб, бойни ҳам чақиртирибди-да унга пишириғи ва мурдаларни кўрсатибди. Бой болалари устига ўзини ташлаб жон таслим қилибди.

**Алқисса, азиз фарзандим,** сен ҳеч қачон бировга ҳасад қилгувчи бўлма.

Биров бирор касга қазиса гар чоҳ,  
Қалбидан бу ишга тополса журъат.  
Оқибат чекадир чексиз нола, оҳ,  
Охир ўзи қулар шу чоҳга албат!

## **ДАРДИ БЕДАВО**

*Иссиқ жон-да, ҳар одам,  
Баъзан дардманд бўлади.  
Кўпга топилур малҳам,  
Баъзилар-чи ўлади!  
Минг афсус, бир кўшним ҳам,  
Дардга чалиниб қолди.*

Кўплар қидириб малҳам,  
Роса чарчади, толди.  
Ташҳиси эди аник,  
Ҳасад дебон аталур.  
Белгилари ҳам қизиқ,  
Кўзга яққол ташланур.  
Биров кўнгли тинч бўлса,  
У кетар кўп эзилиб.  
Кимнингдир уйи тўлса,  
Дарди кетар тизилиб.  
Бирор меҳмон кутсанг ҳам  
Дарди уни эзади.  
Ё заёмга ютсанг ҳам,  
Дарди қонда кезади.  
Бир кун дарди зўрайиб  
Қаттиқ “приступ” берди.  
Ўз-ўзича бўзариб  
Ногоҳ у шундай дерди:  
«Нега кўшним куйидан  
Хурсандчилик аримас,  
Ярим тунлар уйидан  
Ғамгин садолар чиқмас?!»  
Тунда кўшни девори  
Тагини чуқур ўйди.  
«Қулаб тушса бирови  
Қувонаман» деб қўйди.  
Аммо чоҳ битар чоғи,  
Девор бирдан йиқилди.  
Эзилиб ҳамма ёғи,  
Ўзи гўрга тиқилди...  
Иссиқ жон-да, ҳар одам  
Баъзан дардман бўлади.  
Кўпга топилур малҳам,  
Ҳасадчи-чи, ўлади!

# ҲАР КИМ ЎЗ ҚАРИЧИ БИЛАН ЎЛЧАЙДИ

**Эй фарзандим!** Бу оламда ҳамма инсонга бир хил баҳо бериб бўлмайди. «Мулла билганини ўқийди» деганларидек, бир ишни ҳар ким ўз ақл-идроки, қобиляти даражасида бажаради. Агар сен ўзгалар ишига баҳо бермоқчи бўлсанг, албатта шу нуқтаи назар билан ёндош. Акс ҳолда кўнглида заррача ғарази йўқ, пок ниятли одамнинг кўнглини ноўрин оғритиб қўйиб, гуноҳга ботишинг мумкин.

**Ривоят.** Бир подшоҳнинг лочини бўлиб, уни ниҳоятда яхши кўрар экан. Кунларнинг бирида унинг боғичвоғи ечилиб кетибди. Бўш қолган лочин учиб бир кампирнинг ҳовлисига қўнибди. Кампир унга дон сепибди. Гўштга ўрганган лочин донга қайрилиб ҳам карамабди. Илгари лочинни кўрмаган кампир:

— Бу қушнинг тумшуғи эгилиб, қайрилиб қолган экан. Бояқиш донни ердан териб ея олмаяпти. Агар тумшуғининг эгилган жойини кесиб тўғрилаб қўйсам, донларни ўзи тера олади, деб ўйлаб шундай қилибди. Кейин қушнинг тирноқларини кўриб:

— Шўрлик қуш, тирноқларинг жуда ўсиб кетибди-ку. Юришга ҳам қийналасан, деб, тирноқларини ҳам олиб қўйибди.

Шоҳ одамлари лочинни қидира-қидира кампирнинг уйдан топишибди. Қарашса, қушнинг тумшуғи қирқилган, тирноқлари таг-туғи билан олиб ташланган. Бу ҳолдан подшоҳ ғоят қайғуга тушибди. Шунда вазирлардан бири:

— Лочинни шу қўйга солган кампирнинг ҳам тирноқларини суғуриб олиш керак, — дебди.

Иккинчи вазир эса кампирни зиндонга ташлашни маслаҳат қилибди.

Учинчи вазир унга ўлим жазоси берилишини сўрабди. Подшоҳ вазирларидан кўра сермулоҳаза экан. У:



— Кампирга жазо бериш адолатдан эмас, — дебди. Унда гуноҳ йўқ. Лочин ўз қадрини билмади, эъзоз топиб турган жойидан қочиб, бошқа уйга кўнди. Кампир лочиннинг кадр-қимматини қаёқдан билсин. У лочинга ақли етганча ёрдам бермоқчи бўлган.

Бу ривоят ҳам сизларга сабоқ бўлмоғи лозим. Ҳар бир киши ўз кадр топиб турган жойини нонкўрлик қилиб, ташлаб кетса ўша кампирнинг уйига кўнган лочин ҳолига тушади.

Илоҳим яратган Эгам покиза ниятларингга яраша ақл-идрок ва заковат бахш этсин, болам.

Яхши ният ярим мол, дерлар,  
Бутун бўлсин десанг илм ол.  
Зукко бўлай дейдилар эрлар,  
Пок ниятли оқил бўлиб қол.

## ТАЪБ

*Дунёда ҳар кимнинг ўз таъби бордир,  
Бировга гул ёқар, бировга райҳон.  
Бировга кенг қаср беқиёс тордир,  
Бировга тор кулба кенг, мисли осмон.*

*Ҳар кимса ўз суйган ошини ичар,  
Бировга ёққан гул, ўзгага ёқмас.  
Ҳар ким қаричида ўлчаб тун бичар,  
Лайли Мажнунидан ўзгага боқмас.*

*Бас шундай, ҳаммага ёқайин қандок,  
Яхшига яхшиман, ёмонга ёмон.  
Яхшилар меҳридан яшнаймак ҳар чоқ,  
Ёмонлар қаҳридан кўнглимдир хуфтон.*

# ҲАРОМ МУЛК СУРИБ КЕТАДИ

**Азиз фарзандларим!** Сизлар менинг кўзларим нури, қувватимсиз. Шунинг учун Яратгандан фаровон яшашингиз, бахт-саодатли, обрў-эътиборли бўлишингизни кеча-кундуз сўрайман. Дуоларим Сизларга доимо ҳамроҳ бўлади, эзгу ҳаётга йўл очади. Ана шу йўлдан оғишмай юрсангиз, нафс йўриғига йўрғалаб, қинғир кўчаларга кириб кетмасангиз, ниятингизга етасиз. Илоҳим, бой-бадавлат бўлинг. Лекин ҳар қандай бойлик ҳам ҳалоллик билан топилса буюради. Фирромлик, алдоқчилик йўли билан топилган бойлик буюрмай, бошқа топган-тутганларингизни суриб кетади.

**Ривоят.** Қадим замонларда бир бойнинг жуда кўп мол-эчкилари бўлса-да, улардан чиққан сутларига сув кўшиб соттирар экан. Буни кўрган чўпони:

— Эй хожам, оқ сутга сув кўшиб сотманг, оқибати ёмон бўлади, — деркан.

Лекин хожаси унинг гапини писанд қилмай:

— Эй чўпон! Сен бир хизматкорсан! Бориб ишингни қил, менинг қилмишимга аралашма, — деб уни камситаркан.

Кунларнинг бирида чўпон сурувни ўтлоқда боқиб юрганда тоғдан кучли сел келиб, молларни оқизиб кетибди. Бечора чўпон бир дарахтга ёпишиб жон сақлаб қолибди. Кечқурун хожасининг ҳузурига сўппайиб кириб борибди. Уни кўрган хожаси:

— Эй чўпон! Қани сурув?— деб дағдаға қилибди. Шунда чўпон:

— Эй хожам, мен сизга сутга сув кўшманг, мўмин-мусулмонларнинг ҳақиға хиёнат қилманг. Бунинг оқибати ёмон бўлади, демабмидим. Кулоқ солмадингиз. Оқибатда сиз сутга кўшиб сотган сувлар сел бўлиб келиб, молларингизни оқизиб кетди!, — деган экан.

**Кўрдингизми, болаларим!** Бойнинг ҳаром йўл билан топган бойликлари ҳамма мулкани суриб кетибди. Орттирган давлати буюрмабди. Алқисса, ҳар бирингиз фақат ҳалол меҳнат билан пул топиб, бой бўлинг. Акс ҳолда мен сизларга қилмишларини баён этган

чорвадор бойнинг аччиқ қисмати бошингизга тушиб,  
бир кунда бор-йўғингиздан ажралиб, қашшоқ бўлиб  
қолишингиз ҳеч гапмас.

Ҳаром мулк юқмайди, суриб кетади,  
Рўзғоринг, боғ-роғинг қуриб кетади.  
Барақанг кетказиб, қутинг кетказиб,  
Касофати буткул уриб кетади.

## **БОЙ БЎЛ**

*Улфати бисёр экан ҳар доимо пулдорнинг,  
Дўсти ҳам ташлаб қочаркан камбағалнинг, зорнинг.*

*Бой бўлишни истасангиз изланинг, меҳнат қилинг,  
Ҳеч бири бўлмайди икки, телбаю бекорнинг.*

*Эрта ётманг, кеч туриб ғафлатда қолманг, жўралар,  
Ризқини Аллоҳ берармиш доимо бедорнинг.*

*Уддабурон, ишбилармон ҳамда тадбиркор бўлинг,  
Сўзига кирманг текинхўр, порахўр ағёрнинг.*

*Энг бурун бойликни келтиргувчининг қадрин билинг,  
Билсангиз, энг катта бойлик қуллари қулдорнинг.*

*Доимо иймонлию, инсофли, шафқатли бўлинг,  
Маскани даҳшатли дўзах пасткашу хунхорнинг.*

*Кексаю бечорага ҳимматда ибрат кўрсатинг,  
Кўнглини олса савобдир ҳар киши беморнинг.*

*Ориятлию ҳалол эрса буюрсин топгани,  
Елга учсин, соврилиб кетсин пули беорнинг.*

*Эй Калон, бойликка хирс қўйма ва лекин бой бўл,  
Дўсти ҳам ташлаб қочаркан камбағалнинг, зорнинг.*

# КЎЗ БАСИР БЎЛСА ҲАМ ҚАЛБ СЎҚИР БЎЛМАСИН

Инсон зотининг кўзи кўр бўлса айб эмас, бу хасталик. Одатда жисмоний хасталикларнинг устидан кулмайдилар. Мабодо тан хасталарнинг устидан кулувчилар топилиб қолса ҳам ундайлар беор кимсалардир. Аммо қалби кўрликдан Оллоҳ асрасин, болаларим. Қалби кўрлар ҳар қандай пастликка тайёр бўладилар. Улардан инсон зотигина эмас, Яратган ҳам безор.

**Ривоят.** Соппа-соғ одамнинг нигоҳи кўзи ожиз кимсага тушгач, мана шу кўр одамни бир синаб кўрай, деб, ўзини унга урибдию, кейин:

— Эй безори, инсофинг йўқ экан, нечун мен кўзи ожиз кимсани туртасан?, — дебди.

— Узр, биродар, мен ҳам кўзи ожизман, кўрмаганим туфайли сенга урилиб кетдим, — дебди.

Улар гапга тушибдилар.

— Мен, — дебди соғ одам. — Омадлиман. Яқинда ўнта олтин тангали бўлдим. Аммо кўзим ожизлиги сабаб уларнинг қай бири соф олтину қай бири сохта эканини ажратолмаяпман.

Бу гапни эшитган сўқирнинг нияти бузилибди. Суҳбатдошининг олтин тангаларини ўмаришга аҳд қилибди.

— Мен, — дебди, — кўзим кўрмаса ҳам уларнинг қай бири асл, қай бири қалбаки эканини ажрата оламан. Кўзим кўр бўлмасидан бурун заргар эдим. Тангани силаб, асилини ажрата оламан.

Соғ одам атайин тангаларни унга тутқазибди. Кўр тангаларни олиб турган жойидан секин нарироқ кетибди-да, писиб ўтираверибди. Кўзи соғ одам кўрнинг қилмишини кўрмаганликка олибди:

— Қаердасиз, оғайни, мен олтинларни осонликча топмаган эдим. Улардан айрилсам аҳволим ғоят танг бўлиб қолади. Ўзингиз гуноҳга ботасиз.

Кўр эшитмаганликка олиб ўтираверибди. Шунда соғ одам кўлига тош олиб:

— Эй Худойим, ўзинг одилсан. Агар бу оғайни нафс йўлига кириб, олтинларни олиб кўйишни ният қилган бўлса, тош оёғига тегсин, — дебди-да, уни отибди.

Тош кўрнинг оёғига тегса ҳам у сир бой бермай, жим ўтираверибди. Унинг бу муғомбирлигини кўрган соғ одам:

— Эй Оллоҳ, олтинларимни олган кимсанинг нияти чиндан эгри бўлса мана бу тош кўлига бориб тегсин, — деб тошни отибди.

Тош мўлжалга теккач, кўр чўчиб кетибди-ю, лекин фараз ниятидан қайтмабди. Соғ одам:

— Эй ноинсофларнинг жазосини бериб кўйишга қодир Эгам, шерикнинг нияти бузуқ бўлса мана шу тош нақ пешонасига тегсину, тил тортмай ўлсин, — деган экан, кўр жонҳолатда:

— Ҳой оғайни, мунча шошмасанг? Ахир, мен тангаларингни саралаяпман-ку, — деб бақирибди.

— Эй пасткаш, Оллоҳ сени бекорга басир қилиб кўймаган экан. Кўзингнинг кўрлиги қалбингнинг сўқирлиги туфайли, — деган экан соғлом одам ўшанда.

**Алқисса, болаларим,** Худойим етти мучалингизни саломат қилсин, қалбингиз ҳам жисмингиз каби бут ва соғлом бўлсин. Доимо ниятингиз пок бўлсин. Қалби сўқир одамларгина ҳеч кимса кўрмаса бўлди-да, деб гуноҳ ишлар этмоққа жазм қиладилар. Сизларни бунақалардан Парвардигорнинг ўзи асрасин.

Жисмоний басирлик гуноҳ эмасдир,  
Устидан кулмоқлик гуноҳи кабир.  
Қалб сўқирлиги ғоят абасдир,  
Унга тоқат йўқдир, унга йўқ сабр.

## **ҚАЙ БИРИ ЧЎЛОҚ?**

*Кузатиб турардим бир четда туриб,  
Бир чўлоқ кетарди кўчада юриб.*

*Йўлда ётган синиқ шишани кўриб,  
Четга олиб қўйди ҳасса-ла суриб.*

*Кузатиб турардим бир четда туриб,  
Бир соғлом кас ўтди ногаҳон шу чоқ.  
Бефарқ ўтди йўлдаги шишани кўриб,  
Эҳ, – дедим, аларнинг қай бири чўлоқ?*

## **СОВҒА — МЕҲР НИШОНАСИ**

**Болаларим!** Сизларга совға ҳақида бир **ривоят** сўзлаб бермоқчиман.

Араб саҳросида яшовчи бир қашшоқ чолнинг кампири шундай дебди:

— Эй чол, қачонгача шундай яшаймиз? Сен ҳам бундоқ шоҳга бирор совға олиб бор. Зора, у совғангдан мамнун бўлиб, эҳсон берса. Қорнимиз тўйиб овқат еб, ёлчиб кийинармидик...

— Нималар деб вайсаяпсан, кампир, шоҳга арзигулик бизда нима совғамиз бор?

— Анави кўзадаги сувни олиб бора қол. Ахир, уни биз бу саҳрода онда-сонда ёғиб ўтадиган ёмғирдан қийналиб йиққанимизни ўзинг биласан. Бу жазирама саҳрода сувдан азизу қимматбаҳо нима бор?

— Тўғри айтасан, кампир. Бизда шу кўзадаги сувдан қимматли нимамиз бор ахир? Шу сувни шоҳимизга совға қилиб олиб бораман!

Чол шундай дея кўзанинг оғзини тўкилмайдиган қилиб маҳкам беркитиб, саройга жўнапти. Йўл юрса ҳам мўл юриб, шоҳ саройи дарвозаси олдида етганда дарвозабон сўрабди:

— Эй чол! Кўзангда нима бору саройга нега кирмоқчисан?

— Кўзамда қимматбаҳо ёмғир суви бор. Мен уни олийҳиммат шоҳимизга совға қилиб келтирдим.

Чолнинг бу гапидан дарвозабоннинг ҳам жаҳли чиқибди, ҳам кулибди. Бу чол бир оз телба бўлса кера-

гов, деб ўйласа ҳам сарой ичкарисига хабар берибди. Шоҳ оқил экан, чолни ҳузурига киритишларини тайинлабди.

Чол шоҳга таъзим қилиб, салом бергач, дебди:

— Олампаноҳимга камина мазкур кўзада ниҳоят-да покиза ёмғир сувини келтирдим.

— Раҳмат, – дебди шоҳ чолнинг кўнглини чўктирмай.

Сўнг совғани қабул қилиб олибди-да хизматкорларига тайинлабди:

— Бу қарияни уч кун саройда олиб қолиб, меҳмон қилинглар.

Хизматкорлар шоҳнинг амрини бажо келтиришибди. Чолни уч кунгача шоҳона нозу–неъматлар билан сийлашибди. Кейин чол уйига, кампири ҳузурига қайтишга рухсат сўрабди. Шоҳ:

— Чолга зарбоф чопон кийдириб, сўнг сув келтирган кўзасини олтинга тўлғазиб беринглар-да, уни саройнинг бошқа дарвозасидан дарё орқали кемада уйига кузатиб қўйинглар, – дебди.

Чол саройнинг ортида дарё борлигини, унда зилол сув лиммо-лим бўлиб оқиб турганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлабди. Бу ерда сув шунчалар сероб бўлишига қарамай, шоҳ кўзадаги ёмғир сувининг эвазига шунча кўп инъом берганининг боисини тушунолмай лол қолибди.

Ҳолбуки, чол ва кампир учун жазирама саҳрода ёмғир суви чиндан бойлик, шоҳ учун эса қадрсиз эди. Лекин у совғага чолнинг назари билан қараб баҳо берди.

**Азизларим**, совғанинг катта-кичиги бўлмайди. У — меҳр нишонаси. Биров сизга совға ҳадя қилса, унга катта-кичиклигига қараб баҳо берманг. Халқимиз «топган гул, топмаган бир боғ пиёз келтирар», дейди.

Совғанинг бўлмайди катта-кичиги,  
У инсон меҳрининг нишонасидир.  
Совғасига қараб бермагин баҳо,  
Оддий гул совғанинг шоҳонасидир.

## НАСИҲАТ

*Қилинг иймонингиз бўлса саховат,  
Ёмон одамга хос иллат сафолат.*

*Киши қизғанчиғу нокас бўлурким,  
Агар онгини забт этса сафоҳат.*

*Чопиб келсин десангиз омадингиз,  
Этинг ҳиммат, кулур бахту саодат.*

*Хасис одам тубанлардан тубандир,  
Тубанликдан чиқар доим разолат.*

*Бахил каснинг дили торлик, зимистон,  
Сахийларга насиб этгай малоҳат.*

*Ўтар дунё, кўнгилларни қилинг кенг,  
Дили торга бўлур йўлдош жаҳолат.*

*Ҳалол ишлаб, ҳалол топган азиздир,  
Бировнинг ҳақиға қилманг хиёнат.*

*Фаровонлик насиб бўлгай сахийға,  
Калоний, сизга бергайман кафолат.*

## ФАРОСАТЛИ ОДАМ ДЎСТ ОРТТИРАР, ФАРОСАТСИЗ ДУШМАН

**Эй азиз дилбандим!** Инсон зотига фаҳм аталмиш буюк неъмат берилганки, уни иложи борича орттириб бормоқ жоиз. Фаҳмсиз одамлар телба, фаҳми озлар эса нодон ҳисобланур. Сен фаросати юксаклар қаторида бўл ва улар анжуманларида иштирок этиб,



мулоқотларидан баҳра ол. Шунда ҳодисалар моҳиятига фаҳми етадиган бўлурсан.

**Ривоят.** Илму ҳикматда беназир бир ҳоким ўзига ўхшаган фаҳм-фаросатли топилмагунча уйланмасликка аҳд қилибди. Муносиб қайлик қидириб дунё кезмоқни ихтиёр қилибди. Бир куни унга бир одам ҳамроҳ бўлибди. Ҳоким ҳамроҳига бир неча саволлар берибди. Аммо ҳамроҳи нодон экан, саволларга жавоб бера олмабди. Ўз шахрига етиб келгач, ҳокимни уйига таклиф қилибди.

Унинг бир доно қизи бор экан.

У отасидан:

— Бу меҳмон ким, — деб сўради.

— У билан йўлда бирга келдик, — дебди отаси, — пойма-пой саволлар беравери тоза таъбимни тирриқ қилди.

— У нима деди?— деб сўрабди қизи.

— Мен билан кўришиши биланоқ:

— Сен мени кўтарасанми ё мен сени кўтарайми? — деб сўради. Ўзим зўрға бораётган эдим, уни қандай кўтара олардим? Бир экинзорга етганимизда:

— Бунинг донини еб бўлишганми? — деб сўраб қолса бўладими? Ҳали ўриб-йиғиб улгурилмаган ғаллани еб тугатиб бўладими? Учинчи саволи бундан ҳам аҳмоқона бўлди. Қабристонга олиб кетишаётган бир тобутни кўриб:

— Тобутдаги киши тирикми ё ўликмикан? — деб сўради.

Унинг бунақа телба-тескари саволларини эшитиб, астаффуруллоҳ, деб ҳайратдан ёқа ушладим. Қип-қизил аҳмоқ ҳам бунақа беъмани саволларни бермайди. Жаҳлим чиққанидан:

— Қўй, менга бунақа аҳмоқона саволларингни берма. Улардан кўнглим озиб кетди, — деб уришиб бердим. Шундай қилиб, икковимиз «чурқ» этмай шунча йўлни босиб келдик.

Отасининг бу гапларини сукут сақлаб эшитган қиз:

— Отажон, ҳамроҳингизнинг кўнглини бекор ранжитибсиз. Саволлари бамаъни экан, — дебди.

— Наҳотки?

— Ҳа, шундоқ, ота. Ҳамроҳингизнинг биринчи саволида сизга «йўлнинг заҳматини енгиллатиш учун бирор нарса сўзлаб берасизми ё мен айтиб берайми?», деган маъно бор. Иккинчи саволида бу галлани экан одам бирор бир судхўрдан қарздор эмасмикан, галласини сотиб қарзини бериб, ўзи қуруқ қолмасмикан, деган маъно мужассам. Учинчи саволида эса тобутдаги кимса ўзидан фарзандми, шогирдми қолдирдимикан, ёхуд жоҳил ва фосиклигидан ўлиши биланоқ ҳамманинг эсидан чиқиб кетдими, демоқчи бўлган. Энди отажон, дарҳол уни зиёфат қилинг. Кейин саволларининг барисини шарҳлаб беринг.

Қизининг бу гапларини эшитган отаси меҳмон ҳузурига кириб:

— Йўлда мен паришонхотирлик қилиб, саволларингизга дурустроқ жавоб беролмадим. Энди хотиржам ўтириб, бир пиёла чой устида ҳаммасига бирма-бир батафсил жавоб беришим мумкин, — дебди.

Мезбоннинг жавобларини диққат билан эшитган ҳоким:

— Жавобларни сизга ким ўргатди?, — деб сўрабди.

Мезбон, ноилоҳ бўлган воқеани айтиб берибди.

Ҳоким мезбоннинг қизи фаҳм-фаросатда тенги йўқ эканини англабди ва излаган қайлиғини топганига хурсанд бўлиб, унга уйланибди.

**Эй фарзандим**, сен ҳам шу қиз каби доно бўл, фаҳму-фаросат оламида юксак мартабани эгалла.

Донолик калити фаҳму фаросат,  
Иккисин эгаллаб, айла эҳтиёт.

Шулар инсон учун олий фазилат,  
Худди шулар билан тотлидир ҳаёт.

## ЎЛМАЙСАН

*Ақл жоминг тўлиб-тошмас экан, билгил, қуюлмайсан,  
Ки кулгу бўлмайин элга десанг ҳеч вақт суюлмайсан.*

*Очар эшикни, қалдирғоч каби чин ошинолик қил,  
Илон бўлсанг бошинг янчар, қочиб ҳаргиз қутулмайсан.*

*Садоқатли, вафодору ҳалол, инсофли кас бўлсанг,  
Ёмон қарғиш олиб, дўстлар томонидан сўкилмайсан.*

*Очиқ юзли, табассумли, ширин сўзли бўлиб ўссанг,  
Очилгайсан, вале кўр кўзидек ҳеч вақт юмилмайсан.*

*Мудом иззатли бўлсанг, сақласанг ҳурматни жойида,  
Уйингдан ҳеч ёввойи мов мушук янглиғ қувилмайсан.*

*Киши буғдой экиб арпа ва ёким макка ўргайму,  
Бировни этмасанг хор, ҳеч ўзинг ҳам хор бўлмайсан.*

*Ахир, ҳар бир қадамни ўйлабон босган ютар доим,  
Саховатли эсанг олам аро ғофил туюлмайсан.*

*Диёру юртга хизмат қил, умр ўтгувси бир елдек,  
Элинг рози эса сендан, Калоний, асло ўлмайсан.*

## САДОҚАТ ВА ХИЁНАТ

**Болаларим!** Итнинг вафодорлиги ҳақида кўп эшитгансизлар.

**Ривоят.** Бир одам кўчада кетаётиб оёғи синиб юролма қолган, оч-наҳор дайди кучукни кўриб қолибди унга раҳми келиб, уйига келтирибди. Унинг синган оёғига малҳам қўйиб боғлаб тузатибди. Аммо шундан кейин ҳам ҳайдаб юбормай, овқат бериб боқиб юраверибди. Йиллар ўтиб, бояги одам жон таслим қилганида кўни-қўшнилари уни охириги манзилига элтибдилар.

Орадан бир неча кун ўтгач, қўшнилари кимдир

мархумнинг кучукчасини эслаб қолибди-ю, бироқ топа олмабди. Бирор ҳафталар ўтгандан сўнг, мархум руҳига фотиҳа ўқигани борган яқин қариндоши итнинг эгаси қабри ёнида ўлиб ётганини кўриб қолибди ва кучукнинг яхшилик қилган одамга нисбатан садоқатини кўриб тан берибди.

Бироқ бир умр садоқат қилиб руҳи жисмини бахш этган танмахрамига хиёнат қилган эрлару хотинлар қанча. Наҳотки улар шу итчалик садоқат кўрсатолмаса? Наҳотки одамзотнинг қалби ит юрагидан ҳам тош бўлса? Тағин ҳам бундай тошбағир, бераҳмларни ер ютиб юбормайди.

**Азиз фарзандларим**, садоқат — муқаддас туйғу. Унинг замирида олам-олам машаққат, азоб-уқубатлар ётибди. Уларни зиммасига олиб, роҳат-фароғатдан кечган кишиларгина садоқат кўрсата оладилар. Демак, садоқатни улуғламоқ, унинг эгасига бош эгиб таъзимда бўлмоқ, садоқатига яраша садоқат кўрсатмоқ ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Илоҳим сизларнинг беғубор қалбингизни Аллоҳнинг ўзи садоқат зиёлари билан безасин, хиёнат кўчасига кириб қолмоқдан асрасин.

Садоқат имоннинг оқил фарзанди,  
Унга вафо айла, этма хиёнат.  
Имондан айрилма, дилим нўшҳанди,  
Садоқат — муқаддас, хиёнат — офат.

## **БЕВАФО ЁР, ХУДБИН ЎРТОҚ**

*Бевафо ёр, худбин ўртоқ бир умр жон офати,  
Иккисидан ажрамоқ, бил, бу кўнгилнинг роҳати.*

*Дўст мунофиқ бўлса, ундан яхшидир ноошино,  
Ёр вафосиз бўлса, йўқдир ҳеч яшашнинг ҳожати.*

*Бесадоқат ёру дўстнинг ҳажри создир васлидан,  
Ки чаён бирлан илоннинг оғу солмоқ одати.*

*Мисли тулки, бўридиким, бевафо ёр, ошино,  
Панд берур ул келса доим вақти бирла соати.*

*Эй Калоний, кимнинг бўлса дўсту ёри бевафо,  
Бахти кулмас ҳеч қачон, чексиз ёмондир ҳолати.*

## **ЁВ — ЁВДИР, УНГА ИШОНМА**

Бу фоний дунёда душман зотига ишонмоқ нодонликдир. Нечунким ёв ёвлигини қилади. У муғомбир ва маккор бўлади. Рақибини ҳалол, мардона курашда енголмаслигига ақли етса ҳийла-найранг билан қасд олишни кўзлайди. Шундоқ экан, ундан ҳар қандай тубанликни кутиш ва хушёрликни қўлдан чиқармаслик лозим. Пасткаш душмандан мардоналикни талаб қилмоқ, ярим тунда осмондан қуёш қидирмоқ билан баробар.

**Ривоят.** Бир мушук сичқонларга шундай хат ёзибди: — Эй сичқонлар, мен ёшимни яшаб, ошимни ошадим. Қарилик ёқамдан тутди. Рихлат олдидан сизларга бир зиёфат бериб, розилик сўраш ниятим бор.

Сичқонлар мушукнинг бу мактубини олгач, унга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай донишмандларига юзланибдилар. Донишманд дебди:

— Душманнинг тавбасига зинҳор ишонманг. Ўлиб кўмиб қўйилгандан кейин ҳам гўридан бир мўйлови чиқиб турганини кўрсангиз унга яқинлашманг.

Сичқонлар донишманднинг ўгитларига риоя қилибдилар. Аммо уч-тўртта ёшлари бунга риоя қилмай, мушукнинг ўлими олдидан қилган илтижосини қондирмоқчи бўлишибди-да:

— Дунёда ҳали ҳеч бир мушук ўзининг ваҳшиёна қилмишларидан тавба қилмаган эди. Сиз нечук инсофга келиб рози-ризолик сўрамоқни ихтиёр этдингиз, — деб сўрашса, дўмбоққина, боз устига, ёш сичқончаларни кўрган мушукнинг нафси ҳакалак отиб, ўз тавбасини ўша заҳотиёқ унутиб, нияти бузилибди:

— Қани, айтингларчи, бу дунёда сенлар инсофсизми ё биз мушуклар?— дебди мушук, — қопнинг оғзи очиқ бўла туриб, нима учун унинг остидан тешасанлар? Мен шу саволга жавоб топмоқ учун сенларни чақиртирган эдим.

Шундай қилиб, донишманд ўғитига амал қилмаган сичқонлар мушукка ем бўлибдилар.

**Азиз фарзандларим**, ёвнинг дўстлик қўлини чўзишига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинг. Унинг алдовию макрига ишониб, чув тушманг. Илоҳим, сизни ёв қаҳрию макридан меҳрибон Эгам асрасин.

Ёв ёвлигин қилади ҳар дам,  
Сўзларига ишонма унинг.  
Унда бисёр макру ҳийла ҳам,  
Алданиб, сўнг битмасин кунинг.

## **ДУШМАН ҚИЛМАСИН**

*Одам аҳли дўстни душман қилмасин,  
Душманин дўст бўлмоғин ман қилмасин.*

*Ошинолик дилда бўлсин доимо,  
Дўстга содиқликни тилдан қилмасин.*

*Бир тану бир жон бўлиб кетсин, бироқ  
Ўзга жону ўзга бир тан қилмасин.*

*Бир-бирига меҳри бўлсин беқиёс,  
Қаҳрини аммоки улкан қилмасин.*

*Кемасин дўстликни маҳкам айласин,  
Унга қоғозданми елкан қилмасин.*

*Ошинолик қасри мустаҳкам бўлур,  
Ҳийла-ла бу уйни қумдан қилмасин.*

*Дўстни тарк этмоқ осон, топмоқ қийин,  
Бошини бу жабҳа хумдан қилмасин.*

*Эй Калоний, дўсти содиқман дебон  
Ҳар ёмонликни тўсатдан қилмасин.*

## **ФАМИГА ШЕРИК БЎЛ, ШОДЛИГИНГНИ БАҲАМ КЎР**

**Фарзандларим,** ўзгаларнинг қалби ғамнок бўлса, унинг кўнглини кўтаринг, ташвишларига шерик бўлинг. Бировнинг бахтсизлигидан қувонмоқ — имонсизлик. Ўз ғамингизни эса атрофингиздаги одамларга сездирмасликка, уларнинг шодон дилларига изтиробларингиз елларини елдирмасликка эришинг. Шундай қилсангиз инсоний бурчингизни бажарган бўласиз.

**Ривоят.** Қишлоқдан келган бир йигит хўжайинининг ишхонасига кирибди-да, кулиб туриб сўрабди:

— Менга бирор ҳафтага уйимга бориб келгани рухсат берсангиз.

— Нега, нима учун ишни ташлаб қишлоққа бориб келмоқчисан?

— Отам вафот этибдилар.

— Илоҳим жойлари жаннатда бўлсину, отанг ўлган бўлса нега куляпсан? Бу қанақаси?

— Отамнинг ўлими бу менинг дардим, ғам-ташвишим. Шундай бўлгач, унга сизни шерик қилишни истамадим. Кечирасиз, хўжайин.

Бу ривоятни айтатуриб бир воқеа эсимга тушиб кетди. Тошкент Давлат университетида ўқир эдим. Ётоқхонамга яқин қариндошим Сайдуллахон Котибов тез-тез келиб турар, улар милиция мактабида ўқирдилар. Кунларнинг бирида Сайдуллахон ака оталари вафот этганида бевосита раҳбарлари ҳузурига кирибдилар.

— Устоз, ҳузурингизга уч-тўрт кунга ўқишдан жавоб беришингизни сўраб келдим. Ҳозиргина телеграмма олдим. Отам бандалик қилибдилар...

— Хўш, ўқишни ташлаб боришинг шартми? Борганинг билан отанг тирилиб қолармиди...

— Ахир, отамни кўмишга бормайманми?

— Нима, отангни кўмадиган бошқа одам йўқми?

Сайдуллахон ака даст ўрнидан туриб, ундан катта-роқ раҳбар ҳузурига кириб борибдилар-да мусибатни айтиб, ўқишдан рухсат сўрабдилар. Раҳбар улардан кўнгил сўраб, тасалли берибди. Кейин:

— Бемалол бориб келаверинг. Агар бирор ёрдамимиз керак бўлса телефон орқали йўқланг.

Бу воқеани шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ўқув масканидаги икки раҳбар — икки олам. Бири ўзгалар дардини ҳис этмас, тошюрак, иккинчиси ўзгалар дардига шерик бўлгувчи асл инсон. Уларнинг биридан нафратлансанг, иккинчисига меҳринг тошади.

Умр деганлари бамисоли оқар сув, бир зумда оқади кетади. Лекин шу қисқа даврда инсон бошига гоҳ қайғу тушади, гоҳ хурсандчилик келади. Бундай пайтларда одам боласини ёлғизлатиб қўймоқ ноинсофлик. Инсонийлик шуки, киши бошига мусибат тушган кимсанинг кўнглини кўтариб, унга далда бўлади, кўмак кўлини чўзади, шодлигини эса ўзгалар билан бирга баҳам кўрмоққа шошади. Илоҳим, бошингизга қайғу тушмасин, доимо шод-хандон бўлиб юришни Аллоҳ насиб этсин, болаларим.

Ўзгалар ғамига шерик бўл, аммо  
Ўзингнинг ғамингни ичинга ютгин.  
Қанча умр кўргунг, бу бир муаммо,  
Эзгулик қўлидан мустаҳкам тутгил.

## **БЕКАДР**

*Ўз қадрин билмаган ҳар лоқайд одам,  
Ўзганинг қадрин ҳам, бу аниқ, билмас.  
Қадрсиздир унга ранго-ранг олам,  
Хаттоки вақтни ҳам у қадр қилмас.*



Унинг-чун қадрсиз тонгдаги шабнам,  
Муаттар бўйларга у эътиборсиз.  
Унинг-чун қадрсиз қишми, куз, кўклам,  
Инсонни хазонча билмас у орсиз.

Қадрсиз дўстлигу вафо, садоқат,  
Бу ҳақда у ҳаргиз ўтирмас ўйлаб.  
Нима деб суръату, нима деб журъат,  
Фурсатинг ўтказма беҳуда сўйлаб.

У ҳатто қуёшга қарайди лоқайд,  
Ой билан иши йўқ, юлдузга ҳиссиз.  
Номарддир, бўлмайдир ҳеч қачон у мард,  
Дунёдан ўтгуси номсизу изсиз.

Унга қадрсиздир, берсанг сийму зар,  
Қадрсиз фалак ҳам гарчи абрсиз.  
Қадрсиз қут ёғса осмондан агар,  
Боқийда жаннат ҳам унга қадрсиз.

## ХУНАР — ЗАР

**Болаларим,** ёшлиқдан хунар ўрганишга мойил бўлинг. Қимматли вақтингизни зое кетказманг. Йўқса кейин пушаймон қиласиз. Халқимиз «Хунар- хунардан унар», деб бежиз айтмаган. «Йигит кишига етти хунар оз», «Қиз боланинг ҳусни хунаридан билинади», – деган мақоллар минг-минг синовлардан ўтган ҳикматлардир.

**Ривоят.** Қадим замонда бир ака-ука яшаган экан. Улардан бири савдогарчилик билан пул топишни, иккинчиси хунар ўрганишни орзу қилибди. Вақт-соати келиб иккиси балоғат ёшига етишгач ўзаро маслаҳатлашишибди.

— Ука, — дебди акаси, — орзуларимизга етишиш учун ҳаракат қилайлик. Илло, умр ўтиб боряпти.

— Тўғри, — дебди укаси акасининг гапини маъқуллаб.

— Бизни йўлимизда бахт-саодат кутиб турибди. Бориб уни топиб келайлик.

Ота-оналари топган бойликларини тенг иккига бўлиб беришгач, ака-уканинг, бири мағрибга, иккинчиси машриққа йўл олибди.

Тижоратни орзу қилган ака йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб юрт кезибди. Ота-онаси берган пулларга бир жойдан мол олиб, иккинчи жойда сотаверибди. Қараса, ишлари юришяпти. Кўрган фойдасидан завқланиб, тижорат ишини қизитиб юравериб вақт ўтганини билмай қолибди. Қараса, уйдан чиққанига ўн йил бўлибди. Йиққан бойликларини ҳисоб-китоб қилса жуда кўпмиш. Ҳаммасини туяларга ортиб, катта карвон қилиб уйига жўнабди. Бироқ, минг афсуски, йўлда қароқчиларга дуч келиб, ҳамма бойлигидан айрилибди. Ўзи ўлмади қолганига шукур қилиб қочиб қолибди. Хуллас, шип-шийдам бўлиб, уйига аранг етиб келибди. Қараса, ота-онаси ҳам оламдан ўтиб кетибди. Не қиларини билмай, очликдан силласи қуриб ўтирса, укаси кириб келибди. У дурадгорлик, ганчкорлик, мусаввирлик ҳунарларини мукамал ўрганган экан. Кўп ўтмай унинг доврўғи бутун мамлакатга ёйилибди.

Кунларнинг бирида бу доврўғи кетган ҳунармандни подшоҳ чақиртириб ажойиб кошона қуриб беришини сўрабди. Ҳунарманд уни шундай қойилмақом қилиб қурибдики, бундан боши осмонга етган подшоҳ унга бўйи баробар олтин инъом қилибди.

**Ана шунақа, болаларим.** Пул — қўлнинг кири, ҳунарнинг эса турган-битгани зар, деб шунга айтадилар. Сизлар ҳам топган бойликларингизга (илоҳим Худо берсин) маҳлиё бўлиб юравермай, ёшлигингиздан касб-ҳунарли бўлишга ҳаракат қилинг. Шундай қилсангиз ҳеч қачон юқорида мен сизларга айтиб берган ривоятдаги акага ўхшаб хор бўлмайсиз.

Хунар — бу туганмас зарга ўхшайди,  
Хунарсиз мисоли харга ўхшайди.  
Ўқи, хунар ўрган десанг эшитмас  
Кимсанинг қулоғи карга ўхшайди.

## **МАЗАСИ ЙЎҚ ҚИЛГАН ИШИНИНГ**

*Йигит кишига етмиш хунар оз,  
Хунар кўрқдир инсон зотига.  
Хунарлининг иши доим соз,  
Қут киритар бор бисотига.*

*Хунар билан олам фусункор,  
Хунарни зар дерлар, ёронлар.  
Бир хунарда минг мўъжиза бор,  
Хар хунарга шарафлар, шонлар!*

*Хунар олур эси бут инсон,  
Ризқ манбаи у ҳар кишининг.  
Хунари йўқ одамни, ишон,  
Мазаси йўқ қилган ишининг.*

## **БУГУНГИ ЖАҲЛНИ ЭРТАГА ҚҲЙ!**

**Азизларим!** Жаҳл — ақл душмани. Жаҳл келганида ақл кетар, деб бежиз айтмайди халқимиз. Ақл бор жойдан эса жаҳл чекинади. Шундай экан, сиз доимо ақлга ёр бўлинг, жаҳлдан қочинг. Шунда ҳаётингиз осойишта кечади. Аксинча жаҳл отига минсангиз, беихтиёр хато ва гуноҳ ишларни қилиб қўясиз. Жаҳлдан тушганингиздан кейин эса қилмишингизга пушаймон бўласиз. Лекин, афсуски, унда кеч бўлади. Жаҳл устида қилиб қўйган хатонгизни тузатиб бўлмайди. Шунинг учун жаҳлингиз чикса уни босишга ҳаракат қилинг, жаҳл устида қиладиган ишларингиздан тийилинг. Ҳоврингиздан тушиб, ўзингизни босиб олгач, аминманки, ўша ишни

кейинга қолдирганингиздан хурсанд бўласиз. Шу ўринда жаҳл устида ўзининг яккаю ягона ўғлини ўлдирмоқчи бўлган савдогар ҳақидаги ривоят ҳаммангиз учун фойдали деб биламан.

**Ривоят.** Бир киши ҳомиладор хотинини ота-онасига қолдириб, узоқ мамлакатга савдогарчиликка кетибди. У ерда иши юришиб кетибди. Тўплаётган бойлигига қизиқиб, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга йўл олибди. Кейин яна бошқасига. Бойлик топишга маҳлиё бўлиб орадан йигирма йил ўтиб кетганини билмай қолибди.

Топган мол-мулки бир умр ишламай еб ётса ҳам етиб ортадиган бўлгачгина уйига қайтишга қарор қилибди.

Бойликларини каттакон карвонга ортиб келаётганида йўл ёқасидаги бозорга кириб қолибди. Қараса бир киши тумонат одамни йиғиб олиб:

— Эй одамлар! Ким менга юз тилла берса бир ҳикмат айтаман, — деяётганмиш. Одамлар эса унинг устидан кулиб:

— Эй нодон, юз тилла топган одам ақл ҳам топади. Ким сенга бир ҳикматинг учун юз тилла беради? — дермиш.

Ҳаддан зиёд бойликка эга бўлган савдогарга бу ҳолат қизиқ туюлибди. «Кел, — дебди ўзига-ўзи, — юз тилла билан бойлигим камайиб қолармиди. Шундай бўлгач, бу одамга юз тиллани бериб кўрай-чи, қани, у қандай ҳикмат айтаркан?»

Савдогар у одамга юз тиллани бериб:

— Қани, айт, ўша ҳикматингни, — дебди.

У одам:

— Бугунги жаҳлни эртага қўй, — депти.

— Шу холосми ҳикматинг? — сўрабди савдогар.

— Ҳа, шу.

«Бугунги жаҳлни эртага қўй», деган гапни юз тиллага сотиб олган савдогар лом-мим демай, дарди ичида кетибди.

У йўл юрибди, йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Ниҳоят қоқ ярим тунда уйига етиб келибди. Қараса, кўча дарвозаси ичкарисидан қулфланган экан. Ўйлаб-ўйлаб хотинини безовта қилмай девордан ошиб тушишга қарор қилибди. Ҳовлига кириб уй деразасидан қараса ўриндиқда бир йигит донг қоғиб ухлаб ётибди.

Савдогарнинг жони ҳиқилдоғига келибди. Кўзига дунё қоронғи бўлиб кетибди.

— Мен шу хотинимни деб ёт ўлкаларда сарсон-саргардон бўлиб, пул топиб келсаму у бу ерда бегона эркак билан ... - деб тутақиб, жаҳл отига минибди. Ёнидан шартта ханжарини суғуриб, бегона эркакнинг тепасига келибди. Кўксини нишонга олиб ханжарини санчаман, деб турганида йўлда юз тиллага сотиб олган ҳикмати эсига тушибди-да, жаҳл отидан тушиб, ўзга хонада ётган хотинини уйғотибди:

— Бу ётган эркак ким? — деб сўрабди жаҳлини аранг босиб.

— Вой, дадаси, яхши, соғ-саломат келдингизми? Бу ўғлингиз-ку! Сиз сафарга кетаётганингизда бошқоронғи эдим-ку. Ўша-да. Кўрдингизми, каттакон йигит бўлиб қолди. Худди ўзингизга ўхшайди-я, қаранг.

Аёл шоша-пиша ўғлини уйғотибди. Ота-бола кучоқлашиб кўришишибди. Қувончларидан ҳаммалари ўзларини тутолмай йиғлаб юборишибди.

Савдогар жаҳл устида ўз ўғлини ўлдириб қўймаганига шукроналар айтиб ҳикматгўй кишига берган юз тилласига минг бор рози бўлиб, уни дуо қилибди.

**Кўрдингизми, болаларим!** Жаҳл — ақл душмани, деб шунга айтадилар-да. Жаҳл отига минманг, доимо ўзингизни қўлга олинг. Оғир-босиқ бўлинг, кейин пушаймон бўлмайсиз. Кейинги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар!

Жаҳлнинг отига минмас яхши кас,  
Гар минса у жарга улоқтиради.

Фақат калтабинлар, нодонлар, абас  
Жаҳлнинг сўзига билмай киради.

## **ЎЗ БОШИГА ЎЗИ ЕТАДИ**

*Жаҳл келса — ақл кетади,  
Ақлсизда ғолиб — жаҳолат.  
Ўз бошига ўзи етади,  
Жаҳлга қул бўлган касофат.*

*Етти ўлчаб бир кескин дерлар,  
Аввал ўйлаб, кейин сўзлагин.  
Жаҳлдорлар қандмас, панд ерлар,  
Эзгуликни доим кўзлагин.*

*Қизиққону баджаҳл одам,  
Қилмишидан қилур пушаймон.  
Сабр тоғи олтиндур ҳар дам,  
Армон қилмас сабрли инсон.*

## **ҲАРАКАТДА БАРАКАТ**

Азизларим, ҳаракат қилган баракат топади. Зеро, Парвардигоримиз ҳам биз бандаларига қарата «сендан ҳаракат, мендан баракат» деган. Демак, орзу-истакларинг, мақсаду муродларингга етиш учун доимо ҳаракат қилишинг, курашишинг лозим бўлади. Ҳамма нарса тақдири азалдан, Аллоҳнинг ўзи нима хоҳласа шу бўлади деб қўл қовуштириб, осмонга қараб ўтиравериш билан муддао ҳосил бўлмайди.

Ахир, Баҳовуддин Нақшбанд бобомиз «дилигда Аллоҳу, қўлинг меҳнатда бўлсин», деб жуда топиб айтган. Тиришқоқ, ҳаракатчан ва изланувчан бўлинг. Муддаога етиш учун биринчи имконият бўлиши билан уни қўлдан чиқармай фойдаланинг. Акс ҳолда сув тошқини пайтида бир эмас, уч имкониятдан фойдаланмай, ҳалок бўлган чолга ўхшаб, кейин армонда қоласиз.

Эшитинг:

**Ривоят.** Бир қишлоққа сел келибди. Одамлар қўлга илинадиган бойликларини олиб, сув етмас жойга кўчишибди. Чол эса «ҳамма нарса Худодан, у хоҳласа қутқаради, хоҳласа ўлдиради. Мен Аллоҳга ишонаман», деб уй томига чиқиб ўтираверибди. Сел суви тошиб том баробари бўлибди. Узоқдан аҳволни кузатиб турган одамлар қайиқда етиб келиб, чолни олиб кетмоқчи бўлишибди. Аммо чол бояги гапини такрорлабди: «ҳамма нарса Худодан, у хоҳласа қутқаради, хоҳласа ўлдиради, мен Аллоҳга ишонаман!»

Чолни қутқаргани келган қайиқдаги одамлар ноилж ортларига қайтишибди. Сув эса янада кўтарилиб, чолнинг бўйни баробар бўлибди. Одамларнинг эса чолга тагин раҳмлари келибди. Бу гал вертолётда учиб келиб, чолга нарвон туширишибди.

— Қани, отахон, тезда нарвондан вертолётга чиқинг. Акс ҳолда сув остида қолиб нобуд бўласиз!

— Йўқ, чикмайман, — дебди чол. — Ҳамма нарса Худодан, у хоҳласа қутқаради, хоҳласа ўлдиради. Мен Аллоҳга ишонаман!

На илож! Вертолёт ҳам ортга қайтибди. Чол эса сув остида қолиб, ҳалок бўлибди.

У дунёда чол Аллоҳга:

— Эй Парвардигор! Мен сенга ишонар эдим. Лекин сен мени қутқармадинг. Оқибатда ҳалок бўлдим. Бу қанақаси бўлди? — дебди.

Шунда Аллоҳ:

— Мен сенга сув балосидан қутулишинг учун уч бор имкон бердим. Лекин сен ўзинг ундан фойдаланиб, омон қолишни хоҳламадинг, — дебди.

— Ие, менга сенинг томонингдан ҳеч қанақа имконият берилмади-ку. Мен уни сезмадим-ку.

— Биринчи бор сел бошланиш пайтида қочиб қутулиб қолиш учун ҳаммага баробар имкон бердим. Бошқалар ундан фойдаланди. Бироқ сен фойдаланмадинг. Иккинчи бор ҳамқишлоқларинг орқали сенга қайиқ жўнатдим. Бундан ҳам фойдаланмадинг. Учунчи бор

сүв нақ бӯғзингга чиққанида вертолёт юбордим. Бу сенинг сүв балосидан қутулиб қолишинг учун сўнги имконият эди. Минг афсуски, сен ундан ҳам фойдаланмадинг. Бундан ортиқ сенга яна қандай имконият яратиб беришим керак эди. Айт?

Чол Аллоҳнинг бу гапидан лол қолибди. Ўзининг ҳаракатсизлигидан, жонини асраб қолиши учун берилган имкониятлардан фойдаланмаганидан пушаймон ебди.

Ҳаракатда эрур баракат қат-қат,  
Ҳаракат қилмасанг қайда баракат?  
Бу фоний дунёда ҳаракат — нажот,  
Ҳаракатсиз ўтар қабрда фурсат.

## **ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР**

*Интилганга толе ёр бўлур,  
Осмондан бахт ёғилиб тушмас.  
Меҳнат қилсанг ҳамёнинг тўлур,  
Ўз ризқини ўзи топар кас.*

*Бас, ҳаётга келдингми, излан,  
Омадингни қидириб топгин.  
Дангасалик — ўзингга душман,  
Тинч ўтирма, югургин, чопгин.*

*Орзуларинг чиқар рўёбга,  
Омилкор бўл, бўлгин тадбиркор.  
Кучоқ очиб олқиш, савобга,  
Яшайвергин шоду бахтиёр.*

## **МУҲАББАТ ДАРДИНИНГ ДАВОСИ — ВИСОЛ**

**Эй фарзандим!** Муҳаббат шундай бир дардки, у худди дўзах оловидек бутун вужудингни куйдиради,



ёндиради. Шоирлар муҳаббат ўтидан жисмим кабоб бўлди, деб бежиз айтмайдилар. Боборахим Машраб эса ғазалларининг бирида ишқ дардига тавсиф бериб, бу дардни бедаво дейди.

Чиндан ҳам ишқ дардига ҳеч бир табиб даво топа олмаган ва бундан кейин ҳам топа олмайди. Унинг биргина давоси висолдир. Ошиқ ёки маъшук то севганининг васлига етмагунча уни ишқнинг дарди ўртайверади, ўртайверади. Охири адои тамом қилади. Севганининг васлига етолмай умри хазон бўлган ошиқ-маъшуклар сонини санаб, адоғига етиш қийин. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зухра, Вомиқ ва Узро... Эҳ-ҳе уларнинг қай бирига таъриф ва тавсиф берай?

**Ривоят.** Қадим замонда бир подшоҳ овда юрганида каттагина карвонга дуч келибди. Карвонбоши гўзалликда тенги йўқ бир канизакни олиб кетаётган экан. Шоҳ уни кўрибдию ошиғу беқарор бўлиб, ақлу ҳушидан айрилибди ва унинг васлига етиш ниятида сотиб олибди. Аммо қул каби ундан-бунга сотилиб юрган канизакни саройига олиб келиб, ҳурматини жойига қўйса ҳам унинг чехраси очилмабди. Аксинча кундан кунга ранги сўлиб, аҳволи оғирлашаверибди. Маъшукасининг дарди нимадалигини билмаган шоҳ табиб излаб беҳуда овора бўлибди. Етти иқлимдан келган юзлаб табиблардан бирортаси ҳам канизакнинг дардига ташҳис қўёлмабди. Ташвишга тушган шоҳ масжидга бориб, «Эй қодир Ҳақ, севгилимнинг дардига ўзинг шифо бер» деб илтижо қилибди. Шоҳ ўша кечаси туш кўрса, тонгда канизакни даволовчи табиб келиши аён бўлибди. Шоҳ унга севгилисининг дарди ҳақидаги бор гапни унга айтиб, дардига шифо топмоқликни, аксинча у бу ҳижрон дастидан адои тамом бўлишини уқтирибди.

Табиб канизакни кўриб унинг жисмида дард йўқлигини, дард қалбида эканлигини англабди. Билибдики, канизакнинг қалбини муҳаббат дарди эгаллаган.

Аммо у ким? Канизак бу ҳақда гапирмасмиш. Шунда ул табиб канизакнинг бошига қўлини қўйиб, томир уришини кузатганча саволга тутибди. Унинг қаерли-лиги, қайси шаҳарларда бўлганини суриштирибди. Қатор шаҳарлар номини санаб туриб, Самарқанд номини тилга олганда табиб канизакнинг томирида ўзгариш сезибди ва фақат шу шаҳар ҳаётига оид саволлар бера бошлабди. Канизак ҳамма таниш-билишлари ҳақида гапирибди. Шунда табиб ундан:

-Қизим, сен ўзингга яқин олган яна кимдир бор. У ким?- деб сўрабди.

Канизак шаҳарда заргар йигитни ҳам танир эдим,- деб гап бошлаган экан, табиб унинг томирида янада кучли ўзгариш сезибди ва қизнинг бошини силаб туриб дебди:

-Қизим, менга ишон, мен сенга отангдан ҳам меҳрибонроқман. Ўша заргар йигитга бўлган муносабатингни очиқ айт. Мен уни шоҳга билдирмасликка сўз бераман. Кейин албатта у билан учраштираман.

Канизак табибга ишонибди. Қалбини ўша заргар йигит ишғол этганини, шу ишқ уни кундан-кунга ўртаб адои тамом қилаётганини гапириб бербди.

Муҳаббат дардининг висолдан бўлак давоси йўқлигини билгувчи табиб шоҳга бор ҳақиқатни айтибди:

-Агар Саарқанддан ўша заргар йигитни олиб келтириб канизак билан қовуштирмасангиз, уни ишқ ўти куйдириб, кул қилади.

Жонидан зиёд кўрган канизагидан жудо бўлишидан кўрққан шоҳ азбаройи уни севганидан табибнинг шартига рози бўлибди. Элчилар заргарга қоп-қоп бойликлару беқиёс иззат-икром ва мартабалар ваъда қилиб, уни олиб келишибди. Шоҳ заргарга мартаба бериб, канизак билан жуфтлаштирибди. Заргар ва канизак бир-бирларининг васлига қониб ярим йилча шодхуррам яшашибди.

Аммо бу ошиқ-маъшуқнинг бахтига кўз тегибди. Саройдагилар шоҳнинг заргарга кўрсатган бу меҳру

мурувватини кўролмайд, унга секин таъсир этувчи заҳар ичириб қўйишибди. Заҳар таъсирида заргар кундан кунга сўлий бошлабди. Ранги-рўйи ўчиб, навқирону хушрўйлигидан асар ҳам қолмабди. Канизак эса уни кўрган сари сесканармиш. Заргар вафот этгач канизакнинг муҳаббати ҳам аста секин сўниб, умиди узилибди. Шундан кейингина канизакни жони дилдан севган шоҳ унинг қалбига йўл топиб. бутун вужудини қамраб олган дардининг давосини топибди. Канизак унинг оғушига киришга рози бўлибди.

Кўрдингми фарзандим, шоҳ муҳаббат дарди билан оғриган канизакни у севган заргар йигитнинг васли билан даволабди. У йигит ўлгач эса ўз қалбида ҳамон ўртаётган ишқ дардига канизакнинг васлидан даво топибди.

Эй фарзандим, муҳаббат дардининг давоси-фақат висол. Шундай бўлгач бу дардни орттиришдан олдин чуқур ўйлаб иш кўр. Агар дардим бедаво бўлмасин десанг, ҳеч қачон севишда адашма. Аввало ўз тенгингни топ. Ҳеч қачон баланд дорга осилма, севманга суйкалма, севган ёри борга кўз олайтирма. Висолга етишнинг бирдан-бир йўли севиб-севилишдир. Илоҳим севганингга севилиш бахтига мушарраф бўл, болам.

Қалбингга ишқ дардин юқтирсанг ногоҳ,  
Тақдирга тан беру қидир шифосин.  
Шифоси недандир, айладим огоҳ,  
Сен ани топмайин чекма жафосин.

## **СИНГИБ КЕТГАН ҚАЛБИМГА МАНИМ**

Баҳор. Олам келинчак мисол  
Безангандир, товланар ял-ял.  
Қайлардасан, эй соҳибжамол,  
Дилим сенга ғоятда маҳтал.

Соғинганман, кўзларим йўлда,  
Кутмоқдаман интиқ, интизор.  
Гул дасталаб тутарман қўлда,  
Кела қолгин, гул юзли нигор.

Кўзларимнинг нури пойандоз,  
Туйғуларим сочгум пойингга.  
Жоним фидо сенга сарвиноз,  
Мурувват қил мен фидойингга.

Юзларингдан зиёлар сочиб,  
Ташриф этгин кўнгил боғимга.  
Кутмоқдаман бағримни очиб,  
Бошингни қўй, ёр, қучоғимга.

Сингиб кетгин қалбимга маним,  
Ҳисларимиз қоришиб кетсин.  
Зулмат ичра қолган жаҳоним,  
Нурга тўлиб ёришиб кетсин.

## **КЎП ХОТИНЛИЛИК — АЗОБ**

**Эй фарзандим!** Бу дунёдан инсон тоқ ўтмайди. Ёши етгач, уйланади, бола-чақа орттиради. Бу — ҳаёт қонуни. Унга риоя қилмоқ йигит кишининг бурчи. Лекин баъзилар кўп хотинлиликни хуш кўришади ва табиийки, ширин турмушларини аччиқ, умрларини азоб билан ўтказишади. Кўпинча улар бу фоний дунёдагина эмас, боқий дунёда ҳам азоби кабираларга дучор бўладилар.

**Ривоят.** Мункар-накир ёнма-ён жойлашган уч қабрдаги мурданинг биринчисини сўроқ қиляпти:

— Қани, айт-чи, фоний дунёда нечта хотинга уйлангансан?

— Атиги биттагина!

— Унда дўзахга жўна!

Банда фарёд чекибди. Мункар-накир эса иккинчи қабрга ўтипти:

— Сен нечта уйлангансан?

— Иккита!

— Унда, сенинг жойинг жаннатда!

Кўшни қабрдаги савол-жавобни эшитиб турган учинчи мурдага навбат келганида у мақтанибди:

— Жаноби олийлари, мен фоний дунёда анави дўзахига ўшаб биттагина эмас, кўш хотин олган жаннатидан ҳам ўтказиб, учта хотин олганман!

— Оббо ярамас-ей, сенинг жойинг дўзахнинг энг тубида!— депти Мункарнакир ғазабланиб.

— Ие, — депти мурда кўрққанидан дир-дир титраб.- Икки хотинли жаннатда-ю, мен уч хотинли азаматнинг жойи дўзахнинг энг тубидами? Бу адолатсизлик-ку!

— Бир хотинли, — деб тушунтирибди Мункар-накир, — фоний дунёда худди жаннатдагидек бахтли ҳаёт кечирса ҳам ношукурлик қилган, вафодору садоқатли умр йўлдошининг қадрига етмай, унга зуғум етказган. Икки-учта хотин ололмадим, деб армонда ўтган. Шунинг учун дўзахни бир кўриб қўйсин. Кўш хотинли эса кундошлар ўртасида дўзах азобида яшаган. Бироқ кошки иккинчи хотинимдан қутулиб бир хотин билан яшасам деб орзу қилган. Лекин бу орзусига етолмай азоб билан ўтиб кетган. Унга раҳмим келиб жаннатга жўнатдим. Сен эса, эй аблах, уч хотин олиб, уларга зуғум ўтказиб, қийнабсан. Боз устига улар туфайли ўткинчи дунёда шунақа кучли азобларни ўзингга раво кўрибсанки, унинг олдида дўзахнинг энг тубидаги азоб ҳам роҳатдек. Бор, гапни кўпайтирмай, дўзах тубига кириб бир яйра!

**Ана шунақа, фарзандим,** кимки бу фоний дунёда ҳам жаннатдагидек роҳат-фароғатда яшашни орзу қилса танмахрамига зуғум ўтказмайди, агар шариат талабларини бажара олмаса ҳеч қачон биттадан ортиқ хотин олмайди. Бас, кўп хотин олиб ўзларининг ва хотинларининг ҳаётини заҳри-заққумга айлантирар

экан, демак, унга боқий дунёда ҳам дўзах муносиб. Илоҳим, сенга бу фоний дунёда ҳам беҳиштнинг хурлари янглиғ дилрабо, фаҳм-фаросатли, вафодор хотин насиб қилсин.

Чин севиб, севилиб уйлангин, болам,  
Маъшуқанг ягона, вафодор бўлсин!  
Садоқат кўрсатгил унга ўзинг ҳам,  
Оиланг, турмушинг нурларга тўлсин.

## **КУНДОШЛАР**

*Беаёв ёвлар эрур кундошлар,  
Бераҳиму бағритош бебошлар.*

*Бир-бировин кўргани йўқ кўзлари,  
Рашк туфайли қалби қаттиқ тошлар.*

*Гар бири Кумуш бўлиб сабр айласа,  
Бошқаси Зайнаб билан турдошлар.*

*Можародан дил уйи хуфтон бўлур,  
Заҳри заққумдир пиширган ошлар.*

*Эй хотинбоз аҳли, сиздан илтимос,  
Сўзларимдан ҳеч чимирманг қошлар.*

*Бир-бири-ла жангни кундош айласа  
Эр тополмайдир анга бардошлар.*

*Эй Калоний, кўп хотиндор бўлса ким,  
Турмушидан кўзларин пур ёшлар.*

# БАРЧА ИНСОН БИР-БИРИГА ҚАРИНДОШ

**Фарзандларим**, доимо ахил, ҳамжихат, бир-бирингизга меҳр-оқибатли бўлинглар. Орангиздан қил ҳам ўтмасин. Ўзаро узоқлашиб кетманг. Доимо бир-бирингизнинг ҳолингиздан хабар олиб туринг. Кўмак қўлини узатинг. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, айрилганни айиқ, бўлинганни бўри ер, деган нақллар бекорга келиб чиқмаган..

Шу билан бирга ўзгаларга ҳам мурувват айланг. Бу оламда бегона одам йўқ. Инсон зоти борки, миллати, ирқи, жинсидан қатъи назар, бир-бирига қариндош.

**Ривоят** қилишларича, қадим замонда бир подшоҳга баногоҳ рўпара келган тиланчи:

— Эй подшоҳим, сизни ғоят ҳимматли, сахий одам деб эшитганман. Агар чиндан ҳам шундай одам бўлсангиз, мен қашшоқ бечорага хайр қилинг, – дебди.

Подшоҳ чиндан ҳам серҳиммат экан. Унга бир олтин танга берибди. Шунда тиланчи:

— Эй саодатли шоҳим, ҳисобсиз хазинангиз бўла туриб ўз укангизга атиги биттагина танга эҳсон қилишга уялмайсизми? — дебди.

Тиланчининг бу гапидан таажжубга тушган подшоҳ:

— Ие, бу гапинг қизиқ бўлди-ку. Сен қанақасига менга ука бўла қолдинг? Ахир, биз етти ёт бегонамиз-ку,- деган экан, тиланчи:

— Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Чунки сизнинг ҳам, менинг ҳам насабимиз Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошланган. Шундай экан, биз ака-ука бўлмай, киммиз?— дебди.

Подшоҳ тиланчининг бу гапини эшитиб лол қолибди. Кейин унга янада катта эҳсон қилибди.

Бу фоний дунёга ҳаммамиз меҳмон. Кетарда қуруқ кафандан бошқа ҳеч нарса олиб кетолмаймиз. Шундоқ экан, ўзаро тотувлик, меҳр-оқибатдан юз ўгирмоқ

гуноҳ. Ҳеч қачон инсон зотини бегонасираб, камсит-манг, башариятга эътиборли ғамхўр ва меҳрибон бўлинг. Яхшилик қилинг. Шунда ўзингиз ҳам эътибор қозонасиз. Яхшилигингизга яхшилик қайтади.

Инсон зоти борки бегона эмас,  
Бари бир отанинг қавми, билсангиз.  
Меҳру оқибатли бўлинг ҳар нафас,  
Қадр топадирсиз, қадр қилсангиз.

## ЯХШИ

*Дили торик қариндошдан, билинг, бегоналар яхши,  
Ширин сўзли, очиқ кўнгил, сахий фарзоналар яхши.*

*Ҳаётинг йўлини ёруғ этай деб нур сочар доим,  
Кўёшдек пурзиё, мушфиқ муқаддас оналар яхши.*

*Бошинг ёстикқа текканда қариндошнинг ўтар қадри,  
Қадрдону садоқатли, лаби хандоналар яхши.*

*Дединг: жон яхшими сенга ва ё жононалар, менга  
Вафолию ҳаёлию гўзал жононалар яхши.*

*Агар нодон эса дўст ҳам тутар душманнинг корини,  
Менга илму ҳунар аҳли билан ҳамхоналар яхши.*

*Билимдон бўлсаю унга риоя қилмаса не наф,  
Бунингдек аҳли донишдан кўра девоналар яхши.*

*Агар сандиққа ташланса у дурлар дур эмас, тошдир,  
Гўзал ёрга безак берса ўшал дурдоналар яхши.*

*Сени ўлдирса ҳам номард киши ўлдирмасин ҳаргиз,  
Ширин жонинг берар бўлсанг асл мардоналар яхши.*

*Сўлим шеърлар битай тинмай, Калоний, тўйга совғо деб,  
Борай тўйларга ҳар доим, менга тўйхоналар яхши.*



## АҲМОҚНИНГ МАҚТАГАНИ— ДОНОГА ТАНҚИД

Мақтов бол каби ширин, ҳаммага ёқади. Лекин у асосли бўлиши керак. Аксинча у бол эмас, оғу. Ноўрин мақтов кишини йўлдан оздиради. Ўзига ортиқча баҳо берадиган қилиб қўяди. Натижада киши хушёрликни бой беради. Табиийки, бу унинг душманларига қўл келади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «дўст ачи-тиб гапиреди, душман кулдириб», дейди. Душманнинг мақтови ҳар қандай эсли-хушли киши учун танқиддан бошқа нарса эмас. Чунки душман ўзига ёқади-ган бирор иш қилганларнигина мақтайди.

Шу ўринда инсоннинг душмани фақат у билан ошқора курашаётган кишиларгина эмаслигини айтиб ўтмоқ жоиз. Оқил киши учун нодонлар, адолатпарвар киши учун золиму жоҳиллар ҳам душман ҳисобида. Шундай экан, инсон зоти ўзига нисбатан мақтовга ким томонидан ва нима учун айтилаётганига қараб баҳо бермоғи лозим. Шу жиҳатдан олганда Афлотун ҳаётидан олинган мана бу **ривоят** ибратли.

Бир киши Афлотунга:

— Сизни фалон зиёфатда пистончи жоҳил роса кўкларга кўтариб мақтади ва ҳақингизга бисёр дуолар ўқиди,- дебди.

Бу сўзларни эшитган Афлотун бошини қуйи солиб, хаёл уммонига ғарқ бўлибди. Бундан тааажжубланган бояги киши ҳайрон бўлиб:

— Эй Шоҳим, мен нима дедимки, бунчалик хаёлга чўмдингиз?, — деб сўрабди.

— Мени, — дебди Афлотун жаноблари, — сен айтган сўзлар хаёлга толдиргани йўқ. Мен қилган ишларимни сарҳисоб қилиб, ақл тарозисидан бир-бир ўтказиб кўряпман. Ахир қандай ножўя иш қилган эканманки, бу қилмишим у жоҳилга ёқиб тушибди. Нега у мени кўкларга

кўтариб мақтабди? Агар унга ёқадиган бирор иш қилмаган бўлсам жоҳил мени шунчалик мақтармиди?

Бундан хулоса шуки, аҳмоқ ва душманнинг мақтагани оқил киши учун танқиддан бошқа нарса эмас. Аммо, минг афсуски, бу оддий ҳақиқатни ҳамма ҳам вақтида тушуниб етавермайди. Тушуниб етганида эса кеч бўлади.

**Эй азиз фарзандларим**, душман мақтовидан дўст танқиди афзал. Душман мақтовига маҳлиё бўлмай, дўст танқидига қулоқ тутинглар. Холисона танқид гарчи аччиқ бўлса ҳам унинг меваси ширин бўлади.

Илоҳим сизларни турфа нодонлару жоҳилларнинг сохта мақтовларидан қудратли Эгамнинг ўзи асра син. Доимо қалби тоза, доно дўстлар қуршовида бўлинглар, уларнинг оқилона маслаҳатлари-ю, олқишларига сазоворлик насиб этсин.

Аҳмоқ мақтовига бўлма маҳлиё,  
У сенинг нуқсингдан дарак беради.  
Ақлини таниган ҳар кас доимо,  
Оқил дўст мадҳига қучоқ очади.

## **ДЕРЛАР**

(Бир аҳмоқ лаганбардорнинг корхона раҳбарига деганлари)

*Сизни, эй муҳтарам устоз, ажойиб раҳнамо дерлар,  
Сахийлик, камтаринликда тагин ҳам бебаҳо дерлар.*

*Овозингиз ёқимли ҳамда имзонгиз чиройликдир,  
Нигоҳингиз бирам яхши-,ю ақлингиз расо дерлар.*

*Узоқни кўзлабон қилган ишингизни кўриб ҳар дам,  
Биров олим деса, бошқа бировлар авлиё дерлар.*

*На буйруқ берсалар сўзсиз бажармоқликка ҳозирмиз,  
Ахир, биз бандамиз, бошлиқ-ку гўё худо дерлар.*

*Бутун иш яхши бормоқда, фақат мақтовга лойиқдир,  
Ки танқиддан оғиз очганга лойиқдир жазо дерлар.*

*Ҳақингизга дуо айлаб бутун ёшу қари, мангу  
Бу бошлиқдан эрурмиз биз умр бўйи ризо дерлар.*

*Агар мадҳингизи ёзса, Калоний, завқу шавқ бирлан,  
Унинг ҳар бир сўзин дилга этармиз мангу жо дерлар.*

## **ЁР — УМР ЙЎЛДОШИ**

Ёр танлашда адашма, ўғлим. Топган танмахраминг сенга ҳаммаслак, ҳамфикр бўлсин. Дунёқараши дунёқарашингга, орзу-интилишлари орзу –интилишларингга мос келсин.

Шундай бўлсагина, ҳаёт йўллариинг бошқа-бошқа томонларга қараб кетмайди. Сўзларинг сўзларингга, ишларинг ишларингга мувофиқ келаверади. Демакки, ораларингда ҳеч қандай келишмовчилик келиб чиқмайди. Бир умр аҳил ва тинч ҳаёт кечирасизлар.

Борди-ю, топган ёринг билан ҳаммаслак, ҳамфикр бўлмасанг, билиб қўй, турмуш аробасини сен бўлак томонга, у бошқа томонга қараб судрайди. Натижада бир-бирларингга йўлдош бўлолмай, ноилож ажралишга мажбур бўласизлар.

**Ривоят** қилишларича, Мажнун Лайлининг сафарга чиққани ҳақида хабар олади-ю, туясига миниб, Лайли борадиган манзил томон шошади. Яқинда болалаган туянинг кўзи эса орқада қолаётган бўталоғида. Мажнун туянинг устида мизғий бошлагач, оқ туя йўлни орқага буради. Мажнун туянинг нега орқага қайтганлигини тушуна олмай, уни яна Лайли борадиган манзил томон юришга ундайди. Бундай ҳол кўп марта қайтарилади.

Кечки пайт Мажнун қанча йўл юрдим, деб қараса эрталаб йўлга чиққан жойида турганмиш. Шунда Мажнун туяга қарата:

— Эй туя, сен болангга, мен эса Лайлига ошиқаман. Демак, биз борадиган манзиллар бир-биридан фарқлидир. Сен менинг йўлимни, мен эса сенинг йўлингни тўсмоқдаман. Бу ҳолда биз йўлдош бўла олмаймиз, — деб уни ҳайдаб юборибди.

Сен эсанг, эй ўғлим, турмушда ҳеч қачон бу ривоятда туясини ҳайдаб юборган Мажнун ҳолига тушмагин. Умр йўлдошинг билан йўлларинг ҳам, маслак ва манфаатларинг ҳам ҳамоҳанг бўлсин. У билан доимо бирга бўл, қўша қари, муроду мақсадингга ет.

Ҳаётда ўзингга топгин чин йўлдош,  
Ҳаммаслак, ҳамфикр, ҳамкору йўлдош.  
Икковинг бир мақсад томонга интил,  
Бир тан бўл, бир жон бўл, бўлгил чин қўлдош.

## **НИГОРИМ**

*Мен сенинг, нигорим, ғамингни есам,  
Сен дардинг олай деб бошим силайсан.  
Мен сенга жонимни бераман десам,  
Сен менга Оллоҳдан умр тилайсан.*

*Мен сенга гул терсам боғлар оралаб,  
Тикон кирмасин деб этгунг илтижо.  
Мен сенга шеър битсам қоғоз қоралаб,  
Сен ўқиб, кўзингга этгунг тўтиё.*

*Ширин сўз сўзласам, меҳринг — армуғон,  
Эзгу ният қилсам ўқийсан сано.  
Сен содиқ дўстдирсан вафодор жонон,  
Мўйингга арзимас минглаб хурлиқо.*

*Сенга раво фақат оташ муҳаббат,  
Шундай муҳаббатки, мисоли офтоб.  
Сенинг борлигинг ҳам нурдан иборат,  
Севиб ардоқлайман бир умр моҳтоб.*

## СУЛУВ СУЛУВ ЭМАС, СУЙИЛГАН СУЛУВ

**Эй ўғлон!** Дунёда севиб, севилиб яша. Севсанг олам кўзингга гўзал кўринади. Қалбинг завқ-шавққа тўлади. Ширин-ширин ҳиссиётларга ошно бўласан. Ҳаётда яшагинг, яшаганда ҳам узоқ яшагинг келади. Севилсанг ўзгалар кўзига ёқимли кўринасан, фазилатларинг бўртиб кўзга ташланади. Нуқсонларинг эса кўзга ташланмайди. Меҳру мурувват топасан, азият чекмайсан.

**Ривоят** қилишларича, Мажнуннинг севгисидан дарак топган подшоҳ унинг маъшуқасини беқиёс гўзал бир дилрабо деб тасаввур қилибди ва Лайлини бир кўрмоқни ихтиёр этибди. Қараса, Лайли у тасаввур қилганидек афсонавий гўзал эмас, бошқалар каби оддий қиз экан. Шунда шоҳ ундан сўрабди:

— Эй Лайли, сенинг бошқа қизлардан ҳеч бир фарқинг йўқ-ку! Нечун ишқингда Мажнун бу қадар азоб чекади?

— Гарчи подшоҳ бўлсанг ҳам, — деб жавоб берибди Лайли, — сен бу сирни ҳеч қачон тушунмайсан. Негаки сен Мажнун эмассан!

Дарҳақиқат, шундай. Шоир Чустий айтганидек:

Мажнун кўзидан ишвали Лайлога қараб қўй,  
Лайло кўзидан Мажнуни шайдога қараб қўй...

Яна бир **ривоят**да айтилишича, Лайлининг ишқида саҳройи бўлган Мажнун оғзидан сўлаги оққан, туклари тушган бир кучукни қучоқлаб ўпар, эркалар эди. Уни кўрган бир киши ижирғаниб сўради:

— Эй, нодон! Бу қандай тентакликки, шу итни эркалаб ўпасан?

— Бу кучук Лайлининг кучуги. Унга севгилимнинг нигоҳи тушган. Шу боис ҳам уни ҳатто минг бир мали-

каю, юз минг канизакка алишмайман, — деб жавоб берибди Мажнун.

Севги шундай навбахорки у тикандин гул қилур,

Тошга жону тил бағишлаб зогни ҳам булбул қилур,—  
деганида Эркин Воҳидов юз карра ҳақ. Сен ҳам ола-  
ни гўзал, жозибали кўрмоқни, ҳаётда яйраб-яшнаб  
гўзал туйғуларга ошно бўлиб яшашни истасанг қал-  
бингни муҳаббатга ошино эт. Табиатни сев, жамият-  
ни сев. Севги сени ёшартиради, ҳаётга бўлган му-  
ҳаббатингни туғён урдиради. Оламда севиб, севилиб  
яшамоқдан буюк бахт йўқдир.

Сенга ҳам, эй ўғлим, соф ва беғубор севги тилай-  
ман. Севгинг бор ва абадий бўлсин! У ҳеч қачон сер-  
завқ қалбингни ташлаб кетмасин. Зеро, халқимиз «ишқ-  
сиз эшак, дардсиз кесак», деб бежиз айтмаган.

Севсанг боғлар гўзал бўлади,

Севсанг тоғлар гўзал бўлади.

Севсанг ёринг юзида ҳатто

Сепкил, доғлар гўзал бўлади.

## СУЮКЛИ

*Суюкли не эрур, суюкли қай зот,  
Чиройда тенги йўқ сулув жононми?  
Айтинг, нени беҳад севар одамзот,  
Суюкли энг ширин танада жонми?*

*Суюкли пулми ё олтин, гавҳарми,  
Ва ё афсонавий қаср — кошона.  
Суюкли асалми, қандми, шакарми,  
Ва ё садоқатли асл ҳамхона.*

*Меҳрми суюкли, мурувват мутлоқ,  
Ва ё чаман бўлиб очилган гўша.  
Буларнинг бари ҳам суюкли бироқ,  
Энг суюк ишқ кўзи не кўрса, ўша!*

# ОЗОДА ЁР ВАСФИ

**Эй фарзандим!** Инсон учун озодалик – ҳаётий заруратдир. Озодалик, саранжом-саришталилик бор жойда гўзаллик бор, файз бор, демакки, қут-барака бор. Айниқса яшаб турган уй-жойинг озода бўлсин. Қаердаки саришталик, покизалик бўлмас экан, у жойдан фаришталар қочади. Фариштасиз хонадон эса дил бездиради. Сенинг хонадонинг дил бездирар эмас, дил тортар бўлсин, эй ўғлим!

Шуни билиб қўй, хонадонингни нақадар саранжом-саришта бўлиши кўп жиҳатдан уй бекаси бўлмиш рафиқангга боғлиқ. У озода бўлса, хонадонинг ҳам покиза бўлади. Агар уйинг ивирсиган бўлса, ҳаловат тополмайсан, жонинг азобда ўтади. Шундай бўлмаслиги учун хотин танлашда адашмагин. Сўраб-суриштир. рўзғор тутишию, тартиб-интизомини ўрган ва шундан кейингина унга уйланиш ҳақида оғиз оч.

**Ривоят.** Қадим замонда бир подшоҳ ўғлини уйлантирмоқчи бўлибди. Шунда ўғли:

— Эй ота, мен уй-жой тутишни биладиган саранжом-саришта, озода қиз топилсагина уйланаман. Аксинча ўз умримга ўзим зомин бўламан, — дебди.

Подшога ўғлининг бу гапи маъқул келибди. Шунда у аъёнлари билан маслаҳатлашиб, ажойиб бир синов тадбирини ўтказмоқчи бўлибди. Унга кўра ким уйини супуриб, энг кўп чанг-чунг олиб келса ўшанга соврин берадиган бўлибдилар. Бу хабардан воқиф бўлган хонадон соҳибалари бирин-кетин уйларини супуриб-сидириб у ердан чиққан чанг-чунгни кўтариб келиб топширибдилар. Тадбир ниҳоясида келтирилган супринди сарҳисоб қилинибди. Шунда, қарашса, бир хонадон қизи атиги бир чимдим ҳам чиқмайдиган супуриндини топширган экан. Уни чақириб сўроққа тутишибди:

— Ҳой қиз, сенга подшоҳнинг соврини керак эмасми? Нега бунчалик оз супуринди топширдинг?

— Уйимизни қайта-қайта супурсам ҳам бундан бош-

қа супуринди чиқмаса иложим қанча?- деб жавоб берибди қиз. — Ахир, супуриндини қўшнилардан, айниқса унинг учун соврин эълон қилинган бир пайтда қарзга сўраб бўлмайди-ку.

Подшонинг ўғли қизнинг бу жавобидан унинг уйи ниҳоятда озодалигини билиб унга уйланишга қарор қилибди.

**Сен ҳам, эй фарзандим,** худди шу подшоҳнинг ўғли каби уй тутиши озода қизга уйлан. Зеро шундай қилсанг хонадонинг саранжом-саришта ва озода бўлади. Озодалик эса яхши кайфият, саломатлик, узоқ умр гаровидир.

Саришта хонадон фаришталикдир,  
Эй ўғлим, уй-жойинг бўлсин саришта.  
Саришта хонадон бўлмайди кир-чир,  
Тонг эмас, ўз ёринг бўлса фаришта.

## СЕН

*Ташқарида изғир изғирин,  
Ичкарида гашт сурар баҳор.  
Бу ҳолатнинг айтайми сирин,  
Ичкарида, ёрим, ўзинг бор.*

*Сен бор жойдан чекинади қиш,  
Сен бор жойда дил боғи чаман.  
Сен бор жойдан қочади ташвиш,  
Сен бор жой бу- шодликка ватан.*

*Баҳор сенми, сен баҳорми ё,  
Шодлик сенми, ёки сен шодлик.  
Мусаффо — сен, ё сен — мусаффо,  
Ободлик — сен, ё сен — ободлик.*

*Сен — гўзаллик, сен — саришталик,  
Сен — садоқат, мен сенга шайдо.*



*Сен — муҳаббат, эй фаришталик  
Қайда бўлсанг мен шунда пайдо.*

## КЕЛИНЧАК ФАЙЗИ

Кўзларимнинг нури, қалбгинамнинг кўри бўлмиш, эй асл фарзандим. Бугун мен сенга келинларга хос фазилатлардан бири хусусидаги ўғитларимни айтмоқчиман. Келин уйни озода, саранжом-сарихталик тутиши керак. У эрта тонгда кўча дарвоза атрофидаги ҳудудни супуриб-сидириши, сув селиб тартибга келтирмоғи, шунингдек, ҳовлини ҳам худди шундай тутмоғи лозим. Бу унга файз бағишлайди. Эри, қайнота-қайноналари унинг бу серхосият ва серфайз ишидан завқ олмоқлари, кайфиятлари кўтарилиб, мамнун бўлмоқлари лозим.

Билиб кўй, келиннинг қайнота-қайнонадан кеч уйғониши беодоблик ҳисобланади. Келин ухлаб ётсаю, қайнона ҳовли супурса, бу бедодликка тоқат қилмоқ қийин.

**Ривоят** қилишларича, бир хонадонга худди шунақа бефаросат келин тушибди. У эрта тонгда уйғониб, ҳовли супуриш ўрнига кўёш чиқиб, то деразадан кўзига нурини туширгунча ҳам ётаверармиш. Бечора қайнона эса кўча дарвоза атрофларию ҳовлиларни супурар, эрталабки нонуштани тайёрлармиш. Келин эса уялмай-нетмай тайёр дастурхонга келиб ўтираверармиш. Келиннинг сурбетлигидан таажжубга тушган қайнота қайнонага кўмаклашар, бири ҳовли супурса, иккинчиси чой дамлаб, дастурхон тузайдиган бўлибди. Аммо шунда ҳам келин инсофга келмабди. Одатдагидек ухлаб-ухлаб, нонушта тайёр бўлгач, кўзини уқалаб тураверибди. Бу ҳолат жонларига теккач, қайнота қайнонага:

— Бугун эрталаб ҳовли супуришни бошлаганингда мен келинга эшиттириб сенга «эй онаси, чарчаб кетдинг,

кел, буёғини мен супурай», дейман. Сен бўлсанг, «йўге, дадаси, ўзи белоғриқсиз. Эгилиб ҳовли супурсангиз, яна букчайиб қолманг. Ўзим супуравераман», дейсан. Шояд, келин инсофга келса-ю, туриб қўлига супурги олса, — дебди.

Бу таклиф қайнонага ҳам маъқул келибди. Эртасига эрта тонгда қайнона сув сепиб ҳовли супуришни бошлабди. Шунда қайнота деразадан туриб баланд овозда:

— Эй онаси, бўлди, чарчадинг. Бир оз дамингни ол. Буёғини ўзим супуриб қўяман. Кел, супургини бер, — деб бақирибди. Қайнона эса келишилганига мувофиқ:

— Йўғ-э, дадаси, ўзи белоғриқсиз, эгилиб ҳовли супурсангиз, яна чарчаб қолманг. Ўзим супуравераман, — деб жавоб берибди.

Аммо келин миқ этмай ётаверибди. Шунда қайнота-қайнона бояги гапларини янада баландроқ овозда такрорлашган экан, келин ўрнидан туриб, деразани очибди ва насиҳатомуз оҳангда:

— Кап-катта одамлар эрта тонгда супурги талашиб, жанжаллашгани уялмайсизларми? Шунчалик бир-бирларингизга раҳмингиз келаётган экан, келишиб навбатма-навбат супураверинглар-да! Нима қиласизлар менинг ширин уйқумни бузиб, — дебди.

Келиннинг бу қадар сурбетлиги, бифаросатлигидан қайнона-қайнота лол қолибди. Келин бўлса айтар гапини айтиб, яна ўрнига ётиб, ухлайверибди.

**Кўрдингми, фарзандим!** Келиннинг сурбети — жоннинг офати. Бунақа келин ҳеч қачон ота-онасига раҳмат келтирмайди. Аксинча, лаънат келтиради. Сен ҳеч қачон ота-онасига лаънат келтиргувчи келин бўлма ва шундай келинга рўбарў келма. Илоҳим келин зотида андиша, фаҳму фаросат зиёда бўлсин. Келинли хонадон доимо озода ва саришта бўлсин. Одамлар келиннинг хулқу одобига, энг аввало унинг уй-жой тутишига, саранжом-саришталигига қараб баҳо берадилар.

Шундоқ, фарзандим! Келин тушган хонадоннинг на-

нафақат уйи, балки ҳавлиси, кўча дарвозаси атрофлари ҳам саранжом-саришталиги билан ажралиб турсин.

Муаттар бўй сочиб субҳи сабода,  
Ховли супуради завқ-ла келинча.  
Хонадон саришта, бўлса озода,  
Кўриб ёшаради, яйрайди юрак.

## **КУДА-АНДАЛИК**

Қизинг бўлса бир кун келин бўлади,  
Ўғлинг бўлса келин-ла уйинг тўлади.  
Қутлуғ қадам келиб бахтинг кулади,  
Ўзбекка ярашар куда-андалик.

Қизинг борган жойда ўрнини топсин,  
Яхшисин оширсин, ёмонин ёпсин.  
Келиннинг ҳам қизингдек омади чопсин,  
Ўзбекка ярашар куда-андалик.

Қизинг кетса келин қиз бўлур дарров,  
Ўчоғингда ҳаргиз ўчмайди олов.  
Худди ўғлинг каби ўғилдир куёв,  
Ўзбекка ярашар куда-андалик.

Қизинг ўзга уйдан ризқин теради,  
Келининг ўғил-қиз туғиб беради.  
Набиралар севиб кучоқ керади,  
Ўзбекка ярашар куда-андалик.

Қудаларга мудом ярашар тенглик,  
Барака киритар тенг феъли кенглик.  
Бир томон ёқалик, бир томон энглик,  
Ўзбекка ярашар куда-андалик.

Шуларинг бор экан қуримас боғинг,  
Сендан кейин ҳам ҳеч ўчмас чироғинг.

*Козонингда қайнаб турар гўшт-ёғинг,  
Ўзбекка ярашар куда-андалик.*

## ДУНЁДА ЭНГ ХУНУК КЎЗ

**Эй фарзандим!** Инсон борлиқни қалб билан ҳис қилиб, кўз билан кўриб яшайди. Агар бу иккиси бўлма-са одам боласи учун олам қоронғу. Шундай экан, атроф-теварақда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни қалбан идрок этиб, кўз билан кўриб хулоса чиқар. Зеро қалб ҳам, кўз ҳам худди шунинг учун берилган.

Бу оламдаги ҳар бир воқеа-ҳодисани кўз билан кўриб, кейин унинг хусусидаги мулоҳазангни билдир. Кўз билан кўриб бўлмайдиган ишларга эса қалб кўзи билан боқ ва уни онинг элагидан ўтказиб, сўнг баҳо бер.

Кўзинг жиловини ҳам қўлингга ол. Чунки у сени қараш гуноҳ бўлган нарсаларни кўришдан асрасин. Баъзи нодонлар кўз қараш учун берилган деб, дуч келган нарсага кўз ташлайверадилар ва шу туфайли осийлик кўчасига кириб қоладилар.

Пайғамбаримизнинг бир ҳадисларида «ҳаё имондандир», дейилади. Билиб қўй, ўша имондан бўлган ҳаё кўздадир. Кўзни гуноҳ ишларга етакловчи омилларни кўришидан сақла. Шундай қилсанг, у кўрган куфр ишларга шайтон сени етаклаб кетишининг олдини олган бўласан.

Эй азизим, беҳаё расмларга боқма, уятсиз киноларни кўрма, ахлоқсизлик тарғиб қилинган адабиётларни ўқишдан ўзингни тий. Айниқса бировларнинг аҳли аёлига суқланиб боқма. Чунки бу ҳам зинодир. Номаҳрам аёлга боқиб зино қилган кўз оламдаги энг хунук кўздир.

**Ривоят.** Қадим замонда бир кишининг уйига меҳмон келибди. Мезбон «меҳмон-атоийи Худо» деб иззат-икром билан кутиб олибди. Хонадон соҳибининг

умр йўлдоши ниҳоятда гўзал бўлиб, меҳмон ундан кўзини ололмас экан.

Бундай вазиятда меҳмон кўнгли поку қўли очиқ бу хонадон эгаларига фақат эзгуликни тилаши, уларга беғубор нигоҳ билан боқиш лозим эди. Бироқ беҳосият меҳмон кўзини мезбон маҳбубасининг гоят гўзал, шаҳло кўзларидан узолмай қолибди. Уй бекаси меҳмоннинг ҳаёсиз кўзидан оху янглиғ иболи кўзини олиб қочаверишдан толиқибди.

Пировардида бу ҳолатни мезбон ҳам сезиб қолиб, меҳмонга «бу қанақаси» дегандек саволомуз қарабди. Шунда ноқулай аҳволдан қутулиш учун не қиларини билмай шошиб қолган меҳмон мезбонга:

— Тақсир, бу оламда энг чиройли кўз қанақа бўлади? — дебди. Шунда мезбон:

— Беҳаё кўздан ўзини олиб қочган кўз, — деб жавоб берибди. Бу жавобдан баттар эсанкираб қолган меҳмон беихтиёр:

— Унда дунёда энг хунук кўз қанақа бўлади? — деб юборибди.

— Дунёдаги энг хунук кўз, — деб жавоб берибди мезбон сурбет меҳмонга қараб босиклик билан. — Бировларнинг танмахрамига тикиладиган кўздир!

**Эй фарзандим**, ривоятдаги мезбоннинг бу гапи фақатгина унинг ношуд меҳмонигагина эмас, барчага тааллуқли гапдир. Чиндан ҳам бировларнинг аҳли аёлига суқланиб, хирс билан боқадиган кўз оламдаги энг хунук кўз бўлиб, у эгасини ҳар икки дунёда ҳам турли балоларга гирифтор этади. Сен эса, эй ўғлим, ўзингни турфа хил гуноҳ ишларга боқишдан сақлай бил. Шундай қилсанг, кўзларингни зинодан асрайсан, у туфайли гуноҳ орттиришдан тийияган бўласан.

Кўзинг жиловини маҳкам тут, болам,  
Беҳаё ишларга боқавермасин.

Гуноҳга боттириб сени ҳам ҳар дам  
Ёшлари дарёдек оқавермасин.

## **КЎЗЛАРИНГ**

*Бир боқиб ишқ қилди пайдо кўзларинг,  
Айлади бир зумда шайдо кўзларинг.*

*Олди ақлимни, мени лол айлади,  
Ёр, сеҳргарму мабодо кўзларинг.*

*Мавжи маънонинг эрур поёни йўқ,  
Мўъжитотли икки дунё кўзларинг.*

*Кўкрагимга сифмагай қалбим, нетай,  
Дилгинамни этди бежо кўзларинг.*

*Ўйнатиб мужгонларинг қош остида,  
Ёғдирар бошимга ғавго кўзларинг.*

*Аслида офтобмисолу, лекигин,  
Кўзларимни этди дарё кўзларинг.*

*Ул эрурму шу қадар қудратли, ё,  
Айлагай дил амрин ижро кўзларинг.*

*Кимга қандоқ, билмадим, лек дер Калон:  
Шеъриятдир, эй нигоро, кўзларинг.*

## **ЛИБОС — ОДАМ КЎРКИ**

Бежирим, озода ва тартибли кийинмоқ инсон учун жоиз фазилатлардандир. Эй фарзандим, сен бу инсоний фазилатдан йироқ бўлма. Чунки либос одамнинг айбини яшириб, кўркини оширади, гўзаллик бахш этади. Зеро, бутун борлиқни яратган Аллоҳ гўзалдир, у гўзалликни хуш кўради.

Шундай экан, кишига гўзаллик бахш этувчи кийим-кечакка доимо эътибор бермоқ лозим бўлади. Уст-бошинг дид билан тикилган, озода ва яхши дазмолланган бўлсин. Кишилар сенинг кийинишингга ҳаваси келсин.

Кийим-кечагинг қимматбаҳо матолардан тикилган бўлиши шарт эмас. Аммо унинг шинам ва покиза, қадди-қоматингга мос бўлмоғи зарур. Кийиниш бобида ҳам ортиқча дабдабаларга берилмоқ риёдир. Оддий, шинам ва покиза кийинмоқ эса юксак одоб белгиси хисобланади. Агар уст-бошинг ўзингга номуносиб, айниқса бесўнақай ва кир-чир бўлса одамлар менсимайди, эл назаридан қоласан. Одамлар маънавий қиёфангга, энг аввало кийинган либосингга қараб баҳо берадилар ва шундан келиб чиқиб сенга нисбатан муносабатлари даражасини белгилайдилар.

**Ривоят.** Бир маҳалладаги хонадонда элга ош берилаётган экан. Ўша маҳаллалик нобоп ва беўхшов кийиниб юргувчи кимсалардан бири ўша ош берилаётган хонадон олдидан ўтибди. Бироқ ҳеч ким унга эътибор бермабди. Изза бўлган одам тезда уйига бориб бежирим, яп-янги озода ва ўзига ярашиб тургувчи либослардан кийиб чиқибди. Эгнидаги либослари ажиб салобат бахш этибди. У атайлаб яна ўша тўй бўлаётган хонадон эшиги олдидан ўта бошлабди.

Тўйхонага яқинлашиб улгурмаёқ одамлар унга иззат-ҳурмат кўрсатиб ичкарига бошлаб кетишибди. Ичкарида ҳам уни дастурхоннинг энг тўрига ўтқазишибди. Олдига ош келтириб қўйишганида эса кимса ажойиб ҳаракатлари билан у ердагиларни ҳайратга солибди. Дастурхон атрофида бир қанча одам ўтирганига қарамай чопонининг енгини чиқариб, лагандаги ош томон узатиб:

— Ол, чопоним, ошни е, бу сенга қўйилган, — дея верибди. Унинг бу қилиғидан лол қолган одамлар:

— Ие, отахон, бу нима қилиқ, чопон ҳам ош ейди-ми? — деб сўрашибди. Шунда у киши:

— Эй азизлар, мен бу тўйхона эшигидан яқиндагина эски чопон кийиб ўтдим. Ҳеч ким менга қарамади, тўйхонага таклиф ҳам қилишмади. Мулзам бўлиб кетдим. Алам қилганидан уйга бориб янги чопонимни кийиб келганимдан сўнг эса ҳамма менга салом бериб, ҳурмат ила ичкарига олиб кириб, олдимга ош қўйишди. Бундан келиб чиқадики, ҳурмат-эҳтиром ҳам, мана шу лагандаги лаззатли ош ҳам менга эмас, чопонимга муносиб, – дебди.

Бироқ бу билан кишилар инсонга фақат унинг ташқи қиёфасига қараб баҳо берадилар, демоқчи ҳам эмасман. Инсоннинг кимлигини, аввало унинг ички қиёфаси, маънавий олами белгилайди. Киши қанчалик маънан бой, дид-фаросатли бўлса, унинг ташқи кўриниши, ҳам шунга яраша бўлиши керак. Сен, ўғлим, кийинишда ортиқча дабдабага ҳам, ўта камтарликка ҳам берилиб кетма. Ҳар нарсанинг ҳам меъёрида бўлгани яхши. Либосларинг доимо ёшингга, жинсингга ва ақл заковатингга мос бўлсин.

Эй фарзанд, пандим эшит, қулоқ ос,  
Инсонга кўрк эрур бежирим либос.  
Беғубор қалбингни поку гўзал эт,  
Дидингга уст-бошинг доим бўлсин мос.

## **МУВАШШАҲ**

*Шарқликсан, шарққа хос бўлсин ибо,  
Ўзбекистон чин қизи бўл доимо.*

*Оқлагин аввал онангнинг оқ сутин,  
Арзигаё бўлсанг анга меҳригиё.*

*Интизордир йўлларингда жон отанг,  
Қўл очиб ҳаққингга айлайдир дуо.*

*Раҳматин ол иккисини тенг қизим,  
Ўкситиб, кўнглини қилма қоп-қаро.*



*Аканг ўрнида ҳурмат қил укангни,  
Опангнинг иззатин ҳам дилга эт жо.*

*Хато қилма, сингилга бўл посбон.  
Анга ҳамкор бўлишлик сендан раво.*

*Одобингга ҳавас қилсин бутун эл,  
Халойиқдан дуо олсанг, мен ризо.*

*Назокатли юзингдан нур ёғилсин,  
Қадам босган жойинг бўлсин пурзиё.*

*Гапирсанг гар асал томсин тилингдан,  
Ширин сўзли эсанг, дил сенга шайдо.*

*Ақлли бўл, Калоний пандини ол,  
Умрбоқий бўлиб юргин илоё.*

## **АҚЛ, САЛОҲИЯТ — ҲИМОЯ ВОСИТАСИ**

**Болаларим,** илмли, маърифатли, маънавияти юксак кишиларга ҳавас қилинг. Улар каби обрў-эътиборли бўлишга интилинг. Зеро, бундай одамларнинг кишиларга нафи кўп. Улардан одамлар, ёрдам, маслаҳат сўрайдилар, бу эса чинакам бахтдир. Зеро, Оллоҳ суйган бандаларини унга ўзга одамларнинг иши тушадиган қилиб яратади. Шунинг учун ҳам бордию бошқа одамлар сизларга кўмак сўраб келсалар оғринманг, ёрдамингизни дариг тутманг. Уларнинг ўрнида сиз ўзингиз бошқалар мададига муҳтож бўлиб юрмаганингизга шукур қилинг.

Маърифатли, обрў-эътиборли ва ақлан баркамол бўлмоқ киши салоҳиятининг юксаклиги белгиси. Бун-

дай одамлар доимо қадрланадилар, иззат-икромда бўладилар.

**Ривоят.** Қадим замонда бир киши бировга қарз берибди-ю, аммо ҳеч қайтариб ололмай қозига бориб, арз қилибди.

— Мен эртага сизнинг кўчангиздан ўтаман. Сиз ўша берган қарзингизни тўламаётган одамнинг олдида оёғингизни чалиштириб ўтираверинг. Мен шундоқ ёнингиздан ўтаётганимда ҳам бепарво бўлинг. Салом берсам хушомадгўйлик қилмай алик олинг, — деб маслаҳат берибди.

Қарз берган киши қози кўчасидан ўтадиган пайтда у айтган ҳолатда ўтирибди. Қози отда ўтиб бораркан, ҳамма унга эгилиб салом берибди. Жумладан, бояги қарз олиб бермаётган киши ҳам. Бироқ қарз берган киши қози айтганини қилиб, парвойипалак ўтираверибди. Қози эса келишилганидек, яна эҳтиром билан салом берибди. У киши эса бепарвогина бўлиб алик олибди. Бу ҳолатни кўрган қарздор ўйга толибди:

— Наҳотки мен шундай салоҳияти юксак одамни алдаб, олган қарзимни бермай юрган бўлсам. Бунинг оқибати яхши бўлмас, деган мулоҳазага борибди-ю, олган қарзини келтириб берибди.

**Кўрдингизми, болаларим,** мазкур ривоятдаги кишини қози сохта салоҳиятли қилиб кўрсатиб, унинг мушқулини ҳал қилган экан. Сизларнинг кунингиз бунақа сохта салоҳиятга қолмасин. Ўқинг, ўрганингиз, маърифатли, маънавиятли — юксак салоҳиятли одам бўлинг. Шунда обрў-эътибор қозонасиз. Табиийки, сизга ҳар қандай қаланғи-қасанғилар зуғум қилишга ботинолмайди.

Илму ақл билан салоҳиятли,  
Кимсани эл доим айлайди хурмат.  
Бўлса кас обрўли, ҳам ҳимоятли,  
Фанимлар тухматга этолмас журъат.

## БАХТ ЭРУР

*Бахт эрур фарзанднинг қобил ҳам қулоғли бўлгани,  
Жонга офатдир, бироқ манман, димоғли бўлгани.*

*Хулқу одоби билан ўсса юзинг ёруғ қилур,  
Гар ёмон феълли эса кўнгилнинг доғли бўлгани.*

*Эгри ўсган ҳар дарахт чўпи яроқсиз, нокерак,  
Тўғри ўсган бўлса шулдир энг яроғли бўлгани.*

*Эссиз, исрофгар ўғил рўзгорни вайрон айлағай,  
Лек тежамли бўлса бу чўмичнинг ёғли бўлгани.*

*Қақраган сахрою дашти Карбало кимга керак,  
Бу жаҳоннинг кўркидир яйловли, боғли бўлгани.*

*Қоп-қоронғу юзта уйга кирма, кўнглинг яйрамас,  
Соз эрур минг бора, бир уйнинг чироғли бўлгани.*

*Қайси фарзанд хуш бўлур деб, Эй Калон, сўрдинг нетай,  
Яхшидир дилли, имонли, қўл-оёғли бўлгани.*

## ДАРАХТ ЭКИШДА ХОСИЯТ КЎП

**Эй кўзларимнинг нури,** дилгинамнинг қўри бўлмиш фарзандим! Оламда савоб, хайрли ва хосиятли ишлар кўп. Сен уларни бажар. Айниқса, кўчат эсмоқнинг хосияти кўпдир. Жаноб пайғамбаримизнинг «Қиёмат куни бўлса ҳам қўлида бир туп ниҳоли бор одам уни эксин» деган ҳадисларининг маъносини англаб иш тутсанг фақат эзгуликка қўл урган бўласан.

Билиб қўй, дарахтни бир киши экади. Унинг мевасини эса кўпчилик ейди. Демакки, бу дарахтни эккан одамни кўпчилик эслайди, дуо қилади. Яна шуни ҳам

билиб кўйки, киши дарахтни фақат ўзи учун экмайди, уни келажак авлодлар учун ҳам экади.

**Ривоят** қилишларича бир подшоҳ мулозимлари билан ўтиб бораркан, ўз боғида мева кўчатларини экиб юрган кекса нуронийни кўриб қолибди. Қадди-қомати дол шаклида бўлган қариянинг шундай гайрат билан кўчат экаётганини кўрган подшоҳ таажжубга тушиб, қариядан:

— Эй ота, ҳорманг, нима қияпсиз, — деб сўрапти.

— Саломат бўл, ўғлим. Мевали дарахт кўчатларини экапман, — деб жавоб берибди кекса.

— Бу экаётган дарахтларингизнинг мевасини ейиш сизга насиб қилармикан?

— Бунга ишончим йўқ!

—Унда нега ўзингизни бу қадар уринтириб, ўзингиз мевасини ея олмайдиган дарахт кўчатларини экапсиз?

— Биздан олдингилар эккан кўчатлар мевасини биз еяпмиз. Биз экканимизни эса кейинги авлод ейди.

Қариянинг жавоби подшоҳга маъқул келди. Ёнидан бир халта олтин олиб унга берди. Чол олтинни олиб:

— Бу не таажжубки, мен эккан ниҳоллар экилиши биланоқ ҳосилини берди, — деди.

Қариянинг бу жавоби ҳам подшоҳга маъқул келиб, унга яна бир халта олтин берди. Шунда қария:

— Яратганга шукурлар бўлсинки, мен эккан дарахтлар бир зумда бирин-кетин икки бор ҳосил берди, — деди.

Подшоҳга чолнинг бу гапи ҳам ёқиб тушди. У қарияга тагин бир халта олтин бериб, кейин мулозимларига қараб:

— Бу ердан тезроқ кетайлик. Акс ҳолда бу донишманд чолга ҳамма пулимизни бериб юбораман, — деди.

**Кўрдингми, азиз фарзандим!** Умрининг поёни кўриниб қолган қария ҳам кўчат экишга жазм этиб, бунинг эвазига уч халта олтинга эга бўлибди. Агар сен

ҳам дарахт экишдек хосиятли ишдан юз ўгирмасанг, энг олий мукофотларга сазовор бўласан. Эккан дарахтинг учун Аллоҳ сенга ҳам гойибдан ризқ-насиба етказди. Энг муҳими, эккан дарахтинг мевасини еган одамлар, албатта сени дуо қилади. Ахир, олтин олма, дуо ол, деб бежиз айтмайдилар-ку. Дуо олган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Бас, шундай экан, умринг давомида кўчат экишни қанда қилма.

Ўғлим, умид билан эксанг бир ниҳол,  
Ёғилган савобдан бўлурсан хушҳол.  
Умринг мобайнида мўл кўчат экиб,  
Жонажон улуснинг дуосини ол.

## **МИНГ РАҲМАТ ДЕЙДИ**

*Дарахт эсмоқ хосиятли иш,  
Эксанг кимдир ҳосилин ейди.  
Ўрикми у, нокми ё кишмиш,  
Егандан сўнг минг раҳмат, дейди.*

*Қанча эксанг барибир ҳам кам,  
Экавергин тополсанг фурсат.  
Умрингдан гар бир кун қолса ҳам,  
Ҳиммат билан ўтқазгин кўчат.*

## **ЗУККО КАСГА МУШКУЛ ЙЎҚ**

Худди шундай. Бу оламда зукко одам учун мушкул иш йўқ. У қийинчиликларни ўз ақл-идроки билан тез енга олади. Унинг онглилик даражаси юксак, билими юқори.

Жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек ана шундай билимдон, зукко инсон бўлганликлари туфайли кишилар учун ечилиши мушкул деб ҳисобланган жумбоқларни ҳам тезда еча олар эканлар.

**Ривоят.** Мирзо Улуғбекнинг ҳузурларига бир киши келиб таъзим-тавозе қилибди-да, кейин:

— Эй шоҳим, сиз илму урфон пешвоси бўлган зукко шоҳсиз. Ҳар қандай мушкул жумбоқ бўлса ҳам еча оладиган топқир зотсиз. Шу боис ҳам бошимга тушган бир мушкулотдан сиз жаноби олийларини бохабар этиб, уни ечишга кўмак сўраб келдим, — дебди.

— Хўш, нима экан ўша мушкул жумбоқ?

— Камина Хуросон карвонига ҳамроҳ бўлиб, Ироқдан Самарқандга келмоқда эдим. Карвон Жайхун қирғоғига етгач, мен бир чеккага бориб либосларимни ечдим. Менда бир парча лаъл бўлиб, уни чарм халтачага солиб билагимга боғлаб юрардим. Ўша лаъл халтачани ҳам билагимдан ечиб, кийимларим устига қўйдим-да, ювиниш учун сувга тушиб кетдим. Сувдан чиқсам, ҳалиги лаъл солинган халтам қўйган жойимда йўқ. Яқин-атрофда одам зоти кўринмас эди. Шунинг учун йўқотган лаълимни ўртоқларимдан сўраб-суриштиришга уялдим. Лаъл қандай ғойиб бўлиши мумкин?

— Бу жумбоқни ечишим учун бир йил сабр қилишингга тўғри келади, — дебдилар Мирзо Улуғбек. — Шу даврда ўша лаълнинг топилса яхши. Мабодо топилмай қолса, унинг қийматини мен тўлайман!

Лаъл эгаси шоҳга раҳмат айтиб, саройдан чиқиб кетибди.

Мирзо Улуғбек эса девонбегини чақиртириб, ўзига қарашли юрт аҳолисининг ўша йили подшоликка қанча тўлов ва солиқ топширганини номмбаном ёзиб беришни буюрибди. Кейин у рўйхатни ўзида сақлабди. Янги йил киргач эса яна девонбегини чақириб навбатдаги йил учун шоҳлик даромади ҳақидаги рўйхатни сўрабди. Шоҳ ўтган йилгиси билан бу йилгисини текшириб чиққан экан, қоракўллик бир кишининг ўтган йили шоҳликка эллик танга солиқ тўлаган бўлса, бу йил 500 танга кирим топширганини кўриб қолибди ва уни ўз ҳузурига чақиртирибди:

— Сенинг солиқ тўлашинг икки йил орасида катта

фарқ бор экан. Бунинг сабаби нимада, — деб сўрабди.

— Кунлардан бир кун ўз ишим билан банд бўлиб ўтирсам, бир қарға учиб келиб рўпарамдаги дарахт қаршисига ўтирди. Унинг тумшугида гўштга ўхшаш бир нарса бор эди. Кутилмаганда у оғзидан тушиб кетди. Олиб қарасам, туморга ўхшатиб тикилган чарм халта экан. Очсам, ичидан худди офтобдек ярқираб турган нарса чиқди. Уни Худонинг садақаси деб билдим-да, Самарқандга элтиб, бир гавҳаршуносга кўрсатдим. Уни кўриши билан гавҳаршуноснинг ранги ўзгарди. Мендан буни қаердан топиб келганимни сўради.

Мен бу нарсанинг қимматбаҳо тош эканлигини тушуниб дедим:

— Узумини егину, боғини сўрама, деганлар. Хоҳласанг нархини келишиб сотиб ол, бўлмаса, қайтариб бер.

— Неча пулга сотмоқчисан?

— Икки минг олтин тангага.

Гавҳаршунос мен билан узоқ савдолашиб 1500 тангага сотиб олди. Тўғри бозорга бориб қимматбаҳо буюмлар сотиб олдим. Уй-жойим, рўзгор-жихозларимни янгилладим. Менинг бой-бадавлат бўлиб кетаётганимни кўрган кўшниларга:

— Самарқанд шаҳрида бир бадавлат қариндошим бўларди. Иттифоқо у вафот этиб, давлати менга мерос қолди, — деб жавоб бердим...

Мирзо Улуғбек ўша гавҳаршуносни тутиб келтиришни буюрибди. У гавҳар (лаъл)ни сотиб олганига иқроп бўлибди ва беркитиб қўйган жойидан келтириб кўрсатибди. Шоҳ уни олиб асл эгасига берибди. Қимматбаҳо лаълни арзон-гаровга сотиб олган муғомбир гавҳаршуносни эса қилмишига яраша жазолабди.

**Кўрдингизми азизларим,** Мирзо Улуғбек илмли, мушоҳадаси кенг, зукко одам бўлгани учун шундоқ мураккаб жумбоқни ҳам моҳирлик билан ечибди. Агар сиз ҳам илм сохиби бўлсангиз, ҳаётни чуқур ва пухта

Ўргансангиз худди шунақа қийин ва мушкул ишларни ҳам осонлик билан ҳал эта оласиз. Бас, шундай экан, ҳамиша ақл қайроғини чархлаб туринг, уни бир дақиқа бўлса-да, занглаб қолишига йўл қўйманг. Зеро, илм олмоқ ишини «бешиқдан то тобутгача давом этадиган иш» деб бежиз айтмайдилар.

Илминг бўлса мушкулинг осон,  
Узоқларинг яқин бўлади.

Билим билан яйрар танда жон,  
Юрагингга қувонч тўлади.

## **ОЛИМ БЎЛСАНГ**

*Фаниматдир ҳар фурсат, ҳар он,  
Ўқи, ўрган, бўл зукко одам.  
Илм билан қўлга кирар шон,  
Илм билан зафар ҳам, бахт ҳам!*

*Олим бўлсанг, сеники олам,  
Илм билан кўнгил чароғон.  
Комил бўлсанг дерлар. мухтарам,  
Илмлида мустаҳкам имон.*

## **ЯХШИ СУҲБАТ — ДИЛ ОРОМИ**

Инсон онгини унинг турмуши белгилайди, ўғлим. Сен ҳамкор-ҳамнафас бўлган одамларнинг маънавиятига, одоб ахлоқиға назар сол. Агар уларнинг ўрганса арзийдиган инсоний фазилатлари бўлса суҳбатдошликни давом эттир. Аксинча бўлса улардан узоқлашиш чорасини топ. Нечунким қозонга яқин юрсанг қароси юққанидек, уларнинг дилозар нуқсонлари, хоҳиш-иродангдан қатъи назар сенга ҳам ўтиб, тубанлик ботқоғига ботасан.

Агар суҳбатдошларинг, бирга гап ўйнайдиган улфатларинг ичкиликбоз бўлса, сени ҳам бу мараз иллатга



дучор қилади. Гиёҳванд бўлса ўзига ўхшатиб гиёҳванд этмагунича кўнгиллари тинчимайди. Ўғрилар даврасига кирсанг уларнинг касофатига қоласан. Қабохатга тўла қилмишлари-ю жирканч режаларини эшитишга мажбур бўласан. Ифвогару ғийбатчилар гуруҳига қўшилсанг, уларнинг гапларини эшитишнинг ўзи гуноҳ.

Дунёда худа-беҳуда гапларни жаврайвериб жонингга тегадиган эзма, вайсақилар ҳам сероб. Агар уларга кулоқ тутсанг, мантиқсиз бефойда, ўлда-жўлда гапларини эшитиб гашинг келади, энсанг қотиб асабинг бузилади. Қимматли вақтинг беҳуда исроф бўлади. Бундайлар одатда ҳар қадамда учрайди.

Худди шунақа ҳамсоялардан безор бўлган **Афанди** бир куни уйига кириб, китоб мутолаа қилиб ўтирган экан, улардан бири эшикни очиб кириб:

— Афандим, мен кўчага чиқдим дегунча бир сергап эзмага дуч келаман, сиз-чи, — деган экан, Афанди:

— Мен улардан қочиб уйимга беркиниб олсам ҳам ўзи кириб келаверади, — деб жавоб берибди.

Шунақа ўғлим, дунёда бефойда гап сотиб, қимматли вақтингни оладиган кўп, улардан йироқ юр. Сен ўз дунёқарашинг, илму одобингга муносиб кишилар суҳбатида бўлсанг ютқазмайсан. Агар ўзингдан улуг олиму, донишманд, ҳикматгўйлар суҳбатида иштирок этсанг фақат ютасан. Уларнинг кўп ва хўп олижаноб фазилатларининг сенга таъсири бисёр бўлади. Бундай оқил кишилардан билмаганларингни ўрганасан, эзгу ниятлари-ю режалари, пурмаъно ҳикматга тўла сўзларини эшитиб ҳузур қиласан, ҳаловат топасан. Айниқса юксак даражадаги обрў-эътиборларига ҳавас қиласан, улардек бўлишга ҳаракат қиласан. Зеро шоир:

**Яхши дўстлар даврасида очилурсан ҳар замон.**

**Кўркни шода ичра топгай марварид дурдона ҳам!**

—деб бежиз айтмаган.

Хуллас, пурмаъно, тагли-тугли гапларни гапириб кўнгилларга зиё бахш этувчи суҳбатдош — дил оро-

ми. Улар суҳбатида бўлишга ошиқ. Доно фикрларидан бахраманд бўл. Шундай қилсанг ақлинг расо, фикринг тиниқ, кайфиятинг аъло бўлади.

Дилга ором берар яхши суҳбатдош,  
Пурмаъно сўзлари бағишлар хузур.  
Оқилу доно кас бўлса гар йўлдош,  
Қалбингга сўзидан ёғилади нур.

## **ШИРИН СЎЗ**

*Истарангдек иссиқ эт суҳбатингни ҳам,  
Диллар яшнаб кетсин, кўнгил яйрасин.  
Маънили сўз касни айлар муҳтарам,  
Сўзласанг мисоли булбул сайрасин.*

*Ширин сўзлар айтгил, бўл хуштакаллуф,  
Самимий ҳис пайдо қилар юракда.  
Диққинафас бўлиб демасинлар уф!  
Совуқ, мантиқсиз гап турмас куракда.*

*Хушхабарлардан айт, нохушин зинҳор,  
Айтиб қўйма, улус ранжитмасин ҳеч.  
Роҳатбахш сўз дегин, бўлма дилозор,  
Дил вайрон этгувчи сўзларингдан кеч.*

*Ширин сўз шифодир, минг дардга даво,  
Унда намоёнди мўъжизий қудрат.  
Жасоратсиз яшаб ўтсанг ҳам, аммо  
Ширин сўзинг билан топгайсан шуҳрат.*

## **УМР**

Бу умр ўткинчи, ўғлим. Маҳтумқули айтганидек «юз йил умр кўрсанг ҳам, ўнгинг билан сўлингга боққанча бўлмас». Шунинг учун ҳам умр онларини бўлар-бўлмас ишларга сарфлаб, исроф қилма, унинг ҳар да-

қиқасидан ақл-идрок ила унумли фойдалан. Шундоқ яшагинки, ўтган фурсатга армон назари билан боқмайдиган бўл. Бас, тирик экансан, ҳаётда пушаймон тўнини эмас, қониқиш чопонини кийиб яша.

**Ривоят.** Улуғ шоҳлардан бири туш кўрибди. Тушида уни ваҳший арслон қувиб келаётганмиш. У қочиб бораётса қаршисида бир қудуқ чиқибди. Шоҳ қудуқ тепасидаги арқонга осилиб, ўзини қудуққа ташлабди. Бироқ қудуқнинг ярмига етганида тўхтаб қолибди. Негаки арқон узунлиги шу жойгача етибди. Шоҳ тепасига қараса арслон ейман, деб турибди. Пастга қараса бир аждаҳо оғзини очиб, тушса ютаман деяпти. Шоҳ даҳшатга тушиб, яна тепага қарабди.

Во ажабо, не кўз билан кўрсинки, тепароқда бир оқ ва қора сичқон арқонни навбатма-навбат кемиряпти. Ҳализамон улар арқонни узиб юборишади! Не қиларини билмай дир-дир титраб турса қудуқ деворидаги боларининг инига кўзи тушиб қолибди. Шунда шоҳ тепасида даҳшат солиб турган арслонни ҳам, пастда ютаман деб турган аждаҳони ҳам, арқонни шитоб билан кемираётган сичқонларни ҳам унутиб, беихтиёр қўлини болари инига чўзибди-ю асалини олиб ея бошлабди ва шу ҳолатда уйғониб кетибди.

Шоҳ кўрган бу ажойиб тушининг таъбирини сўрабди. Таъбирчилар уни шундай изоҳлабдилар:

— Шаҳаншоҳим, сизни қувиб келаётган арслон — ажал, тутаман деб турибди. Қудуқ остидаги аждарҳо — ер. Ўлса ютаман деб турибди. Арқон бу — умр. Оқ сичқон — кундуз, қора сичқон — тун. Улар навбатма-навбат умрингизни кемиришяпти. Асал эса ҳаёт!

Шунда шоҳ инсонни ажал қувиб келаётганини, ер ютаман деб кутиб турганини, шундоқ ҳам омонат ва қисқа умрини кеча-кундуз, яъни вақт кемираётганини, инсон ихтиёридаги умр фурсатини ғанимат биллиб, иложи борича болни, яъни ҳаётнинг гаштини тотиб қолажagini ҳис қилибди...

Мазкур ривоятда инсон умрининг нақадар қисқалиги ва ҳаётнинг ширинлиги фоят таъсирчан ва ишонар-

ли ифодаланган. Унинг теран маъносини ҳис қил. Уқиб ол, ўғлим. Умр — қисқа, жон — омонат, ҳаёт эса тотли. Бас шундоқ экан, ўзлигингни унутма. Кибру ҳавога берилма, умрнинг ўткинчилигию, қисқалигини тассаввуринг кўзгусида намоён қил. Унга боқ, кузат, амал қил ва ишонч ҳосил қилиб, зое кетказма.

Умр они эрур бир нафас,  
Кўз очиб юмгунча ўтиб кетади.  
Унинг қадрин англаган ҳар кас,  
Муроду мақсадга албат етади!

## **УМР ДЕГАНЛАРИ**

*Ҳаёт деганлари асли рўёдир,  
Умр деганлари оқар дарёдир,*

*Одамзот аслида мисли саробдир,  
Мавжудлиги гўё дақиқа хобдир.*

*Дунёга келдим-ку, ахир, мен дема,  
Бемаза бузоқнинг гўштини ема.*

*Сендан илгари ҳам борман деганлар,  
Аслида борликка зорман деганлари.*

*Қани, жаҳонгирлар, қани даҳолар,  
Йўқликка сингиган у бебақолар.*

*Борман деб беҳуда, эй зот керилма,  
Хаёлотга ҳаргиз ортиқ берилма.*

*Бор бўлсанг, борлигинг энди исбот эт,  
Эзгу юмушларни элга бот-бот эт.*

*Бор бўлсанг ўғилу қизинг бўлади,  
Ортингда қолдирган изинг бўлади.*

# ОЛЛОҲГА ИШОНГАН ЖИНОЯТ ҚИЛМАЙДИ

**Эй азиз фарзандларим!** Оллоҳга ишонинг. Яратган зот бор ва у ҳамма нарсани кўриб тургувчидир. Унинг ўтқир нигоҳидан яшириниш мумкин эмас. Ҳар бир ҳаракатингизни кўриб кузатиб тургувчи қодир Эгамдан кўрқинг ҳамда ҳеч қачон жиноий ишларга қўл урманг. Кўрмаса бас-да деб гуноҳ ишларга юз бурманг, кейин пушаймон қиласиз.

Бир **ривоятда** айтилишича Аҳмад Яссавийнинг болалик чоғларида муаллимлари талабаларни имтиҳон қилиб кўрмоққа жазм этибдилар.

Болалар, — дебдилар ул зот, — эртага ҳар бирингиз биттадан хўрозни Аллоҳнинг нигоҳи тушмайдиган жойда сўйиб, менга кўрсатинглар.

Талабалар муаллимларининг айтган нарсаларини бажариш учун тарқалибдилар. Эртаси куни ҳамма ўқувчилар биттадан хўрозни сўйиб келибдилар. Аммо Яссавий ҳазратлари тирик хўрозни кўтариб борибдилар. Муаллим талабалардан хўрозни қаерда сўйганликларини суриштирибдилар. Биров хўрозни тун қоронғусида сўйдим, деса, бошқа биров тўрт деворнинг ичида, яна бошқа бирови кўприк остида сўйдим, деб жавоб берибди. Бошқа талабалар ҳам худди шунга ўхшаш гапларни айтишибди. Ниҳоят навбат Яссавий жанобларига келгач, ул зот дебдилар:

— Устоз, мен ҳам мана бу хўрозни сўйиш учун тутдим. Аммо Аллоҳнинг назари тушмайдиган жойни тополмадим. Аллоҳнинг назари тушмайдиган жой йўқ экан.

**Кўрдингизми, фарзандларим.** Аҳмад Яссавий бобомиз талабалик чоғларидаёқ бу ҳақиқатни англаб етган муҳтарам зотдирлар. Сизлар ҳам ул табаррук бобомиздан ибрат олиб, ҳаёт кечирсангизлар, иншааллоҳ, азизу мукаррам бўласизлар.

Аллоҳ ҳар бир ишни кўриб туради,  
Унинг назаридан беркиниб бўлмас.  
Худога ишонган тўғри юради,  
Ҳақ йўли чин йўлдир, ўзгача бўлмас.

## **ЭТ ҲАМИША МУҲТАРАМ**

*Оч кўзим, ё раб, разолат сори гар кўйсам қадам,  
Йўлдан оздирсанг мабодо бир умр қилгай алам,  
Мен ғарибу нотавон, осийга қил лутфу карам,  
Ёлворарман жойнамозустида доим дам-бадам,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам!*

*Хизматинг айлай бажо ҳар доимо жоним билан,  
Бахш этай сенга ҳаётимни шараф-шоним билан,  
Бор гуноҳимни ювай қалбимдаги қоним билан,  
Розиман ўлсам агар кўнглимда иймоним билан,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам!*

*Бир мусулмон ўғлидирман, бу шарафни оқлагум,  
Нурли номинг дилгинам тўрида асраб, сақлагум,  
Уммати эрман, Расулим сўзларин ардоқлагум,  
Нега даъват этган эрса барчасини ёқлагум,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё, эт ҳамиша муҳтарам!*

*Топганимни элу юртга сарф этай, тўйлар қилай,  
Камбағал, ночор, етимларнинг мудом бошин силай,  
Эрта тонгдан уйғониб инсофу иймоним тилай,  
Доимо, Оллоҳ, жамолингни кўришга интилай,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам!*

*Кирмасин шайтон йўлига, асра ҳар бир бандани,  
Не учунким ўз йўлинг бор иккиланмай юргани,  
Шу йўлингга бахшида бўлсин Калоний жон-тани,  
Тинмайин шеърлар ёзиб, доим улуғлайман сани,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам!*

# ЎЛИКДАН ҚЎРҚМА, ТИРИКДАН ҚЎРҚ

16.

**Эй азиз фарзандларим**, шуни билингларики, бу дунё-да энг шафқатли ҳам, энг ваҳший ҳам инсон. Кези келганда унинг меҳри дарё. Одам зотининг меҳр-муруввати туфайли дунё устунлари қуламай турибди. Одам зотининг шафқати туфайли табиат ўзининг ранго-ранг жилolari билан сақланиб келмоқда, жониворлар бутунлай йўқ бўлиб қирилиб кетишдан асралмоқда. Инсон шафқати туфайли қўриқхоналар яратилмоқда. Ўсимликлар, ҳайвонот олами ҳимоя қилинмоқда.

Айниқса инсон зотининг бир-бирига меҳр-муруввати беқиёс. Ўзгалар ҳаловати, ороми учун ўзига-ўзи машаққат орттириб олишни шараф деб билувчилар кўп. Аксарият ота-она, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин, қариндош-уруғларнинг бир-бирига бўлган меҳр-мурувватлари таҳсинга сазовор. Буларни ҳам қўя туринг, ҳақиқий инсонлар жонажон ватанлари, сеvimли халқлари учун жон фидо қилмоққа тайёр турадилар.

Бироқ, шуни ёдда тутингларики, дунёда энг қаҳри кучли, нафрати бисёр, ғазабқору шафқатсиз ҳам инсондир. Халқимиз «ўликдан қўрқма, тирикдан қўрқ», деб бежиз айтмайди. Бу гапда виждонсиз, имонидан жудо бўлган тириклар кўзда тутилганлигини тушуниб турганликларингга аминман.

Инсон қадр-қимматини унинг виждонюю, имони белгилайди. Виждонсиз, Худодан қўрқмайдиган одам борки, ундан ҳар балони кутиш мумкин. Аммо меҳр-мурувватни, шафқатни кутмоқ амримаҳол. Бундайлардан сизларни яратган Эгам асрасин.

Имонсиз инсоннинг ҳайвоноту, ўсимликлар дунёсига шафқатсизлигини қўя турайлик, унинг бир-бирига бўлган адоватидан даҳшатга тушмай илож йўқ.

Шу қисқагина умри учун у мол-дунё деб бир-бирини ўлдиради, бир-бирининг йўлига чоҳ қазидан ор қилмайди, тортинмайди. Кўролмаслик, ҳасад туфайли бир-бирини заҳарлайди. Шугина эмас, беимон инсонлар сабаб одамлар урушлар гирдобига тортилади. Оммавий қирғинлар рўй беради.

Шу ўринда таниқли татар шоири Муса Жалилнинг бир шеърини айтиб бераман.

*Кишилар қон тўкиб уришар,  
Қуритарлар мингларча ҳаёт.  
Искаб юрар тунда бўрилар,  
Яқин келиб ўлишар бот-бот.*

*Қанча қону, қанча от гўшти!..  
Ялтирайди бўри кўзлари.  
Буларни тун бўйи қийратган  
Кишиларнинг ахир, ўзлари.*

*Бўриларнинг пири, каттаси  
Кўзи тиниб киши қонидан.  
Тўхтаб қолди исканиб бирдан  
Бир ярадор киши ёнида.*

*Инграб ётар эди ярадор...  
Суюнчиғи бўлди оқ қайин.  
Унинг ҳолин кўриб бошида  
Тебратарди шохларин майин.*

*Раҳми келиб йигитга йиғлар,  
Гул-лолалар эгганча бошин!  
Майсадаги шудринг эмас, йўқ,  
Йўқ, гуноҳсиз гулларнинг ёши.*

*Кекса бўри йигитни ҳидлаб,  
Ҳайрон бўлиб тикди кўзини.  
Йигит шунда бирдан сесканиб,  
Бир чеккага бурди юзини.*



Ярадорнинг заиф нафаси,  
Кирди шу чоқ унинг бурнига.  
Йўқ тегмади, бўри бурилиб,  
Жўнаб қолди яна йўлига.

Эрта тонгда кишилар келди,  
Ётар эди йигит ярадор.  
Кўзи юмуқ, хушидан кетган,  
Тузалишга аммо умид бор.

Одамлар-чи йигит танига  
Чўғдек қилиб темир босдилар.  
Қийнадилар, азоб бердилар,  
Оқ қайинга сўнгра осдилар...

Кишилар қон тўкиб уришар,  
Қуритарлар мингларча ҳаёт.  
Искаб юрар тунда бўрилар,  
Яқин жойдан улишар бот-бот.

Бўрилар, оҳ... лекин бўрилар  
Бунчалик ҳам йиртқичмас улар!

**Ана шунақа, фарзандларим.** Инсон кези келганда йиртқич бўридан ҳам ваҳший. Бунга сабаб унинг диёнатсизлиги. Илоҳим имонсизлар ғазаб ва нафратидан сизларни Аллоҳим асрасин!

Бирок, фарзандларим, инсон зоти орасида бунақа, ваҳший шафқатсизлари қанчалик кўп бўлмасин, улардан кўра меҳр-мурувватлилари бисёр. Сиз улар каби бўлинг. Меҳрингиз доимо тошқин, муҳаббатингиз чексиз бўлсин. Имонсизлар қалбида имон ҳосил қилиш, шафқатсизларни шафқатли этишга қўлингиздан келганча ҳаракатни қилинг. Шундай қилсангиз ҳар икки дунёнгиз обод, юзингиз ёруғ бўлади.

Дунёда инсондек ваҳший топилмас,  
Ундан шафқатли ҳам оламда йўқдир.  
Диёнат асалдир, хиёнат – абас,  
Сен асал бўлсанг бас, кўнгиллар тўқдир.

## ИЛТИЖО

Мен Худога қилгум илтижо,  
Бахш айла деб мўъжизий сеҳр.  
Топмасин ҳеч севгим интиҳо,  
Вужудимни қамрасин меҳр.

Севги бўлиб сингай оламга,  
Меҳр бўлиб сочайин зиё.  
Келтирайин қирон аламга,  
Тарқатайин шарм ила ҳаё.

Мурувват қўш қанотим бўлсин,  
Қалбим бўлсин беминнат ҳимнат.  
Хидоятга жаҳоним тўлсин,  
Шодлик бўлсин бу дунё фақат.

Садоқатнинг уйи мустаҳкам,  
Вафо бўлсин инсонга йўлдош.  
Башар зоти юрсин хотиржам,  
Оқизмасин ҳеч кимса кўз ёш.

Бошланмасин ҳеч қачон уруш,  
Тинчлик қуши айласин парвоз.  
Тугаб битсин мангу итҳуриш,  
Кас кас учун ҳамиша ҳамроз.

Дўстлик ипи ҳеч узилмасин,  
Қардош бўлсин ер юзин аҳли.  
Аҳду паймон ҳеч бузилмасин,  
Бахтин қучсин инсонлар ҳайли.

*Оламда ҳеч қолмасин қашшоқ,  
Ҳамма бирдай бўлсин бадавлат.  
Донга тўлсин ҳар битта бошоқ,  
Мен барига берай кафолат!*

## ЎТКИНЧИ ДУНЁ

**Эй, фарзандим!** Билиб қўй, бу дунё — ўткинчи, кўз юмиб очгунча умр ўтади. Бас шундай экан, амал ҳам, бойлик ҳам худди тирикликнинг ўзи каби ўткинчи, яъни вақтинчадир.

**Ривоят.** Қадим замонда икки дўст бўлиб, улар болалиқда бирга яшашган экан. Аммо улар улгайгач тақдир икковларини икки ёққа улоқтирибди. Ҳар икковлари ҳам ризқ-насибаларини излаб дунё кезишибди.

Кунларнинг бирида биринчи дўст кўчадан ўтиб кетаётса ёшлиқдаги ўша дўсти гадойчилик қилиб ўтирганмиш. Шунда у:

— Ҳа, оғайни, нима бўлдики, шу аҳволга тушибсан, бу не ҳолат? — деб сўрабди. Дўсти эса унга:

— Ҳечқиси йўқ, бу вақтинча! — деб жавоб берибди.

Дўстлар яна хайрлашиб, бир-бирларидан узоқлашибди. Орадан бир неча йил ўтгач биринчи дўст нотаниш бир шаҳар кўчасида одамлар подшоҳни кўтариб кетаётганларини кўриб қолибди. Қараса бу подшоҳ ўша ёшлиқдаги қадрдон дўсти эмиш. Буни кўриб у ғоят севиниб кетибди ва ундан қандай қилиб подшоҳ бўлгани хусусида сўрабди. Шунда дўсти унга яна:

— Бу ҳам вақтинча, — деб жавоб берибди.

Дўстлар тагин ўз юмушлари билан бўлиб, бир-бирларидан ажралишибди. Орадан ойлар, кетидан йиллар ўтибди. Биринчи дўст бир жойда одамлар майит кўтариб кетаётганларини кўриб қолибди. Бу майит ёшлиқдаги ўша қадрдон дўсти экан. Дўст тез бориб тобутнинг бир четидан кўтарибди ва «эй дўстим, бу не ҳолат бўлди?» — деб хаёлидан ўтказибди. Шунда унинг қулоғига дўстининг:

— Буёғи абадий! — деган овози эшитилибди.

**Шундоқ ўғлим**, бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Шундай бўлгач, доимо кўрпангга қараб оёқ узат. Бу фоний дунёнинг ташвишу қувончлари абадий эмаслигини, ҳатто умр ҳам ўткинчи эканлигини ёдингда тутгин-да, эзгу, хайрли ишларинг билан мангу ном қолдиришга улгур:

Кўз очиб юмгунча умр ўтади,  
Ажалнинг панжаси келиб тутади.  
Шу қисқа фурсатда биров бахт топар,  
Биров ғойиботдан омад кутади.

## **УМР ЎТКИНЧИ**

*Баҳор табиатни гулга белади,  
Еллар ғунчаларни сийпаб-силади.  
Менинг хаёлимга бир ўй келади:  
Умр ўткинчидир, умр ўткинчи!*

*Қуёш қиздиради айни фасли ёз,  
Сават-сават узум узар сарвиноз.  
Ҳаёт боқий дея ўйлама саёз,  
Умр ўткинчидир, умр ўткинчи!*

*Олтинранг товланиб куз жилоланар,  
Дарахтларда мевалар ял-ял товланар,  
Серзавқ кўзларимда бир армон ёнар:  
Умр ўткинчидир, умр ўткинчи!*

*Паға-паға қорли кириб келар қиш,  
Сочлар оқаради, тўкилади тиш.  
Ўксик юракларда мавж урар ташвиш,  
Умр ўткинчидир, умр ўткинчи!*

*Мангу яшай десанг излангин бетин,  
Эзгулик ерига экавер экин.  
Ғафлатда қолмагин, азизим, билгин,  
Умр ўткинчидир, умр ўткинчи!*

# ЎЛИМ ҲАҚ

Туғилмоқ бор, демак, ўлмоқ ҳам бор. Ундан қочиб кутулиб бўлмайдди, ҳар дақиқа тайёр турмоқ лозим. Бироқ зинҳор-базинҳор ўлимга қараб шошилмаслик даркор. Нечунким ўлим — даҳшат. Иложи борича ундан узоқлашмоқ учун бор имкониятни ишга солмоқ фазилатдир.

**Ривоятда** айтилишича, Сулаймон подшоҳнинг саройига бир киши ранги оқарган, қўрқувдан титраган ҳолда кириб келди ва шошилганча деди:

— Бугун тонг пайти қаршимдан Азроил чиқиб, менга қаҳр ва ғазаб билан қараб қўйди. Назаримда у менинг жонимни оладиганга ўхшайди!

— Ҳўш, мендан нима истайсан,

— Эй, жонларнинг қўриқчиси! Шамолга айтинг, мени Ҳиндистонга олиб бориб қўйсин. Балки Азроил мени у ердан топа олмас.

Сулаймон подшоҳнинг раҳми келиб, шамолга:

— Бу одамни тезлик билан Ҳиндистонга олиб бориб қўй, — дея фармон берди.

Шамол бир онда уни Ҳиндистонга учуриб олиб бориб қўйди.

Пешинга яқин ҳазрати Сулаймон қаршисида Азроил пайдо бўлди. Шунда шоҳ:

— Эй Азроил! Эрталаб бир бечора кишига қаҳр ва ғазаб билан қараб, нега қўрқитдинг? — деганди, унга жавобан Азроил:

— Эй дунёнинг султони! Мен у одамга ғазаб ва қаҳр билан қарамадим. Аксинча, ҳайрат кўзи билан қарадим. У мени нотўғри англаб, ваҳимага тушди. Чунки мен уни бу ерларда кўриб, ҳайратга тушган эдим. Негаки Аллоҳ менга:

— Бор, шу оқшом бу одамнинг жонини Ҳиндистонда ол, — деган эди. Мен бу одамнинг юзта қаноти

бўлса ҳам бу оқшом Ҳиндистонга етиб боролмайди. Бу қандай бўлди, дея ҳайронман, — дебди Азроил.

Инсон умри шундоқ ҳам қисқа. Боз устига у шитоб билан ўтади. Бас шундай экан, инсон умрининг бирор дақиқасини ҳам зое кетмаслиги, уни доимо эзгу ишларга бахшида этиши мақсадга мувофиқ. Ҳаётда шундай яшагинки, ўз хешу акраболарингнигина эмас, бутун халқингнинг хотирасида қол. Сен ўтиб кетганингдан кейин ҳам одамлар серхосият ишларингни эслаб юрсин. Кишилар хотирасида яшашинг бу сенинг иккинчи умринг бўлади. Унинг нақадар узоқ бўлиши биринчи умрингда қандай мерос қолдирганингга боғлиқдир. Агар шоир ё ёзувчи бўлсанг ёзган асарларинг, олим бўлсанг қилган кашфиётларинг, қурувчи бўлсанг қурган иморатларинг, боғбон бўлсанг яратган боғларинг халқингга мерос бўлиб қолиши мумкин.

Билиб қўй, қолдирган меросларингдан фойдаланувчилар миннатдорчилик билан сени хотирлайдилар. Меросинг кишиларга (нафақат кишиларга, балки паррандалару даррандаларга ҳам) қанчалик кўп наф етказса, сенга ҳам шунчалик раҳмат ёғилади, савоби тегади. Бу раҳматлар, савоблар фоний дунёда билиб билмай қилган айрим гуноҳларингни ҳам ювиб кетади.

Бироқ бу дунёда қилган гуноҳларингнинг ювилишини у дунёга қолдирма. Аввало гуноҳ қилмаслик иложини топ. Бордию шайтон йўлдан уриб у ёки бу гуноҳни содир этсанг, уни шу дунёдаёқ ювиб тозала. Бунинг учун қилган гуноҳингга тавба қил, уни такрорлама. Кейин бир гуноҳ ишинг учун ўн, юз, ҳатто ундан ҳам кўп савоб иш қил. Шундай қилсанг, боқий дунёга ёруғ юз билан борасан.

Савоб ишларни (гуноҳни ювишни ҳам) эртага қолдирма. Уни бугун, бугун бўлганда ҳам имкони борича тезроқ қилишга шошил. Нечунким тандаги жон омонат. Унинг қачон жисмингни тарк этишини билмайсан киши. Агар қисқа фурсатда омонат жонни топширмаққа

тўғри келса, мўлжалдаги хайрли юмушларинг бажарилмай қолиб кетиши мумкин. Илоҳим, ҳеч кимнинг бошига бундай армонли ҳолат тушмасин!

**Эй фарзандим,** ажал деганлари ҳар дақиқада кутилмаган ҳолатда эшик қоқиб кириб келиши мумкин. У нақадар аччиқ бўлса ҳам кўникмоқ ила қарши ол. Айниқса, яқин одамларинг вафотига сабр-тоқат ила бардош бер. Уни фонийликдан боқийлик сари парвоз, деб ўзингни овут. Ўзгаларни ҳам сабр-тоқатга унда.

**Ривоят.** Искандар Зулқарнайн заҳарланган ичимликни ичиб, ўлими яқинлашганини сезгач, муҳтарам онасига хат ёзибди. Онаси уни очиб ўқиса, ўғли ундан дастурхон ёзиб, ҳеч бир кишиси вафот этмаган, ўлим доғини кўрмаган одамларни чақириб меҳмон қилишини сўрабди.

Искандар бу хатни дунёга устун бўладиган одам йўқлигини онасига эслатиб қўйиш ва шу йўл билан унга тасалли бериш учун ёзган экан.

Сен ҳам, эй ўғлим, мазкур ривоятдан ибрат ол. Яратган Эгам сенга узоқ-умр ва олам-олам эзгу ишлар соҳиби бўлишликни раво кўрсин. Ҳар икки оламинг нурли бўлсин. Яқин кишиларинг ёқасидан ажал тутган чоғларда ўзингни қўлга ол, бардошли бўл.

Бандаликни бажо этиб қолди у,  
Умрин поёнига етиб қолди у.  
Дема, энди ундан йўқ ному нишон,  
Фонийдан боқийга кетиб қолди у.

## ОМОНАТ

*Дунёга йўқликдан келдигу, бироқ  
Ўша йўқлик сари қайтгимиз келмас.  
Умр тугаб, кўзни юмадиган чоқ,  
Аллоҳга шукрона айтгимиз келмас.*

*Не ажаб, жон таңда эрса омонат,  
Омонатин қайтиб олса берган зот.  
Нечун омонатга қилиб хиёнат,  
Қайтаргимиз келмас, не учун, наҳот?!*

## ЎЛИМ

*Билсанг, ҳар нарсанинг бордир иложи,  
Чанқасанг сув бордир, оч қолсанг овқат.  
Хоҳла Каъбага бор, бўлиб қайт хожи,  
Хоҳласанг ҳар ишга топасан фурсат.*

*Астойдил интилсанг толе бўлур ёр,  
Рўёбга чиқади интилсанг орзу.  
Излансанг, ишласанг бўласан мулкдор,  
Севсанг ҳосил бўлур ишқ деган туйғу.*

*Агар кунт айласанг, айласанг сабр,  
Нени мурод қилсанг шунга этасан.  
Фақат ўз-ўзингга этасан жабр,  
Ўлимга чора йўқ, излаб нетасан?!*

## ЎТИНЧ

(Хотима ўрнида)

**Эй азиз фарзандларимиз!** Мазкур китобга жойланган ўғитларни биз —ота-онангиз сизларга деб тўплдик. Худди заҳматкаш асаларилар энг сара гулларнинг шифобахш болларини йиққани каби биз ҳам ибратли ривоятларни турли адабиётлардан, донишмандлар маърузаларидан тўплдик ва айримларни ўз тафаккур сандиғимиздан ҳам териб олиб, сизларга баён этдик. Сизлар ҳам уларни қизиқиш ва қониқиш билан тингладингиз. Улар беғубор қалбингизни таъсирлантирган бўлса, мулоҳаза юритишга даъват этган бўлса, демак ниятимизга етибмиз.



Сизлардан ўтинчимиз шуки, бу инсоний жавоҳирларни хотирангиз сандиғида умрбод сақланг. Уларни асраб-авайлаб ёд олинг, вақти-вақти билан такрорланг ва ҳамиша оғишмай амал қилинг. Улар сизларни одабийликнинг юксак чўққиларига етаклайди, улуғворлик касб этишингизни таъминлайди. Комил, ҳар томонлама етук инсон бўлишингиз учун кенг, равон ва ойдин йўл очади.

**Эй азиз фарзандларимиз!** Сизлар халқимизга муносиб бўлинг. Шу жонажон Ватаннинг ота-боболаримиз, муҳтарама оналаримизнинг муқаддас ҳоқиқоришган тупроғини ўпинг, уни кўзларингизга тўтиё айланг, ёт шумқадамлар асоратидан сақланг. Зеро унга етолмай кўзларида ёш, қалбларида битмас-туганмас ғам-алам билан кетган аждодларингиз бор.

Илм олинг, ҳунар ўрганинг, мард бўлинг, жўмард бўлинг, ҳалол-пок, бой-бадавлат бўлинг, лекин мол-мулк, мансабга ҳирс қўйманг. Шаънингизга саховат ва ҳидоятнинг заррин нурлари ила сайқал беринг, юртининг озод фуқаролари ичинда ўзингизга лойиқ мавқе топинг, обрў-ю эътибор қозонинг.

Ҳамиша адолат ила иш тутадиган, қаҳр-ғазабни вақтида жиловлай оладиган даражага етинг. Кишилар орасига адоват уруғини экишдан сизларни Яратганининг ўзи асрасин. Фитнаю иғво кўчасидан ўтманг. Жабр ва зулм кўрсатмоқдан сақланинг, бошқа биродарларингизни ҳам бу гуноҳи кабира ишлардан қайтармоққа журъат ва қудрат топинг.

Дўстликни, дўстларингизни қадрланг, уларнинг айбини яшириб, эзгу фазилатларини васф этинг. Қўлингиздан ҳам, тилингиздан ҳам, муборак пойи қадамингиздан ҳам ҳеч кимга зарар етмасин. Аксинча, яхши фазилатларингиз ила наф тегсин. Ҳеч қачон ношукур бўлманг, доимо қаноат қилинг. Ҳақгўй бўлинг, ёлғон сўз айтманг. Бировлар омонатиға зинҳор-базинҳор хиёнат қилманг. Аҳли аёлингизға вафодор, ғамхўр ва меҳрибон бўлинг, улардан ширин сўзларингизни дариф

тутманг. Илмингизни муттасил ошириб боринг ва унга амал қилинг. Билиб қўйинг, илмига амал қилмаган олимни устига китоб ортилган эшакка менгзайдилар. Билганларингизни бошқаларга ҳам ўргатинг. Зеро, устоз Алишер Навоий «Хунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб туфроққами кетгумдир охир» деб бежиз айтмаганлар.

Ҳамиша улуғларга ҳурматда бўлинг, ожизларга ёрдам қўлини чўзгучи солиҳлар қаторида бўлинг. Иродали, золимларга бўйсунмас бўлинг, мазлумларга эса заҳмат етказманг. Ҳақнинг топталишига бефарқ қараманг, худбинлик, бахиллик ва риёкорлик оловида жисму жонингизни куйдирманг.

Ушбу тўпламни «Қадриятнома ёхуд юз ўғитга юз ривоят» деб бежиз атамадик. У истиқлол туфайли ўзлигига қайтиб қадр топаётган оқилу доно халқимизнинг ўзбекона қадриятларидан бир гулдастадир. Сизлар ва тенгдошларингиз баҳра олинг, деб уни туздик.

Эй азиз фарзандларимиз! Бугун XXI аср бошламасида ўзбек халқи жаҳонга ёруғ юз билан боқмоқда, ўз навбатида жаҳоннинг ҳам нигоҳи унга қадалган. Бас шундай экан, бутун ҳатти-ҳаракатингиз, турмуш тарзингиз чинакамига ўзбекона бўлсин. Шаъну шавкатингиз ҳам шу беқиёс ўзбекона фазилатларга йўғрилиб кетсинки, унга боққан киши беихтиёр ҳавас қилмоқдан ҳаловат топсин. Шундоқ жигаргўшаларим. Биз сизлардан ўтиниб-ўтиниб (гарчи ота-онанинг ўз зурриёдларига ўтиниши ножоиз бўлса-да) шуларни сўраймиз ва кечаю-кундуз қўл очиб дуо айламоқдан ҳузур топамиз. Илоҳим, дуоларимиз мустажоб бўлсин, барчангизни қодир Эгам эл-юрт кўзига ёруғ юз билан боқадиган кишилар этсин. Сизларга яна бир бор ўтинч билан ота-онангиз — Мурод Калонхон ўғли (Калоний) ва муҳтарама онангиз Туроб қизи Мукамбархон Калонхонова.

# КАЛОНИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

## ИМОН

Дунё донолари имон ҳақида  
Сермаъно, пурҳикмат таъриф айтишган.  
Чиндан имон эрур қутлуғ ақида,  
Ва лекин иблислар ундан қайтишган.

Имон муқаддасдир, имон — муборак,  
Ундан юз ўгирган бўлур хору зор.  
У башар зотиға жон каби керак,  
Ундан айрилмоққа чора йўқ зинҳор.

Бирор бир кимсаға ишонмоқ учун,  
Аввало сўралар: «Борми имони?»  
Майли, дилларига тўлиб кетсин хун,  
Имондан кечмоқнинг йўқдир имкони.

Агар имонидан воз кечса инсон,  
Унда йўқ на номус, на ҳаё, на ор.  
Удир дунёдаги энг йиртқич ҳайвон,  
Вахшийдир, золимдир, қутурган шайтон.

Имон қадриятнинг тарозусидир,  
Ундадир муҳаббат, мурувват, шафқат.  
Имон кўнгилларнинг пок орзусидир,  
Унга етмоқликнинг йўли ҳидоят.

Гар имон бўлмаса қайда садоқат,  
Вафо ҳам бўлғуси бамисли анқо.  
Осмондан ёғилур бетимсол офат,  
Қабоҳат, разолат бўлур муддао.

Иложин топса, бас, инсонни инсон,  
Бир сўм деб юз-кўзин ўйиб олади.  
Худа-беҳудага тўкилади қон,  
Оламга жаҳолат даҳшат солади.

Куппа-кундуз куни гавжум бозорда,  
Аёллар номуси бўлади савдо.  
Ожизлар жонлари доим озорда,  
Шўрликлар бошида ҳамиша гавго.

Авж олар маломат, тухмат ва игво,  
Оламни забт этиб солади қутку.  
Дилларни куфрлик қоплар мутлақо,  
Тўфондек ёприлар ташвиш ва қайғу.

Имон ҳақиқатдир, имон — адолат,  
Ундадир беҳиштнинг қутлуғ калити.  
Ундан юз ўгирган иблис – касофат,  
Махлуқот оламин исқирт палити.

Одамлар! Имонга бўлингиз посбон,  
Асраб-авайлангиз уни ҳар доим.  
Нечунким, башарда қолмаса имон,  
Ўша кун бўладир қиёмат қойим.

## **БЕИМОН**

Умрингни риё қилма,  
Кибр этма, ҳаво қилма.  
Дардинг бедаво қилма,  
Жонингга жафо қилма.

Жон чексанг риёзатдан,  
Ороминг-ҳидоятдан.  
Лутф бирла иноятдан  
Қалбингни жудо қилма.

Зулм қавли жаҳолатдан,  
Йўқ фарқи касофатдан.  
Ҳар турли маломатдан  
Беҳуда садо қилма.

Корингни мурувват эт,  
Аҳдингни садоқат эт.  
Пок орзу, ниятга ет,  
Ҳеч касга жазо қилма.

Жон танда омонатдир,  
Бас, нега хиёнатдир.  
Сўнгингда надоматдир,  
Беимон қазо қилма.

## **СЕНДАН НЕ ҚОЛУР**

Бу оламдан ҳамма ҳам кетар,  
Умр бир кун сўнгига етар.  
Жон танани йиғлаб тарк этар,  
Айт, ортингда сендан не қолар?

Қуёш чиқиб келаверади,  
Шуълаларга белаверади.  
Умр ели елаверади,  
Айт, ортингда сендан не қолар?

Оталардан фарзанди комил...  
Истасанг гар топасан омил.  
Охиратга бўлажак дохил,  
Айт, ортингда сендан не қолар?

Боғ қолдирар соҳибкор боғбон,  
Тоғ-тоғ ҳосил миришкор деҳқон.  
Бўлсанг агар ҳақиқий инсон,  
Айт, ортингда сендан не қолар?

Тирикдирсан ганимат фурсат,  
Эзгуликка айлагин хизмат.  
Кўзларингни босмасин ғафлат,  
Айт, ортингда сендан не қолар?

Боларидан асал қолади,  
Масалчидан масал қолади.  
Калонийдан ғазал қолади,  
Айт, ортингда сендан не қолар?

## **ГУНОҲ ВА САВОБ**

Ҳовлингга экилган экин-тикинни,  
Суғормай, айна ёз сўлдирмадингми?  
Бежиз бузиб ташлаб қуш қурган инни,  
Жужуқларин бевақт ўлдирмадингми?

Улоқтиролдингми қалбингдан кинни,  
Бировга азият бўлдирмадингми?            “  
Ёлғон-яшиқ сўзлаб, беркитиб чинни,  
Қўйнин пуч ёнғоққа тўлдирмадингми?

Рўбарў келганда ғарибҳол одам,  
Менсимай, кўнглини чўктирмадингми?  
Ўксиган қалбига солиб қайғу, ғам,  
Аламли кўз ёшин тўктирмадингми?

Бировнинг гапини бировга чақиб,  
Низо солмадингми пок ораларга?  
Етим-есирларга жирканиб боқиб,  
Озор бермадингми бечораларга?

Қартайган онангга қилдингми эҳсон,  
Қаровсиз қолдириб, этмадингми хор?  
Мушкулин отангни қилдингми осон,  
Айлаб қўймадингми мурувватга зор?

Хешу акрабодан олдингми хабар,  
Меҳрингнинг нурина соча олдингми?  
Солиб қўймадингми ошига заҳар,  
Фам чекса кўнглини кўтаролдингми?

О инсон! Хом сутни эмган бандасан,  
Жирканч гуноҳлардан, айт, холимисан?  
Ва ё савоб корни қилиб канда сан,  
Қанча эзгуликнинг бад заволисан?

Кўча ўртасида ётган бир тошни,  
Биров қоқилмасин деб четга олдингми?  
Ва ё кибр ила чимириб қошни,  
Ҳамроҳинг қалбига алам солдингми?

Хуллас, бўлолдингми гуноҳдан холи,  
Фараз юмушларга урмадингми қўл?  
Барча қилмишларнинг бордир саволи,  
Жавобига тайёр бўлдингми буткул?

Бу дунё ишида қатъий ўлчов бор,  
Савобинг бисёрми ёки гуноҳинг?  
Ғафлат уйқусидан уйғон, бўл ҳушёр,  
Оламни қучмасин фарёду оҳинг.

Ўзингни савоблар кўчасига бур,  
Гуноҳлар йўлига кириб кетмагил.  
Босган қадамингни таҳлил этиб тур,  
Қилган хатойингни такрор этмагил.

Бир гуноҳ иш қилсанг, ювмоқ-чун дарҳол,  
Ўнлаб савоб ишни бажариб қўйгил.  
Бўлиб кетмай десанг хор, ошифтаҳол,  
Савобу эҳсонга жондор ҳам сўйгил.

Бас, тирик экансан, гуноҳдан қочиб,  
Савоб юмушларга очавер қучоқ.

Эзгулик нурига қалбингни очиб,  
Қабих гуноҳлардан узоқ бўл мутлоқ.

Нечунким, залолат қотилдир қаттол,  
Қабоҳат бор жойда ҳукмрон мамот.  
Гуноҳ ишлар қилиб бўлмагин баттол,  
Савоб ишлар билан боқийдир ҳаёт!

## ОТАМ

Фарзанд бўлиб дунёда,  
Сизга нима қилолдим?  
Аммо сиздан, жон ота,  
Бисёр нарса ололдим.  
Гард юқтирмай заррача  
Кўтардингиз елкада.  
Кўрмадим ҳеч ғам-алам,  
Сизга шараф-шон, дада!  
Меҳрингизга йўғрилиб  
Камол топдим, яйрадим.  
Кундан кунга улғайиб,  
Булбул бўлиб сайрадим.  
Сўзларингиз ҳикматдор,  
Ўғитингиз — жонфизо.  
Икки дунём роҳатдор,  
Сизни қилолсам ризо.  
Фарзандини сизлаган  
Ўзингиз-ку, отажон.  
Мен дунёдан излаган  
Нажот Сиз-ку, отажон.  
Ғафлат босди ўша кун  
Сизни бевақт йўқотдим.  
Қалбим бўлди мисли тун  
Қайғу-аламга ботдим.  
Ой ботса чиқар қуёш,  
От ўрнини босар той.  
Омон бўлса агар бош,  
Дўппи топар ҳойнаҳой.



Аммоки ота кетса  
Қалқиб кетаркан осмон.  
Отага ажал етса  
Хазон бўларкан инсон.  
Ўн болани бир ота,  
Боқар дерлар кам-кўстсиз.  
Бир отани ўн ўғлон  
Боқолмас нега дўстсиз.  
Адо бўлдим, отажон,  
Тақдир Сиздан айирди.  
Маконим эди осмон,  
Қанотимни қайирди.  
Ота, айтинг, найлайин,  
Қай харсангга урай бош?  
Ўзни қурбон айлайин,  
Қолмади сабру бардош!  
Садо келди ғойибдан:  
— «Йўқ, ўзингни қўлга ол...  
Билсанг, сенинг отангман,  
Ўгитимга қулоқ сол:  
Фарзандларинг ўзинг ҳам,  
Бошларига етмагин.  
Эзмасин қалбларин ғам,  
Сира ташлаб кетмагин.  
Мен аларнинг шод-хандон,  
Юрганларин кўрайин.  
Рух бўлсам-да ҳар замон,  
Иқболларин сўрайин!»  
Ўгитингиз, отажон,  
Юрагимга жойланди.  
Кетай деган ширин жон,  
Қайтиб танга жойланди.  
Бироқ, ота, сўзингиз  
Юрак-бағрим тиглади.  
Гувоҳдирсиз ўзингиз  
Бор вужудим йиғлади.

Бу дунёда фарзанд-чун  
Яшаб ўтган, отажон.  
Боқийда ҳам Сиз нечун  
Фарзанд деб чеқдингиз жон?  
Ахир нечун кетдингиз?  
Савол қолди бежавоб.  
Ё мақсадга етдингиз,  
Эй мисоли офтоб.  
Пандингизни, отажон,  
Юрагимга жойлайман.  
Бўлиб энг яхши посбон,  
Фарзанд бахтин пойлайман.  
Худо берган умримни,  
Яшаб, ошим ошайман.  
Ўйламайман ўзимни,  
Фарзандим деб яшайман.

### **ДАДАЖОН**

Хажрингиздан дилим тўла ғам,  
Сиз қолдирган боғларни кездим.  
Соғинч ели елдирди алам,  
Қадрингизни, дадажон, сездим.

Яхшилардан, дерлар, боғ қолур,  
Боғларингиз сўлимдан сўлим.  
Боғлар Сизни ёдимга солур,  
Хайҳот, бизни ажратди ўлим.

Изларингиз суртиб кўзимга,  
Бўйларингиз ҳидлайман гулдан.  
Келолмайман ҳаргиз ўзимга,  
Наҳот Сизни чиқардим қўлдан?!

Меваларга эмас, дадажон,  
Гўё Сизга қўлим чўзаман.  
Чиқмоқ бўлар танамдаги жон,  
Нола бўлиб буткул тўзаман.

Дадажоним, юрак-бағрим хун,  
Менга боғмас, доғ қолдирдингиз.  
Ўз этимни қовурмоқ учун  
Ботмон-ботмон ёғ қолдирдингиз.

Боғ яратган кўлингиз — зиё,  
Бўлмасмиди мевалар терса?  
Камиб қолмас эди-ку дунё,  
Сизга чинор умрини берса.

Кўлингиз-ла дамлаган ошни,  
Дада, нега ошамадингиз?  
Қайга урай бу ғариб бошни,  
Ёшингизни яшамадингиз.

Дуо ўқиб пок руҳингизга,  
Боғингиздан мева тераман.  
Олиб бориб набирангизга,  
«Бу, бобонгдан»,— дея бераман.

Мевалардан шодон фарзандим,  
— Бобом қани, — деб сўрса нетай?  
— Зурриёдим, асалим, қандим,  
Ўртамагин, садағанг кетай.

Бобожонинг ҳамон боғида,  
Сенга мева териб юрибди.  
Қадрдони — ўз чорбоғида,  
Яйраб яшнаб, яшаб юрибди.

## **УМР ПОЁНИДА**

(Раҳматли дадам Калонхон Мухторхон ўғлининг ўлим олди-  
дан дўстларига қилган илтижолари)

Умр поёнига етиб бормоқда,  
Жаранги сўнмоқда овозимнинг ҳам.  
Тиним билмас дил ҳам энди ҳормоқда,  
Тугаб бормоқдадир умрда кўклам.

Хиралашиб кетган кўзлар чироғи,  
Кўлу оёқнинг ҳам мадори курур.  
Хазонрез фаслида кўнгилнинг боғи,  
Ажалнинг сояси кўриниб турур.

Фоний дунё аста топар ниҳоя,  
Боқий олам эшик қоқиб турибди.  
Ўлим ҳужумига йўқдир ҳимоя,  
Жон деган шўрликнинг шўри қурибди.

Ҳузур- ҳаловат ҳам роҳат -фароғат,  
Жоннинг қучоғида дейди алвидо.  
Танани эзғилар даҳшатли офат,  
Рухим парвоз истаб, этар илтижо.

Жисм кириб кетар замин қаърига,  
Қолур фақат қутлуғ босилган излар.  
Ўлим нуқта кўяр бари-барига,  
Ёронлар, қандай из қолдирдингизлар?

## **ОНА ИЛТИЖОСИ**

(Раҳматли волидаи муҳтарамам Хожархон ая Аълохон қизининг укам Комилхоннинг бешигини тебрата туриб айтганлари)

Дард кўрмагин болам, соғ бўлгин болам,  
Ғам кўрмагин, вақти чоғ бўлгин болам.  
Чўл бўлма, мевали боғ бўлгин болам,  
Ортимда қол, болам, доғинг кўрмайин.

Оқ сутимни бериб бошинг силайман,  
Яратган Эгамдан толе тилайман.  
Не истасанг, айтгил, шуни қилай ман,  
Ортимда қол, болам, доғинг кўрмайин.

Аллалар айтурман, наволи бўл деб,  
Меҳру мурувватли, сафоли бўл деб.  
Соғ кўнгил, пок ният, вафоли бўл деб,  
Ортимда қол, болам, доғинг кўрмайин.

Кел, қайноқ бағримга, кучоқ керайин,  
Сен учун боғлардан чечак терайин.  
Хоҳласанг ойни ҳам олиб берайин,  
Ортимда қол, болам, доғинг кўрмайин.

Улғайгин, таниб ол яхши-ёмонни,  
Бахтли бўл, қучиб юр шараф ва шонни.  
Ва лекин сотмагин ҳеч вақт имонни,  
Ортимда қол, болам, доғинг кўрмайин.

## **ОНАЖОН**

Сиздан жудо бўлиб қаддим букилди,  
Дилим чок-чокидан буткул сўкилди.  
Кўзимдан ёш эмас, қонлар тўкилди,  
Тушларимга кириб тулинг, онажон.

Сизсиз бу дунёни рўё дейинми,  
Ғуссалар ейинми ё ғам ейинми.  
Боқийга онадан фарзанд кейинми,  
Тушларимга кириб тулинг, онажон.

Ғафлатда қолдим-ку, сизни йўқотдим,  
Эс-хушдан айрилдим, ҳайкалдек қотдим.  
Аламлар оламин лойига ботдим,  
Тушларимга кириб тулинг, онажон.

Онасиз етимни, дерлар, тул етим,  
Маргингиз эсласам сесканар этим.  
Сомонга ўхшайди сарғайган бетим,  
Тушларимга кириб тулинг, онажон.

Она — мўътабар зот, ул бебаҳодир,  
Садоқат, ҳидоят, имон, вафодир.  
Оёғин остига беҳишт ҳам жодир,  
Тушларимга кириб тулинг, онажон.

Тушда пойингизга бош қўйдим, нетай,  
Чой қўйиб бир коса ош қўйдим, нетай.

Бугун қабрингизга тош қўйдим, нетай,  
Тушларимга кириб тулинг, онажон.

## **УМР СЎРА, ЎЛИМ СЎРАМА**

(онамнинг насиҳатлари)

Ўлим надоматдир, ҳаёт шараф-шон,  
Ўлим сўрамагин, умрни сўра.  
Шундоқ ҳам омонат танадаги жон,  
Оламда даҳшат йўқ ўлимдан кўра.

Бировларга ўлим тиламоқ абас,  
Боқий ҳаёт учун жон мудом маҳтал.  
Ҳатто душманингга ўлим сўрма, бас,  
Ўзинг учун умр тила ҳар нафас.

Ўлимдан имонли одам қувонмас,  
Ўлим қайғу эрур, ўлим — ғам, алам.  
Бахтлисан гар олиб турибсан нафас,  
Ўлимни тилингга олма, эй болам.

## **АКАЖОНИМ**

(Суюкли акам Сайдахмадхонга)

Менинг суянганим, ишонган тоғим,  
Кўнглимни мунаввар этган чароғим.  
Иззатим, ҳурматим, қароғ, фароғим,  
Сизга таъзимдаман, жон акажоним.

Отамнинг ўрнига чин ота бўлиб,  
Паноҳим бўлдингиз зиёга тўлиб.  
Сизсиз унолмасдим, қолардим сўлиб,  
Сизга таъзимдаман, жон акажоним.

Энг оғир дамларда бериб маслаҳат,  
Қошимга келдингиз, топдингиз фурсат.

Дуолар қилдингиз юргин деб сихат,  
Сизга таъзимдаман, жон акажоним.

Хидоят нелигин Сиз ўргатдингиз,  
Адашсам оқ ойдин йўл кўрсатдингиз.  
Булбулдек хушовоз куй куйлатдингиз,  
Сизга таъзимдаман, жон акажоним.

Бир умр бўлдингиз ишончли посбон,  
Бўлдингиз қадрдон, солиҳ, жонажон.  
Таърифингиз этсам арзир минг достон,  
Сизга таъзимдаман, жон акажоним.

### **ФАРЗАНДЛАРИМ**

Фарзандларим кўзим нури, гурурим,  
Хаётим мазмуни, покиза боли.  
Шуларнинг тақдири онгу шуурим,  
Менинг тақдиримда уларнинг ҳоли.

Фарзандларим умрим давоми эрур,  
Шулар эрур шоним, ёруғ жаҳоним.  
Шулар борки, умрим ўтар боҳузур,  
Шулар борки, ўтар файзли ҳар оним.

Ҳар бирин ўз ўйи, ўз хаёли бор,  
Ҳар бири мўъжизий қутлуғ бир олам.  
Шулар билан умрим ўтар бахтиёр,  
Турмушим қиёси мисоли кўклам.

Бахтимга бир умр саломат бўлсин,  
Яйраб яшнайверсин, қучсин камолот.  
Илоҳим диллари зиёга тўлсин,  
Насиблари бўлсин фаровон ҳаёт.

Берган тузим оқлаб, қозониб шуҳрат,  
Муҳтарам улуснинг дуосин олсин.  
Паноҳига олсин илоҳий қудрат,  
Доғларин кўрмайин, ортимда қолсин.

## **ФАРЗАНД ДЕБ**

Фарзандинг корига ярасанг яхши,  
Суйиб кўзларига қарасанг яхши,  
Сийпаб сочларини тарасанг яхши,  
Алар сенга шараф, алар сенга шон.

Меҳр кўрсатмоқни бурчим деб билгин,  
Кам-кўстсиз этишга доим интилгин,  
Ўзлигинг бир умр содиқ қул қилгин,  
Алар билан, ахир, ёруғ кенг жаҳон.

Аларга борлигинг эт мушкулкушод,  
Уй-жойли айлаю, кўнглини қил шод,  
Рўзғори бут бўлсин, турмуши обод,  
Алар сенга ҳаёт, алар — хонумон.

Алар кўз бўлсалар, қош бўлиб тургин,  
Тўй қилсалар албат бош бўлиб тургин,  
Хизматда йигитдек ёш бўлиб тургин,  
Мудом кулиб боқсин аларга замон.

Фарзанд деб яшайвер, доим олға бос,  
Муносабат бўлсин оталарга хос.  
Бир кун кетажаксан қолдиргин мерос,  
Алар муҳтож бўлиб чекмасин фиғон.

Дунёда тирноққа зор бўлганлар бор,  
Кўзига кенг жаҳон тор бўлганлар бор.  
Ғуссадан сочлари қор бўлганлар бор,  
Шукр қил, қолибдир сендан ном-нишон.

## **ТИЛАК**

(Ўғлим Равшанхонга)

Сенга тилакларим оламжаҳондир,  
Агар қад ростласа қадди осмондир.



Энг юксак шарафдир, энг юксак шондир,  
Дунё тургунича тургин, эй болам.

Бир умр бўлмасин ҳеч каму кўстинг,  
Жонингдан ўргилсин улфатинг, дўстинг.  
Комил инсон бўлиб бағримда ўсдинг,  
Ибратли оила қургин, эй болам.

Олгину олдирма, бадавлат, бой бўл,  
Саховат бобида Хотамитой бўл.  
Кундузи қўёш бўл, тунлари ой бўл,  
Юзингдан нур сочиб тургин, эй болам.

Муҳаббат туйғусин туйсин юрагинг,  
Оламга ёйилсин доврўғ, дарагинг,  
Қутлуғ юртимизга бўлсин керагинг,  
Машхурлик гаштини сургин, эй болам.

Азиз бўл, лазиз бўл, бўлгин муҳтарам,  
Меҳр кўр, ҳурмат кўр, кўравер карам,  
Улуснинг олқиши бўлсин минг фарам,  
Давр суриб, қандингни ургин, эй болам.

## **ИҚБОЛЛАРИНГ БОР**

(Қизим Зилолахонга)

Қизим, кулиб турган иқболларинг бор,  
Ўн тўрт кунлик ойдек ҳилолларинг бор.  
Бас комил экансан, камолларинг бор,  
Келажагинг нурларга тўлиб кетади.

Ҳаётинг мунаввар баҳорга ўхшар,  
Дилингнинг поклиги наҳорга ўхшар.  
Эл ишқи қалбингда шарорга ўхшар,  
Бўлмаган ишларинг бўлиб кетади.

Кундан кунга ортсин шаънингда шонлар,  
Минг бора фидодир сен учун жонлар.  
Ёнингда гужгондир дугонажонлар,  
Бундан-да толеинг кулиб кетади.

Турмушинг фаровон, ҳаётинг бўстон,  
Юрт учун яратгин юзлаб гулистон.  
Шоирлар мадҳингни айласин дoston,  
Довруғинг оламга тўлиб кетади.

Дунёда, қизгинам , қолдир яхши ном,  
Беҳуда ўтмасин омонат бу жон.  
Қур, ярат, бунёд эт борича имкон,  
Шунда отанг кўнгли тўлиб кетади.

## **ОНА ҚИЗИМ**

(Кенжа қизим Муаттархонга)

Она қизим, кел, сени бир эркалайин,  
Майин-майин сочларингни бир силайин,  
Силаб-силаб, узоқ умр, бахт тилайин,  
Она қизим, кел, сени бир эркалайин.

Эркаласам эркаланиб туравергин,  
Яйраб-яйраб, ўйнаб-ўйнаб журавергин.  
Ҳаётнинг кенг завқу шавқин суравергин,  
Она қизим, кел, сени бир эркалайин.

Ҳаёт тонги ёшидасан, мўъжизасан,  
Тонг каби соф, покизасан, бокирасан.  
Ҳали ҳаёт гулларини кўп терасан,  
Она қизим, кел, сени бир эркалайин.

Шунчалар ҳам ширинсанки, қизим, ё раб,  
Сочларингни қўяйинми ўзим тараб?  
Болалигим эсга олдим сенга қараб,  
Она қизим, кел, сени бир эркалайин.

Хаёт сени менинг каби эркаласин,  
Менинг каби сенга шараф, шон тиласин.  
Омадинг ҳам, толеинг ҳам ёрлақасин,  
Она қизим, кел, сени бир эркалайин.

## **КЕКСАЛИК ФАСЛИ**

Умр баҳор, ёзи ўтиб, куз фасли келди,  
Бошдаги қировдан кўзларда шудринг.  
Танни жунжиктириб изғирин елди,  
Қочиб ер остига келар беркингинг.

Файзсиз хазонрезлик фасли эрур бу,  
Олдинда қаҳратон қиш қайрар қилич.  
Дилни қон қақшатган бепоён қайғу,  
Ўртаб адо қилур бир кун барибир.

На илож, барига кўникмоқ керак,  
Хаётнинг қонуни азалдан шундай.  
Бардам бўл, ўзингни қўлга ол, юрак,  
Атрофга зиё соч сўнгни учқундай.

## **НЕГА ТАШЛАБ КЕТДИНГ, МЕНИ ЁШЛИГИМ?**

(Юз ёшдан ошган бир мўйсафиднинг ҳасратлари)

Бошимда сочимни қордай оқ қилиб,  
Ўю, хаёлимни тумтароқ қилиб,  
Кўзларим ёшини минг булоқ қилиб,  
Нега ташлаб кетдинг мени, ёшлигим?

Қалбимдан энг ширин туйғулар қочди,  
Лабимдан қаҳ-қаҳа, кулгулар қочди,  
Тунлари кўзимдан уйқулар қочди,  
Нега ташлаб кетдинг мени, ёшлигим?

Ишқ ўти ўртаган у дамлар қани,  
Теграмда парвона санамлар қани,

Аламлар ўртайди, карамлар қани,  
Нега ташлаб кетдинг мени, ёшлигим?

Кўзларим нурини олиб кетдинг сен,  
Қалбимнинг қўрини олиб кетдинг сен,  
Мени не қуйларга солиб кетдинг сен,  
Нега ташлаб кетдинг мени, ёшлигим?

Шамшоддек қаддимни букир айлабон,  
Ширмондек юзларим чўтир айлабон,  
Аъзои баданим қўтир айлабон,  
Нега ташлаб кетдинг мени, ёшлигим?

Юракда ғайрат кўп, қувват йўқ, бироқ  
Орзулар сўнгандир, оёқ-қўл титроқ,  
Сўзлашга тил ожиз, эшитмас қўлоқ,  
Нега ташлаб кетдинг мени, ёшлигим?

Наҳот шундай бўлур ҳаётнинг асли,  
Шу куйга тушарми инсонлар насли,  
Умр ёзи ўтиб, келди қиш фасли,  
Нега ташлаб кетдинг мени, ёшлигим?

## **ЁРОНЛАР**

Билмам, қачон ажалим кучар,  
Жон танамдан қай тарзда кўчар,  
Руҳи поким самога учар,  
Айтинг, мен не этай, ёронлар?

Вафо қилмас бевафо олам,  
Кўз ёшларин тўкар тўрт болам.  
Кўкка ўрлар фиғону нолам,  
Боқий сари кетай, ёронлар.

Ер остига жо бўлур танам,  
Тор бир қабр бўладир хонам.  
Кўз ёшларин тўкса-да санам,  
Овутолмам, нетай, ёронлар?

Қалбим менинг зиёга тўлсин,  
Фаришталар парвона бўлсин.  
Беҳишт аро иқболим кулсин,  
Ниятимга етай, ёронлар.

Асли ҳечдир сароб бу дунё,  
Ҳою-ҳавас барчаси рўё.  
Имонимни сақла Худоё  
Деб дуолар битай, ёронлар.

## **МАККАГА ҲАЖ ҚИЛОЛСАМ АГАР**

Маккага ҳаж қилолсам агар,  
Расулига дуо ўқийман.  
Сано айтиб тонгдан шаб қадар,  
Оллоҳим деб шеърлар ўқийман.

Шайтонга тош отганим маҳал,  
Ўзимни хуш, енгил сезаман.  
Ҳаёт таъми бўлади асал,  
Хаёлимда беҳишт кезаман.

Ибодатда сажда қилган чоғ,  
Мурувватга тўлади дилим.  
Муҳаббатга очаман кучоқ,  
Нурга тўлиб кетар манзилим.

Кўзларимдан меҳр оқади,  
Юрагимдан чиқади эҳсон.  
Севгим менга кулиб боқади,  
Яйраб кетар танамдаги жон.

Ёрқин ёғду кўради кўзим,  
Эзгу ҳислар қилар тантана.  
Қўйгани жой тополмам ўзим,  
Ибодатга шўнғийман яна.

Кўз олдимда ҳақиқий ҳаёт,  
Кучга тўлиб кетар билагим.  
Аллоҳимдан сўрайман нажот,  
Улуғланиб кетар тилагим.

Маккага ҳаж қилолсам агар,  
Расулига дуо ўқийман.  
Сано айтиб тонгдан шаб қадар,  
Аллоҳим деб шеърлар ўқийман.

## **ҲАЗАЛЛАР**

### **ЗОР АЙЛАМА**

Эй Худо, эл меҳрига ҳаргиз мени зор айлама,  
Меҳри йўқ худбинга муҳтожлар этиб, хор айлама.

Ким меҳр кўрсатса топгай ул ўзи ҳам эътибор,  
Мен меҳр кўргуздим, асло ҳолим афғор айлама.,

Ғар ширин жоним керак бўлса этарман армуғон,  
Ҳеч қачон тухмат балосига гирифтор айлама.

Қўллагин ҳар дам, хидоят йўлидан четлатмагин,  
Тавқи лаънат тошини шаънимга зуннор айлама.

Ҳимматимдир меҳнатим, ишқим-садоқат ҳосили,  
Юртфуруш, хоин, касофатларга ҳамкор айлама.

Қалби пок, мақсадлари олижанобни қўллагин,  
Кек, гина-кудрат, ҳасад аҳлини лек бор айлама.

Ҳар киши севган нигори бирла қучсин бахтини,  
Бевафо, шилқим, зинокор толеин ёр айлама.

Эй Калоний, яхшилар мадҳини ёз-бўлгай савоб,  
Лекигин ҳаргиз ёмон аҳлига ашъор айлама.

## ФИДО БЎЛСИН

Ёронлар, хизматингиздан ҳамиша эл ризо бўлсин,  
Изингиздан униб гуллар, диёрим дилрабо бўлсин.

Киши дунёга келгандан кейин эзгу юмуш қилсин,  
Хидоят йўлидан тоймай, мудом меҳри бажо бўлсин.

Дилингизга муҳаббат бахш этиб турсин чиройини,  
Вафо бирлан садоқат ҳам ҳамиша ошино бўлсин.

Юринг илдам, бўлинг бардам камолот чўққисин излаб,  
Ўгил-қизлар ўқиб, мулло бўлиб, ақли расо бўлсин.

Сафингизга фазилат бахш этиб турсин қадрдонлар,  
Бири содиқ ини бўлса, бири содиқ оғо бўлсин.

Ширин суҳбатларингиз яйратиб турсин кўнгилларни,  
Ўзингиздан таралгучи шифобахш пурзиё бўлсин.

Бугун эзгу ният қилди Калоний, эй азиз дўстлар,  
Анинг ижроси-чун доим ширин жоним фидо бўлсин.

## АСЛИН БИЛМАСАНГ

Эй гўзал деб берма дил зинҳор, аслин билмасанг,  
Этмагил ҳеч унга ишқ изҳор, аслин билмасанг.

Бир умр армон билан ўтса ҳаётинг тонг эмас,  
Кўз қисиб, қош қоққан ул маккор аслин билмасанг.

Гар вафоси бўлмаса ул ёр эмас-ағёрдир,  
Ўтмагай ҳаргиз ширин рўзғор, аслин билмасанг.

Шарм-ҳаёси бўлмаса жоду кўзига боқма ҳеч,  
Айлагай сеҳри билан абгор, аслин билмасанг.

Шошмагил қилсанг харид қимматбаҳо дурдона ҳам,  
Сотсалар гавҳар бу деб, бекор аслин билмасанг.

Бу умр савдосида янглишма, эй кўнглим менинг,  
Кўз ёшинг бўлгай оқиб анҳор, аслин билмасанг.

Эй Калоний, сиртига боқма, унинг қалбига боқ,  
Этмагил ҳаргиз севиб дилдор, аслин билмасанг.

## **АЙЛАМА**

Ким чаёнлик қилса, анга сен илонлик айлама,  
Феъли кенг бўл, ҳеч ёмонликка ёмонлик айлама.

Дўстларинг бошига кулфат тушса гар ҳамдард бўл,  
Йиғласа йиғла ва лекин шодмонлик айлама.

Сен ўзингни эр десанг гар, ўзгаларни шер дегин,  
Кудратингга эрк бериб кенг, нотавонлик айлама.

Ким ҳидоят аҳли бўлса жонфизо бўл, жонфизо,  
Элфуруш сотқинга, аммо жонажонлик айлама.

Ҳар кишига жон ато қилган, Эгам жонин олур,  
Қасд этиб жонига, пок дастингни қонлик айлама.

Баҳра олсин юз-кўзингдан аҳли имонлар кўриб,  
Гул бўлиб, хуш бўй таратгин, лек тиконлик айлама.

Эй Калоний, дилдаги боринг қаламга ол, бироқ  
Сохта сўз айтиб кўйиб, ёлғонзабонлик айлама.

## **ҚОЛМАСИН**

Эй ёронлар, одамизод ҳеч тилидан қолмасин,  
Пойидан ё дастидан, ёким белидан қолмасин.

Мункайиб кетганда ҳам қалби сира қартаймасин,  
Қолса қолсин ҳарнадан, лекин дилидан қолмасин.



Кўз сузиб турган санамлар ёнига талпинмайин,  
Бир умр севган нигори қалбидан қолмасин.

Бу жаҳонда хору зорлик домига тортмай унинг,  
Умрининг эккан дарахтин ҳосилидан қолмасин.

Бўлмайин муҳтож деса юртин ҳовуч тупроғига,  
Айрилиб ҳаргиз туғилган манзилидан қолмасин.

Эл билан ҳамдам бўлишлиқдан зиёд бахт бўлмагай,  
Эй Калоний, ҳеч киши шонли элидан қолмасин.

## **ҒАНИМАТ**

Ўткинчи умр ўтгуси, ҳар они ғанимат,  
Инсонга омонат танида жони ғанимат.

Жон кетса кетар зумда қутулгуси одамзот,  
Даҳшатли шуки, жонига жонони ғанимат.

Ўрнин бўшатур ёзу баҳор куз ила қишга,  
Булбулга жаҳон боғида бўстони ғанимат.

Тўсгуси қуёш рўйини ҳам абри қаролар,  
Бу турфа жаҳон хуршиди тобони ғанимат.

Давр келса, азизим, ани сен гаштини сургин,  
Фонийнинг, ахир, давр ила даврони ғанимат.

Кўзингга ёшинг келса тўкиб, дилни бўшатгил,  
Кўк гумбазининг вақтида борони ғанимат.

Жон кетса қолиб кетгусидир мулку бисот ҳам,  
Эл-юртга қилиб қўйгани эҳсони ғанимат.

Ҳар бир кишининг касби азиз бўлса, Калоний,  
Шоир элига шеър ила достони ғанимат.

## БОУМИД БЎЛ

Омадинг гоҳ чопмаса умринг хароб бўлмайди-ку,  
Толе ҳам ноз айлагай, бирдай нукул кулмайди-ку.

Мусибат тушса агар, бўлдим адо деб ўйлама,  
Кўкка боқ, осмонга ҳам ҳар дам булут тўлмайди-ку.

Бу ҳаётда гоҳи худсан, гоҳи бехудсан, чида,  
Оғриган бирлан ахир ҳар бир одам ўлмайди-ку.

Гар яшаш бўлса ният қалбингга севги жойлагин,  
Барча гуллар сўлса ҳам ишқнинг гули сўлмайди-ку.

Боумид бўл, бўлма тушкун, ноумид иблис, Калон,  
Тақдирингда борини ағёр тутиб юлмайди-ку.

## ИШҚИ ЙЎҚ ИМОНСИЗ

Ёрнинг жабри экан поёнсиз,  
Эзди бағримни мени армонсиз.

Тинмайин жабру жафосин тортаман,  
Ўтмагай ҳеч бир куним афғонсиз.

Кўп ситамлар этса ҳам, зулм этса ҳам  
Майли, умрим ўтса бас ҳижронсиз.

Ул мени девона деб камситса ҳам,  
Мен севиб дейман уни «жононсиз».

Иккимиз гул бирла булбул мислимиз,  
Қай яшар булбул, ахир, бўстонсиз.

Рашкида куйса дилим ҳеч тонг эмас,  
Бўлмагай ҳаргиз уруш қурбонсиз.

Ўйгласам айб айламанг, гўдакка ҳам  
Бермагай сут модари гирёнсиз.

Минг жафолар этса ҳам ёр яхшидир,  
Эй Калоний, ишқи йўқ имонсиз.

## **ҲИММАТГА ЎХШАЙДИ**

Бу дунё қанчалар зебо эрур, жаннатга ўхшайди,  
Ани кўз бирла кўрмоқнинг ўзи роҳатга ўхшайди.

Жаҳонга ишқ кўзидан боқса толеин топар одам,  
Ҳамиша яхши ният айламоқ ҳикматга ўхшайди.

Ҳаёт гаштин суриб, эзгу юмушлар дастидан тутгил,  
Умр Аллоҳ бериб қўйган қулай фурсатга ўхшайди.

Қаҳр душман эрур қаттол, меҳрни дўст тутинг, дўстлар,  
Меҳр бирла боқар бўлсак нуқул иззатга ўхшайди.

Садоқат, оқибат кўнгилга малҳамдир, дариғ тутманг,  
Вафосизлик, ҳаёсизлик-бало, офатга ўхшайди.

Яшаш завқини туймоқ-чун керак доим ҳалол меҳнат,  
Бу юрт неъматларин олмоқ учун руҳсатга ўхшайди.

Жаҳонга, бас, келибдурсан элингга айла эҳсонлар,  
Калон, зебо ғазал ёзсанг бу ҳам ҳимматга ўхшайди.

## **ЎШАНДАНДИР**

Киши нени ният қилса, ижобат ҳам ўшандандир,  
Бўлур ижроси ҳар доим, инобат ҳам ўшандандир.

Агар қалби мусаффо, бўлса ёринг диёнатли,  
Бутун неклик ўшандандир, ҳидоят ҳам ўшандандир.

Кўзин шахлосида шарму ҳаёси мавж уриб турса,  
Назокат ҳам, нафосат ҳам, латофат ҳам ўшандандир.

Саҳоватли, ҳамиша аҳдига содиқ нигор бўлса,  
Ҳақиқий соф муҳаббат ҳам, садоқат ҳам ўшандандир.

Олов қалбида қатъият ҳукмрон, оқилин топгин,  
Билиб қўйким, матонат ҳам, жасорат ҳам ўшандандир.

Калоний, худбину сирти силлиққа махлиё бўлма,  
Қабоҳат ҳам, разолат ҳам, надомат ҳам ўшандандир.

## **БЎЛМАСИН**

Эй кўнгил, оламда ҳаргиз элда хорлик бўлмасин,  
Янграсин шодлик ва лекин оҳу зорлик бўлмасин.

Барқарор бўлсин фаровонлик, омонлик муттасил,  
Ҳамма куч-қудратга тўлсин, бемадорлик бўлмасин.

Кулсин омад, бахт қуши инсонни ҳеч тарк этмасин,  
Ҳар юмуш келсин барордан, бебарорлик бўлмасин.

Доимо осмон чароғон, хуш ҳаво бўлсин жаҳон,  
Дил уйи покиза бўлсин, гард, губорлик бўлмасин.

Дейдилар бекорчидан безор эрур ҳатто Эгам,  
Барча корлик бўлсину ҳеч бир бекорлик бўлмасин.

Борига қилсин қаноат, ношукурликдир куфр,  
Тўймагай кўз бу жаҳонда, нафси ғорлик бўлмасин.

Яхши хислатдир ҳамиша феъли кенглик, эй Калон,  
Ҳовлилар тор бўлса бўлсин, кўнгли торлик бўлмасин.

## **МОТАМЛАНМАСИН**

Бу жаҳонда бут бўлиб юрсин киши, камланмасин,  
Айласин шодлик насиб, кўнгли сира ғамланмасин.

Лабларида барқ уриб турсин табассум доимо,  
Кўзидан ёшлар оқиб, киприклари намланмасин.

Қўл чўзар бўлса агар етсин фалакка муттасил,  
Қомати шамшод бўлиб турсин, боши хамланмасин.

Бахту омад тахланиб кетсин гўзал тақдирига,  
Кулфату қайғу, аламлар қалбига жамланмасин.

Дўстларин кўзига ёруғ юз билан боқсин, бироқ  
Ҳеч қачон доно улус олдида мулзамланмасин.

Асрасин ҳар дам Эгам ноошинолар жабридан,  
Бемаҳал қон йиғлатиб, ағёри хуррамланмасин.

Дейдилар ушбу жаҳонда камтаринларга камол,  
Этмасин манманлик асло, элга тамтамланмасин.

Эй Калоний, яхши кас ошин, ёмон бошин егай,  
Яхшилар бор бўлсину пок кўнгли мотамланмасин.

## **БЎЛМАСИН**

Майли, ўлдиргин висолинг бирла ҳижрон бўлмасин,  
Бўлса гар ҳижрон мабодо, жисм аро жон бўлмасин.

Мен ўлай васлинг кучоғида фақат бахтим қучиб,  
Ҳажр дардин чеккали умримда бир он бўлмасин.

Нўш этиб васлинг шаробидан бўлай масту аласт,  
Токи ҳажринг нелигин англашга имкон бўлмасин.

Шавқи васлингдан мунавварлик насиб этсин, бироқ  
Дарди ҳажрингдан ҳаётимда шабистон бўлмасин.

Ваъда бер, васлинг хиёбонин этай мангу макон,  
То ғариб кўнглим ҳажр даштида вайрон бўлмасин.

Гул висолинг гар ҳаёт, ҳажринг мамот эркан, гулим,  
Айла шафқатким, Калон, ҳажрингда қурбон бўлмасин.

## **СОЗ СЎЗЛАГИН**

Гар эсанг оқил киши, оз сўзлагин,  
Оз, бироқ ҳар доимо соз сўзлагин.

Сўз олурда шошмагин ҳаддан ошиб,  
Илтимослар қилсалар боз сўзлагин.

Сухбатингга бўлса гар муштоқ элинг,  
Зикна бўлмай, этмайин ноз, сўзлагин.

Кўчасига кирма манманликни, лек  
Қадди- қоматни тутиб ғоз, сўзлагин.

Кўпчиликка ёқмаган гапни дема,  
Ҳамнафас, ҳамкор бўлиб роз сўзлагин.

Ўзгалар қалбини ҳеч қиш айлама,  
Бўлса ҳам қиш, сен этиб ёз, сўзлагин.

Эй Калоний, қанча кўп гапдон эсанг,  
Шунчалик озу, бироқ соз сўзлагин.

## **БЎЛМАНГИЗ**

Дўстлар, гийбат элига лаҳза ҳамдам бўлмангиз,  
Лаҳза ҳамдамлик қилиб, мангуга пурғам бўлмангиз.

Дуч келиб қолган маҳалда анга улфатлик қилиб,  
Эл аро шармандалиқдан хору мулзам бўлмангиз.

Бу жаҳон аҳли учун гийбат мисоли оғудир,  
Оғу ҳам гоҳо шифо деб ошино ҳам бўлмангиз.

Севгининг кўзи басир бўлгай эмиш деб янглишиб,  
Кўз сузиб турганда ҳам хуштору маҳрам бўлмангиз.

Дастидан гийбатчининг чеккан азобим ким десун,  
Домига баста бўлиб расвойи олам бўлмангиз.

Билсангиз гийбат, Калон, келтиргуси кулфат мудом,  
Сиз андан олис юриб, омадда ҳеч кам бўлмангиз.

## **ТУЗУК**

Дўсти нодондан, ёронлар, душмани хушёр тузук,  
Бевафо бўлса агар, дилдордан ағёр тузук.

Мингта ваъда берсаю ижрони таъмин этмаса,  
Бу куруқ минг ваъдалардан берса ёв озор тузук.

Гап гапирсанг, уқмаса, қилсанг насиҳат тингламай,  
Бундайин эссиз одамдан тош тузук, девор тузук.

Қош қарою кўз қаро, зулфи қаро ҳам бўлса соз,  
Лекигин кўнгли қародан тошқўмир минг бор тузук.

Асрамоқ-чун жонни доим жонфизо малҳам керак,  
Заҳри қотил ғунчадан албат шифобахш хор тузук.

Яхши сўзу, яхши дорию шифо ош бермасанг,  
Ўз-ўзидан бўлмагайдир ҳеч қачон бемор тузук.

Эй Калоний, эл аро обрўнг ошар, ёзсанг агар  
Бир-биридан дилрабою беғубор ашъор тузук.

## **ҒАМЛАРДАН ҒАПИРМАНҒЛАР**

Ёронлар, шод бўлиб доим, аламлардан гапирманғлар,  
Бу олам шундоғам ўткинчи, ғамлардан гапирманғлар.

Бу кун омад кулиб, толе қуёши нур сочар тинмай,  
Ғалақдан ғам ёғиб турган у дамлардан гапирманғлар.

Кулиб, яйраб яшаш бахтига ҳар инсон эришсинким,  
Шафоат аҳли бор бўлсин, ситамлардан гапирманғлар.

Сўзи бирла дили бир кимсалар суҳбатга мавзудир,  
Хиёнаткор, раҳмсиз бекарамлардан гапирманғлар.

Фаровон бўлсину халқим, улансин тўйга тўйлар ҳам,  
Вафоси йўқ, садоқатсиз одамлардан гапирманглар.

Калон, мадҳу сано айтсин диёнат аҳлига доим,  
Бу олам шундоғам ўткинчи, ғамлардан гапирманглар.

## КУЙДИРМАСИН

Дўстлар, ҳеч кимсани ҳеч бир одам куйдирмасин,  
Нокасу худбин, ғаразли муттаҳам куйдирмасин.

Бу жаҳон айвонлари шодликка тўлсин муттасил,  
Ногаҳон ташвиш солиб қайғу, алам куйдирмасин.

Меҳридан йўллар қуриб, бир-бирларин қучсин суйиб,  
Қўз ёшин чак-чак тўкиб, гўёки шам куйдирмасин.

Яйрасин ишқ боғида, севсин, севилсин, қувнасин,  
Васлига етсин, бироқ ҳажрида ғам куйдирмасин.

Беғубор орзу билан уйлатса гар ўғлонини,  
Келини куйдирмасин, фарзанди ҳам куйдирмасин.

Бир-бировин мўътабар билсин, кўтарсин бошига,  
Этмасин ҳаргиз азиз бошини ҳам, куйдирмасин.

Асрасин тўхмат балосидан кишини, эй Калон,  
Элсевар шеър аҳлини оташ қалам куйдирмасин.





## МУАЛЛИФЛАР ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР



Бош фарзандлари — Зилолаҳон хонадонида: набиралари Дурдона ва Дилафрузлар билан



Ўртанча қизлари хонадонида: Шоираҳон, куёвлари Муроджон, набиралари Шоҳина ҳамда Муҳаммаджонлар билан



Акалари Саидахмадхон хонадонида. Саидахмадхон ака (ўртада), уларнинг турмуш ўртоқлари Тўхтагон опа ва укалари Комилхон



Ака-укалар



Қаламқаш биродарлар — Муҳаммад Ҳаким ва журналист Эргашжон Шарипов билан устоз Чустий ҳайкали пойида.



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммадшариф Сўфизода ҳайкали пойида.



Синфдош дўстлар — Тохиржон Собиржонов, Муҳаммадхон Зокиров, Каримхон Яҳёев, Шавкатжон Мирзахолов ва Шокиржон Йўлдошевлар билан Чустдаги истироҳат боғида.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
Ота-она сўзи — ақлнинг кўзи.....	5
Мен — Ватан, Ватан — мен.....	7
Сиз ўзбексиз.....	11
Хурлигинг — нурлигинг.....	15
Халқинг — бахтинг, юртинг — тахтинг.....	19
Халқингга ёққан ишни қил.....	22
Эл ишончи — олий саодат.....	24
Эл қарғиши — ўқ.....	26
Олмоқнинг бермоғи бор.....	30
Сотқингга — ўлим.....	33
Она қалби оғринмасин.....	36
Она меҳри.....	40
Она фарзанд учун ягона.....	42
Она қарғиши.....	44
Ота рози — Худо рози.....	47
Тириклигида сийла.....	50
Бу дунё — қайтар дунё.....	53
Қарзингни уз, қарзга бер, сўнг ўзинг егин.....	55
Тўйдан кейин ногора.....	57
Қондошлик — жондошлик.....	60
Кенгга кенг дунё, торга тор... ..	62
Дўстни душман қилма.....	66
Садоқатли дўстдан айрилма.....	68
Дўстга ҳиммат — олий фазилат.....	71
Дўстга садоқат — олий бахт.....	74
Дўстингни имтиҳон қил.....	77
Манманлик — имон кушандаси.....	80
Тушкунлик — умр заволи.....	81
Эртани ўйла, ғамини ема.....	84
Қарғишу сўкинишдан асран!.....	86
Ҳаромдан ҳаром, ҳалолдан ҳалол.....	89
Пораҳўрнинг жойи жаҳаннам.....	92

Мансабпарастилик — иллат.....	96
Дилозордан Худо безор.....	100
Ёлгоннинг умри қисқа.....	102
Саводсизлик — бадавийлик.....	104
Жанжалкашга баҳона кўп.....	107
Хайр-аҳсон — шараф.....	109
Бойнинг ёлгон гапи ҳам тўғри, қашшоқнинг рост гапи ҳам ёлгон.....	112
Эшакнинг кучи ҳалолу, ўзи ҳаромми?.....	116
Касб тақозоси.....	120
Қасд қилган паст бўлур.....	123
Мол-дунё — тириклар учун.....	125
Ғойибдан бахт кутмоқ — афсона.....	127
Нима ният қилсанг шунга етасан.....	130
Овқатга ружу кўйма.....	132
Қасоскор дунё.....	134
Қозонга яқин юрсанг.....	138
Ширин сўз — жон озиғи.....	141
Инсонсан, инсондек яша.....	143
Инсон — ер фарзанди.....	145
Омад ва меҳр — оқибат.....	147
Зулм асоси.....	149
Миннат — иллат.....	151
Яхшилик қилган яхшилик кўради.....	153
Ақл — ҳаёт манбаи.....	156
Очкўзлик — офат.....	158
Ғафлат — даҳшат.....	161
Зинокорнинг жойи жаҳаннам.....	164
Муомала — санъат.....	166
Спорт — жон роҳати.....	169
Ношукурлик — нонкўрлик.....	170
Меҳмон — атои Худо.....	172
Ўзи емас, итга бермас.....	175
Сўзи бутнинг ризқи бут.....	178
Фарзандим — асал-қандим.....	180
Зиқналик ёмон одат.....	183
Кибру ҳаво — жаҳолат.....	185

Яхшиликка йўй.....	186
Бировга чоҳ қазиган, ўзи тушади.....	189
Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди.....	192
Ҳаром мулк суриб кетади.....	194
Кўз басир бўлса ҳам қалб сўқир бўлмасин.....	196
Совға — меҳр нишонаси.....	198
Фаросатли дўст орттирар, фаросатсиз душман.....	200
Садоқат ва хиёнат.....	203
Ёв-ёвдир, унга ишонма.....	205
Фамига шерик бўл, шодлигингни баҳам кўр.....	207
Хунар — зар.....	209
Бугунги жаҳлни эртага қўй.....	211
Ҳаракатда баракат.....	214
Муҳаббат дардининг давоси — висол.....	216
Кўп хотинлилик — азоб.....	220
Барча инсон бир-бирига қариндош.....	223
Аҳмоқнинг мақтагани — донога танқид.....	225
Ёр — умр йўлдоши.....	227
Сулув сулув эмас, суйилган сулув.....	229
Озода ёр — умр фароғи.....	231
Келинчак файзи.....	233
Дунёда энг хунук кўз.....	236
Либос — одам кўрки.....	238
Ақл, салоҳият — ҳимоя воситаси.....	241
Дарахт экишда хосият кўп.....	243
Зукко касга мушкул йўқ.....	245
Яхши суҳбат — дил ороми.....	248
Умр.....	250
Оллоҳга ишонган жиноят қилмайди.....	253
Ўликдан кўркма, тирикдан кўрқ.....	255
Ўткинчи дунё.....	259
Ўлим ҳақ.....	261
Ўтинч (хотима ўрнида).....	264
Шеърлар.....	267
Фазаллар.....	286

*Адабий-бадий нашр*

Мурод Калонхонов,  
Мукамбархон Калонхонова

## **Қ А Д Р И Я Т Н О М А**

ёхуд юз ўғитга юз ривоят  
РИСОЛА

Муҳаррир  
Дизайнер  
Техник муҳаррир  
Саҳифаловчи

*Бахтиёр Каримов*  
*Малика Алиева*  
*Юсуп Сабуров*  
*Шоира Нурова*

Босишга 12.12.2006 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Прагматика гарнитураси.  
Офсет босма. Босма табоғи 19. Нашр тобоғи 19,5  
Адади 1000 нусха. №82 рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

«OFSET-PRINT» босмаҳонаси.  
Тошкент. Учтепа тумани, Чилонзор 22-даҳа.  
Баҳром Иноятов кўчаси, 20 “а” уй.